

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*«Демократик жамият қуриш назарияси, амалиёти ва ҳуқуқ»
кафедраси*

Б.АЛИЕВ, Т.ХОШИМОВ, О.ЮЛДОШЕВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК
ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ
ВА АМАЛИЁТИ**

ДАРСЛИК

Тошкент - 2009

Б.АЛИЕВ, Т.ХОШИМОВ, О.ЮЛДОШЕВ

Ўзбекистонда демократик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти.
Дарслик.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ўқув юртлари талабалари учун “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан ўқув дарслиги сифатида нашрга тавсия этган.

Гуруҳ раҳбари: С.Ҳ.Носирхўжаев – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор.

Такризчилар: политология фанлари доктори, профессор

И.Э.Эргашев,

Тарих фанлари доктори, профессор

К.Норматов.

К И Р И Ш

«Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриши ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир».

Ислоҳ КАРИМОВ

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг ўқитилиши бир томондан мамлакатимизнинг мустақилликка эришишининг самараси билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мустақиллик туфайли Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг устувор йўналишини демократик жамият қуриш билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Демократик жамият қуриш мақсадлари эса кўп қиррали жараён бўлиб, кўпгина муаммоларни ўз ичига олади. Бунда асосан икки муҳим жиҳат: демократик жамият қуришда дунё мамлакатлари эришган ютуқлар, умум эътироф этилган тамойиллар, иккинчидан ҳар бир мамлакат ёки халқнинг ўзига хос, миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олиш бу фанни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақиллик туфайли демократик жамият қуришни асосий мақсад қилиб белгилаб олди. Унинг миллий-маънавий меросимизга, миллий давлатчилик соҳасидаги қадриятларимизга таянган ҳолда «ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади». Ҳамда фуқаролик жамияти қурилиши билан боғлиқ вазифаларни аниқлаб олди. Ўзининг маънавий қадриятларига, меросига таянмаган, уни ҳисобга олиб умумбашарий қадриятлар, тамойиллар билан уйғун қурилмаган жамиятни ҳақиқий демократик жамият деб бўлмайди.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани ҳам, ижтимоий-гуманитар, сиёсий фанларда эътироф этилган фанни ўрганиш объекти, предмети хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уни демократик жамият қуриш қонуниятларини ўрганишга татбиқ этади. Айни пайтда бу фаннинг ўзига хос хусусиятлари, объекти, предмети ва қонуниятлари, тушунчалари борлигини эътироф этади. Мамлакатимизда барпо этилаётган демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти тўғрисида ўқувчиларда муайян билим, кўникмалар ҳосил қилишни назарда тутлади.

Бу фанни ўрганиш жараёнида ўқувчилар Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг назарий асослари, у тўғрисидаги қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан танишиш имкониятига эга бўлсалар, айни пайтда Ўзбекистон жамияти тўғрисида, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини эркинлаштириш, демократиялашиши билан боғлиқ хусусиятлар, йўналишлари ҳамда унга эришиш механизмлари тўғрисидаги яхлит тасаввурга ҳам эга бўладилар. Бу - Ўзбекистоннинг тутган йўли, мақсад ва йўналишларини билишга ҳамда бошқа давлатлар, мамлакатлардан фарқли жиҳатларини кўришга имконият беради.

Ўзбекистон тўғрисида, Ўзбекистонда кечаётган демократик жамият билан боғлиқ бир томонлама илмий асосга ва холисликка таянмаган айрим қарашларни чекланганлигини билиб олишларида ҳам ёрдам беради.

Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши билан боғлиқ ўзгаришларга, ютуқ ва муаммоларга, фақат унинг ўзига хос хусусиятларини эътироф этган ҳолдагина тўғри баҳо бериш мумкин. Бунга ҳеч қачон бошқа бир мамлакат, у ердаги демократияга ёндашувдан келиб чиқиб, тўғри баҳо бериб бўлмайди. Бундай ёндашув холис эмас. Чунки, демократик жамиятни бирон-бир мамлакатга қиёсан ягона андоза асосида қуриб ёки бошқа халқларга уни кўчириб ўрнатиб бўлмайди. Демократик жамият қурилиши ўзининг хилма-хил миллий меросларига эга бўлади. Ҳар бир халқ демократияни ўзининг миллий-маданий мероси, сиёсий менталитети, феъл-атвори, қадриятлари орқали кўради ҳамда демократиянинг умумбашарий маъно ва мазмунини бойитишга ҳисса қўшади.

Бу билан боғлиқ қонуниятларни ҳисобга олиш, уни ўрганиш Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини пухта эгаллашга ёрдам беради.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўқитиш бўйича дастлабки тажрибалар тўпланмоқда. Бу тўғрида фаннинг тузилиши, предмети ва объекти тўғрисида ҳам тасаввурларимиз тобора ойдинлашиб бормоқда. У доимо бойиб ва тўлдирилиб бориши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тузилган намунавий дастур 14 та мавзудан иборат бўлиб, дарслик шу асосда ишлаб чиқилди. Ҳар бир институт ва университетнинг профилидан келиб чиқиб, ушбу дарсликка дастурдан ташқари битта мавзу киритилди. Шу боисдан “Ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик – демократик

жамият куриш шарт» номдаги 15-мавзуни ҳар бир олий ўқув юрти ўз ишчи дастурларига киритиши ва уни айрим мавзулар ҳисобига режалаштириш ҳам мумкин.

Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти фани бўйича дарсликни тайёрлашда шу фандан дарс бераётган мутахассислар, кафедра мудирларининг таклиф ва мулоҳазалари ўрганилди. Улар дарсликни тайёрлаш жараёнида ҳисобга олишга ҳаракат қилинди. «Ўзбекистон: Мустақилликнинг 10 йили», «Асрларга тенг йиллар» ҳамда «Фуқаролик жамияти: ривожланишнинг ўзбек модели» ақс эттирилган кўргазмали материаллардан фойдаланилди. Муаллифлар жамоасига ва ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан иштирок этган олим ва кафедранинг барча профессор ўқитувчиларига миннатдорчилигимизни билдирган ҳолда, дарслик тўғрисидаги янги таклиф ва мулоҳазаларни кутиб қоламиз. Бу дарсликнинг янада мукамал бўлишига ёрдам бериши шубҳасиз.

I БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» фанининг предмети, объекти, услуби ҳамда унинг манбалари.

Фани ўрганишнинг зарурлиги, мақсади ва вазифаси. Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганиш, мамлакат ҳаётида кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ қонуниятларни билиш ва ўрганишда, демократик тараққиёт йўлида «Ўзбек модели»ни татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу демократиянинг миллий ва умумбашарий тамойилларини аниқ тасаввур этиш, ижтимоий ҳаётни у билан боғлаб олиб боришга ўргатади. Мамлакатимизда демократиянинг қарор топиб бориши, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўзининг нуфузли ўринга эга бўлишига, ёшларда демократик онг ва тафаккурни шакллантириш, миллий-маънавий меросни кадрлаш, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Мамлакатда эркин, демократик, фуқаролик жамияти асослари ва унинг назарияси ҳамда амалиёти билан чуқурроқ таништиради. Шу мақсадни амалга оширишда хизмат қилади.

Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганишнинг ўзига хос зарурат ва сабаблари мавжуд.

Биринчидан, бугун дунёда демократия, демократик жамият тўғрисида муайян мўътадиллашган илмий концепциялар ишлаб чиқилган. Уларда демократик жамиятнинг кийёфаси, асослари, яшаш ва ривожланишининг умумэътироф этилган қонуниятлари ҳамда унинг ҳар бир давлат, халқнинг миллий-маънавий хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатлари тобора кенг миқёсда ўз ифодасини топмоқда.

Бугунги кунга келиб дунёнинг 160 дан ортиқ давлатларида демократик тузумлар умумбашарий ва миллий кадрият сифатида барпо қилинганлиги эътироф этилмоқда. Айнан ҳозирги даврга келиб, демократия инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли эканини деярли барча эътироф этаётганлиги ва унинг жаҳоний кўлам касб қилаётганлиги демократияни фан сифатида ўрганишни тақозо этаётган сабаблардан биридир.

Иккинчидан, Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ўрганиш зарурати ҳам шу қонуният билан боғлиқдир. Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий-сиёсий фанлар қаторида унинг махсус фан сифатида ўқитилиши дунёдаги демократик ўзгаришлар билан боғлиқ умумий қонуний асосларга ҳам эга. Ва уни ҳисобга олишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги билан характерланади. Ҳар бир мустақил мамлакат, ўзининг тараққиёт йўлини ва қураётган жамиятини билишга, унинг қонуниятларини аниқлаб олишга эҳтиёж сезади. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги пайтгача

ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга бевосита тааллуқли бўлган масалаларни илмий жиҳатдан аниқ бир воқелик сифатида, яхлитлигича ўрганувчи фан вужудга келмаган. Фикримизча, «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани доирасидаги ўзига хос жиҳатлар айнан шу жараёни тўлиқ қамраб олиш имкониятига эга. Негаки, бу фан энг аввало – жаҳон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ҳолда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, адолатли демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишнинг нафақат назарий масалаларини, балки унинг амалий жиҳатларини яхлит тарзда ўрганади. Бу фанни яна шунинг учун ҳам ўрганиш зарурки, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташган маконда тарихда биринчи бор умумэътироф этилган демократия тамойиллари миллий қадриятлар билан тўлдирилмоқда. Жамиятимиздаги бу жараёни атрофимизда рўй бераётган ижтимоий ҳодисалар, воқеалар ва улар ўртасидаги ўзаро боғланишларни аниқ воқелигимиз билан чамбарчас ўрганиш, таҳлил этиш зарурдир. Бу зарурат мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг: **«Пировард мақсадимиз – ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир»**¹ деб таъкидлаган умумстратегик вазифани амалга ошириш билан боғлиқдир. Бу фикрни 2005 йили 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма йиғилишида яна бир бор таъкидлаган эди. **«Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»**². Бу вазифа Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганишни зарур қилиб қўйган **учинчи асосий сабаблардан биридир**, дейиш мумкин. Маълумки, ўтган XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги дунё харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги билан характерланади. “Улар ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди”³ (Каримов И.А. Асарлар. Т.6, 31-б.). Ана шундай мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган давлатлар турли минтақаларда жойлашган бўлиб, улар Марказий Европанинг (5 та), Болтиқ бўйи давлатларининг (3 та), Болгария ва Руминия, Ғарбий - Шарқий Европа мамлакатларининг (5 та), мустақил ҳамжамиятдаги давлатларнинг Ғарбий қисмидан (4 та), Кавказ орти давлатларидан (3 та) ва Марказий Осиё давлатларидан (5 та) тасини ўз ичига олади.⁴ Ана шу мустақил тараққиёт йўлини танлаган ва дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилаётган, тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонида ўзига хос нуфузли ўринга эга бўлишга ҳаракат қилаётган давлатлардан бири, Ўзбекистон Республикасидир.

Мустақиллик Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди. Бу даврнинг маъно ва моҳияти Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг “Ўзбек модели” билан узвий боғлиқлигидир. Айни пайтда янги мустақил давлатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси олдида турган умумий вазифани қуйидагиларда қўриш мумкин: унинг мазмун-моҳияти ва асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасидаёқ **«Ўзбекистон - суверен демократик республика, давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади»**⁵ деган қоидада ўз ифодасини топган бўлса, Президент И.А.Каримов асарларида биз қураётган демократик

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 3-бет.

² И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.13. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 177-б.

³ Ўша ерда.

⁴ ЮНИСЕФ, ижтимоий мониторинг. 2003 йил, 2-бет.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003, 4-б.

жамиятнинг бошқа жамиятлардан ўзининг анъанавий андозаларидан тубдан фарқлари, унинг ўзига хослиги ва бетакрорлиги илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган. Бу - давлатлар олдида муваффақиятсиз, чиппака чикқан тарихий тажрибанинг фожеали оқибатларини киска давр ичида бартараф этиш каби умумий вазифа турганлиги билан боғлиқ. Бу уни атрофлича ўрганишни тақозо этади. Натижада, мамлакатлар олдида турган мақсад ва вазифаларнинг умумий жиҳатларини очишга, ўтмишдан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда қолган асоратлардан холос бўлиш йўлларини кўришга ёрдам беради.

Шунингдек, замонавий бозор иқтисодиётига эга бўлган, одамларга муносиб турмуш кечиришини таъминлай оладиган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган чинакам демократик жамият қуришдек мураккаб вазифани ҳал этиш билан боғлиқ умумий заруратнинг мавжудлигидир. Ўзбекистон ҳам ана шундай давлатлар жумласига кирганлиги боис мамлакатимизда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Демократик тараққиёт йўлидан собит қадам билан ривожланишда нималар ҳисобига эришиш мумкинлигини билиш учун ҳам уни фан сифатида ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

“Социалистик” деган умумий номга эга бўлган тоталитар тузум емирилгандан кейин, дунёнинг қутбларга бўлиниши барҳам топди. Лекин дунёдаги ижтимоий эврилишлар жараёнларини ўрганиш, демократик асосларни қарор топтирмасдан ва мустақамламасдан янги мустақил давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишига бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш дунёда эътироф этилган демократик тамойиллар ва кадриятларга таяниш билан бирга, унинг ўзига хос хусусиятларини миллий-маданий мероси, кадриятлари ва миллий давлатчилик анъаналарига таянган ҳолда янги жамият қуриш вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ.

Мустақиллик қўлга киритилмаганида, Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ўзи танлай олмас эди. Мустақилликнинг қўлга киритилиши Ўзбекистон олдида масъулиятли вазифани қўйди. Шунда Ўзбекистон қандай давлат қуради? - деган саволга дунё жамоатчилиги ҳам алоҳида эътибор билан қаради. Ўзбекистоннинг истиқлоли ва инсонларнинг тақдири ҳам, уларнинг қандай ҳаёт тарзига эга бўлиши, миллий-маънавий меросга муносабат, умумбашарий демократик тамойилларнинг уйғунлигини таъминлаш каби жиҳатлар давлатчилик қурилишининг қандай асосда амалга оширилиши билан бевосита боғлиқдир.

«Мустақиллик, Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди. Ўз мустақиллигини, эркини қўлга киритган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади»¹.

Ўзбекистон ҳам ўзининг миллий давлатчилик негизларига хос бўлган сиёсий, ижтимоий иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Мамлакатнинг олдида турган мақсадни таъкидлар экан, И.А.Каримов шундай дейди: «Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий кадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини; инсоннинг маънавий ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак»². Бу ерда гап у ёки бу мамлакатга хос бўлган демократия кўринишидан андоза олиш, «умуман демократик жамият қурилиши тўғрисида кетмаётганлигини аниқ ҳисобга олиш муҳим. Асосий мақсад Ўзбекистонда ўзига хос ва мос бўлган демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганишдан иборат. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон қураётган демократик жамиятнинг бошқа демократик тараққиёт йўлида ривожланаётган жамиятлардан фарқли жиҳатларини ҳамда умумий томонларини ҳам аниқлаш муҳим.

«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани мустақиллик туфайли вужудга келган ижтимоий-сиёсий фанлар тизимидан кенг ўрин олаётганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам шундадир. Бу зарурат мустақил давлатимиз мисолида

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат –Т.: Ўзбекистон, 1992., 35-бет.

² Ўша жойда.


демократик жамият қуриш жараёнида кўлга киритилган ютуқлар, айрим ҳаётий сабоқларнинг илмий таҳлил қилинишини тақозо қилмоқда. Мамлакатимизда демократик жараёнларнинг моҳиятини билиш, унга ижодий ёндашиш учун ёш авлод демократиянинг миллий ва умуминсоний қадрият сифатида шаклланиш босқичларини чуқур ўрганиши зарур. Бу стратегик вазифани фақатгина ушбу фан бажаради.

«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани ҳам ўз олдида бир неча вазифаларни қўйган. Булар кўпроқ мамлакатда демократик фуқаролик жамияти қуришнинг ўзига хос ва умумэътироф этилган қонунларини билиш, назарий ҳулосалар ва умумлашмалар чиқаришдан иборатдир. Хусусан, фуқароларда демократик жамият талабларига жавоб берадиган дунёқараш, фикрлар хилма-хиллиги, эркинликни қадрлаш, инсон қадр-қиммати, шаъни ва ор-номусини ҳурмат қилиш билан боғлиқ қадриятларни шакллантириш асосий вазифалардандир. Бу вазифалар фуқароларимизни мамлакатда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, демократик қадриятларни ҳурмат қилиш орқали уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этишда яққол намоён бўлади. У фан сифатида ана шундай улуғ ва бунёдкорлик ишларига хизмат қилади. Бунинг учун у турли хил услублардан фойдаланади. Булар дунё фанлари фойдаланиб келаётган, тажриба, қиёсий таҳлил, эмперик-социологик ва илм-фаннинг бошқа замонавий услубларидир.

Демак, жамиятимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни илмий тафаккур орқали таҳлил этиш уларни мантиқий асослаш, мазкур фанни ёшлар онгига дунёвий давлат тамойилларини сингдириш каби жараёнлар етарли даражадаги малакали мутахассислар томонидан ўқитиш вазифасини ҳам тақозо этмоқда.

Фаннинг предмети ва объекти. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг предмети мамлакатда демократик жамиятнинг шаклланиши, фуқаролик жамияти қурилиши, қарор топиши ва амал қилишининг дунёда эътироф этилган умумбашарий ва миллий тамойилларига асосланади. Айни пайтда унинг ўзига хос ва мос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эркин, демократик, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўллари ва қонуниятларини ўрганиш, бу фаннинг предмети ва объектини ташкил этади.

Шунингдек, Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари фаннинг объектидир. Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти бир томондан, демократик жамият тўғрисидаги мавжуд қарашларга, назарияларга ҳамда мамлакатимизнинг давлатчилиги тарихий мероси билан боғлиқ мутафаккирларнинг ғояларини ҳисобга олса, иккинчидан, мустақиллик йилларида демократик жамият тўғрисидаги муҳим концептуал ғоялар ва қарашларни, унда Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли, ҳамда хусусиятларига таянади. Учинчидан, бу соҳада мустақиллик йилларида эришилаётган ютуқларни, демократик жамият қуриш тажрибаси, ютуқларига таяниб, уни ўрганади. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш қонуниятларини билиш ҳам муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда демократик жамият қурилиши ижтимоий ҳаётимизнинг бирон-бир соҳаси билан чегараланиб қолмайди, балки унинг барча жабҳаларидаги ўзгаришларнинг негизларини ўз ичига олади ва ўрганади. Бунда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти демократиялашувининг ва сиёсий ҳаётининг эркинлаштирилиши, давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, унинг манбаи, фуқаро-жамият ва давлат муносабатлари асосий негиз ҳисобланади.



«Демократия» юнонча сўз бўлиб, таржимада халқ ҳокимияти – (демос-халқ, кротос-ҳокимият) маънони билдиради. **Демократик жамият деб олий ҳокимият бевосита халққа тегишли бўлган ва халқнинг хошиш-иродаси билан амалга ошадиган давлат ва жамиятга айтилади.** Албатта, демократия атамасининг қандай шарҳланиши эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимдир. «Бинобарин, - деб таъкидлайди И.А.Каримов - биз ўз истагимиздаги демократияга қандай мазмун бахш этмайлик, агар у ҳаётимизнинг ҳар бир сониясига сингиб кетмаса, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва таърифлар ё мазмунсиз бақир-чақир ёки ҳеч нарсани англамайдиган сўз ўйини бўлиб қолаверади»¹. **Демократиянинг вазифаси** - фуқароларнинг ҳуқуқлари тан олинадиган ва ҳимоя қилинадиган, уларнинг бурчларига риоя этиладиган ва бажариладиган жамиятни қуришдан иборат. Лекин ҳозиргача ҳеч қайси давлат бунга мукамал эришмаган, фақат унга ҳаракат қилиб келмоқда. Демократик бошқарув жараёнида сиёсий ҳаётда иштирок этиш нафақат фуқароларнинг муҳим белгиси бўлибгина қолмасдан, бу уларнинг ҳуқуқлари, балки бурчлари эканлигини ҳам англаш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

Демак, **биринчидан, демократик жамият** - ҳар бир мамлакат ва халқнинг демократияда умумэътироф этилган кадриятлари ва таможиллари ҳисобга олинадиган давлатчилик соҳасидаги миллий-маданий мероси хусусиятларига таяниладиган, фуқароларнинг ҳуқуқлари тан олинадиган ва ҳимоя қилинадиган, уларнинг бурчларига риоя этиладиган ва бажариладиган, бошқарувда фуқаролар фаол иштирок этадиган жамиятдир.


Иккинчидан, умумий тарзда демократия деганда ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади.

Учинчидан, уни батафсил таҳлил қилганда эса демократия халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар ва шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли ҳам эканлиги аён бўлади².

Бу фанининг ўрганиш услуби: методи фалсафа фанининг услуби-методи. Чунки фалсафа фанининг методи ва категориялари мазкур фан учун ҳам асосий метод ҳисобланади, масалан, диалектик, назарий метод, таққослаш, қиёслаш методи, мантикий метод ва ҳоказо. Методологияси: 1) фалсафий онг, таҳлил, 2) назарий таҳлил, 3) ижтимоий борлиқни ўрганади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998, 180-бет.

² Ўша жойда, 180-бет.



Фанни ўрганишнинг манбалари:

- 1. Фалсафий манбаларга:** демократик жамият ҳақидаги Ғарб, Шарқ ва ҳозирги замон фалсафасига асосланади.
- 2. Тарихий манбалар:** давлатларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, давлатлараро муносабатлар.
- 3. Дунёвий илдизларга** эга: илмий-маърифий, сиёсий, ижтимоий, маданий муносабатлар.
- 4. Диний манбалар:** Авесто (Зардуштларнинг муқаддас китоби), Қуръон (муслмонларнинг)и Карим, Таврот (Яҳудийларнинг диний таълимоти ҳақидаги қонун), Инжил (носронийларнинг) муқаддас китоби ва ҳ.к.
- 5. Сиёсий манбалар:** мустақиллик ҳақидаги қонунлар, Конституция (Асосий қонун).
- 6. Иқтисодий манбалар:** бозор иқтисодиётига асосланган мулкчиликнинг хилма-хил шакллари.
- 7. Маънавий-маърифий манбалар:** умумбашарий ва миллий, диний, ахлоқий қадриятлар ва ҳ.к.
- 8. Президент фармони,** қарорлари, асарлари, Олий Мажлис қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.



1.2. Ушбу фаннинг асосий тушунчалари, қонуниятлари ва унинг бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар орасида тутган ўрни

Фаннинг асосий тушунчалари ва унинг ўзига хослиги. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» ҳақидаги фан билан боғлиқ тушунчалар мавжуд. Унинг шаклланиши кўп асрлик тарихга эга.

Ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг демократик меъёрлари қадимги дунёга бориб тақалади. Бугунги кунда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида демократиянинг асосий ва етакчи тамойилга айлангунча унинг умуминсоний кадрият сифатида ўз тараққиётининг турли босқичларида мураккаб, зиддиятли, баъзан эса фожиали ўзгаришларга учради. Шу нуқтаи назардан, инсониятнинг йиллар мобайнида ишлаб чиққан демократик кадриятларнинг асосий **тушунчаларини** тўла-тўқис ўзлаштириб олиш жамиятда ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шартидир. Бу борада Ўзбекистонда демократик жамият қурилишида қўлланиладиган тушунчаларни билиш муҳим ўринни эгаллайди. Уларни ўрганишда куйидаги учта жиҳатни алоҳида ҳисобга олиш лозим:


1. Ижтимоий гуманитар фанларга тегишли бўлган умумий тушунчалар: Масалан: жамият, цивилизация, эркинлик, ҳуқуқ, қонун, маданият, тараққиёт, демократия.

2. Ижтимоий-сиёсий фанлар билан яқин бўлган тушунчалар: ҳуқуқий давлат, хусусий мулк, фуқаролик жамияти, сиёсат, сиёсий ҳокимият, сиёсий ташкилотлар, сиёсий тизим, сиёсий режими, сиёсий плюрализм, сиёсий онг, сиёсий маданият в.б..

3. Кўпроқ Ўзбекистон билан боғлиқ ҳолда ишлатиладиган, яъни, Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти фани ўрганадиган таянч тушунчалар: «Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўли», эркинлик, мустақиллик, демократия, қонун устуворлиги, «демократик давлатчилик», «демократик жамият», «демократия», «демократик жамият тўғрисидаги қарашлар», «демократик жамиятнинг миллий-маънавий негизлари», «миллий-маънавий қадриятлар». Ўзбекистон иқтисодий ҳаётининг эркин демократиялашуви, ижтимоий ҳаёт ва демократия, сиёсий ҳаётнинг демократик тамойиллари, «демократик қадриятлар», «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт», «Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти», «Миллий давлатчилик ва демократия в.б.».

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш жараёнида **яна қуйидаги тушунчалар:** “либерал демократия”, “демократия ва бозор иқтисодиёти”, “демократия шароитида инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари”, “демократия ва миллатлараро муносабатлар”, “давлатни демократик бошқариш”, “демократиянинг асосий унсурлари” кўпроқ ишлатилиши табиий. Бу тушунчаларнинг ҳар бирининг ўзига хос маъноси ва мазмуни бор.


1.4-слайд



Фан амал қиладиган қонуниятлар: Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти фани амал қиладиган қонуниятларни билишда қуйидаги жиҳатларни алоҳида ҳисобга олиш керак. **Биринчидан**, «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани дунёда эътироф этилган **умумий қонуниятларни** ҳисобга олади.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ хусусий, алоҳида қонуниятларига таянади. Масалан: «Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг ўзига хос ва мос ривожланиш қонуни» ёки «Демократик жамият қурилишида миллий менталитет хусусиятларининг ҳисобга олиш қонуни», «Демократик жамият қурилишининг миллий-маънавий кадриятлар билан боғлиқлиги қонуни», «Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг ўзига хос хусусиятларининг Ўзбекистон давлатчилиги тарихи, миллий-маданий мероси, иқтисоди, ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан алоқадорлиги қонуни» в.б.

1.5-слайд



Маълумки, **бу қонуниятлар** ниҳоят даражада кўпқирралилиги, мураккаблиги ва нозиклиги билан алоҳида эътиборни талаб қилади. Шу ўринда, биргина **демократик қарашлар билан миллий кадриятлар ўртасидаги** муносабат масаласига доир қонуниятларни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Демократиянинг яшовчанлиги унинг турли шароитларга мослашиб кетиши ва миллий хусусиятларни инкор этмаслиги, миллийлик билан уйғунлаша олиши билан белгиланади. Аслида бағрикенгликни кадрлайдиган демократия миллий хусусиятларга нисбатан ҳам ўз бағрикенглигини намойиш этади. Шу боис, биз янги демократик тараққиёт йўлини танлаганимизда ҳам ўзбекионаликдан воз кечиш эвазига демократик қарашларни ўзлаштиришни асло мақсад қилмаганмиз. **Бошқача қилиб айтганда**, мингйиллик илдишларга эга давлатчилик негизларини қўпориб ташлаш эвазига мавҳум кадриятларга эътиқод қўйиш бизнинг аъмолимиз эмас. Зеро, бизнинг йўқотадиган нарсамиз – мустаҳкам маънавий томирларимиз, не-не суронли асрлар тўфонларидан бизни миллат сифатида эсон-омон олиб ўтган ўлмас кадриятларимиз бор. Демократияни эса биз мана шу кўҳна тарихга эга маънавиятимиз дарахтига пайванд қилиш имконияти борлиги учун ҳам танлаганмиз. Шу боис, демократия даражасини миллий хусусиятлардан чекиниш билан ўлчаётган айрим кишиларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Демак, **Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг муҳим шартлари:** Ўзбекистонда демократик жамият қуришда икки муҳим жиҳатга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Унинг **биринчиси**, демократиянинг дунёда эътироф этилган тамойилларини эътироф этиш;

Иккинчиси, демократиянинг миллий-маданий мерос билан боғлиқ миллий хусусиятларига таянишдан иборат. Бу икки йўналиш бир-бири билан узвий боғлиқ ва ҳақиқий демократик жамият қуришни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди ҳам. Амалий ҳаётда бу муҳим қонунуниятнинг бузилиш ҳоллари турли халқлар турмуш тарзи ва уларнинг миллий манфаатларига зид бўлган, ижтимоий-сиёсий, маънавий оқибатларни келтириб чиқарган. Эътироф этилган тамойилларга таянмаслик, бу мамлакатни дунёвий, демократик жамият қуришдан йироқлаштирган бўлса, миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олмасдан демократик жамият қуриш йўли эса, ҳақиқий демократия талабларига зид ҳолатдир. Бундай ўзига хос ва мос ривожланиш йўли демократик жамият қуриш қонуниятига тўғри келмайди.

Ўзларини диний ақидапарастлик ва терроризмга қарши курашаётган, дунёвий демократик тузум тарафдорлари деб кўрсатаётган баъзи халқаро ташкилотлар ва жамғармалар, хорижий ташкилотларнинг баъзи вакилларига халқнинг миллий кадриятлари, урф-одатлари, ўй-фикрлари, одоб-ахлоқи, ор-номусини ҳисобга олмай, бу кадриятларни Ғарб демократиясига қарши кўйиб, ўзларини гўёки инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси қилиб кўрсатмоқчи бўлмоқдалар. Бундай ҳолатни айрим миллатлар ва халқларнинг демократияга бўлган ишончини сўндиришга интилиш, дейиш мумкин.

Ўзини инсон ҳуқуқларининг холис ҳимоячиси деб таништирадиган хорижий ташкилотлардан айримларининг “Маҳалла давлатнинг тазйиқ кўрсатувчи идорасига айланипти” деган фикрлари қанчалик асосли? Эмишки, эр-хотин ўртасида тушунмовчилик юзага келиб, жанжалли масалалар кўтарилганида, уларнинг судга эмас, маҳаллага мурожаат этишлари, инсон ҳуқуқларининг бузилиши экан.

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани 1) ижтимоий-сиёсий, 2) ижтимоий-гуманитар, 3) аниқ-табиий фанлар билан узвий боғлиқ бўлиб, у мазкур фанлар қарашларини эътироф этган ҳолда, бу фанларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти билан ҳам назарий ҳам амалий хусусиятларига эътибор қаратади. Ўзбекистонда демократик эркин, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодий ислохотларни янада либераллаштириш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.

Мамлакатда Конституция ва қонуннинг устунлиги, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари билан боғлиқ умумий қоидалар ва демократик тамойиллар, жамият ва шахс муносабатлари, жамоат бирлашмалари, оила, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши билан боғлиқ соҳалар **демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг ўрганадиган соҳалари** ҳисобланади. Бу тушунчаларнинг айрим жиҳатларини бошқа ижтимоий-сиёсий фанлар ҳам ўрганади. Лекин ижтимоий-сиёсий фанларнинг ҳар бири жамиятда содир бўлаётган ҳодиса ва воқеалар жараёнини ўз предмети, объекти, мақсади ва қонуниятидан келиб чиққан ҳолда ўрганади. Масалан, онг муаммосини барча ижтимоий фанлар ўрганиши маълум. Лекин **фалсафа** онгни инсонга хос хусусият сифатида, унинг жамият ривожига муҳим омил сифатида ўрганса, **социология** жамиятдаги муайян гуруҳ ёки ижтимоий қатламнинг онги, унинг ўзига хос хусусиятларининг намоён бўлишини ўрганади. **Сиёсатшунослик** эса, унинг сиёсий кўринишини, яъни сиёсий онг шаклини, унинг намоён бўлишини ўрганади. **Ҳуқуқшунослик** ҳуқуқий онгни ўрганса, «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани эса онгнинг демократик шаклини, яъни демократик онгнинг ўзига хос жиҳатларини, унинг кадриятларини, шаклланиш асослари ҳамда жараёнини умуминсоний демократик қонуниятларининг муҳим омили сифатида ўрганади.

1.3. Мазкур фанни ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти

«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросини мамлакатда амалга оширилаётган демократик жамият қуришнинг мақсадлари, унинг

шаклланиши ва ривожланишининг миллий-маънавий негизлари, демократик жамият тўғрисидаги ғоялар, қарашлар билан таништиради. Фуқароларнинг онг ва тафаккурига сингишида, ишонч ва эътиқодларига кўчишида муҳим ўрин тутаяди. Демократик жамият қуришнинг қонуниятларини билишда, унинг жаҳонда эътироф этилган тамойилларини ҳар бир мамлакат ва халқнинг миллий ва маънавий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш зарурлигини ҳис этиш ва унга амал қилиш кўникмаларини шакллантиради. ҳақиқий демократия билан сохта демократиянинг фарқини кўришда, уни баҳолаб, муносабат билдиришда, фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди.

«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанини ўрганиш орқали эркин, демократик, фуқаролик жамияти қурилиши билан боғлиқ унинг назарий асосларини, дунёда демократик жамият қуриш билан боғлиқ умумий қонуниятларни билиш билан бирга, демократиянинг ўзига хос миллий кўринишлари, «миллий моделлари»нинг маъно-мазмунини тўғри тушуниб олишга муваффақ бўлиш мумкин.

Ижтимоий тараққиёт ва бугунги глобаллашув жараёнлари дунё халқларининг ҳаётига, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий негизларига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Дунё халқлари бир-бири билан узвий боғланиб бормоқда. Шундай шароитда ўзлигини сақлаб қолиш, ўзига хос ва мос миллий-маънавий кадриятларини унутмасдан, уни демократик жамият қуриш тамойиллари билан боғлиқ ҳолда амалга оширишга эришиш, демократик жамият қуришни мақсад қилиб олган Ўзбекистон халқи учун ҳам муҳим ва долзарб вазифадир.

Бу ҳар бир фуқародан мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда миллий кадриятларини ҳурмат қилишга, демократиянинг миллий ва умумбашарий тамойилларини узвий боғлаб олиб боришга ўргатади.

Мазкур фанни ўрганиш орқали Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, уни мамлакатда белгилаб олинган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга эришишнинг узвий боғлиқлигини юракдан ҳис этишга, унинг фаол иштирокчиларига айланишга яқиндан ёрдам беради.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш вазифаларининг фуқаролик жамияти асослари билан муштараклиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонун олдида тенглигини амалда таъминлашига қаратилгандир. Унга эришиш шарт-шароитларини, асосий йўналишларини билиш демократик жамият тўғрисида яхлит тасаввур беради. Бу бугунги кунда ҳаётимизда учраб турган демократияга зид бўлган айрим носоғлом ҳатти-ҳаракатлар, «демократия ниқоби билан» унинг миллий-маънавий хусусиятларини, Ўзбекистон халқи турмуш тарзи, миллий-маънавий кадриятлари: тарихи, тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ҳисобга олмасдан, демократияга баҳо беришдаги бир томонлама, ноҳолис уринишларнинг ҳам туб масқадларини, асл муддаоларининг моҳиятини англашга, фарқлай олишга ёрдам беради.

Фанни ўрганиш орқали фуқароларда Ўзбекистон Республикасининг демократик жамият қуришдан иборат олдида қўйган мақсад ва вазифаларни аниқ билиб олиш мумкин. Ўзбекистон жамияти ҳаётининг барча жабҳалари тўғрисида: давлати, халқ ҳокимиятчилиги, инсон ва фуқароларнинг демократик жамиятда иштироки, асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари, демократик жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизлари, унга хос хусусиятлар, жамоат бирлашмалари, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фуқаролик жамияти қурилишининг асослари, унинг миллий ва умумбашарий негизлари тўғрисида билимга эга бўлиш муҳим сиёсий ва ижтимоий-маърифий аҳамиятга эга. Фуқароларда ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат туйғуларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, муҳим **тарбиявий вазифаларни** ҳам амалга оширади. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларига таянади ва демократик жамият қурилиши билан боғлиқ кадриятларни кенг жамоатчиликнинг ишонч ва эътиқодига айланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани сиёсатининг бош мақсади – жамиятнинг фақат иқтисодий ёки маънавий-маърифий соҳасини ривожлантириш ва моддий, маънавий бойликларни тобора кўпроқ ишлаб чиқариш эмас, балки унинг беистисно барча соҳаларини тараққий эттириш ва мустаҳкам бир бутунлигини, хавфсизлигини, бар-қарорлигини, тинч-тотувлигини, осойишталигини таъминлашдан иборатдир. Бу улкан мақсадни рўёбга чиқариш учун хилма-хил **назарий ва амалий вазифаларни бажаради.**

1. Назарий вазифаси: ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва жамиятнинг хавфсизлигини, барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб бериш, илмий асосланган оқилона дастурларни, қонунларни, қарорларни ишлаб чиқишдир. Бунда пала-партишликка йўл қўймаслик керак. Шунингдек, сиёсат дастурлар, қонунлар, қарорларни ишлаб чиқиш билан бирга уларни қабул қилиш вазифасини ҳам бажаради.

2. Ушбу фан сиёсатининг асосий амалий вазифаси – қабул қилинган дастурлар, қонунлар, қарорларни ҳаётда изчиллик, қатъият билан амалга ошириш, бутун жамиятни турли-туман иллатлардан, хасталиклардан тозалашдир. Чунки бу вазифа ижтимоий ҳаётда амалга оширилмас экан, унда жамиятнинг мустаҳкам хавфсизлигига, барқарорлигига, тинч-тотувлигига, бахт-соадатга эришиб бўлмайди.

Сиёсат ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қуйидаги **услуглардан** фойдаланади: **1) ишонтириш; 2) тарбиялаш; 3) куч ишлатиш; 4) мажбурлаш.**

Ҳозирги вақтда «сиёсат» тушунчаси ҳам кенг, ҳам тор маънода қўлланилади.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг предмети мамлакатда демократик жамиятнинг шаклланиши, фуқаролик жамияти қурилиши, қарор топиши ва амал қилишининг дунёда эътироф этилган умумбашарий ва миллий тамойилларига асосланади. Унинг ўзига хос томони шундаки, эркин, демократик, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўллари ва қонуниятларини ўрганиш, бу фаннинг предмети ва объектини ташкил қилади. Шунингдек, **Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари мазкур фаннинг объектидир.** Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти бир томондан, демократик жамият қурилиши тўғрисидаги мавжуд қарашларга, назарияларга ҳамда мамлакатимизнинг давлатчилиги тарихий мероси билан боғлиқ мутафаккирларнинг ғояларини ҳисобга олса, иккинчидан, мустақиллик йилларида демократик жамият тўғрисидаги муҳим концептуал ғоялар ва қарашларни, унда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эришилаётган ютуқларни, демократик жамият қуриш тажрибаси, ютуқларига таяниб, уни ўрганади. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш қонуниятларини билиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Мазкур фаннинг асосий тушунчалари яна шундаки, унда демократик жамият, демократик давлат, фуқаролик жамияти, Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари, «Ўзбек модели»нинг ўзига хослиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва бирлашмалар, айниқса ҳокимият органларининг бўлиниш принципи (қонун чиқарувчи, ижроия, суд), ҳокимиятларнинг демократик жамиятдаги роли асослаб берилади ва тушунтирилади. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсад» ҳам мазкур фаннинг асосий тушунчаларидан бири. Демократик жамиятда иқтисод, инсон эркинлиги каби бир қатор тушунчалар мавжуд. Уларнинг ҳар бирини шарҳлаб бериш мумкин. Масалан, **демократия лотинча демо - халқ, кратия-бошқариш, яъни демократик бошқариш, жамият** каби бир қанча тушунчалар билан изоҳлаш мумкин.

Бу фаннинг қонуниятлари аввало, 1) дунёвий давлат тамойилларига асосланади, 2) миллий давлатчилик ва демократия тамойилларига асосланади. Асосан мазкур фаннинг қонуниятлари жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда амал қиладиган

конунлар мавжуд. Масалан, иқтисодий соҳадаги қонуниятларда иқтисод сиёсатдан устуворлиги ва ҳоказо.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. «Фуқаро – жамият давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатни баён этинг?
3. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг асосий тушунчалари, унинг ўзига хос хусусиятларини изоҳланг?
4. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг умумжаҳон эътироф этган қонуниятлари ва унинг ўзига хос таракқиёт йўли мавжудми?
5. Демократик жамиятни барпо этишда сиёсий институтларнинг қандай роли мавжуд?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. –3–10,14–27-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 104-108, 123-130-бетлар.
3. Каримов И.А. Ҳозирги даврда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг долзарб вазифалари. Т.5. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 104-114, 116-131-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6,8-12, 14-20, 21-26, 28-38, 47-48-бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: «Ўзбекистон», 2002.
7. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
8. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
9. Каримов И.А. Янгилашиш ва барқарор таракқиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
10. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
11. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
12. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
13. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.
14. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.

15. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
16. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафкуриси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. –Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
17. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
18. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
19. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
20. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
21. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
22. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
23. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
24. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
25. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.
26. Алиев Б., Ҳошимов Т. ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007. – 240 б.

2-МАВЗУ. ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ДАСТЛАБКИ ҚАРАШЛАР ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

2.1. Ўзбекистон заминида адолатли жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар

Ҳар қандай давлат ўз жамиятининг тарихий, маданий ва ахлоқий мероси негизлари асосида ривожланади. Бундай уйғунлик халқнинг ривожланишида янги босқичларга кўтаради. Унинг истиқбол омилларини кенгайтиради. Аجدодларимиз томонидан Ўзбекистон худудида яратилган **«Авесто» ана шундай давлатчилигимизнинг назарияси** сифатида инсоният тарихини англашда алоҳида ўринга эга.

Президент И.А.Каримов тарихчи олим ва журналистлар билан бўлган учрашувда - “Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи худуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузалолар, олиму-уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган”¹ деган эди. Дарҳақиқат, Мовароуннаҳр оралиғида пайдо бўлган улкан давлатчилик маданий мероси инсоният тарихи ибтидосида энг дастлабки ҳамда қадимий давлатчилик маданияти сифатида маълум. Мустақиллигимиз шарофати билан бундай меросни миллий, демократик кадриятларимизнинг муҳим замини бўлган ўрганиш имкониятлари очилди.

Маълумки, Ўзбекистонда миллий давлатчилигимиз тўғрисидаги энг қадимги манба “Авесто”дир. У эрамиздан олдинги 3 мингинчи йилларда аجدодларимиз томонидан яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги ижтимоий қараш ҳисобланади. Агар “Авесто”да

¹ Каримов И.А. Асарлар тўплами 7 жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1999, 132-бет.

илгари сурилган ғояларга эътибор берадиган бўлсак, бугунги адолатпарвар - демократик жамият барпо этишга қаратилган ғояларимиз билан ҳамоҳанг эканлигини кўрамиз.

Давлатчилик асосларини шакллантириш борасида “Авесто” деярли барча сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, давлат тузуми асослари, зардуштийларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олган. Манбада аввало, инсон эрки, унинг рухий комиллиги масалалари устувор қўйилади. Масалан; “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман” дейилади Ясна (14) китобида. Ахурамазда, инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро самимийлик, ҳурмат беғаразлик, ёрдам ва оқибатли бўлиш зарурлигига, ёмон фикрлардан ҳоли бўлишга чақиради. Каттага ҳурмат ва кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва бошқа бир қатор тамойиллар борки, булар миллий ғоямизнинг асосий тамойилларига уйғун келади.

Ғояларнинг бундай тарзда қўйилиши дунё ана шу кучларнинг ёнма-ён яшашидан иборат, деган фалсафанинг моҳиятини англашга ундайди¹. Шу тариқа “Авесто” ўша замонда яшаган одамлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштириш, давлатга бўлган эҳтиёж ва зарурияти ўлароқ юзага келган манба бўлиб ҳисобланади.

“Авесто”да энг муҳим масалалардан бири - бу ҳуқуқий муносабатларнинг назарий жиҳатдан шаклланганлигидир. Унда инсон ҳаёти ва одамлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳуқуққа асосланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, сув, ер, олов, хонадон ва чорвани асраб-авайлаш ахлоқий бурч бўлиб саналган. Инсон ўзининг ишлари ва фикрлари билан яхшилик, ёруғлик ва бахт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи олий тангри Ахурамаздага ёрдамчи бўлиб хизмат қилади.

Оила ва жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдногани бузиш катта гуноҳ ҳисобланган: “О Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга путур етказди. О Спитама, аҳдингни бузма...” (“Яшт”, X боб.)²

Тарихий ҳужжатлар асосида айтиш мумкинки, “Авесто”нинг “Ясна”, “Виспрат”, “Яшт”, “Видевдат” китобларида илгари сурилган ҳуқуқий таълимотлар Рим ҳуқуқидан қадимийроқ ҳисобланади. Боз устига, улар кейинчалик ташкил топган давлатлар сиёсий тизимининг шаклланиш манбаси бўлиб ҳам хизмат қилган. Шу тариқа “Авесто” Грек мутафаккирлари ва Рим ҳуқуқшунослари ижодига ўзининг ҳар томонлама мукамаллиги билан таъсир кўрсатган. Жумладан, инсон ҳуқуқи, жисмоний ва ҳуқуқий шахс эркинлиги, инсон эркинлиги, эркак ва аёлнинг тенглиги масаласи, озчиликнинг ҳуқуқи, вояга етмаганлар ҳуқуқи, виждон, эътиқод ва дин эркинлиги, жамоа ва гуруҳларнинг ҳуқуқи, мол-хол ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, шартномаларнинг мажбурийлик ҳуқуқи, жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилган турлари ишлаб чиқилган. Шунингдек «Авесто»да ўғрилиқ ёки босқинчилик фарқлари таснифланган, ҳимоя ҳуқуқи ва суд ишларини юритиш ҳамда ташкил этиш каби бошқа ҳуқуқий тамойиллар ҳам ўз ифодасини топган³.

Маълумки, демократик жамият асослари давлатда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тамойилларнинг тизимий яхлитлиги мавжудлигида намоён бўлади. Айни пайтда, улар умуминсоний кадриятлар билан уйғун ҳолда бўлишига асосланади. «Авесто»да бундай кадрият ва тамойиллар шакллантирилганлигининг гувоҳи бўламиз.

2.2. IX-XV асрларда давлатни бошқариш ва адолатли жамият қуриш ҳақидаги ғоялар

Инсон табиатан эркинликка, эзгуликка интилиб яшайди. Бундай эҳтиёжларнинг барча учун умум бўлган қоидаларини ва уларнинг тартиботларини ташкил этишда давлатга бўлган

¹ Отамуродов С. “Авесто” миллий ғоямиз манбаи. Жамият ва бошқарув. 2002, 1-сон, 34 бет.

² Сағдуллаев А, Аминов Б, Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистоннинг тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. Т.: Академия, 2000, 31 бет.

³ Абдукамилов Р. Авестийские текст о государственности и праве: вопросы генезиса и эволюции структур. Ўзбекистон тарихи, 2000, 3 сон, 22 бет.

эҳтиёж вужудга келади. Мана шундай эҳтиёж умуминсоний кадрятларнинг назарий мезонларини шакллантирган. Айни пайтда, кишилиқ жамиятининг ўзаро урушлар ва ихтилофлар билан боғлиқ даврларида янги маърифий таълимотлар халоскор ғоя сифатида ҳам вужудга келган. Айнан IX ва XII асрлар Ўрта Осиё тарихида шундай мураккаб давр бўлган. Халқнинг ўз мустақиллиги учун кураши ва бунда хуррият ва инсон эркинлиги билан боғлиқ ғоялар миллатни маънавий юксалишга чақиради. Дунёга машхур Хоразмий, Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк каби файласуф, сиёсатчи, тарихчи олимлар, шу даврда яшаб ижод этдилар. Бу давр ўз мазмуни, салмоғи жиҳатидан Ўрта Осиё Уйғониш даври деб тарихга киради. Уйғониш даври маданиятининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар давлатчилигимиз назариясининг вужудга келишида куйидагиларга асосланган ҳолда талқин этилади:

1. **Дунёвий маърифатга интилиш**, бу йўлда ўтмиш ва кўшни мамлакатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, айниқса табиий-фалсафий, диний, тарихий ҳамда ижтимоий илмларни ривожлантириш.

Табиатга қизиқиш, табиатшунослиқ илмларининг ривожини, рационализм, ақл кучига ишониш, асосий эътиборни ҳақиқатни топишга қаратилган фанларга бериш, ҳақиқатни инсон тасаввури, илмининг асоси деб ҳисоблаш.

Инсонни улуғлаш, унинг ақлий, табиий, руҳий бадиий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик, юқори ахлоқий қонун ва қоидаларни намоеън этиш, комил инсонни тарбиялаш.

Универсаллик - қомусийлик, барча табиат ҳодисалари билан қизиқиш ва унинг моҳиятига интилиш¹.

Давлат қурилиши ва бошқарувининг назарий негизлари адолат, ахлоқ тамойилларида шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий ҳамда амалий асосларининг ривожлантирилиши.

Давлат раҳбари ва хизматчиларининг фаолият даражалари таснифлари, масъулияти мезонлари тизимининг назарий негизларининг яратилиши.

Миллий давлатчилик негизлари ҳақида фикр юритар эканмиз, қадимги Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида дастлабки давлатлар вужудга келган муқаддас маконлардан бири сифатида хаттоки қадимги дунё олимлари томонидан эътироф этилган. Масалан, бундан 2000 йил аввал яшаган римлик тарихчи Помпей Трог Туркийзабон халқларнинг энг қадимги аجدодлари ҳақида шундай ёзган: «Бақтрияликлар, сўғдлар ва хоразмликлар келиб чиқшининг қадимийлиги бўйича мисрликлар билан бемалол беллаша олади». Бундай фикрни юнон тарихчилари Страбон, Ҳеродат, Ҳикатийлар ёзиб қолдирган маълумотларда ҳам учратиш мумкин².

IX-XV асрларда яшаган Ўрта Осиё мутафаккирларининг қарашларида давлатни бошқариш ва адолатли жамият қуриш ғоялари ўзининг ўзига хос илмий мазмун кашф этиши билан боғлиқ. Бу ғоялар Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Амир Темур, Навоий ва бошқа буюк зотлар ижтимоий-сиёсий қарашларида чуқур баён этилган. Ал-Хоразмий “Алгебра” фанига асос солиб, дунё илмига аниқ фанларни ҳар томонлама ривожлантирди.

МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙ (783-850). Буюк математик, астроном ва географ. У алгебра фанининг асосчиси. «Алгебра» сўзи унинг «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала» асаридан олинган. Бизгача етиб келган «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб», «Кўшиш ва айириш ҳақида китоб», «Китоб сурат-ул-арз», «Зиж», «Астурлоб билан ишлаш ҳақида китоб» каби ўнга яқин асари машхурдир.

Беруний ўзининг “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Минералогия”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” каби асарларида жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш зарурлигини, қонун устуворлигини талқин этган. Беруний давлат шакли мамлакатни шоҳлар - мутлоқ ҳокимлик эмас, балки маърифатпарвар шоҳлар бошқариши тарафдори эди.

¹ Ўзбекистонда ижтимоий - фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Хайруллаев М. таҳрири остида. -Т.: Ўзбекистон, 1995, 11-12 бетлар.

² Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. -Т.: Шарқ. 1999, 13-б.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ (873-950). «Шарқ Аристотели» номини олган комусий олим. 160 дан ортиқ асар яратган. «Мантиққа кириш китоби». «Исбот китоби», «Фалсафага изоҳлар», «Муסיқа ҳақида катта китоб», «Инсон аъзолари ҳақида китоб». «Луғатлар ҳақида китоб», «Шаҳарни бошқариш», «Фазилатли хулқлар» каби асарлари жаҳон маданиятига қўшилган катта ҳиссадир.

Шу даврнинг йирик намоёндалардан бири Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида инсоният жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий - давлатга бўлган эҳтиёжларнинг пайдо бўлишини, унда адолат ва ахлоқнинг шаклланиши қонуниятларини назарий тамойилларини яратганлиги билан машҳурдир. У - «Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи султон бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади»¹. Шу тариқа олим бугун бизнинг тасаввуримиздаги демократик давлат шакллари ва унда бошқарувнинг сиёсий ва фалсафий моҳиятини яратишга эришади. Масалан, фозиллар шаҳарининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қуришнинг бевосита назарий талаблари билан уйғун келади. Бу борада Абу Носир Форобий - «Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олийжаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар»², деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий ва маданий қадриятларни тизимлаштиради. Эътиборли жиҳати шундаки, Форобий қарашларидаги «ҳокими мутлоқ бўлмаслиги», «сайловчилар иродаси», «озодлик» каби фикрлари нафақат шу даврда, балки, бугунда ҳам инсоният маданияти ноёб маҳсули ҳисобланган - демократиянинг бош ғояси бўлиб хизмат қилади.

ФОРОБИЙ “Шаҳарни бошқариш”, “Фазилатли хулқлар”, “Фозил одамлар шаҳри” каби бир қанча асарларида янги идеал жамияти элементлари, фазилатлари ҳақида гапириб ўтган. Форобий жамият бошқарув санъатини 2 га: 1) назарий (бошқарувнинг асосий усули ва қонун ҳақида), 2) амалий (давлатни идора этиш) ҳақида гапириб ўтади. Форобий жамоани 3 турга бўлади: буюк, ўрта ва кичик жамоаларга ажратади. Форобий шаҳар давлатини 2 тоифага: фазилатли Мадина шаҳри ва фазилатсиз Мадина шаҳрига бўлиб, уларнинг ҳар бирига изоҳ бериб ўтади. Форобий давлатнинг асосий вазифасини 2 га бўлади: 1. Давлатнинг ички вазифаси фуқароларнинг бахтли ҳаётини таъминлаш, 2. Ташқи вазифаси босқинчилардан ҳимоя қилишдир, дейди. Форобий тахт отадан болага мерос бўлиб ўтишини қоралайди, давлат бошлиғи 12 фазилатга эга бўлишини асослаб беради.

Давлат ва унинг бошқарувида дахлдор масалалар **Юсуф Хос Ҳожиб** ижодида ҳам катта ўрин туган. У “Кутадғу билиг” достонида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва сиёсий - ахлоқий муносабатларни жамиятда қарор топтиришга қаратилган қарашлари билан эътиборлидир. У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жумладан, «Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғиладилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш ўқуви билан ҳам сийлайди»³ деб кўрсатган. Шунингдек Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида кўрсатган барча ишларда тажрибали, ёмонликни дарҳол сезувчи, оқиллик бобида ибратли, заковатли, маърифатга ташна, кичикларга таянувчи, адолатпарвар, садоқат каби сифатларнинг соҳиби бўлиши шартлигини таъкидлади. Буюк аллома фақат бу билан чегараланиб қолмайди, балки жамият ривожини ва тақдири учун масъул бўлган шахсларнинг

¹ Абу Носир Форобий.. Фозил одамлар шаҳри. Т, 1993, 190 бет.

² Ўша асар, 190 бет.

³ Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг Т. Фан, 1971, 329-б.

давлат бошқарувидаги сифатлари таснифини ривожлантиришнинг адолатли тамойилларининг муҳимлигига қаратган. Айти пайтда, у жамиятда илмий ва маданий салоҳиятнинг адолатли давлат асосларини яратувчи омил деб билган. Масалан, у, зиёлилар тўғрисида шундай дейди: - «Ҳақиқий зиёли ҳақиқат таянчи бўлади. Агарки оламда донишлар бўлмаганда, ерда ризқ-рўз унмас эди. Уларнинг зиёси халқ йўлини ёритувчи машъалдир. Донишларга ширин сўз билан баҳра бер, моддий манфаатини кодиришга ҳаракат қил».¹ Зеро, агар биз демократияни жамиятнинг юксак маданий шакли деб қарайдиган бўлсак, унда аждодларимиз яратган мерос бевосита адолатли давлатнинг пойдеворига асос бўла олади.

АБУ АЛИ ИБН СИНО (980-1037). Ибн Сино 57 йил умр кўрган. “Тиб қонунлари” китоби XI асрда араб тилидан лотин тилига ўгирилгандан сўнг бутун дунёга тарқалди. 1493 йилда француз тилига, 1593 йилда итальян тилига, XV асрда рус тилига ўгирилди. XII асрдан XVIII асргача у 40 марта қайта нашр этилди. IX-XI асрларда “Тиббиёт қонунлари”ни яратганлиги боисдан ҳам уни Фарбда Авиценна номи билан тан олишади. Ибн Сино жамият аҳолисини 1) бошқарувчилар - маъмурий ишлар билан шуғулланувчилар, 2) меҳнаткашлар - ишлаб чиқарувчилар, 3) ҳарбийлар - жангчиларга ажратади. Унинг фикрича, давлатсиз қонун-қоидалар бўлмайди.

Ибн Сино Ўрта Осиё табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрларнинг буюк намоёндаси, тиббиёт, фалсафа, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий таълимот тарихига улкан ҳисса қўшган мутафаккирдир. Унинг “Ишорат ва Танбихот”, “Рисолату тадбири манзил”, “Қуш тили” каби асарлари бевосита давлат бошқарувининг адолатпарвар ва ахлоқий асосларига бағишланади.²

Ибн сино ёзган 450 дан ортиқ асардан: «Тиб қонунлари», «Донишнома», «Нажот китоби», «Турар жойнинг тузулиши», «Инсоф китоби», «Тиббий кўрматмалар ҳақида» каби 160 га яқини бизгача етиб келган.

Адолатли давлат бошқаруви, унинг мукамал назарий асосларини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири, давлат арбоби **Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”** асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмасликни, давлатни бошқаришда кенгаш билан олиб бориш, фаолиятларни мунтазам назорат қилиш, итоат, ижро ва сифатлари тўғрисидаги қарашлари билан аҳамиятлидир. Айниқса, Низомулмулкнинг «Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак»³ деган фикрлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг адолатли тартиботларига катта эътибор берганлигидан далолатдир.

Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуфчилик таълимотида эркинлик ва адолат. Маълумки, ислом дини ижтимоий дунёқараш сифатида кенг тарқала бориши билан унинг назарий, фалсафий, ҳуқуқий томонларини ишлаб чиқишга эътибор ҳам тобора ортиб борган. Шу тариқа IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан, маданият, ислом фалсафасининг назарий жиҳатдан юксак даражада ривожланган даври бўлди. Улардан Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий, Ал-Мотрудий, Муҳаммад Имом-Ғаззолий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурхонуддин ал-Марғилоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдулҳолик Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Жалолиддин Румий каби буюк алломалар ўзларининг илмий тадқиқотлари билан жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшдилар. Диний-илмий тадқиқотларда борлиқ, илоҳий қудрат, инсон комиллиги, адолат, инсоф, диёнат, виждон каби ғоялар инсон руҳиятини поклаш орқали эркин жамиятга чорланади. Бу борада **Ж.Румий** шундай дейди: “Инсон буюк бир мўъжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ зулмат ва пардалар бор-ки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Зулмат ва пардалар, турли-туман машғулотлар инсоннинг дунё ишлари борасида олган тadbирлари ва кўнгилнинг сўнгсиз орзуларидир.”⁴ Дарҳақиқат, Ж.Румийнинг қарашларида инсоннинг

¹ Ўша асар, 649-бет.

² Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Ўзбекистон, 1995, 67-бет.

³ Низомулмулк. Сиёсатнома. Т.: Адолат, 1997. 98-бет.

⁴ Румий Ж. Ичингдаги ичингдадир. -Т.: Ёзувчи, 1997, 51-бет.

фарқи унинг комиллигига асосланади. У дунёга ирки, дини, миллати, табақасидан қатъий назар, барча инсонларга баробар мурожаат қилади. “Менга ваҳдаи майини тутгил, ўзгаларни ҳам ондин баҳраманд этгил, токи жамоат жам бўлиб, фақат сувратда бўлмиш тафовутларни бартараф этайлик. Биз ҳаммамиз ягона оғочнинг бутуқлари, ягона кўшиннинг навкарларимиз”. Жалолиддиннинг башарият бирлиги ҳақида гапириши ўша давр учун мислсиз жасорат эди¹.

Ижтимоий-сиёсий тараққиёт ривожининг маънавий асосларини ўрганишда Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуфчилик оқимининг аҳамияти ҳам алоҳида муҳим ўрин тутди. Тасаввуф гарчи ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматидан озиқланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлсада, лекин у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу-ишратларга ғарб турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ, меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди. Ушбу таълимотнинг эл орасида ёйилиб, фикрий янгиланишларга қаноат бергани, ҳақ ва ҳақиқатга ташна зиёлилар юрагини банд этганига сабаб шу². Тасаввуф таълимоти асосида адолат, ҳақиқат, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, инсоф, иймон, эътиқод, илм, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби умуминсоний ғояларни тарғибот қилувчи футувватга асосланган бир қанча диний, сиёсий оқимлар пайдо бўлади. Улар жамиятнинг ахлоқсиз унсурларига ғоявий куч сифатида қарши кўйилади. Бу борада, Ўзбек миллий давлатчилигимиз негизларининг қадимийлиги ҳақида буюк бобокалонимиз Яссавийнинг ҳикматларида жамиятда етакчи шахсларнинг сифатлари тўғрисидаги талқинлар, айни пайтда, аччиқ танқидий муносабатлари ижодининг асосини ташкил этади. Чунки шу даврда шайхлар сиёсатга бевосита аралашиб келганлар.

Бу борада Амир Кулолнинг ўғли **Амир Умарнинг қарашлари** (1406 й.ўлган) сиёсатнинг назарий ва амалий моҳиятини очишда эътиборлидир. Унда сиёсатга шундай нисбат берилади: “Билгилким сиёсат - тутиб туриш ва тартибга солишдир..., ёмон кишиларни кўрқинч ва титроқда тутмоқ, яхшиларни тақдирламоқ керак. Агар сиёсат бўлмаса, давлатнинг муҳим ишлари амалга ошмайди; агар тартибот, жазо қонунлари бўлмаса, давлат ишлари ҳам ўнганмайди, чунки ҳукмдорнинг, жамоанинг кўрки, давлат ва диннинг ривожини сиёсатдир”³. Яъни, дин орқали сиёсатда умуминсоний кадриятлар ифода этилиши ва бундай сиёсат эса бевосита давлат қонунлари орқали амалда ўз тасдиғини топишига эришмоқ лозим, деб қаралади.

Амир Темур ва Темурийлар даври миллий давлатчилик тўғрисидаги қарашларида демократик тамойиллар. XIII-XIV асрларда Ўрта Осиёни мўғуллар томонидан истило қилиниши иқтисодий ва маънавий ҳаётга катта салбий таъсир кўрсатади. Мамлакатда жабр-зулм ва зўравонлик кучаяди, меҳнаткаш халқ қаттиқ эзилади.

Жуда кўп маданий бойликлар, илм масканлари, мадраса ва кутубхоналар йўқ қилинади, санъат ва илм-фан вакиллари: олимлар, шоир ва ёзувчилар, мунажжимлар, меъморлар ва мусаввирлар ўлдирилади, омон қолганлари Шимолий Ҳидистонга, Фарбий Эрон ва Хуросон вилоятларига қочиб жон сақлаб қоладилар⁴. Айнан мана шундай мураккаб даврда **Амир Темурнинг (1370 йил)** сиёсий саҳнага келиши ҳамда мустақил давлат барпо этиши Ўрта Осиё халқларининг муғул истилосидан, ички ўзаро низолардан қутулишига олиб келади. Мамлакатда ўрнатилган барқарорлик марказий давлатнинг тез орада мустаҳкамланишига, сиёсий кучлар тарқоқлигини бартараф этишга, айни пайтда, турли ислохотларнинг амалга оширилишига, илм-фан ва маданиятнинг ривожланишига туртки бўлди.

Амир Темур – XV асрда буюк темурийлар давлатига асос солди. У давлат бошқарувида ўзидан олдинги ўтган ҳукмдорлардан фарқ қилиб, давлат ва мамлакатни бошқариш хусусида **“Темур тузуклари”**ни яратди. Бу давлатни идора қилиш меъёрлари, қоидаларидан иборат бўлган мазкур кодекс, тузук 2 қисмдан иборат.

¹ Фиш Ради Жалолиддин Румий. -Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1986, 241-бет.

² Комилов. Н. “Тасаввуф”. -Т; “Ёзувчи”, 1996, 4 бет.

³ Маҳомат-и сайид Амир Кулол. Қўлёзма. ЎзФА ШИ. № 8667. в. 103 а-б.

⁴ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Ўзбекистон, 1995,67-бет.

1. Соҳибқирон Темурнинг 7 ёшидан (1342) то унинг сўнгги кунигача бўлган ҳаёти, сиёсий фаолияти тасвирланган. Бу қисмда Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритиши ва ундан кейин машҳур юришлари асосида Тўхтамышхон (1376–1395), Туркия султони Боязид Йилдирим (1389–1402) каби жаҳонгир шоҳларни мағлубиятга учратгани, 1,5 млн.кв.км. территорияда Темурийлар Империясига асос солгани ҳикоя қилинади.

2. Иккинчи қисм эса Жаҳонгир Соҳибқирон Темур номидан шоҳзодаларга қарата айтилган васиятлар, панд-насихатлардир. Унда давлатни идора қилиш санъатининг нозик сирлари, қоидалари ҳақида, амир, вазирлар ва бекларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, қўшин бошлиқлари, уларнинг хизматларини тақдирлаш, сипоҳлар ва уларнинг маошлари каби масалалар ҳақида васият қилади.

Давлатни 12 қоидага асосан бошқарди. Давлат ишларини **4 омилга боғлади:** 1) салтанат, 2) хазина (бойлик), 3) Қўшин (сипоҳ), 4) Райят (оддий қора халқ). Амир Темур ўз империясини 4 улусга бўлиб бошқарди. **1) Қобул, ғазна, Қандаҳорни 12 минг қўшин билан Жаҳонгирмирзога, кейинчалик Пирмуҳаммадга, 2- улусни Фарғона ўлкасини Умаршайхга, 3-улусни Мироншоҳга Хуросонни, 4-улусни Шохруҳга Ғарбий Ироқ, Озарбайжон худудларини берди.** Амир Темур салтанатни бошқаришда кенгаш, машварат, маслаҳат масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бу жараён бизда икки палатали парламентчилигимизда кенг йўлга қўйилди.

Бу даврда миллий давлатчилик тўғрисидаги қарашларнинг ривожланишида Амир Темурнинг хизматлари катта бўлди. Унинг тузукларида давлат тизими, уни идора қилиш услублари ва воситалари, ундаги турли лавозим-вазифалар даражаси, табақаларнинг тоифаланиши, ҳарбий қўшинларнинг ташкил этилиши, жанг олиб бориш маҳоратлари, давлат хизматчилари рағбатини ташкил этиш омиллари, адолатли солиқ турларининг жорий этилиши, мамлакатни ободонлаштириш тадбирлари миллий давлатчиликнинг юксак маданий ва ҳуқуқий даражада шакллантиришга эришганлигидан далолат беради. Бундай сиёсатнинг асос-моҳияти адолатли давлат, инсонпарвар жамият негизларини қарор топтиришга қаратилади.

Амир Темур давлат бошқарувининг демократик асосларини яратишда мамлакат ишларини доимо кенгаш, машварат, маслаҳат, ҳушёрлигу, мулоҳазакорлик, эҳтиёткорлик¹ билан амалга оширишга қаратади. Салтанат ишларини Кенгаш асосида олиб бориш - бу аслида аёнларнинг ризолиги ва ихтиёри демек. Бундай ёндашув бевосита давлат бошқаруви тақсимотининг илк кўринишлари тўғрисидаги қарашларнинг ривожланишига замин яратган.

Соҳибқирон ҳар бир ишда сиёсатни адолат билан амалга оширишга ва бунда турли воситалар асосида унинг изчиллигини таъминлашга эришади. Яъни, адолатга қаратилган мақсадларни адолатли воситалар билан уйғунлаштириш асосида давлат бошқарувининг назарий таълимотларини амалий жиҳатдан бойитади-ки, салтанатда адолатни таъминловчи сиёсат мурватлар юзага келади. Масалан, у нафақат давлат хизматчиларининг қандай сифатга эга бўлишини, балки шундай сифатлиларни қандай қилиб давлат бошқарувига келишини таъминлашнинг йўналиши томонларини ишлаб чиқади. Бу борада у шундай дейди: «Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп ҳалал ва зиён етгай. Демак, ҳар кимнинг кадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак»² деб, у давлат хизматида салоҳиятли шахсларнинг иштирокини амалий татбиғига айлантиради. Жумладан: «Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлиғни билсам, уни тарбиятимга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим»³ дейди.

Амир Темур ўз давридаги хизматларининг энг асосийси ва энг буюғи - бу унинг давлат арбоби сифатида адолат ғояларига асосланган миллий давлатчилик таълимотларининг

¹ Амир Темур тузуклари. -Т.: Гофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 24-бет.

² Амир Темур тузуклари. -Т.: Гофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 81-бет.

³ Ўша асар 83-бет.

хукукий негизларини яратганлиги ҳамда уни татбиқ этиб берганлигидадир. Шу тариқа у ўз сиёсий фаолиятини шундай ифода этади: «Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлақатиимдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим ҳамда ҳадларидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларини ва шараф-эътиборли кишиларни ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим»¹.

МИРЗО УЛУҒБЕК (1394-1449). Буюк мунажжим, давлат арбоби, илм-фан ва маданият ҳомийси, ўз даврида Самарқандда расадхона қурдириб, астрономик мактаб яратган олим. Илмий меъросининг гултожи - «Зижи жадиди Кўрагоний» асари бўлиб, «Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола», «Тўрт улус тарихи» асарлари ҳам унинг қаламига мансуб.

Шу даврнинг йирик классик намоёндалардан бири **Алишер Навоийдир.** **Алишер Навоий**нинг «Тарихи мулуки Ажам» асаридаги фикрлар алоҳида диққатга сазовордир. Навоий давлат сўзини мулк деб ёзади. Ажам дегани эса арабчада арабдан ташқари деган маънони англатади. Демак, қадимий тарихларда Эрон ва Турон худудида илк бор ташкил топган ва узоқ асрлар давомида ҳукмронлик қилган давлатни араблар Ажам, яъни араб давлатидан ташқари, деган ном билан атаганлар. шундай дейди: «Шайх улдурким, ниёз олса, мустақиҳларга, ғариб, бечораларга бергайлар. Агар олиб ўзи еса, мурдор эт емишдек бўлғай. Агар тўн қилиб кийса, ул тўн тўзғунча Ҳақ таъоло намоз, рўзасини қабул қилмағай ва агар олган ниёзидин нон қилиб еса, Ҳақ таъоло они дўзахда турлук азобга гирифтор қилғай. Ва агар ондоғ шайхга ҳар киши эътиқод қилса, кофир бўлғай»².

У назариётчи ва амалиётчи сифатида давлат сиёсатининг адолатли асослари ва унинг маънавий мезонларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Айниқса, адолатсизлик ва зулм давлатни таназзулга, жамиятни жаҳолатга олиб келиши тўғрисидаги қарашлари ўз ифодасини топади: «...давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкни турли одамларнинг ҳужуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим»³ дейди. Ўзбек тили жозибасини ўз «Хамса»си билан бутун оламга кўрсатган буюк сўз санаткори «Бадойи ул-бидоя», «Наводир ул-нихоя», «Зубдат ут-таворих», «Чор китоб», «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб» каби асарларни ҳам бизга мерос қилиб қолдирган.

А. Навоий адолат тўғрисидаги қарашларида инсон руҳияти билан боғлиқ ижтимоий иллатларнинг моҳиятини излайди. Жамиятда ёвузликнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этади. Адолатли жамиятга эришишда нафақат подшоҳнинг одиллиги, балки фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг адолатли, маънан соғлом бўлиши лозимлигига эътиборни қаратади: «Оламда бўлмиш ҳар навъ одам билан кўришдим; катта - кичикнинг феълу атворини ўргандим; яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим; яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, захрини тотиб кўрдим. Бахл ва пасткашларнинг захмини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди»⁴ дейди. Айни пайтда, у инсон руҳияти билан боғлиқ иллатлар моҳиятига шундай нисбат беради: «Яхшиликка мукофот - қўполлик; одоб билан қилинган хушмуомала эвасига кеккайиш, такаббурлиқдан ўзгача муносабат кўрмайсиз. Бировга бир хизмат қилсанг, ундан ўн зарб ейишга тайёр турмоқ керак; кимгаки бир тавозеъ кўрсатсанг, минг қўполлик ва дилсиёҳликка ҳозир бўлиб турмоғинг лозим»⁵. Шу тариқа, у «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ҳар хил одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи, яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳақидаги

¹ Ўша асар, 119-бет

² Яссавий, Аҳмад Хожа. Девони Ҳикмат. -Т.: «Ф.Фулум». 1992, 8-бет.

³ А. Навоий. Маҳбуб ул- Қулуб.-Т.: Фофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983 йил, 12-бет.

⁴ А. Навоий. Маҳбуб ул- Қулуб.-Т.: Фофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983 йил, 12-бет.

⁵ Ўша асар, 60 бет.

қарашлари асосида жамият ижтимоий муносабатларининг яхлит назарий тизими, фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги ахлоқий мажбуриятларни умумлаштиришга эришади.

Умуман, бундай адолатли жамиятни бошқариш ҳақидаги ғоялар Навоий таълимотларида ҳам кенг учрайди. Бу жараён “Садди Искандарий” достонида чуқур очиб берилган ва ҳоказо.

Ўзбек миллий давлатчилигимиз негизларининг қадимийлиги ҳақида буюк бобокалонимиз **Алишер Навоий**нинг «Тарихи мулуки Ажам» асаридаги фикрлар алоҳида диққатга сазовордир. Навоий давлат сўзини мулк деб ёзади. Ажам дегани эса арабчада арабдан ташқари деган маънони англатади. Демак, қадимий тарихларда Эрон ва Турон худудида илк бор ташкил топган ва узоқ асрлар давомида ҳукмронлик қилган давлатни араблар Ажам, яъни араб давлатидан ташқари, деган ном билан атаганлар.

ЗАХРИДДИН БОБУР (1483-1530). Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим, йирик давлат арбоби ва саркарда. Унинг жаҳон оммасига машҳур бўлган шоҳ асари «Бобурнома» дан ташқари «Мубаййин», «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши» каби асарлари ва гўзал шеърляти машҳурдир. А.Навоий замондошларининг илмий меросини кунг билан ўрганган, ўзи ҳам шу йўналишда катта мерос қолдирган ижодкорлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳусайн Воиз Кошифий ва Жалолиддин Давонийлардир. Улар давлатшунослик, ахлоқшунослик, адабиёт, таълим-тарбия, наср ва назм соҳаларида ижод қилган йирик олимлардир. Давлат бошқаруви ва унинг сиёсати билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ахлоқий масалаларни Бобурнинг «Бобурнома»¹, Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”², Давонийнинг «Ахлоқи Жалолий»³ асарида атрофлича баён қилади.

Уларда жамиятни бошқариш асослари, ижтимоий табақаларнинг ўзаро муносабатлари, адолатли ва адолатсиз подшоҳ фазилатлари, фуқароларга одил муносабати, ахлоқ ва таълим-тарбия масаларини таҳлил этган. Шу тариқа Давлат бошқарувига оид ижтимоий қарашларни ўз навбатида ўтмиш давлатчилик маданий меросимиз билан боғлиқ бўлган кадрлятларимизни янада бойитишга хизмат қилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, XIV-XV асрдаги ижтимоий ва маданий юксалиш ўз мазмун - моҳияти билан IX-XII асрлардаги Ўрта Осиёдаги Уйғониш даврининг узвий давоми эди. Хулоса шундаки, бундай маданий меросларнинг монандликка интилиши, унинг даврий уйғунлашуви халқлар ҳаётида тараққиёт ҳамда юксалишига пойдевор бўлган назарий таълимотларнинг ривожланиш босқичларини кузатамиз. Аммо Ўзбекистон халқлари давлатчилик тарихи ўз тараққиётида бир хилда ривожланган эмас.

2.3. XV-XX асрларда Ўрта Осиёда давлат ва жамият қурилишининг ижтимоий-сиёсий ҳолати ҳамда истилочилар сиёсатига қарши маърифатпарварлик ғоялари

XVI-XIX асрлар Ўрта Осиё ҳаётидаги мураккаб даврлардаги парчаланишларнинг салбий оқибатлари. XVI-XIX асрлар Ўрта Осиё ҳаётида мураккаб ва кескин бурилиш даври бўлди. Унинг мураккаблиги аввало, Амир Темур империясининг парчаланиши ҳамда ворислар ўртасидаги низолар билан боғлиқдир. Доимий ихтилофлар майдонига айланиб қолган Мовароуннаҳр Шайбонийхон лашкарлари томонидан босиб олинади. Юртда эгасизлик, бошбошдоқлик ҳукм суради. Мана шундай шароитда ҳақиқий илм ўрнини диний ақидавий қарашлар эгаллайди. Натижада аниқ ва табиий фанлар қувғунга учрайди, айниқса математика ва астрономия орқада қолади. Бунинг оқибатида илм-фан ривожининг даражаси кескин пасайиб кетади. Айни пайтда бу давр олдинги мутафаккирларнинг илғор ғояларининг ўзаро фаол таъсири заифлашуви билан характерланади. Дин бевосита давлат сиёсатининг

¹ Бобур. Бобурнома. -Т.: Юлдузча, 1989.

² Ҳусайн Воиз Кошифий.. Ахлоқи Муҳсиний. Душанбе, Адиб нашриёти, 1991.

³ Жалолиддин Давоний.. Ахлоқи Жалолий. ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди.

асосига, ҳокимият унинг раҳномалари кўлида манфаатларини ниқобловчи мафкурага айланади. Натижада жамиятда диний тазйиқ кучаяди. Ҳар қандай ижодий хур фикр таъқибга олинади¹. Шунга қарамай Ўрта Осиёда ижтимоий фикр, фалсафа, адабиёт, тарих, мусиқа фанлари, меъморчилик, тасвирий санъат ривожланди, қатор мадраса ва мачитлар қурилди. Жумладан, Ибн Муҳаммад Юсуф Ал-Қорабоғий, Муҳаммад Шариф, Машраб ва Сўфи Оллоёр, Нодира, Увайсий, Дилшод, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Бедил, Фузулий, Аҳмад Дониш, Муқимий, Огаҳий, Фурқат, Мулла Олим Маҳдум Ҳожи ижодиётида илғор ижтимоий ғоялар яратилади.

Эътирофли жиҳати шундаки, шу давр ижодкорлари қайси соҳада ижод қилмасин, шахс ва зиёлийликка хос қудратда уларнинг асосий диққати халқ ва унинг турмуш дарди билан бевосита боғлиқ бўлганлигига амин бўламиз. Мулло Олим Маҳдум Ҳожи «Тарихи Туркистон» асарида шундай дейди. «Туркистон хонлари вақтидаги мусулмониялар ниҳоят даражада аҳволи оламидин хабарсиз бўлдилар. Золим ҳакамларга рост ва тўғри сўзни айтадурғонлар қолмай, золимлар учун беш-ўн тилло бадалига эртадан кечгача хушомад сўзлар айтиб, алар қандай сўз айтса, маъқул дейдурғонлар бўлғон эдилар. Илму маорифда бўлса Туркистонда ўтган Ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Алиқушчи ўрнига ўлтурғон олим, файласуфи замон деганларимиз иззату нафс ва риёкорликга табдил бўлуб, жаҳл балосига мубтало бўлғон эдилар. Ҳакам ва улуғларимиз фуқаролардин ўз жойига ва масрафига сарф қилмай, ўз хоҳишлариға харж ва сарф қилар эди. Ҳукумат ишида мутлақо мунтазам қоида ва қонун йўқ эди. Фуқаролар оларнинг ўз молидек ҳисоб қилинур эди»².

Мавжуд манбалар миллий давлатчилик тарихимизни таназзулга тортган сиёсий курашлар ва ўзаро ихтилофларнинг сабабларини ўрганиш, ундан сабоқлар чиқариш имкониятларини беради.

Маълумки, Мовароуннаҳр давлатчилик тарихи ва унинг тараққиётини ислом фалсафасидан айри ҳолда кўра олмаймиз. Аждодларимиз дунёвий ва диний илмларни бевосита уйғун тарзда олиб боришган. У хоҳ диний, хоҳ дунёвий йўналишда бўлмасин, унинг асосида инсон - жамият - давлат муаммоси ётади. Фақат бирёқлама диний мафкурага асосланган муносабат, сўнгра мустамлакачилик сиёсати адолатли жамият қуришга қаратилган илғор, миллий маданий меросини таъқиб остига олади. Натижада фан ва таълим ўз заминидан айрилган ақидалар ва мавҳум ғоялар таъсирига тушиб қолди.

Аммо тарихнинг ана шундай мураккаб даврида ҳам Ватанимиз ҳудудида ҳуррият билан йўғрилган ижтимоий - сиёсий қарашлар тўхтаган эмас. Аксинча, бундай истак ҳар бир ватандошимиз қалбида умуммиллий истиқлол ғоясининг вужудга келишига туртки бўлди. Ана шундай ғояларни ишлаб чиқишда ХХ асрнинг бошларида шаклланган жади́дчилик ҳаракатини алоҳида ўрганиш лозим.

Жади́длар қарашларида маърифий-демократик тамойиллар. Туркистон миллий давлат мустақиллиги учун курашда озодлик ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда шарт-шароитларини сиёсий жиҳатдан таҳлилига эътибор қаратиш лозим.

Бунда Жади́дларнинг мустақиллик учун кураш ғояларининг вужудга келиши назарда тутилади. Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмаслиги Бехбудий келган биринчи хулосалардан эди³. Айни пайтда, бундай ғоя миллий истиқлолчилик ҳаракатининг асосини ташкил этган.

Жади́дчилар асосий эътиборини жамиятда маънавиятни ривожлантиришга қаратадилар. Улар янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, газеталар чиқариш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр этириш, ғарбнинг янги маданият ва технология услубиятларини жорий этиш заруриятини ҳамда уни Туркистонда тарғиб этиш орқали миллий-дунёвий таълимни юзага келтириш, маънавий ҳаётни янгилаш ва бойитиш орқали миллий ўзлиқни англашни юксалтиришга замин яратишга интилганлар. Бундай сиёсий ёндашув бевосита жамиятда адолатли-демократик давлат қурилишининг асосларини ривожланишига хизмат

¹ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Ўзбекистон, 1995, 182-бет.

² Мулла Олим МаҳдумҲожи. Тарихи Туркистон. Насаф, 1992, 100-б.

³ Бехбудий. Танланган асарлар. Сўз боши. Т; Маънавият, 1999, 28-б.

киладиган назарий омиллар эканлигини эътироф этмасдан бўлмайди. Албатта, улар демократиянинг том маънодаги кўринишларидан узоқда бўлганлар.

Туркистонда мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш ва унинг ижтимоий-сиёсий асосларини ёритувчи манбалар Мунавварқори Абдурашидхон ўғли¹, Бехбудий, Фитрат, Авлоний², Хувайдо ва бошқа асарларда ўз ифодасини топган.

Ўз даврида жадидлар миллий-маданий мухторият қурилиши тамойилларини улкан ривожлантиришнинг амалий дастурларни, Туркистонда давлатчилик шакли ва уни бошқариш ваколатлари, барча соҳалар бўйича қонунларни жорий этиш, суд органларини ташкил қилиш, давлат тузилмаларини яратиш каби масалаларига катта эътибор берган. Аммо, шу давр сиёсий шароити ҳамда ерли халқнинг тушунчасида Туркистонда мустақил демократик жамият қуриш тўғрисидаги қарашлари бир мунча чекланганлигини кўрамиз. Бехбудийнинг “Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси”³ дастурида тўла мустақил демократик жамият тўғрисида эмас, давлатнинг автономия шакли назарда тутилади. 1917 йилдаги Умумтуркистон мусулмонларининг қурултойида ҳам давлатчилик қурилиши тўғрисидаги қарашларда демократик ёки федератив шакллари тўғрисида баҳс олиб борилади. Аммо, уларнинг демократия ва федерация тўғрисидаги қарашлари ҳам аслида конституцион монархия тузумидан ташқарига чиқиб кетолмайди.⁴

Айнан шу давр воқеа-ҳодисалари баёни, тафсилотлари ҳамда муваффиқиятсизликнинг сабабларига М.Чўқай “Истиклол жаллодлари” асарида қўйидагича таъриф беради: «Биринчидан, объектив омиллар: ...Биз курашга ўзимиз танлаган фурсатда эмас, Русия инқилоби жараёнини келтириб чиқарган вазият ижботи билан киришдик. Иккинчидан, субъектив, яъни ўзимиздан бўлган омиллар: Миллий манфаатлар йўлида курашиш лозимлигини билганлари ҳолда туркистонликлар ўзаро кучли бирлик қура олмадилар ва бунга улгурмадилар»⁵.

Туркистон Мухториятининг ташкил топиши, унинг сиёсий фаолияти, сўнгра инқироzi масалалари мамлакатимизнинг бир қатор олимлари асарларида ўз ифодасини топган⁶.

XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиёда чоризм истилочилик сиёсатига қарши маърифатпарварлик ғоялари билан боғлиқ. Чор Россияси мазкур Ўрта Осиё ҳудудини ўзига мустамлака қилиб олгач, ўз сиёсатини юргиза бошлади. Бир томондан, ўлкада руслаштириш сиёсати олиб борилса, иккинчи томондан, рус маданияти кўкларга кўтариб макталди. Бу даврда Огаҳий “Шоҳу гадо”, Аҳмад Дониш ақлсизликка қарши курашди, Бердақ Хива хонлиги маъмурий сиёсатини қоралади. Унинг “Аҳмоқ подшо” достони мавжуд. Бу даврда Сағторхон, Фурқат каби бир қанча маърифатпарварлар юзага келди.

Жадидчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг кўриниши бўлиб, унинг намояндалари мамлакатни қоқоқликдан чиқариш ва миллий тараққиётга эришишни маърифий йўлини кўрсатдилар. Исмоилбек Гаспиринский жадидчилик ғояларини Ўрта Осиёга ёйган инсон бўлиб, “Юз йилдан сўнг. 2000 сана” романида синфий кураш назариясига қарши эди. Маданияти йўқ бир миллатнинг саноати бўла олмас, у ҳам бўлмаса синфий низоларга эрта, биз маданий ўсувдан иборат деб билди ва курашди.

Маҳмудхўжа Бехбудий И.Гаспиринский ғояларини Марказий Осиёга ёйишда бош роль ўйнади. У “Шўрои Ислом” ташкилотига асос солди. Мунавварқори Абдурашидов Туркистонда жадидизм раҳбарларидан бири эди. У “Шўрои исломия” ташкилотини тузди. Бу ташкилотлар Туркистон ўлкасини Чор Россиясидан ажратиб олиб, уни маърифатли қилиш

¹ Абдурашидхонов М. Хотираларим. -Т.: Шарқ, 2001.

² Авлоний. Танланган асарлар 1, 2 жилдлар. Маънавият. 1998; Бехбудий . Танланган асарлар, Маънавият. 1999, Фитрат. Танланган асарлар 1,2,3 жилдлар, 2000-2003,

³ Бехбудий М. Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси. Жаҳон адабиёти, 2003 йил, август, 146-б

⁴ Дўстқораев Б. Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати. Жамият ва бошқарув, 1997 йил, 2-сон, 13 бет.

⁵ Чўқай М. Истиклол жаллодлари. -Т.: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1992, 6-бет.


⁶ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. -Т.: Маънавият, 2000. Қосимов Б. Миллий уйғониш. -Т.: Маънавият, 2002, 8-бет.

ғоялари билан яшади. Улар Россия таркибида миллий-диний автономия тузиш тарафдори эди. Фитрат, Чўлпон ва бошқа жадидчилик оқими намояндалари мамлакат аҳолисини фақат саводли, илм бериш йўли билан бу мустамлакачилик сиёсатидан кутулиш йўлларини кўрсатдилар. Лекин собиқ совет тузуми даврига келиб ана шу жадидчилик оқими намояндалари репрессия қурбони бўлдилар. Лекин биз бугунги кунда ана шу жадидчиларнинг мамлакат аҳолисини маърифатли қилиш, жаҳолатга қарши маърифат йўли билан кураш олиб борганлигини кўрамиз. Улар мустамлакачилик сиёсатини тубдан қоралдилар, ерли аҳолини саводли қилиш учун кураш олиб бордилар. Ана шу жадидчиларнинг ушалмаган орзулари бугунги кунда мустақиллик туфайли, Президентимиз Ислом Каримовнинг доно раҳбарлиги ва сиёсати туфайли маърифатли жамият учун олиб бораётган сиёсатини мен албатта чин кўнгилдан қўллаб-қувватлайман.

Чунки маърифатпарвар жадид оқими намояндаларининг ушалмаган орзуси бугунги кунда амалга ошмоқда. Ўзбекистон ўзининг маънавияти, маданияти билан жаҳонга юз тута бошлади. Эндиликда биз “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди” деган Президентимиз ғояси атрофида бирлашмоқдамиз.

2.3-слайд

Ўрта Осиё халқларининг мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий озодлик кураши ва унинг асосий босқичлари



2.4. XX аср иккинчи ярмида давлат ва жамият қуришнинг “советча” кўриниши ҳамда миллий мустақиллик ва Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришлар сари йўл тутиши

Миллий истиқлол учун кураш йўллари ва шу йўлдаги мақсад муштаракликда бўлган эмас. Мустақилликка эришиш курашлари афсуски, турлича англаган ва унга турлича ёндашилган. Аммо, миллий озодлик ҳаракатининг мағлубияти ёхуд кўплаб зиёли намоёндаларнинг қатағон қилиниши, шаҳид бўлиши билан миллатнинг ҳурриятга бўлган интилиши бир сония ҳам тўхтаган эмас. Ўзбек зиёлларининг мустақиллик учун олиб борган кураши XX аср 30-40-йилларда сўнгра 50-60-йилларда ҳам турли сиёсий кўринишларда давом этиб боради.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, коммунистик мафкура зуғуми остида қатоғонлик сиёсати янги паллага киради. Марказ ходимлари томонидан уюштирилган “ўзбеклар иши”, “пахта иши” билан 11 мингдан ортиқ ўзбекистонлик раҳбарлар ва оддий фуқаролар таъқиб остига олинди, жазоланди.

Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг зиддиятлашуви ва ҳодисаларнинг кескинлашуви “қайта-қуриш” йилларида ҳам ўз таъсир кўламини кенгайтириб келди. Натижада республикада жамият яхлитлигини парчалайдиган ҳамда вужудга келган эгасизлик ҳолати фуқаролар ўртасида парокандалик муҳитини юзага келтирди, миллатлараро зиддиятлар, баъзан тўқнашувлар, айниқса, давлат бошқарувида қонунсизлик, бошбодоклик ҳолатлари вужудга келди.

Мана шундай қалтис вазиятда, 1989 йил 23 июнда Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида ўз фаолиятини бошлади. У қисқа вақт ичида Ўзбекистонда вужудга келган ижтимоий танглик шароитини барқарорлаштиришга қаратилган тубдан янги миллий сиёсатни шакллантиришга эришди. Натижада, сиёсий бекарорлик, фуқаролар ва миллатлараро низоларнинг олди олинди. Давлат бошқарувида босқичма-босқич демократик тамойиллар мустақамланди - Ўзбекистонда мустақил давлат ташкил этишининг барча сиёсий ва ҳуқуқий заминлари яратилди. Бугунги кунда у «Ўзбек модели» сифатида тан олинмоқда. **Мустақиллик сари қўйилган қадамлар қуйидагилардан иборат:**

1. 1989 йил 21 октябрда “Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинди. Бу қонун 30 моддадан иборат эди. 1-моддада “Давлат тили – ўзбек тилидир” дейилди. Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида съезд, пленум, курултой, сессия, конференция, мажлис, кенгаш ва бошқа масалалар давлат тилида олиб борилиши айтилган. 1990 йил 19 февралда “Давлат тили ҳақида”ги қонунни амалга ошириш давлат программаси қабул қилинди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясининг 4-моддаси давлат тили ўзбек тили эканлиги айтилди. 1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» қонун қабул қилинди (31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан иборат ўзбек алифбоси жорий этилиши қайд қилинди. 1994 йил 16 июнда Вазирлар Маҳкамаси томонидан бу қонунни амалга ошириш мақсадида давлат дастури қабул қилинди. 1995 йил 6 майда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида қонун қабул қилинди (31 ҳарф ва 1 тутиқ белгисидан, сўзлари 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан сўзлар билан алмаштирилди). 1995 йил 21 декабрда “Давлат тили ҳақида”ги қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири қабул қилинди. Бу қонуннинг янги таҳрири 24 моддадан иборат. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш билан боғлиқ бўлган 2, 10-бандлардаги “2005 йил” сўзлари “2010 йил” деб алмаштирилди¹.

2. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентлик лавозими жорий қилинди (бу ҳақида тўлиқ маълумот б.3-мавзуда берилган).

¹ Она тили – Давлат тили. – Т.: Адолат, 2004. – 80 б.

3. “Мустақиллик декларацияси”нинг (1990 йил 20 июнь) қабул қилиниши, унинг мазмуни ва моҳияти. Ушбу “Мустақиллик декларацияси” Ўзбекистон Олий Советининг 2-сессиясида 1990 йил 20 июнда қабул қилинди. Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида қўйилган навбатдаги қадам бўлди. Бу умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжат депутатлар томонидан модда-модда, банд-банд муҳокама қилинди. “Мустақиллик декларацияси”нинг кириш қисмида Ўзбекистоннинг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборатлиги айтиб ўтилди. Биринчи моддада “Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларни белгилашда ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир”, деб қўйилган. Бу Декларация ўзбек халқи томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Шу кундан бошлаб республикада Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина бошланди. 1991 йил 17 мартда референдум ўтказилди. Бунда Ўзбекистон Федерация таркибида мустақил, тенг ҳуқуқли эканлиги айтиб ўтилди. Референдумда 9.215 мингдан кўпроқ киши қатнашди, 93 фоиз овоз тўпланди.

Демак, “Мустақиллик Декларацияси” 13 бўлимчалардан иборат бўлиб, у Ўзбекистоннинг мустақиллик сари қўйган қадамларида катта аҳамиятга эга бўлди. Эндиликда ўзбек халқи, миллатининг тепасида Ислом Каримовдек доно раҳбар шахснинг келиши ва давлатни оқилона бошқариши туфайли Ўзбекистон аста-секин ўз иқтисодий бўҳронларидан халос бўлмоқда. Мустақиллик декларациясининг тарихий аҳамияти яна шундаки, бу ҳужжатнинг қабул қилиниши, ўзбек халқининг ўзини англаш борасидаги сиёсати албатта муваффақиятли кечди. Лекин бугунги кунда баъзи бир бузғунчи кучлар Ўзбекистонни бу йўлдан қайтариб, иқтисодий муаммоларни чигаллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

4. 1991 йил 15 февралда Олий Кенгаш “Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида” махсус қарор қабул қилди.

5. 1991 йил 22 июлида Олий Кенгаш “Ўзбекистон ҳудудидаги жойлашган Иттифокқа бўйсунувчи давлат корхоналари, мусассасалари ва ташкилотларини ЎзССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтказиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

6. 1991 йил 21 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Фавқулодда ҳолат давлат кўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган қарорлари ва фармонлари ноқонуний деб эълон қилинди.

7. 1991 йил 25 августда Президент Фармони билан Республика ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги кўмитаси қонуний равишда Ўзбекистон тасарруфига олинди.

8. 1991 йил 26 августда Олий Кенгаш Ўзбекистон давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳамда 31 августда Олий Кенгаш сессиясини чақиришга қарор қилинди.

9. 1991 йил 28 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси Марказий назорат кўмитаси билан биргаликда қўшимча Пленуми чақириб, унда Ўзбекистон Компартияси КПСС МК билан ҳар қандай алоқасини тўхтатишга, КПССнинг барча ташкилотларидан чиқишга, унинг Марказий органларидан ўз вакилларини чақириб олишга қарор қилди.

10. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари 6-сессияси ўз ишини бошлади (Бу ҳақда кейинги саҳифага қаранг).

Демак, **Мустақиллик** - тенглик сари қўйилган биринчи қадам. Тенглик бўлмаган жойда ким кимгадир қарам бўлади. Тенглик одамларнинг ўзаро муносабатларидан тортиб мамлакатлараро муносабатларгача ҳамма нарсани меъёр-мезонга солади.

Мустақиллик - ўзаро ҳурмат, бир-бирини тан олиш, бир-бирини кадрлаш асосида мамлакат фуқаролари ўзаро муносабатида ҳам, давлатлар ўртасидаги алоқаларда ҳам ана шу инсоний кадриятларга таяниш, умумий мезонлар асосида яшаш демакдир. Миллий мустақиллик эркин дунёқараш, эркин тафаккурга таяниб яшашдир. Табиатан онгли яшаш, онгли муносабатни қарор топтиришнинг мезони ҳамдир.

1991 йил 19-21 август кунлари юз берган давлат тўнтаришига уриниш ва зўравонлик сиёсатини чуқурлаштиришга интилиш бу жараённинг якуни бўлди. Президент Ислон Каримов таъбири билан айтганда, “Мустақил ўзбек давлати халқимизнинг тарихий ютуғидир. Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритди. XX аср 90- йилларига келиб, социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, озодликка интилишнинг янги босқичи бошланди. Шарқий Европада собиқ социалистик мамлакатлар ўз миллий мустақилликларини қўлга кирита бошлади. 1989 йил Ислон Каримов давлат ҳокимиятига келгач, мустақиллик сари бир қатор қадамлар ташлашга муваффақ бўлди. 1989 йил 21 октябрда «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. 1990 йилга келиб Собиқ СССР бошқаруви янада мураккаблашиб борди. 1990 йил 6 августда собиқ ССР Президенти М.Горбачёв “Янги иттифок шартномасини асос сифатида бозор иқтисодиётига ўтишнинг Иттифок дастури Концепциясини тайёрлаш ҳақида» фармон чиқарди. 1990 йил сентябрда Собиқ СССР Олий Кенгаши 4-сессиясида Н.Рижков “Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик ва мамлакат халқ хўжалигида барқарорликни вужудга келтириш ҳақида” маъруза қилди. Бунда С.Шаталиннинг “500 кун” Дастури ҳам кўрилди. Бу дастур РСФСР Олий Совети II сессиясида 1990 йил 11 сентябрда қабул қилиниб ижобий баҳоланган эди. Лекин ҳар иккала дастур ҳам қабул қилинмади. Аксинча икковини қайта уйғунлаштирилиб қабул қилишга келишиб олинди. Демак, бу даврга келиб собиқ СССРни бошқариш бўйича бир қанча гуруҳлар пайдо бўлди. 1. Биринчи кучлар. Н.Рижков ва В.Павлов дастури тарафдорлари эскича яшашга интилиш кучли эди. 2. С.Шаталин дастури, бу янгилик сари эди. 3. М.Горбачёв командаси ва 4-гуруҳ бу Янавевнинг ҳокимият тепасига келиши ва 3 кун бошқаруви билан боғлиқ эди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Аммо, мустамлакачилик сиёсатидан сўнг қолган сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий мерос билан мустақилликни мустаҳкамлаш ва унинг истиқбол йўлини аниқлаш, аслида ундан-да мураккаб вазифа эди. Бундай вазифа мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат куриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлаш бўйича қатъий ва изчил сиёсат юргизишдан иборат бўлди.

Президент И.А.Каримов «Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат куришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, адолат тамойилини устувор принцип сифатида эътироф этамиз»¹, деб Ўзбекистонда адолатпарвар демократик жамият куришнинг назариясини миллий давлатчилигимизнинг уч минг йиллик тарихи ҳамда маданий мероси билан боғлашга қаратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида (1991 йил, 31 август) урта тарихий ҳужжатнинг қабул қилиниши ва унинг ижтимоий-тарихий аҳамияти.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Мамлакат тақдирида муҳим аҳамият касб этадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессияси чақирилди. Сессияда республика мустақиллиги тўғрисида Президент Ислон Каримов маъруза қилди. У Ўзбекистоннинг мустақиллиги тўғрисида қонун қабул қилишни таклиф этди. Демак, ана шу сессияда 3 та тарихий ҳужжат қабул қилинди:

1. Олий Кенгаш «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

2. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти» қабул қилинди. Унда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва озод суверен давлат-Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлиги тантанали равишда эълон қилинди.

3. «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу тарихий ҳужжатларда 1 сентябрь- республика мустақиллиги

¹ Каримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. -Т.: Ўзбекистон, 1998, 53-бет.

куни умумхалқ байрами деб эълон қилинди. Халқнинг асрий орзулари мужассамланди: у ўз тақдирини ўзи ҳал қиладиган бўлди. Ўз еридаги барча табиий бойликларнинг, оналари меҳнати билан яратилган бутун ишлаб чиқариш ва илмий-техник куч-қудратнинг тўла ҳуқуқли эгасига айланди. Ўз буюк тарихи ва маданиятининг муносиб вориси, аждодларининг ажойиб урф-одатларию инсонпарвар анъаналарининг давомчиси, ўз порлоқ келажакининг мустақил ижодкори бўлди. Демак, Ўзбекистоннинг бутун тарихи халқнинг мустақиллик учун доимий ва тинимсиз интилишидан гувоҳлик беради. Миллий озодлик ҳаракатлари, XIX аср охирлари ва XX асрнинг 30-йилларигача бўлиб ўтган кўзғолонлар бунинг яққол кўринишлари дейиш мумкин. Улар қандай тарихий сабоқлар ва баҳоналар асосида келиб чиққан бўлмасин, қандай шиорлар асосида ўтказилмасин, халқнинг барча ҳаракатлари асосида мустақиллик ва эркинликка интилиш мавжуд эди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви бутун халқнинг ва замонларнинг объектив тарихий қонуниятларига мос келади. Европада ҳам, Осиёда ҳам буюк империялар жуда катта куч-қудратга эга эдилар. Бироқ уларнинг ҳаммаси халқнинг миллий озодлик ва мустақиллик учун курашлари натижасида қулади. XX асрда тезкор ва кенг қамровли хусусият касб этди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўпчилиги халқлари эса ўз давлат мустақиллигига, истиқлол ва эркинликка эришдилар. Шу маънода империалистик давлат бўлган СССРнинг парчаланиши тарихий тараққиётнинг муқаррар ва қонуний натижаси бўлди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги 2007 йил 30 августда нишонланар экан, бу мустақиллик заминида халқимизнинг асрлар давомида олиб борган қонли курашлари кўз ўнгимдан кетмайди. Мустақиллик бизга нима берди дейиш мумкин, шахсан мен мустақиллик бизга эркинлик берди, кимлигимизни англади. Президент ибораси билан айтганда «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди».

Мустақил давлатимиз ғояларининг назарий ва ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда унинг шаклланишида – собиқ иттифоқда биринчи бўлиб, 1990 йил 24 мартда (12-чақириқ Олий

Советининг биринчи сессияси) Ўзбекистонда Президентлик институтини таъсис этиш тўғрисидаги қарори бўлган эди. Маълумки, ўша сессияда И.А.Каримов Ўзбекистон ССРнинг Президенти этиб сайланган эди. Мамлакатимизда Президентлик институтининг таъсис этилиши нафақат давлатчилигимиз миллий ғоясини, балки халқимизнинг босқичма-босқич сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун курашнинг ўзига хос йўналишининг бошланиши ҳам эди.

Президентлик институтининг ташкил этилиши узоқ йиллар мобайнида Республикаимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий соҳаларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишнинг бирдан-бир тўғри ечими эди.

Маълумки, дунё давлатчилиги тарихий ривожланишида бошқарувнинг асосан икки шакли – монархия ва республика усуллари мавжуд. Республика бошқаруви ўз навбатида парламентар ва президентлик республикалари кўринишларига эга. Президентлик Республикаси ҳозирги кунда энг кўп тарқалган давлат бошқаруви шаклидир. 2000 йилги маълумотларга кўра, БМТга аъзо 192 давлатдан 146 тасида Президент лавозими мавжуд¹.

Уларнинг аксарият кўпчилиги президентлик республикалари ҳамдир. Булар АҚШ, Аргентина, Бразилия, Мексика, Франция, Россия Федерацияси ва бошқалардир.

Давлатчилик ғояларининг назарий асослари ва уларнинг шаклланиши жараёнларини президентлик институтининг таъсис этилиши ҳақида батафсил фикр юритишимизнинг асосий сабаби – Президентлик ҳокимиятининг манбаи халқ эканлиги тўғрисидаги тарихий тажрибанинг Ўзбекистонга мос ва зарурлиги ҳамда давлат бошқарувидаги энг самарали шакли эканлигининг ўз исботини тапаётганлиги билан белгиланади. Шу ўринда, «Президентлик Республикасининг парламентар республикадан асосий фарқи нимадан иборат?» деган табиий савол туғилади. **Биринчидан**, Президент халқ томонидан муқобиллик асосида сайланиб, давлат бошлиғи ҳисобланади. Ҳукумат Президент томонидан тузилади ва унга ҳисобот беради. Парламентар республикада эса, парламент, яъни олий вакиллик қонун

¹ Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тошкент – 2000. 41-б.

чиқарувчи идора, президентни ва ҳукумат таркибини сайлайди ва уларни ўзига итоат эттиради.

Иккинчидан, Президентлик ҳокимияти сиёсати демократиянинг муҳим умумжаҳон эътироф этилган тамойили бўлган халқнинг хоҳиш-иродасини амалга оширишнинг кафолатидир. Президентлик бошқаруви ҳокимияти инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишни Конституциявий қонунлар билан кафолатлайди.

Учинчидан, Президентлик бошқаруви барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунчилик ҳамда Конституциявий тузум барпо этишнинг асоси бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари фаолиятини мамлакат олий мақсадлари йўлида мувофиқлаштиради¹.

Тўртинчидан, Президентлик бошқарувининг асосий тамойили ўзи бошқараётган давлатнинг дунё давлатлари орасида тенг ҳуқуқлилигини, миллий манфаатлар устуворлиги, республика суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолатланган Конституция нормалари ва қонунларининг тўғри ва қатъий риоя этилишини таъминлайди ва бошқаради.

Умуман, мамлакатимизда Президентлик институтининг таъсис этилиши миллий давлатчилигимизни шакллантиришдаги қарашларимизнинг маъно ва мазмунини тубдан ўзгартириб юборади. Бунинг исботини Президентимизнинг мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг бош ташаббускори ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи асосий етакчи бўлиб қолаётганлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Давлатчилик ғояларининг назарий асослари ва уларнинг шаклланишини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иккинчи сессияси (1990 йил 20 июн) кунида қабул қилинган «Мустақиллик декларацияси»сиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, айнан ушбу Декларациясининг биринчи моддасида: «Ўзбекистон ССРнинг давлат мустақиллиги Ўзбекистон ССР демократик давлатининг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларини белгилашда ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир» деб белгилаб қўйилиши давлатчилигимиз ғояларининг ҳуқуқий асосларини ташкил этган эди.

«Мустақиллик декларацияси»нинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги яна бир муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган қадами эди. Айнан ушбу Декларация эълон қилинишидан бошлаб, мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалаларни мустақил тарзда ҳал қилишга киришилди.

Давлатчилик ғояларининг назарий ва ҳуқуқий асосларини шакллантиришда Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармониға биноан² Республика Ички Ишлар Вазирлиги ва Давлат Хавфсизлиги Қўмитасининг қонуний равишда Ўзбекистон тасарруфига ўтиши алоҳида ўринга эга бўлди. Ушбу Фармонға биноан Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички Ишлар Вазирлигининг ички қўшинлари ҳам бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди. Айниқса, Республика Ички Ишлар Вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси, прокуратураси, Адлия органлари, ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари сиёсий партиядан бутунлай холи қилинганлиги миллий давлатчилигимиз шаклланишидаги янги босқичнинг бошланиши эди.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

Демак, мустақиллик сари қўйган қадамлари ва босқичлари: 1) Давлат тилининг қабул қилиниши, 2) Давлат рамзларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги 3) Коммунистик партиянинг Ўзбекистондаги бўлими барҳам топиш билан характерланди.

1990 йил 24 мартда Ўзбекистонда Президентлик институтининг жорий этилиши, 1990 йил 1 ноябрида Президент хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ташкил этилиши,

¹ Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тошкент – 2000. 42-б

² Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги ҳужжатлар. Т., 1991. 5-б.

вилоят, шаҳар ва туманларда вакиллик ҳамда ижроия идораларига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик лавозимининг таъсис этилиши, янги миллий давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, мамлакатнинг демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти томон йўл тутиши республиканинг янги Конституцияси яратилишини тақозо этди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси янги миллий давлатчиликнинг конституциявий пойдевори бўлиб қолди.

Бу Конституция аввало, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаси ва анъаналарига таяниб, миллий давлатчиликнинг янги асосда ижодий ривожланишини таъминлаб берувчи сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси демократия ва инсон ҳуқуқларининг жаҳонда эътироф этилган қоидаларига тўла мос бўлиб, мамлакатимизда кенг кўламли ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказиш учун ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. “Авесто”да адолатли жамият тўғрисидаги дастлабки қарашларни баён этинг?
2. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро каби озодлик курашчиларининг босқинчиларга қарши мардона кураши ҳақида нималарни биласиз?
3. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Амир Темурнинг 660, Жалололдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги нишонланиши билан боғлиқ бўлган юбилейлари ҳақида ҳикоя қилиб беринг?
4. Ўтмишда миллий давлатчилик негизларидан маҳрум бўлишнинг сабаблари нималарда эди?
5. Марказлашган маъмурий бошқарув ва тоталитар тузумнинг салбий оқибатлари ҳақида гапириб беринг?
6. Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви қачон жорий қилинди?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 6–10-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6,8-12, 14-15, 16-26, 28-38, 47-48-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1., -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 36-49, 76-85, 104-108, 123-130-бетлар.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 207-217-бетлар.
6. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
7. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
8. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
9. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
10. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.

11. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
12. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.
13. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавийтимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
14. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
15. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафкуриси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
16. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
17. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
18. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
19. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
20. Левитин Л., Карлайл С. Ислом Каримов - янги Ўзбекистон Президенти. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 40-46, 117-119-бетлар.
21. Алишер Навоий «Махбуб ул-қулуб». -Т.: «Адабиёт», 1996.
22. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. -Т.: 1998.
23. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: «Халқ мероси», 1993.
24. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
25. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: ТМИ, 2004, 3-180-бетлар.
26. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
27. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
28. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
29. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
30. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.

3-МАВЗУ. МУСТАҚИЛЛИК ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНING «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

3.1. Демократик жамият қуришнинг турли хил миллий моделлари ва Ўзбекистонда унинг ўзига хос хусусиятлари

Миллий мустақиллик ва демократиянинг узвий боғлиқлиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг келажакда қандай йўлдан бориши масаласи кун тартибига қўйилган энг долзарб масалалардан бири бўлди. Унинг долзарб бўлиб қолишининг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари ва омиллари ҳам мавжуд эди. Унинг

объектив сабабларидан бири жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча давлатларга мос келадиган бирон бир тайёр андозасининг йўқлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслиги эди. **Иккинчи объектив сабаби** – маъмурий буйруқбозликка асосланган тузумга хос ижтимоий муносабатлар ва қоидалар эндиликда республикада барпо этилаётган янги ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат манфаатларига мос келмаслиги эди. Мулкчилик, мулкка эгалик ва уни бошқариш, ишлаб чиқаришдаги инсон омилининг ортишини ҳисобга олган ҳолда давлатни бошқаришнинг бутунлай янги шаклини вужудга келтириш зарур эди. Демак, **биринчидан**, ҳар бир давлат демократик тараққиёт йўлига кириши учун маълум бир муддат талаб қилинар эди. **Иккинчидан**, вақтни қўлдан бой бермасдан ривожланишнинг тарихий жиҳатдан асрлар мобайнида шаклланган анъаналари асосида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ишлаб чиқишни бир дақиқа ҳам кечиктириб бўлмас, янги концепция ишлаб чиқиш зарур эди.

Мамлакат Президенти Ўзбекистон фуқаролари учун табиий ҳақ-ҳуқуқ ва шунингдек олий неъмат бўлган мустақиллик тўғрисида сўз юритар экан, уни жамият ривожининг асоси, бугунги ва узоқ истиқболдаги тараққиётимиз шарт, барча ислохотларимизнинг мезони ва ниҳоят, барча амал қиладиган бош тамойил деб таърифлади. Шундай экан, у жамият аъзолари олдига муттасил янги-янги вазифаларни қўяди ва унинг бажарилишини талаб қилади. Зеро, тараққиётнинг ҳар бир босқичи, турли-туман муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги тадбирлардан иборатдир.

Халқаро ҳамжамият катта ва кичик миллатлар, давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мустақилликнинг илк асноларида вужудга келган муаммолар ечимида сусткашликка йўл қўйиш оғир ижтимоий ларзаларга олиб келиши мумкин. Зотан, ҳар қандай ечилмаган муаммо яна бошқа қатор хавф-хатарларни келтириб чиқариб, давлат тараққиётининг анча мураккаблашишига олиб келади. Демак, мамлакат тақдири учун масъулликни ўз зиммасига олган ҳокимият тузилмаси бу борада бир нафас ҳам беғамликка йўл қўя олмайди, доимо уйғоқ ва ҳаракатда бўлади. Дарҳақиқат, мустақиллик бир томондан миллий тараққиёт йўлини эркин танлашда улкан масъулият юкласа, иккинчи томондан эскиликка барҳам бериш ва янги жамиятга асос яратиш учун беқиёс имконият яратади. Шу нуқтаи назардан, мустақилликни демократия учун энг зарур шарт-шароит деб ҳисобласак бўлади.

Ўтмиш, бугун ва келажак бир-бирига туташган бундай тарихий пайтларда мустақиллик даврини кечириётган ҳар бир давлат бир томондан, демократия борасида жаҳон халқлари орттирган бой тажриба ҳамда ундан миллат манфаатлари йўлида фойдаланишни, иккинчи томондан эса, уни ўзига хос ноёб бир шароитда жорий этиш билан боғлиқ муаммога дуч келганлигини тарихий тажрибалар кўплаб мамлакатлар мисолида тасдиқлаган.

И.А.Каримов Ўзбекистоннинг раҳбари сифатида асосан **икки** нарсани муштарак ҳолда олиб борди. Улардан **бири** мамлакатимизнинг ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасини ўрганиш ва уларнинг бизга мақбул жиҳатларини ижобий жиҳатдан ўзлаштириш бўлса, **иккинчиси** - Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи, менталитети ва анъаналарига таянишдан иборат бўлди. Унга Ислом Каримов томонидан тақлиф қилинган беш асосий тамойил асос қилиб олинди.

XX аср 50-йиллардан кейинги йилларда кўпчилик собиқ мустамлака мамлакатлар ўз мустақиллигига эришиб, миллий давлат қуриш йўлига ўта бошладилар. Бу вақтда асосий 3 тараққиёт йўли: **1) капиталистик; 2) социалистик; 3) миллий озодликка эришган** давлатларнинг аралаш йўналиши ҳақидаги қарашлар бор эди. XX аср охирларига келиб бирон-бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини қатъий қабул қилинган қоидалар доираси билан чеклаб туриш мумкин эмаслиги, тараққиёт йўллари (моделлари) анча кенг қўлам ва мақсадга эгаллиги, улардан бирини танлашда ҳар бир мамлакат ўз ички шароитларидан келиб чиқмоғи зарурлиги маълум бўлди.

Иқтисодиёт назариясида айрим олимлар иқтисодий тараққиёт моделини давлат тузуми деса, бошқалар ижтимоий-иқтисодий формация, учинчилари эса ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аниқ белгиланган йўли, деб ҳисоблайди. Иқтисодий тараққиёт модели,

Н.Тўхлиев ва бошқа бир гуруҳ олимларнинг фикрига кўра, иқтисодий муносабатларнинг кенг миқёсли тизими бўлиб, у ҳуқуқий, маъмурий ҳамда хўжалик механизмлари орқали бошқарилади¹. Бундай муносабатларнинг субъекти мулк эгалари, хўжалик фаолияти иштирокчилари, уюшмалар, давлат ва хусусий сектор, мамлакат доирасидаги минтақа ва тармоқлар ҳисобланади. Иқтисодий тараққиёт моделига ахлоқ ва дунёқараш, менталитет, турмуш тарзи, маданият каби ижтимоий меъёрлар маълум даражада ўз таъсирини ўтказиши.

Иқтисодий тараққиёт модели глобал ва миллий характерда бўлади. Ҳозирги вақтда тараққиётнинг бир қатор типик глобал қуйидаги моделлари мавжуд:

1. Осиё тараққиёти модели – жамоанинг кучли позицияси ва диний омилга асосланган бўлиб, бу моделда ундирувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги асосий ўринда туради. “Осиё арслонлари” деб эътироф этилган: Жанубий Корея, Сингапур, Тайван, Малайзия каби мамлакатлар ривожланди.

Мустақилликдан мерос қолган қалок, анъанавий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш. Бу модел миллий мустақиллик шароитида амалга ошади. Бунда бозор иқтисодиётига хос белгилар хўжалик турларининг трансформацияси орқали юз беради.

1) Азалий натура хўжалик бозор доирасига тортилиб, товар хўжалигига айланади ва ундан бозор иқтисодиёти белгилари ўсиб чиқади.

2) Кам ривожланган, лекин реал мавжуд миллий капиталистик хўжалик бозор иқтисодиёти томон юз тутади.

3) Хорижий капитал яратган хўжалик, ишлаб чиқаришнинг хорижий сектори заминида бозор иқтисодиёти унсурлари ривож топади.

Осиё моделининг муҳим белгиси шундаки, унга бозор муносабатлари ривожига хос босқичларнинг ҳаммасидан ўтилмайди, ҳатто айримлари четлаб ҳам ўтилади. Масалан, қолақ натура хўжалик тўғридан-тўғри бозор иқтисодиётига хос йирик фермер хўжалигига айланади.

“Янги Япон” йигит-қизлари билан кучига ва ақлига таянадилар. Четдан техника, асбоб-ускуна, капитал олиб келинади. Ишчи кучини “аждоҳа”лар беради. АҚШ технологиясидан нусха кўчирган Жанубий Корея ҳам тез ривожландики, бунда 1) ишчиларни бепул қайта ўқитиш; 2) саноат тармоқларини ривожлантириш; 3) субсидия ва паст фоизли кредитлар бериш; 4) “Экспорт” – иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи” ақидаси ҳукмрон; 5) мамлакатда билимдон ва интизомли ишчи кучларининг етарлилиги.

2. Европа (ча) моделида – иқтисодий тараққиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, хусусий ташаббуснинг юқори даражада ривожланганлиги, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва солиқ ундиришнинг шароитга мослашувчан тизими, жамиятнинг технократик йўналиши, ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори ҳиссаси кўзга ташланади.

Европача моделда эволюцион йўл орқали оддий товар хўжалигидан классик капитализм томон ва ундан бозор иқтисодиёти томон борилади. Бунда оддий пул-товар муносабатларининг капиталистик шаклга кўчиши, унинг бозор иқтисодиётига айлана бориши орқали юз беради. Бу моделда бозор иқтисодиётининг ёввойи кўринишлари ҳам кузатилади: ўта тарқоқлик, тартибсизлик, ўзбилармончилик, шафқатсиз эксплуатация, омманинг қашшоқлашуви, ғирром рақобат, ғайри инсоний хатти-ҳаракатларга мойиллик. Бу жараён XIX аср охиригача ҳукмрон бўлди. XX аср 30-йилларидан бозор иқтисодиётига ўтилди, 50-йилларда шиддатли тус олди.

3. Лотин Америкаси модели – ҳом ашё тамойилига қурилиб, ундирувчи саноат тармоқларининг ривожланганлиги, меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги, хуфёна наркокапиталнинг юқори ҳиссаси, экспортнинг паст, товар ва хизматлар импортининг эса юқори даражаси иқтисодиётда майда товар ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражаси билан тавсифланади.

¹ Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 121–122-б.

4. Оснё – Тинч океани модели (XX аср 70–80-йилларда шаклланган)нинг типик хусусияти – юқори технологияга эгаллиги, табиат ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш илмий базасининг ривожланганлигидир.

5. Африка иқтисодий тараққиёт модели – типик хом ашё йўналиши, иқтисодиётда паст унумдорлик даражаси, меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги, аҳоли турмушининг паст даражаси, инфратузилманинг ривожланмаганлиги, уруғчилик, қабилалар ўртасидаги урушлар, ижтимоий-сиёсий барқарорлик билан характерланади.

6. Постсовет иқтисодий тараққиёт модели – асосан МДХ мамлакатларига хос бўлиб, уларни ишлаб чиқариш технологиясининг умумий хусусияти, ягона андозалар, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг умумий вазифалари бирлаштиради. Собиқ Иттифоқ республикаларининг 70 йилдан ортиқ бирга бўлиши иқтисодий муносабатларининг яқинлашувига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. XX аср 90-йиллари бошида ва ўрталарига келиб ҳам мамлакатлар ташқи савдо айланмасининг ярмидан кўпроғи МДХга тўғри келар эди. Аммо, кейинчалик бу тенденция миллий тараққиёт моделлари етакчи ўринни эгаллай олмади. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятида саноати ривожланган мамлакатлар биринчи даражасига кўтарилди.

Тараққиётнинг глобал моделларидан ташқари дунёдаги АҚШ, Англия, Япония, Германия каби айрим ривожланган ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда куйидаги моделлар ҳам кўзга ташланади.

1. “Америка модели”да бозор муносабати ниҳоятда либераллиги билан характерланади. Давлатчилик асослари ва демократик тамойиллар муқаддаслиги, ўз кучига таянишга ўргатилади. «АҚШ миллатлар ҳамжамияти» ғоясида бирлашган давлатдир.

2. “Япон модели”да иқтисодий муносабатларда **давлат етакчи** ўринни эгаллайди. 2-жаҳон уришида 8 млн.дан зиёд одам ҳалок бўлган ва жароҳатланган, 90 дан ортиқ шаҳар, 80 дан ортиқ саноат корхоналари вайрон бўлган. Давлат сиёсий маданиятга эътибор қаратди. Иқтисодиёт халқнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси, руҳияти ва менталитети билан йўғрилди. Америка кўмагига таянди. Фуқаро меҳнатсеварлик, интизомлилик, жамоавийлик япон миллий характери ривожлантирилди. “Бор имкониятларингни ишга сол!” ғоясига амал қилинди. “Ахлоқ тарбия” тизимига асосланган: 1) характерни шакллантириш; 2) “давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият»; 3) “фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш”га йўналтирилди.

3. “Швед модели”да иқтисодиёт ижтимоий соҳага йўналтирилганлигидир....

4. Эрхард (немис) моделида XX аср 1949-50 йилларда 2 та ислоҳот ўтказилган: 1) Пул (марка) ислоҳоти, бир кечада марка синган, куйган, фақат банкларда кўп миқдорда маркаси борларнинг 40 маркасигина қолдирилган. 2) Нарх-наво ислоҳотига кўра “очиқ эшиklar” сиёсати олиб борилиб, дўконлардаги нарх-наво ошиб кетган. Чет эл корхоналари билан бирга қўшма корхоналар барпо этилиб, хорижий сармоялар иқтисодиётга жалб қилинган. Ўтиш даврида АҚШнинг “Маршал шартномаси”га таяниб, Ғарб давлатларига ажратилган 50 миллиард доллардан қисман фойдаланилган. Эрхард модели ўзида АҚШ, Англия, Швеция каби ривожланган мамлакатлар тараққиёт моделларининг ижобий томонларини ўзида умумлаштирган. Четга саноат, ноозиқ овқат маҳсулотларини экспорт қилиш 1950–1992 йиллар даврида 27 фоиздан 92 фоизгача чиқарилган. Шу даврда озиқ-овқат маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжига сарфланиб, 75–80 фоиздан 27 фоизгача камайтирилган. Бугунги кунда Германия аҳолиси 85 млн.га яқин. 1990 йилда Шарқий Германия (ГДР) унга қўшилди, иккита ГФР ва ГДР ўртасидаги девор олиб ташланди. 1992 йилга келиб, Германия Потстам конференцияси (1945) шартларини бажариб, собиқ СССР ва АҚШга катта миқдорда товон тўлади. 1994–95 йилларда 3 мингга яқин яхудийларнинг ҳар бирига ҳам 3,5 минг маркадан товон пули тўлади.

5. Турк модели айнан Эрхард моделининг андозаси бўлиб, немислардан ўзлаштирилган. Фақат бунда Туркия мамлакатда енгил саноат ривожланишига кенг эътибор берилган. Пул ва нарх-наво ислоҳотлари олиб борилган. Бугунги кунда Туркия ўрта ривожланган давлатлар қаторига киради.

6. “Хитой модели”да Хитой ислохотларининг “отаси” Дэн-Сяопин раҳбарлигида “Уч кадам” стратегияси, бозор иқтисодиётининг миллий концепцияси ишлаб чиқилди. Бунга кўра:

1) Биринчи босқич. 1982–1989-йилларда асосий иқтисодий кўрсаткич, мамлакатнинг ЯИМ 2 марта ўстириш кўзланди.

2) Иккинчи босқич. 1990–1999 йилларда амалга оширилиб, 4 марта кўпайтириш белгиланди.

3) Учинчи босқич. 2000–2050 йилларгача белгиланиб, аҳоли жон бошига ЯИМ 4 минг долларга етказиш кўзда тутилди.

Дэн Сяпин сиёсат соҳасида оқилона йўл тутди. У “моддий инқилоб” оқибатларини тугатди. У Хитой Компартияси дустуридан “3-жаҳон урушининг муқаррарлиги ва зарурлиги” қоидасини олиб ташлади. Ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажмуриятини олди. У “Бир давлат ва икки сиёсий тузум” дастурининг асосчиси. Бир вақтлар инглизлар босиб олган Гонконгнинг Хитойга қайта қўшилиши муаммосини ечиб кетди. 1997 йил 1 июлида қўшилди. Гонконг Буюк Британиянинг Осиёдаги мустамлакаси эди.

Хитой давлати бозор иқтисодиёти миллий концепциясига кўра: 1) мамлакат иқтисодиётининг либераллашуви; 2) хусусийлаштириш жараёни; 3) турли мулк шакллари пайдо бўлиши; 4) хорижий сармояларнинг кириб келиши йўлга қўйилди. Дэн Сяпон: «мамлакат иқтисодиётини ислоҳ этишдан кўзланган мақсад – социалистик бозор иқтисодиёти тизимини шакллантиришдир» деган эди¹. Хитой аҳолиси 1 300 млн. киши.

7. “Жанубий Корея модели” 4 босқичдан иборат бўлди.

1) 1946–1961 йилларда Америка тусидаги давлатчилик шакллантирилди. АҚШ ҳарбий кучлари ушлаб турилиши бу вазифани анча енгиллаштирди.

2) 1962–1975 йилларда Корейс иқтисодий мўъжизасининг отаси деб тан олинган Президент Пак Чжон Хи номи билан боғлиқ. Ислохотнинг асосий йўналиши чора ва эҳтиёжларни қоплашга қаратилган иқтисодиётга эмас, балки маҳсулотни таклиф қиладиган иқтисодиётга қаратилди. Экспорт ошди....

3) 1976–1981 йилларда иқтисодиёт экспортга йўналтирилди. Кейинчалик оғир саноат ривожлантирилди. 1980 йилларда саноат ишлаб чиқаришида кичик ва ўрта бизнес 20%дан ошмади.

4) 1982–1991 йилларда иқтисодиётни эркин қўйиш, унинг очиклиги таъминланди. Имтиёзли кредитлар бериш бекор қилинди. Давлат фақат узоқ муддатга кредит беришни кафолатлади.

8. “Ўзбек модели” – қисман Эрхард (немис) моделига ўхшаб кетади. Немисларга ўхшаб, мамлакатимизда 2 та ислохот ўтказилди. 1) 1993–94 йилларда пул ислохоти (купон) жорий қилиниб, миллий сум муомалага киритилди; 2) Нарх-наво ислохоти 1991–2001 йиллар ва ундан кейинги ҳозирги давргача давом этмокда.

Аслида XX аср 90-йиллари бошида Ўзбекистон олдида бир қатор стратегик ривожланиш йўллари пайдо бўлган эди. Уларни 4 йўналишга бўлиш мумкин: 1) хом ашё; 2) аграр; 3) индустриал; 4) хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича гуруҳлаш жоиздир.

1. Хом ашё йўлини танлаш табиий бойликларнинг янада талон-тарож қилиниши, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси, саноатнинг ундирувчи тармоқларига зўр беришга олиб келди. Собиқ Иттифоқ иқтисослашуви бу йўналишни келтириб чиқарган эди.

2. Аграр иқтисодий тараққиёт модели аграрсаноат мажмуи (АСМ) тармоқларини ривожлантиришни тақозо қилиб, аҳолининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги билан банд қилишга олиб келарди.


3. Индустирал иқтисодий тараққиёт моделининг самарадорлиги Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибаси билан тасдиқланди.

¹ Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 52–58-б.

4. Тараққийнинг хизмат кўрсатиш йўналиши ҳам Ўзбекистонга қўл келиши мумкин эди. Бу йўлдан бораётган Европа мамлакатларидан ЯИМнинг 67–70% шу соҳада яратилади. Баъзи мамлакатларда бу ЯИМнинг 25% ни ҳосил қилади.

Ўзбекистон юқорида саналган глобал ва миллий моделларнинг биронтасидан воз кечмади, улардан фойдаланди.

3.1-ЧИЗМА



Ўзбек модели тушунчаси, аввало, Ўзбекистоннинг мустақил миллий тараққийи қандай бўлиши лозимлигини асослайдиган, уни муайян мақсадларга йўналтирадиган энг умумий назарий хулосалар ва мўлжаллар билан давлатнинг белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган амалий сиёсатининг муштараклигини англатади.

Биз қандай жамият барпо этмоқламиз, деган масала Президентимизнинг «Ўзбекистон ХХI асрга интилоқда» (1997), «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» (2002), «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» (2005) каби асарларида айниқса ўзининг тугал ва мукамал ифодасини топди. Унда қурилажак янги жамиятнинг илмий-фалсафий концепцияси, жамият ҳаётини тубдан ислоҳ этишнинг навбатдаги стратегик вазибалари асослаб берилган. Ана шу масалаларни бажариш миллий истиқлол ғоясининг пировард мақсадларини белгилайди ва бу мақсадларга етишга хизмат қилади.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Бозор иқтисодиёти, энг аввало, кўпмулкчиликка ва улар ўртасидаги рақобатга таянади. Унда мулкнинг барча қонуний шакллари тенг ҳуқуққа эга бўлиб, бу ҳуқуқ давлат томонидан қафолатланади.

«Ўзбек модели»ни бугунги кунда демократик жамият барпо этиш муҳим ўзига хос модели эканини дунёнинг жуда кўплаб сиёсатшунос етакчи олимлари ўрганмоқда ва уни таҳлил қилмоқдалар 1. Масалан, россиялик тадқиқотчилар М.С.Гафарли, А.Г.Касаев, германиялик Л.Левитин, Россия Фанлар Академиясининг академиги Ф.Бурлацкий уни юксак баҳолашган.

Мустақил тараққийт йўлига чиққан Ўзбекистон учун энг асосий, бош масала миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш, мустақилликнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларини яратиш эди. Мазкур масалага мустақилликка эришган барча мамлакатлар турли даврларда дуч келишган ва улар бу масалани турлича ҳал этишган. Шу


¹ Қаранг: Гафарли М.С., Касаев А.Г.. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққийт асоси. Т.: Ўзбекистон, 2001. –430 б.

Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: Ўзбекистон, 2000. 368-б.

Дональд Карлайл Ўзбекистон Ўрта Осиё, истиқболдаги ўтмиш ва ҳозирги замон ва бошқалар.

сабабли илмий адабиётларда ижтимоий тараққиётнинг «Швед модели», «Америка модели», «Япон модели» каби тушунчалар ишлатилмоқда. Мазкур тушунчалар замирида муайян минтақа ёки мамлакатлар ижтимоий тараққиётида сиёсий-иқтисодий ислохотларни қайси йўл билан, қай йўсинда амалга оширилиши билан бир-биридан фарқланади.

3.2-ЧИЗМА



Мамлакатимизда эски маъмурий-буйруқбозлик тизимининг устунлари бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари барҳам топтирилди. Жумладан, Собик Коммунистик партиянинг яққа ҳокимлигига чек қўйилди. Жойлардаги ижроия ҳокимиятининг эски тизими тугатилди.

3.2. Ислон Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари ҳамда унинг тарихий аҳамияти

Бу асар Президент Ислон Каримов томонидан 1992 йилда ёзилди. Асарда Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос йўли ва демократик жамият қуришнинг жаҳон тараққиёти тажрибаси таҳлил қилинди. Жаҳон тараққиётида: 1) Демократия ва қонунчилик. 2) Мулкчиликнинг турли шакллари в унга муносабат. 3) Юксак маънавият ва маданиятнинг ривожланиши. 4) Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятига кириш масалалари кўрсатиб берилган. Асарда Марказий Осиё республикалари ижтимоий тузумини ўзгартириш учун қуйдаги масалаларга эътибор қаратилган. 1. Маъмурий буйруқбозлик тизимидан демократик, бутун жамиятнинг тузилишига ўтиш. 2. Мулкчиликнинг бегоналашуви: режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш. 3. Тоталитар, ақидапарастлик мафқурасидан ҳурфикрликка, кўппартиявийликка, умуминсоний маънавиятга амал қилиш. 4. Жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш. Умуман, бу асарда

демократик ҳуқуқий давлат ва Ўзбекистонни 125 мамлакат (бугунги кунда эса 170 га яқин) тан олганлиги, 40 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилганлиги баён этилган. Ўзбекистон БМТга 1992 йил 2 мартда қабул қилинганлиги кўрсатилган. Умуман, бу асар 5 қисм, бўлимларни ўзида ифода этади. Булар:

1. Ўз йўлимизнинг шарт-шароити ва заминлари.
2. Ўзбекистон демократик ва итимоий адолат жамияти.
3. Миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат.
4. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш – мустақил Ўзбекистон ички сиёсатининг негизлари.
5. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари.

Умуман, ана шу асар Президентимиз томонидан ёзилгандан сўнг Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг ҳуқуқий асослари ва тамойилларини қабул қилиш билан бирга, унда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари ҳар томонлама асослаб берилди. Шу асар ёзилгандан сўнг жамиятимизда сиёсий ҳаётнинг барча соҳалари, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш жадаллик билан олиб борилмоқда. Бизнингча, мазкур асарнинг тарихий аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, бу Ўзбекистон фуқароларининг мустақил тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан ривожланиб боришининг сиёсий ва иқтисодий йўналишларини белгилаб берди. Халқимиз ўзининг нималарга қодир эканлигини исботламоқда. Ҳақиқатан ҳам Президентимиз таъкидлаганидек, «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди». Мен бу асарнинг тарихий аҳамиятини шу боисдан ҳам бекиёс деб биламан.

Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон -- бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарининг тарихий аҳамияти. Мазкур асар 9 бўлимдан иборат, ушбу асар 1993 йилнинг август ойида ёзилган. Асар бозор муносабатларига ўтишда ўхшаши бўлмаган, бетакрор яхлит андозаларни ишлаб чиқиш, ўзимизга хос йўлни танлаб олиш ҳақида батафсил маълумот беради. Асарнинг дастлабки қисмида тоталитар тузум оқибатлари чуқур таҳлил қилинган. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган, унинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажакдаги тараққиётга тўла-тўқис мос келадиган мутлақо янги андоза зарурлиги талқин этилган. Энг муҳими, бизнинг бозор иқтисодиётига асосланган давлат қуришдан бошқа йўлимиз йўқлиги айтилади. Бу йўл 3 таркибий қисмдан иборат:

1. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг тавсифи.
2. Қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим принциплари.
3. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг, тенгликдан чиқиб кетишнинг, барқарорлик ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.


Асардаги 9 та муҳим масалалар қуйидагилардир:

1. Ўтмишдан қолган мерос ва иқтисодий ислохотлар зарурияти.
2. Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни белгилаб берувчи шарт-шароитлар мавжудлиги.
3. Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш- демократик ва бозор ўзгаришларининг асоси (мулкчилик муносабатлари) эканлиги кўрсатиб ўтилган.
4. Давлат-иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчиси.
5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш-иқтисодий ислохотлар йўлининг негизи.
6. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш.
7. Кучли ижтимоий сиёсат-иқтисодий ўзгаришлар кафолати.
8. Ташқи иқтисодий фаолият-жаҳон иқтисодиётига яқинлашув йўлида.
9. Иқтисодий ислохотнинг асосий устуворликлари ва йўналишлари.

Президентимизнинг ушбу асари айна вақтда ёзилган бўлиб, Ўзбекистоннинг бозор ислохотлари асосида ривожлантиришнинг ўзига хос муҳим қонуниятлари ишлаб чиқилганлиги билан аҳамиятлидир.

3.3-слайд

Тараққиётнинг «Ўзбек модели»



3.3. Дунёвий давлат қуришда «Ўзбек модели»нинг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт соҳаларида намоён бўлиши

Дунёвий ва миллий давлатчилик тушунчалари. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг асосий вазифалари. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар жаҳон майдонига чиқишда улар дунёвий давлат қуриш йўлидан борганлиги билан характерланади. Аслида 1) дунёвий давлатчилик, 2) миллий давлатчилик ва 3) ислом давлатчилиги тушунчалари мавжуд бўлиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

1. Дунёвий давлат тушунчаси, аввало, демократиянинг муҳим умумжаҳон эътироф этган асосий тамойилларига асосланади. Бу тамойиллар:

1. Эркин ва адолатли сайловлар.
2. Очиқ ва ҳисобот берувчи ҳукумат.
3. Инсон ҳуқуқларининг устуворлиги.
4. Ҳокимият органларининг сайланиб қўйилиши.
5. Сўз, матбуот ва виждон эркинлигининг Конституция ва қонунлар билан кафолатланиши.
6. Қонун устуворлиги.
7. Фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари мавжудлиги ва тенглиги.
8. Тайинлаш йўли билан шаклланган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлари олдида ҳисоб бериб туриши.
9. Кўппартиявийлик тизимининг мавжудлиги.
10. Умуммиллий масалаларнинг ҳал этилишида референдумларнинг ўтказилиши.
11. Мулк шакллариининг хилма-хиллиги ва уларнинг тенглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги.
12. Сиёсий муҳолифатнинг очиқ фаолият кўрсатиши.
13. Жамиятда хилма-хил фикрларнинг, плюрализмнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Демак, дунё мамлакатлари дунёвий давлат қуришда 1)дан демократия ва қонунчиликка риоя қилган, 2) мулкчиликнинг хилма-хил шакллари кенг йўлга қўйган, 3) маънавият, маданиятга эътибор қаратган, 4)дан дунё ҳамжамияти билан алоқа боғлаганлар. Агар шу жиҳатларга эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистон дунёвий давлат қуриш йўлидан бормокда. Лекин бунда албатта Президентимиз белгилаб берган тамойиллар шундан далолат берадики, **Миллий давлатчилик** хусусиятлари билан ҳам бевосита боғлиқдир.

2. Миллий давлатчиликда: 1)дан миллий хусусиятларни эътиборга олиш лозим. Бозор иқтисодиётига ўтишда биринчи тамойилга кўра ўзбек халқининг ўзига хослиги, унинг бой тарихий анъаналари, давлат бошқаруви, ўзига хос фикрлаш тарзи қадимги даврлардан ривожланиб келганлиги, яъни менталитетини ҳисобга олиш лозим. 2) Албатта ислом дини қадриятларини назарда тутиш керак, бу ўтмиш ислом маданияти билан боғлиқдир. 3)дан Ўзбекистондаги демографик вазиятни, яъни аҳоли ва болаларнинг бошқа минтақаларга нисбатан бошқача эканлиги, болапарвар инсон эканлиги хусусиятларини инобатга олиш. 4)дан Ўзбекистоннинг қулай геосиёсий маконда жойлашганлиги, Шарқу Ғарбни боғловчи дарвоза эканлигини ҳисобга олиш. 5) дан Ўзбекистонда 120 дан ошиқ миллий этник халқларнинг истиқомат қилишини ҳисобга олиш. 6)дан Ўзбекистоннинг ўзига хос иқлими, табиий шароитларини ҳисобга олиш. 7) Ўзбекистон етарли салоҳиятга эга бўлган жамият ва давлат эканлигини ҳисобга олиш.

3. Ислом давлатчилигида дин давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Бунга бир қанча араб ва ислом давлатларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Албатта Ўзбекистон ўз миллий давлатчилигини ривожлантириб, дунёвий давлат қуриш йўлидан боришда юқорида айтилган асосий элементларга эътибор берибгина қолмай, ўз олдига қўйган вазифаларни, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда белгилаб олиш имконияти мавжуд бўлади.

1. Президент Ислом Каримов «Ўзбек модели»ни 1992-93 йилларда ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўли» асарларида илмий жиҳатдан асослаб берди. Президентимиз ҳар бир мамлакат ўзига хос «ўтиш даври»дан бориб, ислохотларни амалга ошириши мумкинлигини айтган эди. Бу моделлар классик (анъанавий) асосда кечиши мумкин. Бунда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш бир неча йиллар, ҳатто асрларни ўз ичига олган.

Умуман «Ўзбек модели» бугунги кунда ўзини тўла оқламоқда ва бу модел асосида иқтисодиётда, сиёсатда, маънавиятда катта муваффақиятларга эришилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли бўлган «Ўзбек модели» мамлакатимизнинг ижтимоий тараққиёт дастури бўлиб, бу дастур ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий

ислохотларнинг ғоявий-назарий негизини ташкил этади. Мазкур ислохотлар мустақиллик йилларида бир нечта босқичларни босиб ўтади. Жумладан, ислохотларнинг дастлабки босқичида эски маъмурий-буйруқбозлик тизими тугатилди ва миллий давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдевори барпо этилди. Кейинги босқичда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асоси яратилди, иқтисодиётнинг барқарорлашувига эришилди. Ислохотларнинг навбатдаги босқичида давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» номли дастурий асарида белгилаб берилган **олти устувор вазифалар** амалга оширила бошланди. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш;
2. Жамият маънавиятини янада юксалтириш;
3. Жамиятимиз келажагини белгилаб берувчи кадрлар сиёсати;
4. Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш;
5. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таъминлаш;
6. Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз даҳлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш;¹

ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

Жамиятнинг сиёсий ҳаётини эркинлаштириш аввало, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтиришни, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни тақозо этади.

Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш вазифаси хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустақамлашни ўз ичига қамраб олади.

Жамият маънавиятини янада юксалтириш масаласида ўз ҳақ- ҳуқуқларини танийдиган, мустақил фикрлай оладиган, иймон-иродаси, эътиқоди мустақам, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган, эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишни, мамлакатимизнинг келажагини таъминловчи етук мутахассислар етиштиришни тақозо этади.

Аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг барча босқичларига, «Ўзбек модели»нинг мазмуни ва моҳиятига мос бўлган муҳим бир мезон бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг мазкур босқичига хос бўлиб, бунда бозор инфратузилмасини ривожлантириш, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш мазкур босқичдаги долзарб вазифалардан бири саналади. Бу вазифа жаҳондаги глобаллашув шароитида, турли минтақалардаги вазиятнинг кескинлашуви Ўзбекистоннинг суверинитети ва барқарор тараққиётига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга муносиб жавоб қайтарадиган хавфсизлик тизимларини яратишни тақозо этади. Мазкур босқичда бундай тизим яратилди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли бўлган «Ўзбек модели» мамлакат тараққиётининг ҳар бир босқичида, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ижодий ривожлантирилмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. -Т.: Ўзбекистон. 1999. 15-19 бетлар.

Умуман, «Ўзбек модели» Ўзбекистоннинг ўзига хос бўлган тараққиёт йўли бўлиб, бу йўл мамлакатимизнинг тарихий – миллий хусусиятларини, географик ва демографик шарт-шароитларни ҳисобга олган, республиканинг бош, стратегик мақсади сари йўналтирилган, ислохотларнинг ҳар бир босқичида ижодий ривожланиб боровчи дастуриамалдир.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Демократик жамият қуришда турли хил моделларни баён этинг?
2. “Ўзбек модели”нинг ўзига хослиги нималарда?
3. Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарининг тарихий аҳамиятини гапириб беринг?
4. “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” концепциясининг ғоявий мазмуни нималарни англатади?
5. Дунёвий давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий таърифи ва миллий давлатчилик тушунчаларини изоҳлаб беринг?
6. Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши жараёнида инсон эркинлиги, ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлиги нималарда намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 3–10-б.
2. Каримов И.А. Халқ фаровонлиги - фаолиятимиз мезони. Т.7. -Т.: «Ўзбекистон», 1999, 109-111, 113-121, 122-131-бетлар.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз - келажак йўқ. Т.7. -Т.: «Ўзбекистон», 1999, 132-141, 142-154-бетлар.
4. Каримов И.А. ўзгариш ва янгиланиш - ҳаёт талаби. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 479-488-бетлар.
5. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш - фаровонлик пойдевори. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001, 3-45-бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интиломда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6-12, 14-15, 16-26, 28-38, 47-48-бетлар.
8. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
9. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
10. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
11. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
12. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
13. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
14. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодий талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча

- ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
16. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
 17. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафкуриси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
 18. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
 19. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
 20. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
 21. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
 22. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
 23. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
 24. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
 25. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
 26. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.
 27. Левитин Л., Карлайл С. Ислом Каримов - янги Ўзбекистон Президенти. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 40-46, 117-119-бет.
 28. Одилқориев Х.Т., Фойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. Т.: ЎзРИИВ Академияси, 2004, 138-158-бетлар.

4-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА «ЎТИШ ДАВРИ»НИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

4.1. Ўтиш даври тушунчаси, унинг моҳияти ва умумий қонуниятлари

Ўтиш даври ижтимоий-сиёсий фанлар мавзулари тизимидаги долзарб масалалар каторида туради. Чунки, мамлакатлар ўзларининг юксак тараққиёт даражаларига маълум оралиқ босқичларини босиб ўтмасдан эриша олмайдилар. Ана шу «оралиқ» босқични ўрганиш нафақат назарий, шунингдек амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Аммо, у мустақил мавзу сифатида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий адабиётларда илмий жиҳатдан жуда кам ўрганилган. Бунинг асосий сабаби, унинг аниқ «мезони»ни ва бошланиши нуқтаси билан «поёни» (охирги муҳлати) масаласини аниқ белгилаш мураккаблигича қолмоқда. Бундан ташқари баъзи олимлар, жамият тараққиёти то фуқаровий жамият даражасига кўтарилгунча, фақат «ўтиш даври»ни ўз бошидан кечирадилар, у узлуксиз жараён, - деб ҳисобласа, яна бирлари «ўтиш даври»нинг муҳлати ва моҳиятидан қўра, ундаги жараёнларни ўрганиш «муҳимроқ» - эканлигини таъкидлайдилар. Хуллас, Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтиш даври ҳам мукамал ўрганишга эҳтиёж етилиб келди. Чунки, унинг бошланиши ва охирги «поёни»нинг мезонларини аниқлашдан туриб, жамият ҳаётида содир бўладиган ёхуд содир бўлиши мумкин бўлган жараёнлар ҳақида аниқ концептуал ғояларни ишлаб чиқиш ҳам мумкин эмас. Бу жараёнлар нега турли мамлакатларда турлича содир бўлади? Уларнинг муҳлати нега ҳар бир давлатда турли хил вақтларда давом этади? Ўтиш даврида кучлар нисбати қандай ҳолатда бўлади? деган саволларга жавобни фақат демократик

жараёнлар билан ҳамоҳангликда мустақил мавзу сифатида ўрганиш орқалигина жавоб бериш мумкин бўлади. Бу жараён барча мамлакатлар учун хосдир. Чунки жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатлари ҳам уни ўз бошидан кечирмоқдалар.

Шу маънода уни ўрганиш бугун «ўтиш даври»ни ўз бошидан кечираётган Ўзбекистон учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Негаки, уни ўрганиш биз қураётган жамиятда содир бўладиган жараёнлар даражалари тўғрисида аниқ тасаввурларга ва унга етиб бориш йўлларини аниқлаш имконини беради.

Ўтиш даври барча давлатларнинг юксак тараққиётига эришиш учун хос бўлган жараёнида содир бўладиган ўзига хос «оралиқ» муҳлат ҳисобланади.

У ҳар қандай давлат учун умумий қонуниятдир. Чунки давлатлар вужудга келиши биланоқ, бирданига юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди, балки ҳар бир давлат энг аввало, шаклланади ва маълум тарихий тараққиёт босқичларини ўз бошидан ўтказди. Маълумки, ҳар бир давлатнинг вужудга келиш, ривожланиш ва юксак даражасига кўтарилиш жараёнлари олимлар томонидан ўрганилган ва бугунги кунда ўрганиш давом этмоқда.

Аслида ўтиш даври назарияси деганда нимани тушунмоқ керак? Ўтиш даври у ҳақидаги турли қарашлар тизими ҳисобланади. Улар асосида умумлашган назариялар шаклланади. Қарашлар турли-туман, ҳатто улар бир-бирига қарама-қарши бўлиши ҳам мумкин. Энг муҳими уларни таҳлил қилиш асосида илмий хулосалар ишлаб чиқилади. Хулосаларнинг илмийлиги эса уларнинг моддий кучга айланишида ўз ифодасини топади. Яъни, ўтиш даври ҳақидаги назарий қарашлар реал ҳаётда ўз ифодасини топса, амалиётда ўз самарасини берсагина, илмий хулоса даражасига кўтарилади. Ана шу маънода ҳам ўтиш даври назарияси деганда, мамлакатларнинг маълум бир ижтимоий тараққиётдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўлган оралиқ босқичлар натижаси ҳақида шаклланган қарашлар тизими тушунилади.

Берилаётган бу таъриф ўтиш даврининг моҳиятини ўрганиш асосида шаклланган қарашлар натижаси ўлароқ, юзага келди. Ўтиш даври ҳақида турли-туман фикрлар бўлишига қарамасдан уни бир тизимга келтириш, умумлаштириш асосида шаклланган таърифлар бугунги кунгача деярли учрамаётганлиги сабабли, «ўтиш даври назарияси»га юқорида берилаётган таърифни бошқалари билан таққослаш имконияти ҳам чекланганлигини назарда тутиш лозим.

С.Абдухолиқовнинг фикрича, «ижтимоий-тараққиёт бир тамаддундан иккинчи тамаддунга ўтиш, биринчи намунадаги маданий борлиқдан иккинчи намунадаги маданий борлиққа ўсиб ўтиш тарзида юз беради».

Тоталитар тизимдан демократик жамиятга ўтиш қайси соҳада бўлишига қараб, унинг маъно-мазмунини аниқлаш мумкин бўлади. Демократик тараққиёт босқичига ўтиш, унинг муқаррарлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг зарурлигини инкор этиб бўлмайди. Чунки жамият ҳам инсон каби юзага келганиданоқ юксак камолот даражасига кўтарила олмайди, балки маълум босқичларни босиб ўтиши зарур бўлади. Ҳамма масала ана шу босқичларнинг ўзига хослигини, уларда мавжуд бўладиган муаммолар кўламини аниқлаш ва ҳал қилиш механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Аммо, бу жўн, осон иш эмас. Чунки жамиятнинг бир босқичдан иккинчисига ўтиши ўз ичига кенг кўламдаги вазифаларни ҳал этишни қамраб олади. Уларни амалга оширишда нафақат **объектив**, айти пайтда **субъектив омилларини** ҳам ҳисобга олиш зарур. Уларнинг ўтиш давридаги вазни ўзаро боғлиқ ҳолда кечади. Шунинг учун ҳам ўтиш даври ҳақида фикр юритганда, гап фақат жамиятнинг демократик тамойиллар тизимида ўтиши билан чекланмасдан, балки унгача жамиятлар бир босқичдан иккинчисига ўтиши учун зарур бўлган **«оралиқ»** ҳам назарда тутилмоқда.

Албатта, масалага бундай ёндашув вужудга келиши, улар ўртасидаги курашлар ва у ёки бу синф ҳукмронлигининг ўрнатилишидан иборат бўлган формацион ёндашувдан холи бўлиб, у жамият тараққиётига цивилизацион ёндашувни талаб этади. Яъни, **жамиятнинг бир босқичдан иккинчисига ўтиши инсон турмушида, унинг тафаккурида, жамиятнинг моддий, сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаётида содир бўладиган ўзгаришлар даражаларининг марказини аниқлаш ва мезонларини белгилаш ғояси туради.**

Бугун, умуман, даврга, шу жумладан ўтиш даврига қарашлар тубдан ўзгарди, улар мазмунан замонамизнинг ўзига хос қадриятларига асосланган. Профессор И.Эргашев тўғри таъкидлаганидек, «Бугун даврга қараш ўзининг мазмуни ва моҳиятига кўра, анъанавий якка мафкуравий қарашдан тубдан фарқ қилади. Мустабид тузумнинг емирилиши билан даврни сиёсийлашган, мафкуралашган мазмунига ва ҳарактерига барҳам берилди»¹. Демак, «ўтиш даври»ни бир томонлама эмас, балки уни сиёсий, фалсафий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларни ўзида мужассамлаштирган тушунча сифатида қараш ва шу йўналишда таҳлил қилиш тўғри бўлади.

Ана шундай қарашларнинг мажмуасигина ўтиш даврининг моҳиятини ўзида тўла ифодалайди. Албатта, ўтиш даври - нимадан нимага ёхуд қайси жамиятдан яна қайси бирига ўтилиши ҳақида гап бориши масаласи дунё олимлари диққатида турганлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади. Айниқса, жамият тараққиёти босқичларига формацион ёндашув (юқорида таъкидланганидек) барҳам топган бугунги кунда бу масалага аниқлик киритиш мақсадида турли концепцияларни илгари суришга эътибор ҳам кучаймоқда.

Ўтиш даври тушунчаси, унинг моҳияти, умумий қонуниятлари ва турли шакллари. “Ўтиш даври” мустақил мавзу сифатида илмий адабиётларда кам ўрганилган бўлиб, узоқ кечиши ёки қисқалиги билан характерланади. Турли мамлакатларда турлича кечади. Бунинг сабаби мазкур мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳолатлари билан боғлиқлигидир. Ўтиш даври барча давлатлар тараққиёти учун умумий қонуниятдир. Чунки давлатлар вужудга келиши биланоқ юксак тараққиёт даражасига бирдан кўтарила олмайди, аввал шаклланади, маълум босқичларни босиб ўтади. Ўтиш даври-бир ижтимоий тузумдан иккинчи бир ижтимоий тузумга ўтиш мураккаб жараён бўлиб, у маълум бир қонуниятлар асосида юз беради. Ўтиш даврига муносабат масаласини германиялик олим Леонид Левитин шундай ёзади: “Одатда ўтиш даври” ислоҳининг сўзларини айнан тушуниб, уни ўтмиш ва келажак оралиғидаги бугун деб ўйлайдилар. “Ўтиш даврининг пайдо бўлишида бундай қарашларга кўра ўтмиш- сабаб, келажак эса мақсад тарзида воқеа бўлади”. Демак, **биринчидан**, “ўтиш даври” “оралиқ” маъносини англатмайди. Бу олимнинг яна бир фикрича, “Табииyki, ўтиш даврлар турли хилдаги тартибсиз жараёнлар, мавҳумотли инкор содир бўлмоқда. Бу ўз навбатида улар ҳаётида айрим ҳолатларда катта фожеали ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин”. **Иккинчидан**, феодализм муносабатлари шароитида яшаётган мамлакатларга “четдан” демократик жараёнларни “экспорт” қилиб бўлмайди. **Учинчидан**, “ўтиш даври” ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузум эмас, балки мамлакатларнинг уларга ўтиш учун зарур бўладиган заминларни шакллантиришга кетадиган оралиқ босқич ҳисобланади. **Тўртинчидан**, “ўтиш даври” қанча турли хил бўлмасин бари-бир барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумлар учун зарурдир.

Демократик жамиятга ўтиш деганда мамлакатларнинг турли тузумлардан демократик тамойиллар асосида ривожланиши учун вужудга келтириладиган имкониятга кетадиган оралиқ вақт тушунилади. “Оралиқ” вақтнинг бошланиши поёнига етиши муҳим аҳамият касб этади. Ўтиш даврида янги давлатчилик пайдо бўлиб, унинг тараққиёти кулдорлик, феодал, капитализм, социализм каби ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ўтиши учун ҳам зарур бўлади. Ўтиш даврининг, яъни бир тузумдан иккинчи бир ижтимоий тузумга ўтиши қонуният бўлиши билан бирга, у **турлича кўринишларга эга ҳам бўлади. Умумийлик, ўзига хослик, оралиқ ҳолатлари билан белгиланади.** Демак, ўтиш даврида мамлакатни сунъий равишда жадаллаштирамаслик керак, куч ишлатиш, зўравонлик кетмайди, сиёсий ҳокимиятнинг тўла таъминланганлиги билан эмас, балки халқ фаровонлиги билан белгиланади. **“Ўтиш даври”нинг 3 та асосий «моделли»** ривожланган мамлакатларда шаклланган: **1) Классик ўтиш даври (анъанавий) йўл. 2) Инқилобий йўл (революция орқали).** Бунга собиқ СССРни мисол келтириш мумкин. **3) Эволюцион ёки босқичма-босқич йўл ҳисобланади.**

¹ Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. Т.: Академия, 2000, 59-бет.

Демак, агар биз ҳозирги мустақил **Ўзбекистонимизга** қиёс қиладиган бўлсак, мамлакатимизда ўтиш даврининг мураккаб кечаётганлигининг сабабларини, унинг маълум бир қонуниятлар асосида юз бериши табиий ҳолат деб биламиз ва биз ана шу **учинчи эволюцион, яъни босқима-босқичлик йўлини танладик.**

4.1-слайд

Демократик жамиятга ўтиш



Жумладан, Америкалик социолог Дэниел Белл ўтиш давридан кейинги ижтимоий тараққиётни куйидаги уч босқичга бўлади:

1. **Аграр жамият.**
2. **Индустриал жамият.**
3. **Индустриал ёки ахборотлашган жамият.**

Унинг жамиятни классификациялаштирув (тизимлаштириш)и заминада, жамиятнинг ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқаришга самарали таъсир ўтказишни белгиловчи хизмат кўрсатиш, маиший ҳаёт ва турмуш туради, унинг фикрича, **бугун дунёдаги кўпгина мамлакатлар индустриал жамиятдан инфорацион жамиятга ўтиш ҳолатида**¹... Баъзи бир Европалик олимлар индустриал ва постиндустриал жамият билан бир қаторда, «**Янги**»

¹ Қаранг: Вопросы философии. 3-сон, 2001 йил, 6-б.

жамият П. Дракер, «**Пост замонавийлашган**» жамият, жифслаштириб, ундан кейин **янги индустриаллашган жамият** Дж. Гэлбрейт, ундан кейин «**ривожланган**» жамият ва хоказо.

Умуман, уларнинг назарияларида инсоннинг жамиятдаги роли ва ўрни, яна бирларида эса ўтиш даврида демократияга оид билим ва техника тараққиёти таъсирида содир бўлган ўзгаришларни ўзида мужассамлаштирган¹.

Юқоридаги кўрсатилган олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки:

биринчидан, жамият қандай номланишидан қатъи назар, ўз тараққиётида бирдан иккинчисига ўтиш билан боғлиқ бўлган жараён асосида ривожланади;

иккинчидан, бир тараққиёт босқичидан иккинчисига ўтишдаги асосий кўрсаткич моддий омил эмас, балки одамларнинг турмуш шароитларидаги бўладиган ўзгариш ҳисобланади.

Ўтиш даврини фақат моддий омиллар даражалари билан боғлаш - унинг моҳиятини тўлиқ ифодаламайди. Шунга кўра, содир бўладиган ижобий ёхуд салбий ўзгаришларга таъсир ўтказувчи сиёсий омилларнинг ролини аниқлаш масаласи ҳам муҳимдир.

Жамиятда бўладиган ҳар қандай ўзгаришлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларнинг узвийлиги ҳолатида қаралгандагина, ўтиш даврининг моҳиятини тушуниш мумкин бўлади: ўтиш даври мамлакатлар тараққиётининг бир ижтимоий-иқтисодий босқичдан бири иккинчисига ўтиши умумий қонуният бўлиши билан бирга, уларнинг ҳар бирида ўтиш жараёни ҳам турлича намоён бўлади. Барчасига хос бўлган асосий умумийлик эскисининг тараққиёт эҳтиёжларига жавоб бера олмаганлиги оқибатида, янги босқичга ўтиш заруриятини келтириб чиқариши билан боғлиқ. Шу маънода, ўтиш давридаги бош йўналиш «орқага қайтиш» эмас, балки «олдинга» юриш, пастдан юқорига кўтарилиш ёки олдинги даражага қараганда юксалиш, ривожланиш демакдир.

Эски тузумни сақлаб қолиш йўлидаги турли уринишлар, қон тўкишлар, халқ бошига тушадиган турли фожеаларга қарамасдан, уларнинг қайси даражада содир бўлишидан қатъи назар, бари-бир ўтиш даврининг бош йўналиши ўзгармас бўлиб қолаверади. Шу маънода Леонид Левитиннинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин. «**Посткоммунистик ўтиш даври** – ўтиш даврининг кўринишларидан биридир, холос. Инсоният тарихида бундай даврлар озмунча юз бермаган. Улар ўзаро бир-бирдан қанчалар салмоқли тафовутлар билан фарқ қилмасин, бироқ асосий маънолари битта – жамиятни унинг иқтисодини, сиёсатини, унинг маданиятини замонавийлаштириш»² – деб ёзади. Аммо, ана шу «Замонавийлаштириш»ни қайси ўлчов мезонидан келиб чиқмоқ керак, - деган саволга жавоб топиш зарур бўлади. Зеро, «замон» ўзгарувчан, шиддат билан олдинга интилувчи жараён холос. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, ўтиш даврининг тамом бўлиш мезонлари мавжудми ёки «замон» каби тўхтовсиз жараён ҳисобланадими? - деган саволлар юзага келаверади.

Аслида, юқорида бизнинг унга берган таърифимизда уни давлат тараққиётининг бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўладиган алоҳида босқич эканлиги ҳақидаги концептуал ғоямизга мувофиқ ўтиш даври шу маънода ҳам алоҳида босқичдир. Албатта, у маълум муҳлатдан кейин ўз поёнига етади ва жамият илгаригига қараганда янги тараққиёт босқичида яшай бошлайди.

Биз ана шундай жараённи аниқ тасаввур қилишимиз ва тушунишимиз зарур бўлади. Акс ҳолда, инсоният ўз бошидан ўтиш даврини ўтказиш билан яшайди ва бу охири йўқ бўлган жараён, деган нотўғри хулоса келиб чиқади.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистоннинг тоталитаризмдан аста-секин демократик жамият томон ўтишининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бундан истисно эмас, албатта. Аммо, жамият эришган ютуқлар асосида тараққий қилиш жараёнининг имкониятларининг тугаши, унинг ўсиб келаётган эҳтиёжларни қондиришга қурби етмай қолиши, жамиятни янги поғонага кўтариш заруриятини келтириб чиқаради. Демак, **биринчидан**, ўтиш даврини

¹ Ўша жойда. 8-сон, 2001 й., 14-бет.

² Қаранг: Вопросы философии. 3-сон, 2001 й., 53-бет.

жамият ўзи эришган имкониятлар асосида ривожланишнинг тугаши, ўсиб келаётган эҳтиёжларнинг қондирилмай қолишдан бошлаб, ундан юқори бўлган имкониятларни юзага келишигача бўлган муҳлат билан белгилаш мумкин.

Иккинчидан, бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумдан иккинчисига «ўтиш даври» ёки аниқроғи, «оралик» босқичининг муҳлати ана шу янги юзага келган тараққий қилиш жараёни намоён бўлиши билан тугайди.

Учинчидан, инсоният фақат «ўтиш даври» билан яшамайди, балки унинг бошланиши бўлганидек поёни ҳам мавжуддир. Худди ана шу «поёни» тараққиёт даражаларини ёки тузумларнинг бирини иккинчиси билан фарқлаш имконини беради.

«Ўтиш даври» ҳақида фикр юритганимизда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамиятигача бўлган барча тузумларнинг инсонлар манфаатлари ва эҳтиёжларини тўла қондира олмаслиги боис, уларнинг биринчисидан иккинчисига объектив равишда ўтиши учун эҳтиёжни юзага келтириб туради. Бу ўз навбатида янги тузумга ўтиш даврини бошлаб беради.

Аммо, демократик тамойиллар асосига қурилган янги жамиятга ўтиш бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади. Улар қуйидагилардир:

Биринчидан, айрим мамлакатларда демократик жараёнлар янги тузумнинг ичида шаклланади ва бу унинг халқ учун фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги фаолиятида намоён бўлди. Тўғри, бу жараён ҳам силлиқ амалга ошмайди, балки ўта мураккаб кечади, жуда катта талафотларни ҳам ўз бошидан кечириши мумкин. Худди ана шу мураккаб муаммоларни ҳал қилишда тўғри йўлни танлашдаги, яъни жамият тараққиётини халқ манфаатларига қаратилганлиги инсоннинг тўла маънодаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи жамиятга айланишига олиб келади.

Иккинчидан, ўтиш даври юксак даражадаги моддий имкониятларнинг юзага келиши билан тугамайди, балки уларнинг халқ фаровонлигини таъминлашга қайси даражада қаратилганлиги ва инсонлар эркинликларининг таъминланганлиги билан боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Улар нафақат мамлакатларнинг жуғрофий омилига боғлиқ, балки ана шу давлатда яшаётган аҳолининг сиёсий маданияти ва менталитетига ҳамроҳанг бўлишига ҳам боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси тарихий тараққиёт босқичларида шаклланиб ва ривожланиб келган тажрибалардир.

Айни пайтда бугунги кунгача, ўтиш даврининг мустақил фундаментал назарияси ишлаб чиқилмаган. Бунинг оқибатида мамлакатларнинг маълум тарихий босқични босиб ўтмасдан, уни «четлаб» демократик жамиятга ўтишга бўлган хатти-ҳаракатлари содир бўлмоқда. Бу ўз навбатида улар ҳаётида айрим ҳолатларда катта фожиаларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, айрим мамлакатларга «четдан» демократик жараёнларни «экспорт» қилиб бўлмайди. Бундай уринишлар мамлакатларда беқарорликка, уни тараққиётдан орқага кетишига олиб келиши мумкин. Бундай мамлакатларга демократияни «экспорт» қилишдан кўра, унинг шаклланиши учун шарт-шароит юзага келишига имконият яратилиши лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, «ўтиш даври» ижтимоий-иқтисодий-сиёсий тузум эмас, балки мамлакатларнинг уларга ўтиши учун зарур бўладиган заминларни шакллантиришга кетадиган тарихий оралиқ босқич ҳисобланади. Унинг бошланиши мамлакатларда бўладиган, энг аввало, сиёсий ўзгаришлар ва унинг заминидан эса иқтисодий, ижтимоий ҳамда маънавий соҳалардаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлгандагина янги вужудга келган жамиятнинг ўз имкониятлари тўла юзага чиқади. Унинг ўзига хос хусусияти ва алоҳидалиги ҳақида Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, **«Ўтиш даври муаммоларининг йиғиндиси ва хусусиятлари бир вақтнинг ўзида қатор ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади»¹**. «Ўтиш даври» қанчалик турли-туман бўлмасин, бари бир барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумлар учун зарурдир. Чунки у ҳар бир вужудга келадиган янги жамият учун замин тайёрлаш имконияти

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999, 74-бет.

ҳисобланади. Бу замин на фақат иқтисодий, шунинг билан бирга жамият аъзоларининг ўзларини ҳам янги жамиятга «мослаштириш» зарур бўлади.

Буни ўтиш даврининг бир нечта моделлари тажрибасини таҳлил этиш заруратини вужудга келтиради.

Ўтиш даври «модел»ининг ўзига хос хусусиятлари. Ўтиш даври тушунчаси, унинг моҳияти ва зарурлигининг умумий назария масалалари турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фанларда инсоният тараққиёти босқичларида демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатадиган жамиятга ўтишнинг турли «модел»ларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни тақозо этади.

Маълумки, **тоталитаризмга** асосланган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий босқичларнинг демократик жамиятга ўтиши ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Унинг мураккаблиги шундаки, унеча содир бўлган тараққиёт босқичлари объектив эҳтиёж сифатида бирининг ичида иккинчиси шаклланиб келган, давлат ва унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари шаклан ўзгарган бўлса ҳам, мазмунан у бари бир оммани итоатда ушлаб туришга, унинг устидан ҳукмронлик қилишга қаратилганлиги қолаверган. Улардаги яна бир хусусият - **омма давлат учун**, деган тамойилнинг амал қилганлиги билан ҳам характерланади.

Демократик жамиятда эса, энг аввало сиёсий тузум тубдан ўзгариб, халқнинг ҳокимияти бевосита ёки билвосита иштирокида бошқаруви амалга ошади ва омма давлат учун эмас, аксинча давлат омма учун, деган тамойилнинг устуворлиги асосида давлат бошқаруви амалга ошади.

Шу маънода ҳам демократик жамиятга ўтиш жараёни давлатларнинг барча соҳаларида туб ўзгариш ишларининг амалга оширилиши натижаси сифатида содир бўлади.

Демократик жамиятга ўтишда **сиёсий соҳада**, давлатнинг амалдаги механизмлари тугатилади. Унинг ўрнига қурилаётган жамият манфаатларига жавоб бераоладиган механизмлари шакллантирилиб борилади. Иқтисодий соҳада эса, бозор муносабатлари қарор топади. Тараққиётда омманинг ўз моддий манфаатдорлигини эркин қондира олиши асосида умумий иқтисодий ривожланиш содир бўлади. Маънавий-маърифий соҳада, инсон омили, унинг кадр-қиммати юксак қадрият даражасига кўтарилади. Шундай жараёнлар туфайли жамиятнинг юксак интеллектуал куч асосида ривожланиши реалликка айланади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда дунё мамлакатларининг демократик жамиятга ўз идеали сифатида қарамокда. Уни вужудга келтириш учун фаоллик кўрсатмоқда. Аммо демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун ягона бўлган аниқ андозалари, яна ҳам аниқроғи «модел»лари йўқ ва у бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ҳар бир мамлакат на фақат ўзининг тузилиши, иқтисодий тараққиёт даражалари, имкониятлари, интеллектуал имкониятларидан бири иккинчисидан фарқланади, балки ўз халқининг менталитети, турмуш тарзи, урф-одатлари ва қадриятлари билан ҳам бир-биридан ажралиб туради. Уларни ҳеч қачон бир қолишга солиб бўлмайди. Унга ҳаракат қилиш нафақат ҳеч қандай самара берибгина қолмасдан, балки оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тарихий тажриба тасдиқлаган. Шунинг билан бирга **демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун умумий бўлган қонуниятлари ҳам мавжуд. Жумладан: 1) сиёсий тизимни ислоҳ қилиш, 2) бозор муносабатларини шакллантириш, 3) инсоннинг ўз ички имкониятларини юзага чиқариш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш, 4) жамият тараққиётида юксак интеллектуал салоҳият устуворлигини таъминлаш** ва бошқа бир қатор қонуниятлар барча демократик жамият қуришга интилаётган мамлакатлар учун умумий ҳисобланади. Аммо умумий қонуниятлар барча мамлакатларнинг ўзига хослигини ҳисоб олган ҳолда демократик жамиятга ўтишни инкор этмайди. Аксинча, ўтиш даврида мавжуд бўладиган муаммоларнинг маъно-мазмунини теран англаган ҳолда, уларни собитқадамлик билан ҳал қилиш имконини беради.

2007 йилга келиб, ўтган мустақилликнинг 16 йили давомида демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, яъни ўтиш даври мамлакатимизда 2 муҳимбосқични ўз ичига олади:

1. Ўтиш даврининг биринчи босқичи 1991-2000 йилларни ўз ичига олиб, асосан миллий давлатчилик асослари шакллантирилди. Бу дастлабки босқич том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлиб, туб ислохотлар ва ўзгаришларни ўз ичига олади.

2. Ўтиш даврининг иккинчи босқичи 2001–2007 йилларни ўз ичига олиб, бу босқичда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди¹.

4.2. Ўтиш даврининг «классик», «инқилобий», «эволюцион», «Шок терапияси» ва ислохот йўллари

Бугунгача демократик тамойиллар асосида ривожланаётган мамлакатларнинг ўтиш даври тажрибаларига асосланиб, ўтишнинг учта асосий йўли ёки «модел»и шакллانганлигини таъкидлаш мумкин.

1. Унинг биринчиси - классик (анъанавий) йўл ҳисобланади. «Классик йўл» – деганда, инсониятнинг демократик тараққиёт йўлига ўтишнинг дастлабки шакли ва унинг дунёдаги кўпчилик мамлакатлар тараққиётида самара берганлиги асосидаги андозаси тушунилади. Бу йўлнинг характерли хусусияти шундаки, унда ташқи кучларнинг аралашувисиз, мамлакатнинг ўз ички имкониятларига таянган ҳолда демократик жамиятга ўтиши амалга ошади. Бу йўлнинг яна бир асосий хусусияти шундаки, у узок тарихий босқичда амалга ошади. Ўтиш даврида сиёсий соҳада қанча бурҳонлар содир бўлишига қарамадан асосий ўтишнинг ислохотлари иқтисодий соҳада амалга оширила бошланади. Бу соҳадаги муҳим тадбир хусусий мулкчиликни қарор топтириш ҳисобланади. Худди ана шу тадбирнинг муваффақиятли амалга оширилиши, мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини, хусусан ижтимоий-сиёсий ва маънавий маданий соҳаларда ҳам ислохотларнинг амалга оширилиши имконини беради.

Ўтиш даврининг классик йўлидаги бундай жараённинг характерли томони шундаки, иқтисодий соҳада хусусий мулкчиликнинг ривожланишидан аҳолининг аксарият кўпчилик қисмининг иш билан таъминлаши имкониятини беради. Аммо асосий моддий бойликнинг бир қисм одамларда тўпланиб қолиши, бошқаларнинг эса унга қарам бўлиб қолишлари мамлакат ички ҳаётида катта бўҳронлар, ҳатто фуқаролар урушларини келтириб чиқариши мумкин. Бу жараён мулк эгаларининг аҳоли фаровонлигини таъминлаш томон қиладиган ҳаракатлари ўзининг самарасини бера бошлаганича давом этади. Худди ана шу жараёнлар заминида аҳолининг сиёсий онги ҳам ўсиб боради. Уларнинг ўз ҳуқуқларининг таъминланишига эришишга интилиши кучаяди. Бу ўз навбатида мамлакат сиёсий ҳаётида демократик жараёнларнинг юзага келиши ва унинг ўсиб боришига ўз таъсирини ўтказади.

Ўтиш даври классик йўлнинг бошланиши капиталистик муносабатларнинг юқори босқичи, унинг иқтисодиётда ислохотлар ўтказмасдан тараққий қилишига имконият етмай қолиши оқибатида юзага келади.

Бу йўлнинг **классик (анъанавий) йўл дейилишига сабаб шуки**, мамлакатларнинг демократик жамиятга ўтиши дастлаб худди ана шу кўринишда намоён бўлган эди. Бугун юксак тараққиётга эришган АҚШ, Англия, Канада, Бразилия ва бошқа Европадаги кўплаб мамлакатларнинг аксарияти ана шу йўлдан борганлар. Классик йўл муаммоларнинг кўплиги, уларни ҳал қилишнинг мураккаблиги, аҳолининг бу жараёнга «кўникиб» бориши каби масалалар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам, Европа мамлакатларида бу жараён **икки, икки ярим асргача** давом этди. Ана шу муҳлат ичида мамлакатларда иқтисодий соҳадаги ютуқларнинг заминида демократик кадриятлари ҳам шаклланади ва уларда бугун фуқаролик жамиятини такомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. “Халқ сўзи”, 2007 йил 31 август.

2. Демократик жамиятга ўтишнинг иккинчиси - инқилобий йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, давлатларда вужудга келтирилган катта иқтисодий салоҳият аксарият кўпчилик аҳолининг турмуш тарзи нисбатан юқори бўлганлигига асосланиб, дастлаб мамлакат сиёсий ҳаётида кескин ўзгаришлар амалга оширилади. Яъни, амалдаги ҳокимият шакли барбод бўлади ва унинг ўрнига янги, демократик жараёнларни ривожлантиришга мойил бўлган ҳокимият шакли ва унинг инфратузилмаси вужудга келади. Улар ўз навбатида иқтисодий ҳаётда кескин ислохотлар ўтказадилар. Хусусан, амалдаги миллий валюта бекор қилинади (синдирилади). Бу эса иқтисодий ислохотларни ўтказиш шарт-шароитларининг имкониятларини излашни тақозо қилади. Бунинг оқибатида аҳолининг кўлидаги пул, маблағлар ҳам ўз қийматини йўқотади ва мамлакат сиёсий ҳаётида бўлгани каби, иқтисодий ҳаётда ҳам демократик жараёнларнинг ривожланиши содир бўлади. Бу йўл ўта хавфлидир.

Инқилобий йўл учун зарур бўлган асосий омиллар қаторида:

- а) собиқ тузум шароитида хусусий мулк куртакларининг сақланиб қолганлиги;
- б) демократик кадрият куртакларининг мавжудлиги;
- в) мамлакат ҳаётини демократик тамойиллар асосида қайта қуришга қодир бўлган интеллектуал салоҳиятнинг етарли бўлиши;
- г) аҳолининг маълум бир қисми ана шу демократик жараёнга ҳеч бўлмаганда «мойил» бўлиши каби жиҳатлар ҳал қилувчи омилдир. Уларнинг ҳар бири инқилобий йўл учун алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, интеллектуалнинг ролини олиб кўрайлик. Улар мамлакат ҳаётида бўладиган ҳар бир ўзгаришни юзага келтирувчи асосий кудрат ҳисобланади. Халқ ҳокимиятдан кўра, уларга кўпроқ ишонади ва эргашади. Шу маънода ҳам улар оммани уюштиради ва демократик жараёнларга йўналтиради. Шунинг билан бирга интеллектуалнинг ўзи ҳам демократик жараёнларнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда бардош бера оладиган, уюшган куч даражасига кўтарилган бўлиши лозим.

Интеллектуалнинг характерли хусусияти шундаки, у бошқа ижтимоий табақалардан кўра, жамият ҳаётида юзага келадиган жараёнларни олдиндан билишга интилади ва бу ўзгаришларнинг бошида тура олади. Ёки аҳоли маълум бир қисмининг мамлакатнинг ўтиш давридаги мураккаб шароитларга (мойил) бўлиши зарурлиги омили ҳам демократик жамият учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу жараёнда аҳоли мураккаб муаммоларни ҳал қилишда фақат кузатувчи бўлиб, уларни ҳал қилишда фаол иштирок қилмас экан, инқилобий йўл ҳеч қандай самара бермайди. Аксинча, инқилобий йўл мамлакатни тараққиётдан орқада қолиб кетишига олиб келади. Интеллектуалларнинг ана шу кескин ўзгаришлардаги яқдиллиги уюшган ташкилотлари ва ҳаракатлантирувчи кучларига айланишини тақозо этади.

Жамиятни демократлаштиришда ана шу омилларга етарли эътибор қилинмаса, инқилобий йўл ҳам ўзининг самарасини бермайди. Бу йўлдан Куба, Вьетнам, Кампучия, Лаос, Чехославакия, Хитой, Польша, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Болгария ва Россия каби мамлакатлари борганлар. Демократияга ўтишнинг бу йўли Шарққа тўғри келмайди. Бироқ, инқилобий йўл билан ўтиш учун зарурати қайсидир даражада мавжуд бўлиб қолмоқда. Инқилобий йўл демократик жамият сиёсий ҳаётида кескин бурилиш содир этади. Мамлакатлар сиёсий тизимида бошқарувнинг моҳиятан бутунлай янги шакли вужудга келади. Иқтисодиётда давлат мулкани хусусийлаштиришда, маънавий-маърифий соҳада эски мафкурадан воз кечишнинг кескин амалга оширилиши бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Аммо, улар ўзаро ички курашларнинг авж олиши, баъзи мамлакатларда қон тўкилишининг содир бўлишигача бўлган оғир жараёнлар шаклида амалга ошди. Бу йўл қанчалик мураккаб, мамлакат ҳаётида жуда катта бўҳронларга олиб келишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни ҳар мамлакат ўз хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолдагина амалга ошириши мумкин.

3. Демократик жамиятга ўтишнинг учинчиси - эволюцион ёки босқичма-босқич йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, мамлакатда амалдаги сиёсий ҳокимият тугатилиб, унинг ўрнига янги ҳокимият вужудга келиши билан, эскини кескин, бир «зарб» билан тугатмасдан, босқичма-босқич, вазминлик билан тугатилиб борилади. Ҳатто,

уларнинг айрим имкониятларидан ҳам фойдаланиб борилади. Худди ана шу жараёнда иқтисодий ислохотларни олиб боришда ва бу йўналишда янги муносабатлар шакллантирилади. Бу йўлнинг ўзига хослиги сиёсий ва иқтисодий ҳаётда ўтказилаётган ислохотлар билан ҳамоҳанг равишда маънавий-маърифий соҳаларни ҳам янги эҳтиёжлар асосида ривожлантирилиб борилишидир.

4.2-слайд

Демократик жамиятга ўтиш йўлларининг шакллари

Классик (анъанавий)	Инқилобий	Эволюцион
<p>Ўтиш жараёни асосан иқтисодиёт соҳасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади. Унинг заминида узоқ тарихий тараққиёт босқичи давомида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда ислохотлар амалга ошади. (Бу йўлдан АҚШ, Англия, Франция, Италия ва бошқа мамлакатлар) Германия ва Япониянинг ўтиш даври II жаҳон уруши билан боғлиқ хусусиятлари мавжуд.</p>	<p>Аксарият кўпчилик аҳолининг турмуш даражаси минимал даражада таъминланганлиги, хусусий мулк элементларини сақланиб қолиши демократик тамойиллар элементи мавжудлиги, интеллектуал салоҳиятнинг мавжудлиги, саноатнинг ривожланганлиги, аҳолининг мураккаб ўтиш жараёнига мойиллиги ва унда фаол иштирок қилиши ва ҳ.к. асосида аввал сиёсий ҳокимият бир “зарб” билан тубдан ўзгаради. Ва унинг заминида иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда ислохотлар амалга ошади.</p>	<p>Сиёсий ҳокимият ўзгаради, аммо унинг бир қатор имкониятларидан (асосан бошқарувда) вақтинчалик фойдаланилади, иқтисодий маънавий-маърифий соҳаларда ўзгаришлар босқичма-босқич амалга ошади. (Ўзбекистон МДХ ва ҳ.к.)</p>

Хўш нима учун аста-секин, босқичма-босқич ўтиш зарурияти туғилади? Агар аста-секин ўтиладиган бўлса, унинг классик йўлдан фарқли томони нимада? Унда ҳам аста-секинлик билан демократик жамиятга ўтилган-ку? Албатта, эволюцион йўлнинг классик (анъанавий) йўлдан фарқли томонлари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, классик йўлда демократик кадриятлар мавжуд жамият ичида юзага келади. Бунда фаолият кўрсатаётган тузумнинг тараққий қилиши, мулк эгаларининг оддий халқнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилиб борилади. Унинг ўзига хос хусусияти, ҳар икки томоннинг ҳам манфаатдорлигидадир. Бундай шароитда демократик кадриятлар тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларининг «маърифатлашиб», халқ фаровонлигини таъминлаш омили бўлиб қолади. Ҳозирги даврда кўпчилик мамлакатлар эволюцион йўл тоталитаризм ёки диктатуралар ҳукмронлигини барбод этилишининг бирдан-бир тўғри йўл эканлигини тасдиқламоқда. Айниқса, ўртача ривожланган мамлакатларнинг демократияга ўтиши учун хос бўлган бу йўл мамлакатлар ҳаётида кескин ўзгаришларни амалга оширишнинг имкониятлари бўлмаганлиги билан ҳам боғлиқдир.

Иккинчидан, классик ўтиш йўлида аҳолининг дунёкараши ўзгариб боришини тақозо қилган бўлса, тоталитаризм – омманинг онгини тўлалигича ўз манфаатларига бўйсундирган

жамият бўлганлиги учун ҳам уни бир «зарб» билан демократияга «мослаштириш» ниҳоятда мураккаб эди. Чунки онгни ўзгартириш қисқа вақтда амалга ошадиган жараён эмас, у жамият ҳаётида бўладиган ўзгаришларга мос равишда содир бўлади.

Айниқса, бу жараён саноат ишлаб чиқариши кам тараққий қилган аграр сектор етакчилиги қиладиган мамлакатларда аста-секинлик билан амалга ошиши ҳам умумқонуниятдир. Чунки бундай мамлакатларда аҳолининг сиёсий маданияти кескин ўзгартиришлар эҳтиёжларидан орқада қолган бўлади.

Учинчидан, классик ўтиш учун хос бўлган капиталистик муносабатлар шароитида демократияга ўтишда эски тузум хавф туғдирмайди, балки у ўрнини ривожланаётган янги демократик муносабатларга «бўшатиб» бера бошлайди.

Тоталитаризм эса янги демократик жараёнлар учун хавф туғдиради. Чунки унинг ҳукмронлиги даврида шаклланган, ниҳоятда кучга таянган муносабатлар ва маънавий-маърифий салоҳият демократик жараёнлар ривожланиши учун қаршилик кўрсатиб туради. Буни албатта ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Шунинг билан бир қаторда мамлакатнинг тараққиёт даражалари, халқнинг менталитети, урф-одатлари ва кадриятларини ҳисобга олиш эволюцион йўлининг катта имкониятлари бўлиб, бу ўтиш даврида нисбатан кам талофатлар содир бўлишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам кўпгина олимлар бугунги кунда эволюцион йўлни ўтиш даври учун энг мақбул йўл сифатида тан олмоқдалар. Жумладан, Россия Фанлар академиясининг академиги А.Н.Яковлев шундай ёзади: «... инқилоб бу - боши берк кўча, йўлини йўқотиш демакдир. Ўзаро жанжал ва тўполонлар шароитида ҳам қуйидан, ҳам юқоридан бошланадиган жиноятлар авж олади. Шу тариқа люпенлар жинояти ҳокимият жинояти билан бир-бирига аралашиб кетади. Инқилоб даврида шафқатсизлик мисли кўрилмаган даражага етади. У олға ривожланиш ҳақидаги назарияларни яратади-ю, охир оқибатда ўзи ана шу ҳаракат йўлида тўғаноқ бўлади. Фақат табиий, тадрижий йўл инсонга қониқиш туйғусини, жамиятга эса ўз тараққиётини изчил пухта ўйланган, режали тарзда амалга ошириш имконини беради».¹

Эволюцион йўлнинг яна бир афзаллиги шундаки, бугун инсоният жуда катта интеллектуал камолот даражасига кўтарилди. Шунинг билан бирга, унинг эҳтиёжлари ҳам унга мос равишда ривожланиб бормоқда. Ана шу икки жараённи уйғун ҳолатда ривожлантириш имкониятини фақат эволюцион йўлдан бориш билан ҳал қилиш мумкин бўлади. Бугун худди ана шу йўл фожеаларга олиб келувчи қарама-қаршиликларнинг олдини олишга ва тараққиётга мураса-ю, мадора йўл билан эришиш имконини бермоқда. Бу йўл бугун ўз мустақиллигини қўлга киритиб энди тараққиёт йўлига кираётган Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари учун ҳам самарали бўлган йўл ҳисобланади. Улар ҳозир тараққиётнинг қайси босқичларида бўлишларига қарамасдан, демократик тараққиёт босқичига ҳам табиий-тадрижий йўлдан боришлари пировард бош мақсадга эришиш демакдир.

Аммо, уларнинг ички ҳаётига аралашув, демократияни ташқаридан бир «зарб» билан киритишга ҳар қандай уринишлар кутилган натижа бермайди. Бундай ҳолат фақат мамлакатда ички ва ташқи зиддиятларнинг кучайишига, демократиянинг бунёдкорлик кучига эмас, уни тараққиётдан орқага улоқтириб ташловчи вайронкор куч сифатида намоён бўлишига олиб келади. Бундай шароитда мамлакатда фуқаролар уриши келиб чиқиш хавфи юзага келади. Бу эса ўз навбатида мамлакатлараро, миллатлараро қарама-қаршиликларни кучайтириб, демократиянинг қарор топишига йўл қўймайди.

Эволюцион йўлнинг самарали ривожланиши учун ташқаридан бўладиган ҳар қандай «ёрдам» мамлакатда демократик жараёнлар ривожланиши учун зарур бўладиган шарт-шароитларини юзага келтиради. Чунки демократия ҳокимиятни бошқарувида халқнинг иштирок этиши билан белгиланар экан, уни «мажбурлаб», бошқарув жараёнига жалб қилиб

¹ Яковлев А.Н. Қайтадан кашф этилган мамлакат. Сўз боши ўрнида. «Халқ сўзи», 2001 йил, 9 февраль.

бўлмайди. Унинг учун эҳтиёж, зарурият, шарт-шароитларнинг юзага келиши ва халқнинг ундан фойдаланишига бўлган «табiiй» интилиши шаклланмоғи керак бўлади.

Ана шу жараённинг юзага келиши эволюцион йўл билан демократик жамиятга ўтиш имконини беради. Улар мавжуд бўлган мамлакатларда бу йўл ўз самарасини бераётганлигини Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин.

Хуллас, эволюцион йўл бугун дунё мамлакатларининг ривожланишига ва минтақаларда барқарорликнинг юзага келишига ҳамда умумий тараққиёт учун самара бера оладиган йўл сифатида намоён бўлмоқда. Бу жараёнларни ўрганиш зарур.

4. “Шок терапияси” (мулкни давлат тасарруфидан бирданига чиқариш).

5. Ислохот йўллари мавжуд.

Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўтиш даврининг умумий қонуниятлари Ўзбекистон учун ҳам умумийликка эгадир. Ўтиш даврининг бошланиши учун хос бўлган, амалдаги сиёсий ҳокимиятнинг тугатилиши, унинг заминидан иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг амалга оширилиши учун замин тайёрлаш ва олдинги тизимнинг мавжуд маънавий-мафкуравий зўравонлигидан қутилиш билан характерланади. Улар қайси даражада бўлишидан қатъий назар, демократик тамойиллар асосида ривожланиш йўлини танлаган барча мамлакатлар учун умумий зарурият ҳисобланади. Аммо, ҳамма масала ўтиш даврининг ичида амалга ошириладиган вазифалар стратегиясини белгилаш, уларни ҳал қилишнинг механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни реалликка айлантириш кабиларда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлади. Бир мамлакатнинг ёхуд бир неча мамлакатларнинг ўтиш даврида қўллаган тажрибаларини айнан иккинчи мамлакат қўллай олмайди. Чунки демократик жамиятга ўтишда нафақат мамлакатларнинг тараққиёт даражалари белгиловчи аҳамиятга эга бўлади, худди шунингдек, ҳар бир мамлакатда яшаётган халқнинг менталитетини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Уни ҳисобга олмаслик эса пировард мақсадга эришиш имконини бермайди. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда унинг ўзига хос ва ўзига мос бўлган эволюцион тадрижий йўли ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг Ўзбекистон учун энг мақбул йўл эканлиги Президент Ислом Каримов томонидан илмий асосланди ва унинг концептуал ғояларини фундаментал тарзда босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Бу йўл Президент томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилда ўз ифодасини топди. Худди ана шу тамойилларни тавсифлаб, Президент шундай таъкидлаган эди: «Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожеали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш – танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир».¹

Бу бош ғояни Президент Ислом Каримов жаҳон мамлакатларининг тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш асосида илгари сурди ва Ўзбекистонга хос ўтиш даври «модел»ини ишлаб чиқишда унинг дунёдаги биронта ҳам давлатлардаги «модел»ларига айнан ўхшамаслигига асосий эътиборни қаратди.

У мамлакатимиз ўз мустақиллигини эндигина қўлга киритган ва мустақилликнинг хавфи хали батамом тугамаган шароитда - 1992 йилда бу концептуал ғояни илгари сурди. У шундай ёзади: «Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган **коллективчилик асослари** Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгилчилик, миллатидан қатъи назар, одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: «Ўзбекистон», 1993, 39-бет.

меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром - Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир. Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш чоғида **ислом динини эътиборга олиш муҳим** аҳамиятга эга. Одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, миллий-маънавий, ахлоқий қадриятларни шакллантиришда, умуминсоний тамойиллар билан уйғунлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида демократик жамиятга ўтишнинг учта босқичини босиб ўтди. Уларнинг **биринчиси**, Президент Ислоҳ Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси - биринчи чақириқ VI сессиясида (1996 йил 29 август) «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари»; **иккинчиси**, Биринчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» (1999 йил, 14 апрел) ва ниҳоят, **учинчиси**, иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» (2002 йил 29 август) қилган маърузаларида кўрсатиб берилди.

Албатта, ана шу босқичлар бири иккинчисидан кескин фарқ қилмасда, улардаги асосий ғоя демократик жараёнларнинг олға томон ривожланишини ва маълум бир вақтга келганда бу жараёнга янги куч, қудрат ҳамда фаоллик бахш этишдир. Чунки жараёнлар изчиллик билан таҳлил этилмаса, ундаги асосий муаммо аниқланмаса ва истиқболдаги вазифалар белгиланмаса, ривожланиш ҳам бўлмайди. Шу маънода ҳам Президент демократик жамият куриш борасидаги вазифаларни «**чуқурлаштириш**» (1996 йил) «**эркинлаштириш**» (1999 йил) ва «**демократик ўзгаришлар орқали фуқаролик жамият асосларини шакллантириш**» (2002 йил) каби концептуал ғояларида белгилаб берган.


Аммо бу - ўтиш даврининг мустақил равишда бир неча босқичлардан иборат экан, - деган хулоса келиб чиқишига асос бўлмаслиги керак. Чунки ўтиш даврининг ўзи мамлакатнинг турли тузумлардан демократияга ўтишдаги мустақил «оралиғи», «кўприги» ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган босқичлар ўтиш даврининг узлуксизлигини ифодалайдиган кўрсаткичдир.

4.3. Ўзбекистонда Ислоҳ Каримов томонидан демократик жамиятга ўтишнинг назарий, концептуал методологиясининг ишлаб чиқиши


Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов илк бор давлат ҳокимияти тепасига собиқ Иттифоқ даврида келиши биланок, Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлини ўйлади ва уни амалга ошириш учун барча куч ва имкониятларини ишга солди. Президентимиз XX аср 90-йилларидаёқ мустақиллик учун кураш олиб борди. Ўзбекистонни дунёда ўз йўли билан ривожланиш имкониятига эгаллигини исботлаб берди. У дастлаб, **биринчидан**, ўзбек тилининг “давлат тили” ҳақидаги қонуннинг қабул қилинишида бош-қош бўлди (1989 йил 21 октябрь), **иккинчи** навбатда мамлакатимизда Ўзбекистоннинг ўз давлат рамзлари бўлиши учун (1991 йил 15 февраль) курашди, **учинчидан**, мамлакатимизда Президентлигини жорий этди (1990 йил 24 март), **тўртинчидан**, “Мустақиллик Декларацияси”ни қабул қилишда жонбозлик кўрсатди (1990 йил 20 июнь) ва ҳ.к. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистоннинг демократик жамиятга ўтишининг назарий концептуал методологиясини 1992 йилда “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, кейинчалик “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўли” асарларида илмий асослаб берди. Ўзбекистоннинг бозор ислоҳотларидан бориш қонуниятларини илмий асослади. Демак, Президентимиз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш учун унинг концептуал методологияси мавжуд бўлиши лозим эди. Бу методологияга кўра Ўзбекистон демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор ислоҳотларини босқичма-босқич шакллантириш йўллари белгилаб берди. Агар биз дунё мамлакатларида ўтиш даврининг турли кўринишлари: анъанавий, инқилобий ва эволюцион кўринишларининг мавжудлигини инобатга олсак, Президентимиз ана шу эволюцион йўлда 1) мулкни давлат тасарруфидан

босқичма-босқич чиқариш, эркинлаштириш, 2) ижтимоий барқарорликни таъминлаш, чунки бу барқарорлик макроиқтисодий ривожланишни белгилаб беради. 3) Пулнинг кадрсизланиши учун кураш, 4) хом-ашё ишлаб чиқарадиган мамлакатдан бозор муносабатлари шароитида тайёр махсулотлар ишлаб чиқарадиган республикага айлантиришдек стратегик вазифаларни белгилаб берди. Президентимизнинг яна бир муҳим демократик жамият сари боришдаги ютуғи шундаки, у миллий давлатчиликни, давлат ҳокимиятини тубдан ислоҳ этиш, уни аста-секинлик билан фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтказиш вазифасини кўрсатиб ўтди. Бу йўлда 1995 йилга келиб катта ижобий ишлар қилина бошланди. Ўзбекистоннинг ривожланишида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланиш қонуниятлари ишлаб чиқилди. 1999 йилда Президентимиз “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” номли асарида Ўзбекистон тараққиётининг концептуал асослари, йўлларини аниқ кўрсатиб ўтди. Бунда асосий эътибор нодавлат органларини шакллантириш, фуқаролик жамияти элементларини ривожлантириш ғоясини илгари сурди. Бу борада янги қонуниятлар ишлаб чиқилди. 1999 йилда Президентимиз “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” асарида бу масаланинг ниҳоятда муҳимлигини инобатга олиб, XXI асрда Ўзбекистон тараққиётининг концептуал асослари, йўллари аниқ кўрсатиб ўтилди. Бунда асосий эътибор нодавлат органларини шакллантириш, фуқаролик жамияти элементларини ривожлантириш ғоясини илгари сурди. Бу борада янги қонуниятлар ишлаб чиқилди. 2002 йилга келиб 9-сессияда “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” (улар 7 та) ишлаб чиқилди. Бу борада давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, фуқаролар сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш бозор ислохотларини ривожлантиришнинг гарови эканлиги таъкидлаб ўтилди.

4.3-слайд



Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари

**ҚИСҚАЧА ХУЛОСА**

Демак, демократик жамиятга ўтиш деганда, мамлакатларнинг турли тузумлардан (тоталитаризм, капитализм, ҳарбий диктатура ва х.к) демократик тамойиллар асосида ривожланиши учун вужудга келтириладиган имкониятга кетадиган оралик вақт тушунилади. Худди ана шу вақт ичида демократик жамият учун зарур бўладиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий имкониятлар яратилади. «Оралик» вақтнинг бошланиши ва унинг ўз поёнига етиши ўтиш даври масалалари қаторидаги энг муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки, бугун бу масала илмий адабиётларда ўз ечимини топганича йўқ. Унга аниқлик киритмаслик эса «ўтиш даврининг» боши ва охири қаердалигини билиб олиш имконини бермайди. Тўғри, ўтиш даври икки йўналишда иқтисодий ҳаётда ва сиёсий ҳокимиятда пировардида демократик жамиятга олиб борувчи туб ўзгаришларнинг содир бўлиши ва унинг асосида ижтимоий ҳамда маънавий-маърифий соҳаларда олиб бориладиган ислохотларнинг бошланиши билан характерланади. Ўтиш даврининг тугаши эса демократик тамойилларнинг тўлалигича ҳаётини реалликка айланиши билан боғлиқ бўлади.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Собиқ Иттифоқ парчаланишининг асосий сабаблари нималарда?
2. Ўзбекистон сиёсий мустақиллигига эришган пайтда қандай ҳужжатлар қабул қилинган эди?
3. Ўтиш даврининг барча мамлакатлар учун умумий бўлган қонуниятларини изоҳланг?
4. Ўтиш даврининг инқилобий, тадрижий, “Шок терапияси”, ислохот йўлларининг ҳар бирини баён этинг?
5. Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарларининг мазмун ва моҳияти, аҳамияти нималарда акс этади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 3–10-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 36-85-бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 274-284, 301-308, 309-322, 341-359-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.3. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 175-181, 183-191, 202-226, 227-246-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6,8-12, 14-15, 16-26, 28-38, 47-48-бетлар.
7. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
8. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
9. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
10. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
11. Каримов И.А. Янгиликлар ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
12. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
13. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.
14. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211–241-251-б.
15. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
16. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафқураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
17. Пугачев В.П., Соловьёв А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
18. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
19. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
20. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.
21. Конституция ва қонунларнинг устунлиги - Ўзбекистон тараққиётининг кафолати. -Т.: «Адолат», 2000.
22. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Т.: «Ўзбекистон», 2001, 368-бет.
23. Одилқориев Х.Т., Фойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. Т.: ЎзРИИВ Академияси, 2004, 138-158-бетлар.

24. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 237-255-бетлар.
25. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: ТМИ, 2004, 3-180-бетлар.
26. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
27. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
28. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
29. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
30. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.

5-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МИЛЛИЙ, УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ

5.1. Демократик жамиятнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва қадриятлар тушунчаси

Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва қадриятларининг методологик асослари, илмий ва амалий жиҳатлари Президент И.А.Каримов асарлари, нутқларида кенг ҳамда чуқур ёритилган. Маълумки, «**тамойил**» тушунчаси - **йўналиш**, рус тилида қўлланиладиган «**тенденция**» сўзи эса, асли латинчадан келиб чиққан бўлиб, «**тамойил**» атамасининг муқобилидир. Президент И.А.Каримов асарларида “тамойил” ва “йўналиш” сўзлари синоним сифатида қўлланиб келинмоқда. Агар бу сўзларнинг маъносига эътибор қаратилса, улар жамиятнинг турли жаҳаларида объектив, такрорланувчан, устувор ҳодиса сифатида кўзга ташланади. Демак, жамият ҳаётида “тамойил” ёки “йўналиш” маълум бир жараёндаги қонуниятни ўзида акс эттиради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг етакчи олимлари томонидан ижтимоий-сиёсий фанларида демократиянинг миллий, умумбашарий тамойилларини ҳар бир халқнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш ва тўлдириш борасида бир мунча ишлар қилинди. Шунга қарамай, мамлакатимизда демократик жамият барпо этиш жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва намоён бўлиш хусусиятлари жиддий ўрганишни талаб этади. Ваҳоланки, демократиянинг муҳим **умумжаҳон эътироф этган асосий тамойиллари** қуйидагилардан иборатдир:

- 1) эркин ва адолатли сайловлар;
- 2) очиқ ва ҳисобот берувчи ҳукумат;
- 3) инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
- 4) ҳокимият органларининг сайланиб қўйилиши;
- 5) сўз, матбуот ва виждон эркинлигининг Конституция ва қонунлар билан кафолатланиши;
- 6) қонун устуворлиги;
- 7) фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари мавжудлиги ва тенглиги;
- 8) тайинлаш йўли билан шаклланидиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб бериш бурчлилиги;
- 9) кўппартиявийлик тизимининг мавжудлиги;
- 10) умуммиллий масалаларнинг ҳал этилишида референдумларнинг ўтказилиши;
- 11) мулк шаклларидаги хилма-хиллиги ва уларнинг тенглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги;

12) сиёсий муҳолифатнинг очик фаолият кўрсатиши;

13) жамиятда плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги, ранг-баранглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги ҳамда уларни амалий ҳаётга жорий этиш масалалари самарасининг ортиши.

Маълумки, Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигига эришгач, Ер шарининг кўпчилики аҳолиси каби ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамиятни барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Табиийки, бундай жамиятни шакллантиришда, авваламбор, Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос миллий тамойилларини жаҳонда кечаётган умуминсоний тамойиллар билан уйғунлашаётганлигини назардан қочирмаслик керак.

Демократик жамият куриш албатта **миллий ва умумбашарий тамойиллар** асосида ривожланиб боради. Бу узвийлик жараёни 2 та муҳим жиҳат билан белгиланади. Демак:

1. Демократик жамиятнинг миллий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- 1) Халқимиз ҳаётида жамоа бўлиб яшаш руҳининг устуворлиги.
- 2) Оила, маҳалла, эл-юрт муқаддаслиги.
- 3) Ота-она, маҳалла жамоаларига, раҳбарларга юксак ҳурмат-эътибор.
- 4) Миллатнинг улмас руҳи она тилига ҳурмат
- 5) Каттага ҳурмат, кичикка иззат.
- 6) Аёл зотига эҳтиром.
- 7) Сабр-қаноат, меҳнатсеварлик.
- 8) Ҳалоллик ва меҳр-оқибат.
- 9) Демократик жараёнларнинг узвийлиги, аста-секинлиги.
- 10) Одамлар тафаккури ва ижтимоий савияси.
- 11) Халқимиз миллий маданиятининг ўзига хослиги ва ҳ.к.

2. Демократик жамиятнинг умумбашарий тамойиллари:

- 1) қонун устуворлиги.
- 2) Инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик.
- 3) Барча миллат вакиларига ҳурмат ва улар билан баҳамжихат яшаш.
- 4) Диний бағрикенглик.
- 5) Дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик.
- 6) Ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш ва ҳ.к.



Қадриятлар – жамиятда кишилар ўртасида обрўга, эътиборга ҳурматга нуфузга, аҳамиятга эга кишилар муносабатлар, ҳолатлар моддий нарсалар ва маънавий бойликлар йиғиндисиدير. Қадриятлар кишиларнинг моддий турмуш даражаси, шароити, имкониятлари асосида шаклланади ва ривожланади. Қадриятларнинг ижтимоий аҳамиятини англаш кишиларнинг истикбол вазифаларини туғри тасаввур қила билиш имконияти билан ҳам боғлиқ. қадриятларнинг турлари: 1) Инсон яшаб турган моддий муҳит билан боғлиқ бўлган қадриятлар. 2) Анъаналар, урф-одатлар ва маросимларда намоён бўладиган ахлоқий қадриятлар. 3) Инсоннинг ақл-идрок ва амалий фаолитяти заминида шаклланган меҳнат малакалари ва кўникмалари, билим ва тажрибалари, қобилият ва истеъдодларида намоён бўладиган қадриятлар. 4) Одамлар ўртасидага жамоатчилик, ҳамкорлик, хайрихоҳлик ҳамжихатликка асосланган қадриятлар. 5) Кишиларнинг ёши, касби, жинси ва Ирқий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қадриятлар.

Демак, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда умуминсоний, минтақавий миллий, диний қадриятлар муҳим аҳамият касб этади. Агар умуминсоний минтақавий қадриятлар барча инсон ва миллатлар учун хос бўлган умумий тушунча бўлса, минтақавий қадриятлар маълум бир ҳудуд учун тааллуқли бўлганлиги билан характерланади. Миллий қадриятлар умуминсоний ва минтақавий қадриятлар билан биргаликда мавжуд бўлади ва ривожланади.

Демократик, фуқаролик жамиятини қураётган Ўзбекистон учун ана шу миллий қадриятларини, ўзини англаган, Ватани учун фидоий ёшларни тарбиялаш вазифаси туради. Бундай шароитда фуқаролик жамияти қуришда мазкур қадриятларни ўрни бекиёсдир.

Ўзбекистон аҳолисининг бозор иқтисодига асосланган демократик жамият куришида истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ Президент И.А.Каримов қуйидаги миллий тамойилларга жамоатчилик диққатини қаратди. Бу миллий тамойиллар И.А. Каримовнинг 1992 йилда ёзилган “Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар” ҳамда “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарларида илмий жиҳатдан ҳар томонлама асослаб берилди. Кейинчалик Юртбошимиз бу тамойилларни турли ҳаётий мисоллар ва далиллар асосида ёритди. “Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий, тарихий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз. Ўзбек халқи азалдан **жамоа тўғусига мойил**”,¹ - деб ёзган эди И.А.Каримов. Бу **биринчи тамойил** бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтишда ўзбек халқининг ўзига хослиги, унинг бой тарихий анъаналари, ўзига хос фикрлаш тарзининг қадимги даврлардан бошлаб жамоа сифатида аҳил бўлиб яшаш менталитетини кўрсатиб турибди.

Иккинчи тамойил ҳақида И.А.Каримов шундай деб ёзади: “Мустақил давлатимизнинг сиёсатини белгилаб олар эканмиз, **ислом динимизни** албатта назарда тутишимиз керак, негаки дин турмуш тарзимизга, маънавий кадриятларимизга, кишилар онгига ўзининг ўчмас муҳрини босган.”²

Учинчи миллий тамойил сифатида Президентимиз “Ўзбекистондаги **демографик вазиятни** албатта ҳисобга олиш зарур”³ деб уқтиради. Маълумки, юртимизда аҳолининг табиий ўсиш суръати жуда катта бўлиб, меҳнат ресурсларининг ортиб бориш даражаси ҳам шунга мос келади. Қолаверса, аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқларда истиқомат қилишади.

Тўртинчи тамойил, бу – Ўзбекистоннинг **кўп миллатли давлат** эканлиги. Унда 130 дан ортиқ миллат, элатлар яшайди ва улар 18 диний конфессияларга мансуб.

Бешинчи тамойил, бу Ўзбекистоннинг геосиёсий жиҳатдан **қулай маконда** жойлашганлиги, қадим қарвон йўллариининг бизнинг Ватанимиз ҳудудидан ўтганлиги, турли цивилизацияларнинг Марказий Осиёда туташганлиги ҳамда бугунги кунда ҳам минтақамизнинг Шарқ билан Ғарб дунёси ўртасида муҳим бўлган эканлигидадир.

Олтинчи тамойил “Ўзбекистонда ислоҳотлар ўтказишга мавжуд **табиий иқлим, шарт-шароитлари**”нинг катта таъсир кўрсатишидан иборат.⁴

Еттинчи тамойил – “Ўзбекистон ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун **етарли салоҳиятга эга**”⁵. Яна бир муҳим тамойил сифатида И.А.Каримов “кейинги ўн йиллар мобайнида маълум кадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян **ижтимоий онги шаклланишини** ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас”, деб уқтиради. Гап шундаки, мустақилликдан олдинги 130 йилдан кўпроқ давр мобайнида халқимиз ўзининг миллий, маданий, моддий бойликларидан бегоналашди. Жаҳон ҳамжамятидан бутунлай ажралиб қолди. Шу сабабли, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамяти билан интеграциялашувида бу вазиятни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги тамойиллар ёки омилларни чуқур ўрганиб, Президентимиз И.А.Каримов истиқлолнинг дастлабки йилларида ислоҳотларнинг илмий асосланган стратегиясини ишлаб чиқди. Бу Ўзбекистоннинг ўзига хос ақл-идроққа асосланган тараққиёт йўли жаҳон афкор оммаси томонидан ҳақли равишда “**тараққиётнинг ўзбек модели**” деган ном олди.⁶ Айнан ана шу тамойилларда бир томондан миллийлик, иккинчи томондан умуминсонийлик йўналишлари уйғунлашди ёки уларнинг диалектик мутаносиблиги ўз аксини топди. “**Биринчи тамойилимизда**, - деб ёзган эди И.А.Каримов, - аввал-иқтисод, кейин сиёсат

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т.-Т.:Ўзбекистон,1996,11-бет

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т.-Т.:Ўзбекистон,1996,12-бет

³ Ўша манба, 12-бет

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.1-т.-Т.:Ўзбекистон,1996, 13-бет

⁵ Ўша манба, 13-бет.

⁶ М.С.Гафарли, И.А.Касаев. Ривожланишнинг «ўзбек модели»: тинчлик ва барқарорлик - тараққиёт асоси. - Т.: «Ўзбекистон», 2001. –430 б.

деган шиорни олға сурдик”¹. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги назарда тутилади. Иқтисодий ислохотлар сиёсатдан ортда қолмаслиги зарур.

Иккинчи тамойил - бу давлатнинг бош ислохотчи эканлиги. Янгиланиш ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва уларни изчиллик билан амалга оширишни давлат ўз зиммасига олади.

Учинчи тамойил, ўз навбатида жамият ҳаётида, барча соҳаларда қонуннинг устуворлиги таъминланади. Айнан Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси ҳам умуминсоний ва миллий тамойилларнинг мужассамлашган ёрқин намунаси ҳисобланади.

Тўртинчи тамойил, бу аҳолининг демографик вазияти, айниқса, унинг 60 фоизидан кўпроғини ёшлар ташкил этганлиги, кам таъминланган оилаларни, болаларни, нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат олиб борилади.

Бешинчи тамойил – бу халқимиз анъаналари, урф-одатлари ҳамда бозор иқтисодиётининг объектив қонун-қоидаларини ҳисобга олган ҳолда унга «шок терапияси» асосида эмас, балки эволюцион тадрижий асосда, пухта ўйлаб босқичма-босқич ўтиш назарда тутилади.²

Шундай қилиб, ушбу тамойиллар ёки тараққиётнинг «ўзбек модели» Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятига ўтишининг ҳамда унинг жаҳон ҳамжамяти билан изчиллик асосида интеграциялашув концепциясининг негизини ташкил этади.

Маълумки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич изчиллик билан ўтаётган Ўзбекистон Республикаси 1994 йил охири 1995 йил бошларида ислохотлар ўтказишнинг иккинчи босқичига кўтарилди. Бу давр ичида мамлакатимизда нафақат кучли ижроия ҳокимиятига асосланган Президентлик республикаси шаклланди, балки умуминсоний ҳамда миллийликка асосланган замонавий парламент – Олий Мажлисга кўппартиявийлик, муқобиллик, ҳурфикрлилик асосида сайловлар ўтказилиб, жиддий қадам қўйилди. Тўғри ҳали бу том маънодаги профессионал парламент эмас эди. Аммо иқтисодий, маданий, маънавий соҳалар каби ижтимоий-сиёсий соҳада ҳам ислохотлар эволюцион йўл билан олиб борилдики, бу жамиятимизда барқарорликни таъминлаш учун асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1995 йил 23 февралда I чақириқ Олий Мажлисининг I сессиядаги маърузаси “Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари” деб номланиши бежиз эмас. Мазкур маърузада Юртбошимиз Шарқда, қолаверса Ўзбекистонда дунёвий, демократик жамият барпо қилишнинг **уч муҳим тамойили** устида тўхтаб, уларни илмий жиҳатдан асослаб берди. Хўш, Ўзбекистонда қурилаётган демократик, адолатли фуқаролик жамиятининг шаклу-шамойили қандай бўлиши керак? “Шарқда, - деб ёзади И.А.Каримов, - демократик жараёнларнинг, қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Шарқда демократик жараёнлар **узвий равишда ва аста-секин тараққий** топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”³. Шу ўринда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойилларида шарқона қадриятлар қандай ўрин эгаллайди?, деган савол туғилади. Агар эътибор билан қаралса, бу ўринда жараёнлар сўзи тамойиллар маъносини ҳам англамоқда. Тўғри, **иккинчи тамойилни** Президентимиз демократлаштиришнинг “**иккинчи муҳим шарти**” деб номлаган. “Жамиятни демократлаштиришнинг **иккинчи муҳим шарти одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси** билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон» 2001, 36-38 бет., 177 бет.

² Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 Т., -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 177-180 бетлар.

³ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 Т., -Т.: «Ўзбекистон» 1996, 8-9 бетлар.

қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир”¹. Фикримизча, мазкур тамойил умумбашарий тамойилдир. “**Учинчидан**, - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, – демократик жараёнлар **халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини**, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. Маълумки, Фарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади”². Демак, миллий тамойиллар билан бирга минтақавий тамойиллар ҳам мавжуд. Кўриниб турибдики, И.А.Каримовнинг таъкидлашича, демократияни шакллантиришда Ўзбекистон учун Фарб намунаси эмас, кўпроқ Шарқ тажрибаси қўл келади. “Осиё” минтақаси ва мусулмон Шарқидаги демократик кадриятлар ва ўзгаришлар ривожининг тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъаналарга эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчиликнинг фикрича, устуворлик заминиди шаклланади”³. Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқининг бой тарихий тажрибасига асосланиб, И.А.Каримов Ўзбекистонда демократик тамойилларнинг ривожини тўғрисида ниҳоятда муҳим хулосага келади: “Бизнинг мамлакатимизда, - дейди Юртбошимиз, - демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий кадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор”⁴.

Миллий кадриятларнинг тикланиши - демократик жамият қуришнинг муҳим шарти. Демократик жамият концепциясида миллий, умуминсоний кадриятлар билан бир қаторда, диний кадриятларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, улар ўртасида қатъий чегара йўқ. Бундай фикр билдиришимизга муайян тарихий шароитларда объектив заруратлар туфайли жамият ривожланиши учун миллий кадриятлар диний қарашлар бағрида шаклланганлигидир. Шунга кўра бизнинг миллий кадриятларимиз фақат ислом заминиди вужудга келмаган, балки зардуштийлик, буддавийлик каби динлардан ҳам кўп нарсаларни олган. Бинобарин, ҳар қандай кадриятларнинг бош манбаи ижтимоий ҳаётдир. Бунинг исботи сифатида ҳозирги даврда мамлакатимизда кўпгина тарихан дин билан боғлиқ кадриятлар ўзларининг диний мазмунини ўзгартириб, дунёвий миллий кадриятларга айланганлигидир. Айни пайтда, демократик жамиятни барпо этишда дин ҳар доим ҳам унинг тарафдори бўлавермайди. Айниқса, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида ислом ғоялари ва қарашларидан бир-бирига тубдан қарама-қарши мақсадлар йўлида фойдаланишга уринишлар жонланган бир пайтда, ана шу омилнинг ўрнини алоҳида таҳлил этиш зарур.

Унинг заруратини Президент И.А.Каримов алоҳида ва бир неча марта таъкидлаб келмоқда. «Мустақиллик йилларида энг катта қўлга киритган ютуқларимиздан бири тарихий, миллий ва ахлоқий кадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалишидаги ўрни ва аҳамиятини қайта тикланганлигидир. Айни замонда, тажовузкор ақидапараст кучлар ислом дини халқимиз учун муқаддас кадрият эканлигидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилмоқдалар». Кейинги йилларда дунё миқёсида исломдан қарама-қарши мақсад йўлида фойдаланишлар яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишда миллий тамойилларнинг асосини ташкил этувчи, юқорида таъкидлаганимиздек, кадриятлар алоҳида ўринга эгадир. Мустақиллик туфайли унга бўлган янгича ёндашувлар Президент И.А.Каримовнинг миллий ва умумбашарий кадриятлар тўғрисидаги методологик илмий мулоҳазалари ҳамда амалий фаолиятларидаги кўрсатмалари, ташаббуслари бунинг ёркин мисолидир. Ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва очик фуқаролик жамияти умуминсоний кадриятлар билан бир қаторда, миллий кадриятларимизга асосланади.

Шу нуқтаи назардан, кадрият тушунчасининг ижтимоий-фалсафий адабиётларда кўпгина илмий таърифлари мавжуд. Берилган таърифларни таҳлил этиш бир томондан турли хил ёндашувларнинг мавжудлигини, иккинчи томондан эса, уларнинг бутунлай бир-

¹ Ўша манба. 8-9 бетлар.

² Ўша манба. 9-бет.

³ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. ТЗ. –Т.: «Ўзбекистон» 1996, 9-бет.


⁴ Ўша манба, 9-10 бетлар.

бирини инкор этиши ҳолларининг мавжуд эканлигини кўрсатади. Масалан, ”Фалсафий энциклопедия”нинг бешинчи жилдида кадриятлар қуйидагича тавсифланган: ”Кадрият фалсафий ва социологик тушунча. **У биринчидан**, бир объектнинг ижобий ёки салбий қимматини, **иккинчидан**, ижтимоий онгнинг норматив белгиловчи-баҳоловчи жиҳати (субъектив кадриятлар ёки онг кадриятлари)ни ифода этади”¹. Рус тилидаги “ценность” яъни кадрият тушунчасига, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига, маънавий дунёкарашига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган барча нарса ва ҳодисалар киритилган.

Ана шунга яқин нуқтаи назар бошқа илмий манбаларда ҳам баён этилган: “Кадрият (фалсафа, социологияда) - воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маърифий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Кадриятларнинг мазмуни ва характериға кўра, **прогрессив ва реакцион типларға** ажратиш мумкин” дейилган. Фикримизча, бундай таърифлар мазкур категорияни ўта сиғимдор қилиш билан бирға, унинг асли моҳиятини аниқлашда бир қатор илмий чалқашликларни келтириб чиқармоқда. Шунға кўра унинг мазмуни, тузилиши, асосий шакллари намоён бўлиш хусусиятлари ва умуминсоний кадриятлар тизими, бу тизимдаги асосий кадрият шаклларининг ўрни ва аҳамиятини илмий таҳлил қилиш билан боғлиқ бир қатор масалаларға эътибор кам эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

“Кадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳолашиб, қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим”². Рус, инглиз, немис, француз ва чех тилларида Россия Фанлар Академиясининг академиги Г.В.Осипов муҳаррирлигида чоп этилган “Социологический энциклопедический словарь”да кадриятларни баҳолаш, кадриятлар тизими, ижтимоий кадриятлар, кадриятлар йўналиши ва умуман кадриятларға таърифлар берилган³. Кадриятлар тушунчасига “Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати”да ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

5.2-слайд



“Кадриятлар — жамиятда кишилар ўртасида обрўға, эътиборға, ҳурматға, нуфузға, аҳамиятға эға кишилар муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар

¹ Философская энциклопедия, М., 1970, Т 5, с. 462

² Кадриятлар ва ижтимоий тараққиёт (илмий ишлар тўплами), -Т., Ўзбекистон, 1997, 198 б.

Т.Комилова, С.Абидова Миллий ахлоқий кадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти, ЎзФА, “Фан”наш., 2000, 20 б. Б.С. Ерасов Культурология, 2-е изд., М.:”Аспект-Пресс”,1997, 591 б.

Н. Ортиқов Маънавият: Миллий ва умуминсоний кадриятлар, -Т., “Ўзбекистон”, 1997, 48 б.

³ Г.В.Осипов. Социологический энциклопедический словарь, М. 2000, 402-403 с.

мажмуаси”¹ деган таъриф берилган. Қадриятларни бундай таърифлаш унинг моҳиятини анча ёрқин ифодаласада, лекин қадриятларга берилган таърифлар ичида ўзининг илмийлиги билан бошқа таърифлардан ажралиб туради, деган фикрдамиз. Бизнингча, “**умуминсоний қадриятлар тушунчаси бутун жамият аҳамиятига эга бўлган, инсониятнинг мавжудлиги, ўтмиши, бугуни ва келажакни, яшашнинг асосий йўналишлари, қонун-қоидаларини, талаб ва тартибларини, одамларнинг энг азалий орзу-умидлари ва идеалларини ўзида акс эттирадиган қадриятларнинг умумий шаклларини ифодалайди.** Умуминсоний қадрият тушунчасининг объектив асоси ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар, инсониятнинг узлуксиз ҳаётини ва турмуш тарзини умумлаштирадиган жамиятдир”. Дарҳақиқат “умуминсонийлик” тушунчасида қадриятларни тирик табиатнинг бир қисми бўлган одам зотининг ҳаёти ва камолоти унинг тарихий тараққиёти, сиёсий ва бошқа бирликлар учун аҳамияти ўз ифодасини топиши керак. Шу ўринда инсониятнинг энг умумий жамоаси бўлган жамиятгина, умуминсоний қадриятларнинг яратгучиси ва сақлаб турувчиси. Умуминсоний қадриятлар ниҳоятда кенг қўламли ва серқирра тушунча. Унинг заминида энг аввало озодлик, эркинлик, тинчлик, демократия туфайли шаклланган инсон бахт-саодати каби умумижтимоий маъно ва мазмун кашф этадиган қадриятлардан иборат, дейиш мумкин. Қадриятларни фақат моддий ва маънавий бойликлар сифатида тушуниш ва уни шундай изоҳлаш ҳам илмий нуқтаи назардан тўғри эмас.

Демак, «Қадрият» атамаси бизга арабча «кадри» сўздан кириб келган бўлиб, бугунги кунда бу тушунча «борлиқ ва жамиятдаги бирор бир нарса ва ходисанинг кишилар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатлардаги тутган муҳим аҳамиятни ифода этиш учун қўлланилмоқда. Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони шундан иборатки, «қадрият» сўзи қадим замонларда пайдо бўлган ва барча халқлар тилларида мавжуддир. Демак, бу тушунча бир неча минг йиллик тарихга эгадир. Фикримизнинг исботи сифатида қадимги дунёда «аксиология» деган атаманинг мавжуд бўлишидир. Аксиология аслида фалсафанинг муҳим йўналишларидан биридир. Фақат бу тушунча XIX-XX асрларга келиб, Европа мамлакатлари фалсафасида ривожлантирилди. Унинг тарихи демократия тарихи билан боғлиқдир. Бинобарин, Европа мамлакатларида ҳам демократик жамиятни барпо этишда қадриятларга асосланиш устувор бўлган.

Юқоридаги адабиётларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, ўтмишдаги барча ижтимоий-фалсафий таълимотларда қадриятларнинг моҳияти ва уларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни масаласига катта эътибор беришган. Агарда қадимги дунё ижтимоий-фалсафий таълимотларида умуминсоний қадриятлар инсон ақлий тараққиётининг маҳсули деб қаралган бўлса, Турондаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихида “Авесто”даги учинчи давр деб аталган инсоният келажак истиқболи, адолатли жамият ҳақидаги фикрлар унинг тарихий илдизларини ташкил этади.

5.2. Миллий тамойиллар ва қадриятларнинг демократик жамият қуришда акс этиши

Миллий қадриятларнинг демократик жамият қуришда тутган ўрни. Ҳар бир миллат ўз қадриятига эга. Бинобарин, унинг ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқ ривожини учун имкониятларидан қай даражада фойдаланиш - демократик жамиятни барпо этишда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги даврда қадриятларнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳам ана шундадир. Мустақилликдан кейин миллий қадриятларнинг демократик жамият қуришдаги ўрнини аниқлаш борасида жиддий илмий изланишлар ҳам, амалиёт билан боғлиқ муаммолар ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Негаки, бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда

¹ Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. А. Жалолов ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. –Т.: “Шарқ”, 1998, 279-бет

мустаҳкамламай туриб ўз истиқболларини тасаввур эта олмайди. Айниқса, бизнинг Шарқда халқнинг минг йиллик миллий кадриятлари унинг учун қудратли маънавий манбаи бўлиб хизмат қилган. Халқимизнинг яқин ўтмишидаги узоқ вақт давом этган кучли мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлганлиги сабаби ҳам руҳида, қалбида доимий равишда умумбашарий кадриятларга содиқ бўлганлигидир. «Биз, деб таъкидлайди И.А.Каримов, - маънавий кадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз»¹. Демак, **биринчидан**, Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг миллий, умумбашарий тамойилларини ҳар бир халқнинг кадриятларисиз, алоҳида ажратиб бўлмайди.

Аммо бирон-бир нарса ва ҳодиса, хоҳ у моддий бўлсин, хоҳ маънавий бўлсин, кадриятга айланиши учун маълум бир вақт, давр ўтиши керак. Демократиянинг миллий ва умуминсоний кадрият сифатида шаклланиши ҳам шундай босқичларни босиб ўтган. Шунга ўтмишдаги барча нарсалар ҳам миллий кадрият ҳисобланавермайди. **Иккинчидан**, унинг **миллий кадриятга** айланиши учун ўзини кўрсата олиши шарт. Демак, биз демократик жамият қуришдаги ўтмишимиздаги барча нарсаларимизни тўлалигича ололмаймиз. Негаки у ҳамма учун ибратли эмас.

Шу ўринда Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари ўта муҳим аҳамият касб этади «... ўтмиш кадриятларга, анъаналарга ва турмуш тарзига бетартиб равишда, орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка - ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин» эди. Айни шу инкор этиш онларида экстремистик руҳдаги муҳолифатнинг вужудга келиш хавфи туғилди. У аслини олганда, маънавиятга қарши муҳолифат бўлиши мумкин эди². **Учинчидан**, «Миллий кадриятлар – миллат учун муҳим ва жиддий аҳмиятга эга бўлган жиҳат ва хусусиятлар. Ўз миллий кадрияти бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Миллатнинг таназули — миллий кадриятларнинг таназулидир. Миллий кадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади»³. Негаки, миллий кадриятлар нафақат мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан бири, балки демократик, адолатли, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асосий манбаи ҳамдир. Марказий Осиё халқларининг асрлардан асрларга мерос бўлиб келаётган миллий кадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган ва кўплаб оғир синовларни бошдан кечирган. Дарҳақиқат, минтақамиз халқлари 3000 йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиё цивилизациясини яратди.

Ўзбекистонда демократик жамият қуришда **миллий кадриятлардан ташқари диний кадриятларимизга** ҳам алоҳида ўрин берилаётганлиги тасодиқий ҳол эмас. Чунки миллий ва диний кадрият ўртасида қатъий чегара йўқ. Улар доимий равишда ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади, бир-бири билан мулоқотда, биргаликда мавжуд бўлади. Миллий ва диний кадриятлар мутеликдан, фикр қарамлигидан қутулиш, миллий ўзликни англашга хизмат қилиши билан улар жамиятда демократик умумбашарий тамойилларининг қарор топишига замин яратади.

Демократик кадриятларнинг муайян шароитларда шаклланиши. Уларнинг маҳаллий, миллий, минтақавий ва умуминсоний шаклларда намоён бўлиши. Демократик жамият барпо этишда миллий ва умуминсоний кадриятларнинг мутаносиблиги ҳамда ривож. Ўзбекистонда адолатли демократик жамият барпо этишда миллий кадриятларнинг маълум маънода умумбашарий аҳамият касб этиши.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 137-б.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. -Т.: «Ўзбекистон», 1998, 126-б.

³ Мустақиллик изохли илмий-оммабоп луғати (А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда) — Т.:”Шарқ“, 19998, 141 б.

Умуминсоний ва миллий кадриятлар тушунчаларининг демократик уйғунлиги диалектикасининг қиёсий таҳлили жараёнида Амир Темур сиёсий-ҳуқуқий қарашларини ўрганиш зарур. Амир Темур сиёсатининг бу ғояси “Куч-қудрат, иқтидор-адл-инсофда”, деганидир. Салтанатни бошқаришида учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бошқардим¹ деган фикрлари умуминсоний демократик ва миллий кадриятлар тушунчасининг ижтимоий-фалсафий, илмий назарий ва методологик илдизларини ташкил этади. Бинобарин бирон-бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустахкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Халқларнинг маданий кадриятлари, **тўртинчидан, маънавий меросининг** минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов бу борада фикр юритиб, шундай деб таъкидлаганлар: “Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди”². Бинобарин, ҳар бир кадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади.

Демократик жамиятни умуминсоний ва миллий кадриятларсиз барпо этиб бўлмайди. Кадриятлар ҳақида фикр юритганда унинг иккита таркибий қисмини назарда тутмоқ керак. Бунда, энг аввало, инсоннинг объектив оламга нисбатан бўлган актив фаолиятини алоҳида таҳлил қилиш зарур. Умуминсоний кадриятлар тушунчасига моддий ва маънавий муҳит, яшаш шарт-шароитларининг ривожланиши ва ворислик содир бўлиб, янги-янги кадриятларнинг шаклланишига ўтишдан мерос бўлиб қолганлари эса давр руҳи, янги ижтимоий эҳтиёж ва тараққиёт учун асос бўлган кадриятларга киради. **Умуминсоний кадриятларнинг асосий вазифаси оламни билиш ва уни амалий ўзгартиришнинг муҳим омилдир.**

Умуминсоний ва миллий кадриятлар тамойиллар уйғунлиги қиёсий таҳлили унинг инсон маънавий камолатининг муҳим омили эканлигидан келиб чиқиши зарур. Бунга:

Юртбошимизнинг “Мустақилликка эришганимиздан кейингина биз буюк аждодларимизнинг ҳурматини ўрнига қўя олдик. Бизнинг бу интилишларимизни Марказий Осиёдаги қўшниларимиз, маданий халқаро ҳамжамят қўллаб-қувватлади. Бу ҳол тасодифий эмас — соҳибқирон Амир Темур шахси унинг авлодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир” деган фикрлари ҳар бир миллат ривожланишидаги тарихий воқеалар, унга ижобий ҳисса қўшган шахслар ҳам миллий кадриятлар жумласига киришини англатади. Шу нуқтаи назардан Амир Темур шахси бунинг ёрқин исботидир. Бинобарин, Амир Темур қанчалик тақводор, асл мусулмон бўлмасин, қонунчиликнинг турли тизимлари — диний ва дунёвий томонлари борлигини, уларни ҳисобга олиш кераклигини жуда тўғри англаган. Амир Темур қонунчилик деганда фақат, Шариат қонунчилигини эмас, балки бошқа халқлар кадриятлари, урф-одатларини ҳам тушунган.

Бешинчидан, Марказий Осиё халқларининг миллий кадриятлардаги хос жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) туғилган макон ва она юртга эҳтиром;
- 2) аждодлар хотирасига садоқат;
- 3) катталарга ҳурмат, ёшларга иззат;
- 4) инсоний муомалада мулозамат;
- 5) ҳаё, андиша, вазминлик, сабр-тоқат кабиларнинг устуворлиги билан ҳам характерланади.

Маълумки, демократик кадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли улар:

¹ Темур Тузуклари. -Т, Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 57-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997, 141 б.

- маҳаллий;
- миллий;
- минтақавий;
- умуминсоний мазмунда намоён бўлади.

Миллий муҳит демократик кадриятларни яратиш ва саралашнинг асосий манбасидир. Айнан миллий муҳит маҳаллий кадриятларнинг устуворларини ўз даражасига кўтаради ва уларни вояга етказиб, умуминсоний кадриятлар даражасига олиб чиқади. Умуминсоний кадриятларни ҳар бир киши ўзининг бойлигига айлантиргандагина миллий тамойиллар ўз кучини кўрсатади. “Шу билан бирга ўтмиш кадриятларига, анъаналарга ва турмуш тарзига бетартиб равишда орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка — ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин”¹ деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов. Биз бугунги кунда ҳақиқий кадриятларимизни:

- тадрижийлик, андишалилик асосида;
- бухрон пайтида сабр-тоқат, маромийлик ва вазминлик асосида;
- мулозаматда сертакаллуфлик, кексаларга муносабатда ҳурмат-иззат асосида;
- ижтимоий-сиёсий ҳаётда босиқлик, сиполик ва бошқа асосларда асраб-авайлаб ривожлантирмоқдамиз.

Аҳоли оғи аёйҳаа қааа ўдеш іоіеіеіе, ааііедадеш оодеш деш іеіеіеіе-іаааіеіе дадіедеадааа ўдае іееш оононеўоааа ўаа ўеаіеіеаіе енаіодеае іеае. Ао ааааіе аед оіііааі ааііедадешўеіа іеіеіеіе оононеўоаде іаааоаеіеіе еўдшаоша, ееіеі+еааі оіе оодеш даекеаа, іеіеаодеаа ҳа,деаа, аааеао+еіеіе кддешеш аіуаіаеадеаа іаііі аўеешеааі ааеіеаоаед. Оіааа ўсеіеіа іеіеіеіе-іауіааеіе қаадеўоадеаа оаўііаааі, оіе ҳеііааа іеаа, аеіе іаеоаа оіоіеіііеіе қаадеўоааа, даііеіеіеаа аеааі оеғоі аўеіаааі ааііедадешўеіе ҳакекеш ааііедадеш,е ааііедадешеш аеіеўо ааа аўеіаеае. Ао піхааа ҳаііі аедеш аахпешаа іаааоа. Іапаааі: “Шарқ демократияси”, “Ғарб демократияси”іе ооооіеў бўйича: аед оіііааі, демократияни умуминсоний кадрият эканлигига таянган ҳолда уни “Шарқ”, “Ғарб” кўринишларига бўлиб ўрганишга эътирозеш оеешдеаіеіа іаааоаеіеаеаед. “ееш, аоіаае іаііоа аугунги глобаллашув жараёнига тўғри келмайди, ҳозир кўпроқ глобаллашув жараёни тўғрисида гапириш лозим ааерâ+еешаа ҳаі аідеешааа еўдешаае. Шарқона демократияіе кўееш орқасида ўзимизнинг айрим қусурларимизни “яшириш” ҳолатлари бор ааааі оқоае іацад. **Ееіеі+еааі**, Шарқона демократия орқали “Шарқни” улуғлаш, фақат ютуқларни кўриш, бир томонлама оіаа маҳлиеш бўлиш, ўзини мақташ кайфияти мавжуд. Шунинг учун ҳам уни бўлиб ўрганиш, унинг ўртасида “Хитой деворини” қўйиш тўғри эмас, деган нуқтаи назаред. Яна бир қарашда эса “Шарқ” ва “Ғарб”га хос аўеааі демократеўеіеіа ўсеаа оіі хусусиятлареш ўдешдеш ўдеш ўккеш еўсаа оаешааае.

Авалло, “Шарқ” ва “Ғарб” атамалари оўдешешаа табиий ёндашганда ао ооооі+а умумэтироф этилган ва кенг жамоатчиликка ўбеш синғанлиги маълум. Айни пайтда у оіаідә кенгроқ маъно-мазмун касб этиб бормоқда. У бугун сиёсий-ижтимоий, маънавий маъно касб этаётганлигини ҳаі таъкидлаш лозим. Бундан ташқари “Демократия” (Шарқда ҳам Ғарбда ҳам) умумэтироф этилган тушунча. Бу соҳада ўзаро баҳс, еапешеш ихтилофлар йўқ. Муаммо: 1) “Шарқона” еки “Ғарбона” демократия ўртасидаги фарқеш аіаеаааа кимнинг қандай тушуниб ёндошиши билан боғлиқ. Бунда муаммо демократиянинг умумий, ягона моҳиятида эмас, унинг ўзига хос іеіеіеіе-іауіааеіе хусусиятларини фарқлаш, эътироф этиш билан боғлиқ. Албатта, “Шарқона” демократия тўғрисида фикр юритиб, уни “Ғарб” демократиясидан устун қўйишга, еки Ғарб демократиясини Шарқдан устун қўйишга, уни камситишга бўлган урунишни ҳам, еки Шарқона демократия тўғрисида гапирганда уни фақат ижобий жиҳатларини бўрттириб, айрим нуқсон, зарарли, замон руҳига мос келмайдиган, бугунги дунё эътироф этган кадриятлардан орқада қолган томонларини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳам унга қандай маъно бериш, унинг мазмун-моҳиятини холисона ёндошиб муносабат билдириш билан боғлиқ.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997, 138 б.

Демократия қанчалик умуминсоний маъно ва қадрият касб этмасин, унинг негизини, унга руҳий куч-қувват берадиган, уни бойитиб турадиган, ранг-баранглигини таъминлайдиган “миллийлик”, “миллий руҳият” іеёёёё-іаііааёё қааёёёёёаёёдир. Демократия миллийликни, миллий руҳиятни ҳисобга олмаса, унга таянмаса, ўз моҳиятига зид бўлиб қолади.

Бугун “миллий давлатчилик”, “миллий демократик давлатчилик”, “миллий демократия” ёки “Шарқона” ёки “Ғарб” демократияси деган атамалар ўзига хос маъно ва мазмунга эга. Демократиянинг ҳамма ёаёкёаё аа іаіёааёёёаё учун ягона бўлган мутлоқ андозаси йўқ. Аойіё ягона жамиятга олиб бориёаа аауаі кёёааі “Коммунизм ғояси” қанчалик мантиққа зид ҳодиса бўлган бўлса, бугун демократик тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятларини тан олмаслик, уйіё “демократиянинг миллий-руҳий негизини”, ёаёкёаёёіёіа миллий-маънавий қадриятларини, хусусиятларини тан олмасликка олиб боради.

Шарқона ва ғарбона демократия. “Шарқона демократия” атамасини қабул қилишда, янги қарашлар, стереотиплар қандай асосда шаклланмоқда? Бу бугунги мустақиллик ва демократик тараққиётдаги, тафаккурдаги ютуқларнинг самараси билан боғлиқ. Аугун Ўсааёёёёіаа демократик жамият қураётган эканми, бизда демократия билан боғлиқ бўлган дунё эътироф этган демократик қадриятларга, ёки “Ғарб демократияси”га ҳам, Ўаёқііа ааііёёаёёёаа ҳаі оўғри келмасдан, ундан орқада қолаётган аёёёё іаёёёё қоёёёёаё билан боғлиқ ҳодиса деб қараш мумкин. Унинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва вақт, макон билан узвий туташ нуқталари мавжуд. Айрим іаёёёёё қусурларимизни, Ўаёқііа хусусиятлар билан боғлаб, умумэътироф этилган демократик қадриятлардан, тамойиллардан чекиниб қолаяпмиз, деб бўлмайди. Масалан, демократия “Қонун устуворлигига” асосланади. Қіііі оёёоаіёёёёё оауіёіёаііаёа демократия бўлмайди. Ёки демократия инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг устуворлигига асосланади. Қонун устуворлигига амал қилёііаёа, ёки инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузулиши билан боғлиқ айрим іііёіёіі ҳолатларіё “миллий ҳодиса” сифатида аахіёаё билан тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Уни айрим кишилар, мансабдор шахслар, ёаёёёіёё гуруҳлар фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Асло миллий ҳодиса эмас. Бу масалада ўёёёё хіёаа о ,ёё ао миллатни айблаб бўлмайди. Айрим миллаёаа оііёё бифарқлик ёўёёёёёаёё, унга кўникиш, ички қўрқув ҳолатлари бўлиши мумкин. У ҳам чуқур ўзининг тарихий илдизларига эга аўёааё. Демократия, эркинлик, ошқоралик оіёіа іёаёёё іёёёёё қафолатлаб борган сари у аста-секин барҳам топиб боради.

Сиёсий институтлар хилма-хиллиги ҳам, мафқуралар хилма-хиллиги ҳам демократиянинг пё,пёё ҳа,оааёё амалий ифодасидир. Бу Ғарб учун ҳам Шарқ учун ҳам умумэътироф этилган қааёёёё. Лекин у қайси мамлакатда халқнинг турмуш тарзи, минталитети, сиёсий хулқ-атвор билан уйғунлашиб кетган бўлса унга кўпроқ эришган. Қаерда аксинча аўёёа аёёёё муаммолар мавжуд. Ўсааёёёёіаа қонун устуворлиги асосида қўйилган, умум эътироф этилган демократия билан боғлиқ айрим қадриятларни ҳаёё ҳаёт тарзимизга, тафаккуримизга, амалий ҳаётимизга тўла сингиб кетмаганлиги, ёаёёёіёёё ҳа,оаа айрим муаммоларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бу демократиянинг хусусиятларіё аіаёё, оіёё ёаёёёіёёё ҳа,оаа оаааёёк ўёёёаа ҳам тегишлидир. Демократияіёіа миллий хусусиятларёни тан олишіё, бу аёёёёёаё ўёёа,оааіёааё, ўзининг айрим қусурларини бекитиш деб бўлмайди. Қолаверса, Ғарб монархия, Шарқ ҳам подшоҳлик ҳокимиятини босиб ўтган. Ҳар иккисида ҳам бу ҳокимиятнинг аёёёё ижобий томонлари билан бирга асосан инсон эркинлиги ва ҳуқуқларига, демократик тамойилларга тўғри келмаган аёёёё қусурлари мавжуд бўлганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бугунги Ғарб демократияіёё ҳа,оаа оаааёёк ўёёё соҳасида нисбатан ютуқларга эришган бўлса, оіаа бирданига, осонгина ўаа бўлмаган. Іаёаёаі, Ғаёаа аоаоі ўуёёёіо ўёёё,оааі ааііёёаёёёаа ўёёёёё о+оі аёё іа+а аёёёаёіё іаёёёаааі. “ёё АҚёаа ёёааёёё-ааііёёаёёё еііёёёоёёаё аёёаі аіғёёё Ғаёіоаёёёё қоёёёёёё ХУІІІ аёёіёіа іёёёаёёаа қаёёё оііааі аўёёа, Оёаіёёёаа оёёё-ёаёёё О1О аёёіёіа іёёёёаа аіаёёа іааіёёаёіёё ёўаіёё. Ёоаёёў аа Ааёіаёёўаа ўёа ааііёёаёёў ёёёё+ё аахіі оёёёёааі ёаёёі, Ғаёаёё Ааёіаёіёіа о+оа іаіёааёё: Ааёёў, Ііёооааёёў аа Ёёіаёёўаа – ХХ аср 70-ёёёёаёіёіа ўёоаёёёё, Оаёкёё Ааёіааа ааііёёаёёёёёёё 80-ёёёёаёіёіа іёёёёаа оўғёё ёаёёё.

Ёаіёёўіёіа ҳа,оёаа ааііёёаёёёё қааёёёёёаёіёіа +оқоё пёіаёа, аёі іёёа аіёёёё ёаёқіёіа пё,пёё-іаааіёё ііаё, оёаёіёіа пё,пёё ааііёёаёёў аа аоаоіаё аіғіёіёіа аёііёё оаёааёаёё, оаііёёёёаёёёё қааоёё кёёёё, ҳаіаа оаааёёк ўёёёаа оаё,ёёёё ааёаёаёёаа ҳаі аіғёёёк. Аіоқа+а аёоааіаа ҳаё аёё оаёк оіаа, ўуіё пё,пёё ўç-ўçёіё оаёёёё ўёёё ааёёёаёёаа, іаоаіёçіёаёёаа оаё,о аўёёа аёёёёёё ҳаі çаёоё. Ао оçік аааіі ўоааёааі, оçёоёёç ааёа,і аўёёа, іоаёўі оаёёёёё оаёёёаааа ўаа аўёёёіё ҳаі оақіço ўоааё.

жамоа нуфузи, шаъни, ор-номусининг қўриқ-қўриқлиги устувор келиб қолиш ҳолларида бўлиши мумкин, шунинг учун бу ҳақиқатни эътиборга олиш зарур.

Бу яхшими ёки ёмон деган саволга жавоб бериш осон эмас. Агарда яхши деб жавоб берсак, ўз манфаатига ва қонуний-ҳуқуқий ҳолатига тўғри келмаслигини англаб етган киши ўз “эркинлигини” камситилган деб ҳис этиши мумкин. Агарда ёмон дейиладиган бўлса, унда биз ўзимизнинг айрим хусусиятларимизга, анъаналаримизга, жамоага нисбатан тарихан шаклланиб келган қадриятларга нисбатан “хурматсизлик” қилган бўламиз. Тўғрироғи кимдир шундай қараши ва баҳо бериши аниқ.

Ўқиб ўқиш ҳақиқат, ёмон ҳақ-ҳуқуқлари эса аниқликни, инсон манфаатининг устуворлигини, уни қонунга мос бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам қонунга таяниш ва қонун асосида муаммони ҳал этиш умумэтироф этилган умуминсоний қадриятдир. “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (13-модда). Ўқиб ўқиш ҳақиқат ва ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (13-модда). Ўқиб ўқиш ҳақиқат ва ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (13-модда).

Ўқиб ўқиш ҳақиқат ва ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (13-модда). Ўқиб ўқиш ҳақиқат ва ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (13-модда). Ўқиб ўқиш ҳақиқат ва ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (13-модда).

Ўқиб ўқиш ҳақиқат ва ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (13-модда). Ўқиб ўқиш ҳақиқат ва ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (13-модда). Ўқиб ўқиш ҳақиқат ва ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (13-модда).

5.3. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда миллий ва умумбашарий кадриятларнинг уйғунлашуви ва унинг тарихий аҳамияти

Миллий кадриятлар ҳам қандайдир ўзгармас ҳодисалар эмас. Миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг такомиллашиб бориш, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлар ўзгариши билан миллий кадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилади. Ҳар бир кадрият маълум конкрет давр, шароит ва эҳтиёжларнинг маҳсулигина эмас, балки унинг кўзгуси ҳамдир. Шу нуқтаи назардан **кадриятларнинг демократик тамойиллар билан қарор топишидаги ўрнига баҳо беришдан олдин улардан фойдаланишда икки омилга алоҳида эътибор бериш керак: биринчиси** – қайси бир кадриятларнинг юзага келган аниқ тарихий шароитлар, **иккинчиси**, ўша даврларга хос бўлган имконият ва эҳтиёжларни ҳам билиш керак. Шунингдек, умумбашарий демократик кадриятларми, минтақавий кадриятларми, миллий кадриятларми унинг қайси замин эҳтиёжи асосида вужудга келганлигини, улар ўртасида қандай уйғунлик мавжуд бўлганлиги, ворисийлик масалаларини ҳам ўрганиш зарур. Айни пайтда, фикримизча, муайян миллий, синфий, минтақавий, шахсий ва бошқа хусусий кадриятлар тизими ҳам умуминсоний кадриятлар тизимининг ўрнини боса олмайди.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда умуминсоний кадриятларнинг намоён бўлиш хусусиятлари нисбий характерга эга бўлиб, унинг бу хусусияти, яъни нисбийлик ҳар доим ҳам кўзга ташланавермайди. Шунга кўра **демократик тамойилларни миллий кадриятлар билан уйғунлаштиришда** унинг қуйидаги **намоён бўлиш шакллари**ни алоҳида таъкидлаш зарур.

а) демократик жараёнларнинг узвийлиги асосида миллий кадрият сифатида шакллантириш;

б) одамларнинг тафаккури ва ижтимоий-сиёсий савияси билан демократик ўзгаришлар даражасини мутаносиб бўлишига эришиш орқали;

в) жамиятдаги турли хил гуруҳлар қарашларини ягона мақсад – «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган миллий ғоя асосида ҳамжиҳатлилик, миллатлараро тотувлик ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш асосида;

г) демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиши, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланишини таъминлаш;

д) сиёсий муносабатларда ҳам ахлоқий, маънавий, миллий кадриятлар устуворлигига эришиш орқали умумбашарий демократик тамойилларни мамлакат фуқаросининг турмуш эҳтиёжига айлантириш ва бошқалар.

Демак, **умуминсоний кадрият** деганда жамият аъзоларининг ҳаммаси учун умумий аҳамиятга эга бўлган ва ҳар бир шахснинг ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларга ижобий таъсир этадиган, кишиларнинг хатти-ҳаракати, амалий фаолияти, яшаш тарзи, бошқаларга муносабати ҳам умуминсоний кадриятларнинг мезони сифатида баҳоланади. Шу билан ҳам умуминсоний кадриятлар тизимида демократик тамойилларнинг ўзи унинг шаклланиши учун кенг майдон очиб беради. Бироқ, бу дегани миллий кадриятларнинг ўрни ана шу тизимда пассив ҳолатда экан-да деган хулосани чиқармаслик керак. Негаки, кадриятлар тизимида миллат, унга хос бўлган белгилар, жиҳатлар, хусусиятлар, уларнинг вужудга келиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳудуд, макон ва у билан боғлиқ туйғулар демократик жамиятни барпо этишда муҳим ўрин эгаллайди. Миллий кадриятлар шахс кадриятларини умуминсоний кадриятлар билан боғловчи занжирнинг муҳим ва асосий бўғини ҳисобланади. Шунга кўра, миллат ҳар қандай миллий кадриятнинг объекти, уни яратувчиси ва миллий кадриятлар тизимида асосий таянадиган ижтимоий таянч ҳамдир. Миллат бир томондан, ўзининг кадриятларини мутассил вужудга келтириб турганлиги билан ҳам у яшовчанлик хусусиятига эга бўлади. Демак, миллий кадриятлар ўтмишдан келажакка ривожланиш жараёнида уларни доимий такомиллаштириб янги-янги қирраларини вужудга келтиради. Айнан ана шу жараён адолатли ва демократик жамиятнинг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Демак, **биринчидан**, миллий

кадриятларсиз демократия тамойилларини ҳаётга жорий этиш, уни ҳар бир шахснинг турмуш тарзига айлантириш мумкин эмас. Демократия нафақат шахс фаолияти, балки у миллатнинг руҳияти ҳамдир.

Иккинчидан, демократик жараёнлар давомида мавжуд кадриятлар тизимининг ўзи ҳам ривожланиб ва ўзгариб боради. **Учинчидан**, миллат миллий кадриятнинг ҳақиқий эгаси. Демак, миллат унинг макон ва замондаги ҳаракати ҳам, ўтмишдан келажакка томон яшаши ҳам, авлоддан авлодга етказиб берувчиси ҳам, унинг асосий объекти ҳам айнан шу миллатдир. **Тўртинчидан**, миллий кадриятларнинг такомиллашмаганлиги миллатнинг йўқ бўлиб кетишига ва охир оқибатда эгасиз бўлиб қолишининг бошланишидир. Собиқ шўролар даврида миллатга бўлган ҳужум энг аввало, унинг кадриятларига бўлган ҳужумдан бошланганлигини тасодифий ҳол эмас эди. Бунинг бир қатор мисолларини кўҳна тарихдан ҳам, ҳозирги даврдан ҳам кўплаб келтириш мумкин. **Бешинчидан**, миллий кадриятларнинг сақланиб қолиши, бу фақат уларнинг ўзини ўзи асраб қолишининг асосий масаласи деб қараш керак эмас. Балки ҳар қандай миллатнинг сақланиб қолиши учун ҳар бир миллатнинг ўзи жавобгар, масъул бўлиши шарт. Ана шу жавобгарлик, масъуллик даражаси миллий ривожланиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда қозоғистонлик профессор, файласуф Ф. Қодиржонов халқаро конференцияларнинг бирида ўзи тан олиб, шундай фикрни билдирди: “Қозоқ зиёлиларининг ўз она тилларини ўрганишлари, ўзлаштириши ва ўз тилларида илмий фалсафий, сиёсий китобларни ёзиши ўта мушкул бўлиб қолаётганлигининг сабаби - улар миллий руҳининг эркинлигига нисбатан узоқ йиллар ҳукмрон бўлган “қизил империянинг” мафкуравий тазйикининг натижасидир. Бундай ҳолатни Қирғизистон ва Ўзбекистон зиёлилари ўртасида ҳам кузатиш мумкин”.¹

Умуминсоний кадриятларга содиқлик - Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг асосий тамойили. 1. Умуминсоний кадриятлар инсон маънавий, ижтимоий камолотининг қандайдир алоҳида, бошқалардан ажралган томони эмас. Умуминсоний кадриятлар миллий ва минтақавий кадриятларнинг умумлашгин ифодасидир. Умуминсоний кадриятлар бутун инсониятга хос кадриятлар асосида ташкил топади ва ривожланади. Улар айни вақтда барча миллий кадриятларнинг бир-бирига яқинлашиши ва ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Инсонпарварлик ғояларига садоқат, демократия, ижтимоий адолат ҳамма ерда барқарор бўлишига интилиш, инсон ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймаслик, ҳамма халқларнинг миллий мустақиллик учун бўлган курашларини ҳимоя қилиш, кишиларни дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамдардликка чорлаш, ҳамма ерда тинчлик, осойишталик қарор топишига ҳаракат қилиш, атроф-муҳитни тоза сақлаш умуминсоний кадриятларнинг ҳозирги кунда катта аҳамият касб этаётган жиҳатларидир.

Бу кадриятлар бутун инсоният томонидан қўлга киритилган фан, техника, маданият, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш борасидаги янги жиҳатлар, демократия, қонунчилик, адолатни барқарорлаштириш борасидаги ютуқлардан ҳам иборат бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш республикамизни жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантириш ишига ҳам хизмат қилади. Бу борада бирор чекинишларга, миллий маҳдудликка ва калондимоғликка йўл қўйиш ниҳоятда катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Умуминсоний кадриятлар маҳаллий шароит, имкониятлар, тарихий анъаналар билан боғлангандагина керакли самара беради.

2. Минтақавий кадриятлар ҳам умуминсоний кадриятлар билан чамбарчас боғланган. Кадриятларнинг бу туркуми бир-бирига яқин бўлган шароитларда яшаган ва меҳнат қилган, тарихи туташ бўлган мамлакатлар ва халқлар учрайди. Бу кадриятлар ҳозирги кунда ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Марказий Осиё халқлари минг йиллар давомида бир-бири билан яқиндан иқтисодий ва сиёсий алоқалар ўрнатганлар. Уларнинг турмуш шароитлари, тили, маданияти, дини, урф-одатлари бир-бирига яқин бўлиши кўплаб умумминтақавий кадриятлар шаклланишига олиб

¹ 2002 йил 8-май ойида ЖИДУ да бўлган Халқаро конференция баённомасида айтилган фикрдан кўчирма.

келган. Бу кадриятлар турли жойларда бир-биридан биров фарқ қилса-да, моҳият жиҳатидан яқиндир.

Меҳмондўстлик, болажонлик, яқин қўни-қўшничилик, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, қариндош-уруғлар, дўстлар билан яқин алоқада бўлиш, саҳийлик, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш Ўрта Осиё халқларининг ҳаммасига хос бўлган маънавий фазилатлардир. Гарчанд меҳмондўстлик билан боғлиқ удумлар минтақамизнинг ҳамма ерида кенг тарқалган яхши анъана бўлса ҳам, улар турли жойларда бир-биридан фарқ қилади. Кексаларни, ота-оналарни ҳурмат қилиш ҳам Марказий Осиё халқларининг ўзига хос юксак маънавий бойлигидир.

Кексалар кўпни кўрган, ақл ва идрок билан ҳар ишда маслаҳат бера оладиган, ёшларга катта тарбиявий таъсир кўрсата оладиган кишилардир. Кексаларни ҳурмат қилиш, улардан сабоқ олиш, ҳаёт тажрибасини ўрганиш маънавий камолот учун янги имкониятлар излашга ҳаракат қилишдир. Ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг гапига, панд-насихатига кулоқ солиш ҳам катта маънавий кадриятдир. Ота-она ҳеч вақт ўзининг фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Улар ҳаётда кўп оғирлик, енгилликларни кўргани сабабли, фарзандларининг истикболини ҳам улардан кўра кўпроқ ўйлайдилар. Баъзан ота-онанинг насихатлари ноқобил фарзандларга оғирроқ туюлади. Бу - ҳаётни чуқур билмаслик, ҳаётнинг турли жараёнларига енгил-елпи қарашнинг оқибатидир. Фарзандлар ота-онанинг қадрини ўзлари ота-она бўлганидан кейингина фаҳмлаб оладилар. Бу давр ичида улар маънавий камолотнинг кўп имкониятларини қўлдан бой бериб қўядилар. Шунинг учун улкан маънавий кадрият бўлмиш ота-онани ҳурмат қилиш одатини асло унутмаслик керак.

Ота-онага бўлган ҳурмат дунёдаги барча халқларда учрайди. Лекин бизнинг минтақамизда бу кадриятни эъзозлаш бошқа жойларга нисбатан устунроқ туради. Ҳашар йўли билан уй-жой қуришда, уй-жойларни таъмирлашда бир-бирига ёрдам кўрсатиш, етим-есирларнинг, бева-бечораларнинг пешонасини силаш, меҳр-мурувватли бўлиш, уларни қариндош-уруғлар ўз ҳимоясига олиб, хору зор бўлиб қолишига йўл қўймаслиги ҳам минтақамиз халқларининг барчасига хос кадриятдир.

Ўзбекистон суверен демократик давлат бўлиб, халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи ҳисобланади. Бу ҳақда Конституциянинг 13-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси демократик умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади»¹. Демак, демократик давлатда халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи бўлиб, умуминсоний тамойилларни амалга ошириш орқали инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, барча халқнинг турмуш даражасини ошириб боришга эришади.

Катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган минтақавий кадриятлардан яна бари – **жамоатчилик фикри**дир. Жамоатчилик фикри одамлар ўртасидаги бир-бирига яқинлик, ўзаро ҳурматнинг ифодаси бўлиб, кенг фойдаланиш мумкин бўлган кадриятдир.

Хулоса қилиб айтганда кадриятлар жамият тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган, ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган, кишилар онгига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этган моддий, маънавий бойликлардир. Шу нуқтаи назардан, тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши - буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбиялайдиган кадриятларга айланиб қолиши лозим.

Демак, миллий кадриятлар умуминсоний демократик тамойиллар билан уйғунлаштирилса, шундагина жамият тараққиётининг ривожланишида унинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Аммо шўролар даврида кадриятлар бир томонлама ёритилар, бу борада кўп тадқиқотлар олиб борилган эди. Лекин миллий кадриятларнинг мавжудлиги эътибордан четда қолар эди. Бундай “тадқиқот”лардан мақсад ҳар бир миллатнинг ўз муайян

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003. 11-б.

тарихий тажрибаси асосида ўз кадриятлари тизими шаклланганига қадар кишиларнинг эътиборини тортмаслик, демократиянинг умумжаҳон ва умумбашарий тамойиллари эса синфий асосда талқин этилар эди. Танлаб олинган ва умумжаҳон тамойиллар ва кадриятлар ичида энг нуфузли жойни “улуғ миллат”нинг кадриятлари эгаллаб турарди.

«Бугунги кунда, - мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, - анъанавий кадриятларимизни демократик жамиятнинг кадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада раванқ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир»¹. Шу нуқтаи назардан умумбашарий демократик тамойилларни қарор топтириш, кўп бор таъкидланганидек, жамиятимиз тараққиётидаги энг мураккаб масалалардан биридир. Айниқса, бу узок вақт тоталитар тузум асоратида яшаган собиқ иттифоқ маконида, жумладан Ўзбекистонда ҳам унинг иллатларидан буткул кутула олмаган жамиятда янада мураккаброк кечади. Ана шу мураккаб жараёни, ижтимоий-сиёсий ларзаларга олиб келмасликнинг йўллари билан бири, қонун устуворлиги тамойилидир.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

Миллий кадриятларнинг адолатли демократик жамиятни барпо этишдаги ўрни таҳлил этиш жараёнида энг аввало, миллатнинг ўзини ижтимоий кадрият сифатида қараш зарур. Негаки, миллатнинг ўзи миллий кадриятларнинг ҳам объекти ва ҳам субъектидир.

Демак, мамлакатимизда демократик жамият барпо этишда миллий ва умумбашарий кадриятларнинг уйғунлашуви тараққиётнинг зарурий қонунидир. Умумбашарий тамойиллар ва кадриятлар қандайдир ўзгармас, ақидавий тушунчалар эмас. Даврлар ўтиши, шароит, талаб ва эҳтиёжларнинг ўзгариши билан уларнинг мазмуни, баҳолаш мезонлари ҳам ўзгариб боради. Лекин бу ўзгаришлардан қатъий назар, умуминсоний кадриятлар одамларни жипслаштирувчи, маълум мақсадлар, ижтимоий, маънавий камолотининг муайян йўллари учун биргалашиб курашишга, ҳаракат қилишга чорловчи ижтимоий ҳодисалардир. Умуминсоний кадриятлар турли давлатлар, халқлар ўртасидаги кўприк воситасини ўтаб, одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка чорловчи куч воситасини ўтайди. Маънавият борасида ҳам умуминсоний кадриятлар халқларнинг барча маданиятини яқинлаштиради ва уларнинг тезроқ камол топишга имкон яратиб беради.

Ўзгаришларнинг умуминсоний қадамларини қарор топтириш, кўп бор таъкидланганидек, жамиятимиз тараққиётидаги энг мураккаб масалалардан биридир. Айниқса, бу узок вақт тоталитар тузум асоратида яшаган собиқ иттифоқ маконида, жумладан Ўзбекистонда ҳам унинг иллатларидан буткул кутула олмаган жамиятда янада мураккаброк кечади. Ана шу мураккаб жараёни, ижтимоий-сиёсий ларзаларга олиб келмасликнинг йўллари билан бири, қонун устуворлиги тамойилидир.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Демократик жамиятнинг миллий, умумбашарий ижтимоий асосларини баён этинг?
2. Миллатнинг генофонди нима?
3. Миллий тамойиллар, кадриятларнинг тарихий, фалсафий илдизлари ва замонавийлигини изоҳлаб беринг?
4. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлигини асосланг?
5. Терроризмнинг демократик жамият қуришга қарши қаратилган қандай хавф-хатарлари мавжуд?

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 135-б.

6. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида миллий, умуминсоний, кадриятлар тушунчаси ҳақида нималар баён этилган?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 3–10-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка, таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6.-Т.: «Ўзбекистон», 1997. 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.7. -Т.: «Ўзбекистон», 1998, 132-154-бетлар.
4. Каримов И.А. Жамият мафқураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. Т.7.-Т.: «Ўзбекистон», 1999. 84-102-бетлар.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 5-33 бетлар.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. 489-508-бетлар.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. 462-467-бетлар.
8. Каримов И.А. Хушёрликка даъват. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. 18-31-бетлар.
9. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига сўз боши. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. 220-224-бетлар.
10. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч - қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. -Т.: «Ўзбекистон», 2004.
11. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч - қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. -Т.12. -Т.: «Ўзбекистон», 2004. - 400 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: «Ўзбекистон», 2005. -96 б.
13. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
14. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
15. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
16. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
17. Каримов И.А. Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
18. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
19. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини куриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.
20. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
21. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.

22. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафкуриси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
23. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
24. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
25. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
26. Саифназаров И., Каримов Т.: Мухтаров А. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги терроризмга қарши қафолатдир. -Т.: «Янги аср авлоди», 2004. - 56 б.
27. Саидолимов С.Т. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашнинг айрим жиҳатлари. «Халқаро муносабатлар» журнали, 2004, №1, 20-22-бет.
28. Бекмуродов А.Ш., Маънавий-маърифий фаолият: устувор масалалар ва инновациялар. - Т.: ТДИУ, 2005. - 44 б.
29. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
30. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
31. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
32. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
33. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
34. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.

II БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

6-МАВЗУ. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ -- ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ АСОСИ

6.1. Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилишида қонун устуворлиги тамойилининг моҳияти, мазмуни ҳамда унинг мустаҳкамланиши

Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз». Шу сабаб адолат тушунчаси билан қонун устуворлиги тушунчаси чамбарчас боғлиқдир. Қабул қилинган қонунлар негизида адолат ётиши маълум. Адолатга асосланган қонунларнинг тадбиқ этилиши адолатнинг тантана бўлишига олиб келади. Агарда бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга зид келадиган бўлса, у бекор қилиниши лозим». Қонун устуворлиги Президентимизнинг 5 та тамойилларидан 3-си Қонун устуворлигига боғлиқ. Буни ўз навбатида қуйидагича изоҳлаш мумкин: 1) Қонун устувор характерга эга. 2) Қонун олдида ҳамма тенг. 3) Ўз иш фаолиятини қонун доирасида амалга ошириш керак. 4) Ҳуқуқий демократик жамиятда ҳокимият органлари бўлиниш принципига асосланади, яъни қонун чиқарувчи, ижриоя ҳокимият ва суд ҳокимияти. Бу ҳолат ривожланган давлатларда оммавий ахборот воситалари туртинчи ҳокимият ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган. Давлат бошқарувида қонунчилик қуйидаги хусусиятлари билан ифодаланади:

1. Барча қонунларнинг умуммажбурийлиги.
2. Қонунийликнинг ягоналиги.
3. Қонунийлик ва мақсадга мувофиқликни қарама-қарши қўйишнинг ман этилганлиги.
4. Қонунийлик ва аҳоли ҳуқуқий маданиятининг чамбарчас боғлиқлиги.
5. Ҳар қандай қарор қабул қилинганда қонунийлик ва адолатлилик.
6. Давлат бошқарувида қонунни бузганлик учун жавобгарлик ва ҳ.к.

Қонун устуворлиги тушунчаси ва унинг моҳияти. Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўзига хос бўлган тараққиёт йўлини - яъни бозор иқтисоди тамойилларига асосланган эркин, очиқ демократик давлат қуриш вазифасини асосий мақсад қилиб белгилаб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз... Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини камраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт¹.

Дарҳақиқат, адолат тушунчаси билан қонун устуворлиги тушунчаси чамбарчас боғлиқдир. Юртбошимиз белгилаб берганларидек, қабул қилинаётган қонунларимизнинг замирида адолат ётиши лозим. Адолатга асосланган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши адолатнинг тантана қилишига олиб келади.

Демократик жамият қуриш учун мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар адолатли бўлиши, ўзида халқ манфаатларини ифода этиши шарт. Бундай қонунларга оғишмай итоат этилсагина, жамиятда демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади. Чунки барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун воситасида жорий этилади.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истикболнинг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. 1995 йил 23 феврал. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» китобида, 3-ж., -Т.: Ўзбекистон, 1996, 10-б.

Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири - жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглигини, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминланганлигидир. Шу билан бирга Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим.

«Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади»¹.

Қонун устуворлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида белгилаб берилган. Конституциянинг III боби иккита 15 ва 16-моддаларидан иборат бўлиб, Конституция ва қонун устунлигига бағишланган.

Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Ўз фаолиятини Конституция ва қонунларга мувофиқ амалга ошириш санаб ўтилган субъектларнинг конституциявий бурчи бўлиб ҳисобланади. Агарда давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, мансабдор шахслар ёки фуқаролар ўзларининг бу бурчларини бажармасалар, уларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари қўлланиши мумкин.

Конституция ва қонунларга риоя этмаган шахсларнинг жавобгарлиги Конституциянинг ўзида ёки тегишли қонун ҳужжатларида мустақкамлаб қўйилган бўлади. Масалан, Конституция 93-моддасининг 12-бандига мувофиқ Конституцияни, қонунларни бузган туман ва шаҳар ҳокимларини Республика Президенти ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.

Бу борада шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Конституциянинг нормаси бошқа қонунларнинг нормаларига нисбатан устунлик характерига эга. Чунки Конституция барча бошқа қонунлар учун пойдевордир.

Шунинг учун ҳам Конституция 16-моддасида мустақкамланган қоидада биноан «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас». Агарда бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга зид келадиган бўлса, у бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини таъминлаш механизми ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилади.

Хўш, Конституциянинг бу моддасига биноан қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мослигини қайси орган назорат қилади, деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қилишни унинг қайси босқичда амалга оширилишига қараб, қуйидаги икки турга бўлиш мумкин:

Биринчидан, дастлабки назорат. Бу назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳа вақтида уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган қонунининг 18-моддасига мувофиқ «Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин».

¹ Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маъруза. 2001 йил 29 август. «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак» китобида, 10-ж., – Т: Ўзбекистон, 2002, 28-бет

Иккинчидан, кейинги назорат. Бу назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин амалга оширилади. Кейинги назоратнинг ўзини ҳам икки турга бўлиш мумкин.

а) Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан кейин, аммо у ҳали кучга киришидан аввал амалга ошириладиган назорат. Бу назорат ҳам Адлия вазирлиги томонидан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар қабул қилган умуммажбурий характерга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишдан аввал амалга оширилади. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейингина кучга киради.

Ўзбекистон Республикасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умуммажбурий характердаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 17 июнда «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий-мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ва уларни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ва 1997 йил 9 октябрда «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

Бу қарорларнинг моҳияти шундаки, улар умуммажбурий характердаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилишининг мажбурийлигини таъминлаб берди. 1997 йил 9 октябрдаги қарорда белгиланишича, агар шундай ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилмаса, улар юридик кучга эга бўлмайди. Конституция ёки қонунга зид бўлганлари эса давлат рўйхатига олиниши мумкин эмас. Ана шундай йўл билан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга ва қонунларга мослиги таъминланмоқда.

б) Кучга кирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослиги юзасидан назорат. Бундай назоратни барча давлат органлари амалга оширадilar.

Умуман олганда қонунларнинг ижро этилиши ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга ва қонунларга мос бўлишини назорат қилиш қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органлари томонидан олиб борилади.

Қабул қилинган қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиб бориш Олий Мажлис фаолиятида ўзига хос ўрин тутаети. Олий Мажлис томонидан қонунларга риоя қилинишини назорат қилиш, уларнинг таъсирчанлигини ўрганиш, қонун ҳужжатларидаги камчиликларни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадини кўзлайди. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ҳар йили қарийиб 50 та қонуннинг ижросини ўрганадилар. Қонун ҳужжатлари талаблари қандай бажарилаётганлиги деярли барча вазирликлар ва идораларда, вилоятларда текширилади.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда Омбудсман институти. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан парламент назоратини амалга оширишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти муҳим рол ўйнайди¹.

Омбудсман (швед. – бирор киши муносабатларининг вакили) – баъзи мамлакатларда парламент томонидан махсус сайланган (тайинланган), давлат органлари ҳаракатларининг қонунийлиги ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кузатувчи мансабдор шахс. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги Қонун қабул қилинган.

Маълумки Ер юзида инсон борки, у доимо ўз ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш учун имконият излаган ва Омбудсманнинг ташкил топиши эса, давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларга янада аниқлик киритди. Омбудсман фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи муносабатларни назорат қилувчи вакилдир.²

¹ Халилов Э. Ўзбекистон Республикасининг Парламенти: Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг фаолияти. - Т.: Ўзбекистон, 1999, 11-17 бетлар

² Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғати. -Т.: Шарқ. 1998, 179-б.

Ушбу фикр ҳозирги замон ҳуқуқий адабиётларида кенг тарқалгандир. Бироқ жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда Омбудсман институтининг ўзига хос талқин ва тарихий илдизлари мавжуд. Шу нуқтаи назардан америкалик мутахассис Дин Готтерернинг билдирган фикрлари диққатга сазовордир. У шундай деб ёзади: Омбудсман институти илдизлари узок ўтмишга бориб тақалади. Омбудсманнинг тарихий илдизларидан бири Қуръони Карим ва ислом мафқурасининг бир қисми сифатида одиллик тамойилларидан келиб чиқади¹. Ўша пайт инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкӣ, оила ва никоҳга оид ҳуқуқларни тартибга солувчи ҳамда шикоятларни қабул қилиш ва низоларни ҳал қилиш учун мухтасиб мансаби дастлаб ҳалифа Умар томонидан ташкил этилган эди. Кейинчалик ана шундай мухтасиб мансаби Мовароуннаҳрдаги мавжуд хонликларда ҳам ташкил этилган бўлиб, улар асосан фуқароларнинг шикоятларини адолат нуқтаи назардан ҳал этишга интилганлар.

Шундай қилиб, Омбудсман институтининг илдизлари Дин Готтерер таъкидлаганидек, Шарқ мамлакатлари давлатчилигига бориб тақалади. Бироқ, Ер юзида расмий равишда эса, биринчи мартаба Омбудсман институти 1709 йил Швеция қироллиги ҳузурида ташкил топган. 1709 йили Швеция қироли Карл XII Полтава жангларида мағлубиятга учраб, Туркия давлатига қочиб кетади. Қиролсиз қолган Швецияда тартибсизлик бошланади. Бундан хабар топган Карл XII Туркияда туриб, 1713 йил Швеция қироллиги ҳузурида Омбудсман ташкил қилиш ҳақидаги қонунга низо чекади. Бугунги кунда деярли барча демократик мамлакатларда Омбудсман институти ташкил этилган. Омбудсманнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг мустақиллигидир.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) демократик йўлдан бораётган жамиятимиздаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда.

Омбудсман (вакил) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) фуқаролардан тушган шикоятларни кўриб чиқиш;
- 2) аризага ўз ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланишга ҳақли бўлган воситаларни кўрсатиш;
- 3) шикоятни, унинг моҳияти бўйича ҳал этишга ваколатли мансабдор шахсга ёки ташкилотга бериш;
- 4) аризагини тегишли ҳужжатлар, бошқа материаллар билан таништириш ҳамда шикоятни кўриб чиқишни рад этиш ва рад этиш асосларини кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 26-моддаси биринчи қисмига мувофиқ «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор қилинади».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти «фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир».

Бу нормага кўра Президент **биринчидан**, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилаётганлигини, **иккинчидан** эса, уларнинг Конституцияга мослигини назорат қилиб боради.

Мониторинг (инглизча – текшириб туриш, назорат қилиш) – маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва тахминлаш (прогноزلаш). Мониторинг кундалик турмушнинг барча жабҳаларида қўлланилади.

Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши ҳамда сиёсий ҳаётни эркинлаштириш масалалари. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов 1999 йил 14 апрелда Олий Мажлис 14-сессиясидаги "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" маърузасида XXI аср арафаси ва унинг

¹ Готтерер Д. Омбудсман ҳақида. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари журнали. 1999, 1-сон, 27-б.

дастлабки йилларида мамлакатни ривожлантириш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилашнинг 6 та устувор йўналишларини белгилаб берган эди. **Биринчи устувор йўналиш мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш** масаласини кўйди. Шундан сўнг 2000 йил 28 январда Олий Мажлис 1-сессиясидаги маърузасида Сиёсий соҳада мамлакат сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришнинг бир қатор йўналиш ва вазифаларини баён этди. Сиёсий соҳадаги ислохотлар: 1) фуқаролар сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш, инсон ўз қобилятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш; 2) ўз фикрини эркин ифода этиши; 3) кўппартиявийликни қарор топтириш; 4) нодавлат тузилмалар, жамоат бирлашмалари фаолиятини ошириш; 5) сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий фаолликни кўтариш фуқаролик жамиятининг ўзаги; 6) жамиятда фикрлар хилма-хиллигини юзага келтириш; 7) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласини баён этди.

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида ҳокимият тузилмаларининг бўлиниш принципини ислоҳ қилиш, маъмурий ислохотларни амалга ошириш, кадрлар масаласи билан боғлиқ бўлган вазифаларни белгилаб берди.

"Кучли давлатдан кучли жамият сари" тамойили фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ролини кучайтириш керак бўлади. Бунинг учун эса, давлат ҳокимияти органларини босқичма-босқич эркинлаштириш зарур. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида, айниқса 2000 йилдан кейинги даврларда 2006 йилгача бўлган даврда бу масала давлат сиёсатининг марказида бўлди.

1. Давлат қурилиши ва бошқақуви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти - мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб, барқарор мувозанатга эришишдан иборат. Президентимиз И.Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма йиғилидида **"Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир"** маърузасида чуқур таҳлил қилиб берди. Бунда: 1) Президент ваколатларининг бир қисмини Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш Қонунчилик палатасини шакллантириб унинг ҳуқуқларини кенгайтириш; 2) Бош вазир, мамлакат ҳукуматининг ролини, масъулиятини кучайтириш; 3) суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва эркинлигини таъминлаш вазифаларини баён этди. Мамлакатимизда давлат ҳокимиятини эркинлаштиришда икки палатали парламент барпо этишдан мақсад: 1) парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириш; 2) Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб бориш; 3) Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини таъминлаш; 4) аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш лозим бўлади.

Мамлакатни модернизация қилишда узокни кўзлайдиган **"Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари"** тамойилини ўзида ифода этади. Бу шуни назарда тутдики: 1)дан ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш; 2) сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг муҳим қарорлар қабул қилишдаги ролини кучайтириш.

Демак, давлат ва жамият қурилиши, сиёсий ҳаётини эркинлаштириш ҳокимият органларининг айрим функцияларини қуйи ҳокимият органларига босқичма-босқич ўтказиш бу фуқаролик жамиятининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Жиноий жазоларни либераллаштириш – қонун устуворлигининг муҳим шарти. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан инсонпарварлик, адолатпарварлик ғояларига асосланган жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари Олий Мажлисга киритилди. Уларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўзининг самарасини бермоқда. Масалан, Республикаимиз Президенти томонидан лойиҳаси киритилиб, 2001 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган

«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақиқида»ги Қонун билан жиноятларни таснифлаш енгиллаштириш маъносида такомиллаштирилди, ярашув институти жорий этилди. Жиноят кодексидаги ўлим жазосини назарда тутувчи моддалар сони кескин камайтирилди, мол-мулкни мусодара қилиш жиноий жазо сифатида бекор қилинди ва шу каби инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар қўлланилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган Қонунининг 20-моддасига мувофиқ «Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади».

Қонун устуворлигини таъминлаш - ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий мезони. Ҳуқуқий давлат тушунчаси демократик давлат тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, демократик, ҳуқуқий давлат куч, инқилоб билан эмас, балки табиий-тарихий эволюцион йўл билан барпо этилади. Албатта, ҳар қандай жамиятда ҳуқуқий давлат тушунчаси у ёки бу қонунларнинг мавжудлиги билан белгиланмайди. Негаки, қонунлар ҳуқуқ сифатида ҳар бир давлатда мавжуд ва ҳар қандай ҳокимият улардан фойдаланади. Ҳамма гап ўша қонунларнинг қандайлигида ва уларнинг қандай бажарилишидадир.

Ҳуқуқий давлатни белгиловчи мезонлар қуйидагилардан иборат:

- 1) Халқ ҳокимиятининг амалга ошиши.
- 2) Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, яъни шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳеч ким, шу жумладан, давлат томонидан ҳам ҳеч қандай ҳолда бузилмаслиги.
- 3) Конституция ва қонун устуворлиги.
- 4) Ҳокимият ваколатларининг бўлиниш тамойили.
- 5) Суд мустақиллиги.
- 6) Инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш.
- 7) Давлат ва фуқароларнинг ўзаро масъулияти.
- 8) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши.
- 9) Ҳуқуқий маданиятларнинг юксак даражада эканлиги.
- 10) Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.

Президент Ислам Каримов 2001 йил 29 августда Иккинчи чақириқ Олий Мажлис 6-сессиясида **“Адолат қонун устуворлигида”**ги маърузасида қуйидаги муҳим жиҳатларни алоҳида таъкидлаб ўтди:

- 1) Суд мустақиллигини таъминлаш.
- 2) Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларни ташкил этиш.
- 3) Судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш.
- 4) “Судлар тўғрисида”ги Қонунга кўра суд кадрларини танлаш ва тайинлаш механизмини мустаҳкамлаш.
- 5) Жиноятчиликнинг олдини олиш учун унга шафқатсиз жазо эмас, балки қонуний қай даражада англашига боғлиқлигини ҳисобга олиш.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаларида «Ҳуқуқий давлатнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган амалдаги кодекслар, қонунлар, меъёрий ҳужжатларни танқидий баҳолаган ҳолда ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида биринчи галда қабул қилишимиз

зарур бўлган янги қонун ва меъёрий ҳужжатларни аниқлаб олишимиз керак» деб таъкидлаб ўтдилар¹.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда юртбошимизнинг 1996 йил 31 октябрдаги «**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази**»ни тузиш тўғрисидаги фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Бугунги кунда Миллий марказ мамлакатимиз ва бутун жаҳондаги инсон ҳуқуқлари, эркинликларини жаҳон халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳимоя этишнинг таъсирли воситаси сифатида фаолияти ҳам ибратли бўлмоқда. Бироқ бу борада демократик тамойилларнинг ҳаётга тўлиқ жорий этилишида жиддий айрим муаммолар ҳам мавжуд. Улардан бири том маънодаги суд мустақиллигига эришишдан иборатдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Судлар том маънодаги мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар»¹. Дарҳақиқат қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб, демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди.

6.2 Давлат ҳокимияти тизимининг бўлиниш принципи ва Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи

Президент Ислом Каримовнинг "Парламент - жамият ҳаётининг кўзгуси" нутқида кўтарилган асосий масалалар. 2005 йил 27 январда ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишида Президент Ислом Каримов "Парламент - жамият ҳаётининг кўзгуси" мавзусида нутқ сўзлади. Ҳақиқатан ҳам Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, парламентга сайловлар жараёнида, халқимиз ўзининг фаоллиги, сиёсий онги ва савиясини ёрқин намоён этди. Сайловлар ошқоралик, очиклик ва қизғин курашларда ўтди, бу жараён дунё жамоатчилиги томонидан кузатилди. Биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, демократик давлат қуришда ўз йўлимиз борлиги, ўзига хослиги аён бўлди. Доимо босиқ бўлиб жим ўтириш депутатлик фаолиятига тўғри келмайди. Ҳар бир депутат ўз ваколати ва масъулиятини теран ҳис қилиши керак. **Депутат** – бу мустақил фикрли инсон. У қайси партияга мансуб бўлмасин аввало халқ олдида жавоб бериши керак. Шу сабаб халқ манфаатлари йўлида парламентдаги ғоялар, ёндашувга қарашлар хилма-хил бўлгани яхши. Депутат залда бўладиган муҳокама ва мунозаралар вақтида 3 та нарсани эсдан чиқармаслигини баён этди: **Биринчидан**, ҳар қайси депутат ўзининг кадр-қимматини билиши лозим. Шундагина у бошқаларни ҳам ҳурмат қилади. **Иккинчидан**, меҳр-оқибатлилиқ бизнинг халқимизга ярашадиган, халқимизга хос бўлган фазилат эканини ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак. **Учинчидан**, бобомиз Амир Темур айтганидек, қандай халқнинг фарзандимиз, деган саволни ўзимизга беришимиз керак. Шу билан бирга кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик, деган саволни ҳам ҳеч қачон унутмаслик зарур.

Олий Мажлисининг қўйи палатаси – Қонунчилик палатаси раҳбарлари янги тартибда сайланди. Бунинг сабаби шундаки, биз демократик давлат барпо этаётганимиз, фуқаролик жамияти асосларини шакллантираётганлигимиздир. Биз демократик кадриятларни ўз ҳаётимизга жорий этишда салмоқли натижаларга эришдик.

Демократик парламентнинг асосий шартларидан бири **кўппартиявийлик масаласидир**. Демократик жамиятда кўппартиявийлик тизими бўлиши керак. Кўппартиявийлик, аввало жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларидан қатъий назар ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириши керак. Чунки ҳаёт бор экан кимдир ўз манфаатини амалга оширишга ҳаракат қилади. Ҳар қайси партия - халқнинг маълум қатлами манфаатларини ифодаловчи сиёсий куч. Ҳар бир инсон

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.-Т.: Ўзбекистон, 2000. – 29-б.

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. II. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 31-б.

ўзига хос бир олам. Иккита инсон бир-бирига ўхшамайди. Худди шунингдек, сиёсий партиялар ҳам ўз ғояси, мақсади ва вазифалари билан бир-биридан фарқ қилиши зарур. Шундагина жамиятдаги хилма-хил қараш, манфаатлар акс этади. **Сиёсий партиялар** халқни, мамлакатни, миллатни мақсад йўлида бирлаштириб турган. Шу боис улар ўз манфаатларини ҳимоя қилишда бир-бирига муҳолифат бўлиши мумкин. Ягона Ватан ҳақида гап кетганда улар бирлашиши керак. Миллий истиқлол ғояси шундай бирлаштирувчи кучдир. Ҳар қайси партиянинг ўз электорати - уни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий қатлам бўлиши лозим. Шундай бўлмаса бу партия ҳақиқий сиёсий куч бўла олмайди. Парламент сайловлари жараёнида сиёсий партиялар шаклланди. Сайловчилар энди дуч келган одамга эмас, ўз дастур ва ғояларини ёқтирган партияга овоз беради. Бизда минтақавий партиялар йўқ ва бўлмайди ҳам, чунки мамлакат бўлиниб кетиши мумкин бўлади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди, ҳар қайси партия умуммиллий партия сифатида фаолият юритиши, Марказда қолиб кетмаслиги керак. **Сайлов** – демократия дегани, **Демократия** – бу сайлов дегани. Ҳар қайси партия сайлов орқали ўз тарафдорларини аниқлайди. Бўлиб ўтган сайловларда ЎзЛиберал-демократик партия ғалаба (34,2 фоиз) қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2007 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу қонун 8 моддадан иборат («Халқ сўзи», 2007 йил 12 апрель).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиш принциплари. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам берилган. 89-моддага кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ЎЗРда давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти республика фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади. Уни сайлаш тартиби қонун билан белгиланиши айtilган. Янги қоидага кўра Президентнинг айрим ваколатлари Сенатга, яъни юқори палатага босқичма-босқич ўтказилиши айtilган. Бу дегани Ўзбекистоннинг демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда фуқароларнинг давлат ҳокимияти бошқарувидаги иштироки кенгайтирилган.

Мустақил давлатимизнинг бош қомуси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган бўлиб, унга 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги ЎЗР қонунига кўра Конституциянинг 18,19,20,23-бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилди. Конституциянинг 1-бўлим 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари: 1) Давлат суверенитети; 2) Ҳокимият ҳақчилиги тамойилига; 3) Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликлари устуворлиги ва пойдеворлиги тамойили; 4) Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи; 5) сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик тамойили; 6) Демократизм тамойили; 7) Давлат ва шахснинг ўзаро масъулияти тамойили; 8) Давлат ҳуқуқ тузилиши тамойилларига амал қилади.

1.1. Ўзбекистон Конституциясининг 5-бўлим «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» деб номланган бўлиб, бунга биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси **Олий Мажлиси** ҳақидаги асосий масала жой олган. Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. **Олий Мажлис** 2 палатадан: Қонунчилик палатаси ва Сенатдан (юқори) иборатлиги баён этилган. Олий Мажлиснинг ана шу иккала палатаси билан боғлиқ бўлган масалалар ўз ифодасини топган. **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси** ва **Сенатининг** биргаликдаги ваколатлари 21 та бўлиб улар алоҳида изоҳланган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатлари 4 та. Сенатнинг мутлақ ваколатлари эса 14 тани ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тузилиши.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик палатаси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
<p>Депутатлар сони 120 та. Сиёсий партиялар вакиллари ва ташаббускор гуруҳлар номзодлар кўрсатадилар. Яширин овоз бериш йўли билан 5 йил мудатга сайланадилар. Қонунчилик палатаси қонунларни ишлаб чиқариш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш, қонун устуворлигини таъминлаш уларнинг асосий вазифаси. (ЎЗР. Конституцияси, 77-модда)</p>	<p>Сенаторлар сони 100 та. 86 та сенатор яширин овоз бериш натижасида сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда 6 кишидан Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси вилоят, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимият вакиллик органлари депутатлар орасидан сайланади. 16 нафар Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти нинг фармониға мувофиқ тайинланади.</p>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТУЗИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари 8 та, вазирлар 10 та, давлат кўмиталари, 9 та жами 27 та (2005–2010 йй.).

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги қонунларнинг ижтимоий-сиёсий мазмуни. 2002йил 12-13 декабрда бўлиб ўтган Олий Мажлисининг 10 сессияси халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунлар ҳамда уларнинг амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Бу қонунлар қабул қилингач 2003 йил 24 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига айрим ўзгартиришлар киритилди.

1. ОЛИЙ МАЖЛИС – юқоридаги қонунларга кўра Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати 5 йил. Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартивийлик асосида сайланадиган 120 депутатдан иборат. Яъни, бунда бу палатани тузиш ғояси Президентимиз Ислон Каримов тамонидан 2000 йил 25 май 2-сессиясида кўтарилган эди. Шундан сўнг икки палатали парламентни тузиш тўғрисида референдум 2002 йил 27 январда ўтказилди. Демак, ана шу Қонунчилик палатаси мамлакат аҳолиси вакиллигини таъмин этади, уларнинг манфаатлари инобатга олинади. Сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқораси Қонунчилик палатасининг депутати этиб сайланиши мумкин. Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ туланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғилланишлари мумкин эмас. Қонунда қонунчилик палатаси ваколатлари икки йўналишга ажратилган. 1. Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари. 2. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари. Булар Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонуннинг 8-9 моддаларида аниқ белгилаб кўйилган. 1. Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари жами 21 тани ташкил қилади. Бунда қонунларни қабул қилиш жараёнлари тўғрисида батафсил баён этиб берилган. 2. Қонунчилик палатасининг мутлоқ ваколатлари 4 та бўлиб, асосан унда Спикерини, ўринбосари, кўмита раиси, ўринбосарларини сайлаш айtilган. Қонунчилик палатасига Кенгаши палата фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида тузилади. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, палата муҳокамасига киритиладиган масалаларни кўриб чиқиш учун қўмиталар ва комиссиялар тузилади.

Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб Сенат аъзоларидан иборат бўлади. Сенат аъзолари Қарақалпоғистон жумҳурият кенгиси вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан олти кишидан сайланади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасидаги обрўли фуқаролардан президент томонидан тайинланади. Демак, Сенат сайланиши қуйидагича: 12 та вилоят, Қарақалпоғистон Рес. Тошкент шаҳри 16 депутат шаклида амалга оширилади. Сенатга ҳам 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқораси сайланиши мумкин.

Ўзбекистонда Парламент тараққиётининг Янги босқичлари. Ўзбекистон Конституциясининг II-моддаси бевосита давлат ҳокимияти тизимининг бўлиниш принциплари қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари 3 та тармоғи берилган. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши қонунчилик палатасига кўра Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятни Олий Мажлисининг қуйи Қонунчилик палатаси амалга оширади.

Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиш принципларидан бири, биз боя айтганимиздек, Олий Мажлис, яъни қонун чиқарувчи ҳокимиятдир. Бу ҳокимиятни ислоҳ қилиш тўғрисида 2002 йил 27 январда референдум ўтказиб, унда икки палатали парламентни юзага келтириш масаласини Ўзбекистон фуқаролари қўллаб-қувватлаган эдилар.

2004 йил 26 декабрда Олий Мажлисининг қуйи Қонунчилик палатасига ва Маҳаллий ҳокимият органларига (вилоят, туман, шаҳар кенгашларига) сайловлар бўлиб ўтди, қайта сайлов эса 2005 йил 9 январда ўтказилди. Ўзбекистонда 2005 йилдан бошлаб, унинг давлат қурилиши сиёсий ҳаётида янги давр бошланди. Икки палатали парламент шакллантирилди.

2005 йил январда Сенат аъзолари маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрсатилди ва аниқланди.

Умуман, Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги, яъни парламент тароққиёти 4 босқични босиб ўтди: 1-босқич Конституциямиз қабул қилунгунга қадар давр бўлиб, бу даврда ЎзР Президенти сайлови ва Референдум тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. 2-босқич Конституциямиз қабул қилингандан то 1997 йилгача давом этди. Бу даврда “сайлов тизими” шакллантирилди. 3-босқич 1997 йилдан – 2003 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичда амалдаги сайлов қонунларига айрим ўзгартиришлар киритилди. Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. 4-босқич 2003 йилдан – 2005 йилгача, бу даврда икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ сайлов қонунларига ўзгартиришлар киритилди ва 2004 йил 26 декабрдан Олий Мажлис қўйи қонунчилик палатасига сайлов ўтказилди.

Умуман парламент томонидан қабул қилинадиган қонун устуворлиги қўйидаги учала ҳолат бўлгандагина тўлиқ ўз ифодасини топади: 1) қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар адолатга, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига асосланган бўлиши шарт; 2) бу қонунлар барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқ бажарилиши зарур; 3) қонунларга мос бўлиши қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий механизмларини ташкил этади.

2. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ – ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. ЎзР Конституцияси 98-моддасига кўра Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир, унинг уринбосари, вазирлар, давлат қумиталарининг раисларидан иборат. Қорақолпоғистон Республикаси ҳукумати бошлиғи ВМ таркибига ўз лавозими бўйича қиради. Вазирлар Маҳкамаси таркиби ЎзР Президенти томонидан шакллантирилади. ЎзР Бош вазири (ҳозирги пайтда Ш.Мирзиёев) намзоди президент тақдимида кўра Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилиб тасдиқланади. ВМси аъзолари Бош вазир тақдимида кўра Президент томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодийнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, республика қонунлари Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармоишлари ижросини таъминлайди. Демак, Вазирлар Маҳкамаси ижроия ҳокимият бўлиб, у давлат ҳокимияти бўлиниш принципига кўра **Иккинчи ҳокимият**, яъни **ҳукуматдир**. Мустақиллик йилларида ҳукумат состави 3 марта янгидан тасдиқланди. 1993 йил 6 майдаги Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги ва унинг 29 августдаги (1993) янги таҳрирдаги қонунларга кўра **биринчи мартда** Вазирлар Маҳкамасининг янги состави 1995 йил 23 февралда 2) **иккинчи мартда** эса 2000 йил 11 февралда янгидан тасдиқланди. 2005 йил 4 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тасдиқланди. Ҳозирги вақтда ВМ аъзолари: 8, та вазирлар: 10 та, давлат қўмиталари 9 та қилиб Президент И.Каримов томонидан тасдиқланди.

3. СУД ҲОКИМИЯТИ – учунчи ҳокимият органи тармоғи бўлиб, у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритилади. Суд тузими 5 йил муддатга сайланади. Судларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Қорақолпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар, хўжалик судларига бўлинади. Президент Ислам Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида ҳокимиятнинг ана шу тармоғини, суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш йўлларини кўрсатиб ўтди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш учун прокуратура органларининг суд жараёнларига аралашувини чеклаш, шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш ҳуқуқларини суд зиммасига ўтказишни белгилаб беради. Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, мустақил фаолият юритишини таъминлаш таъкидлаб ўтилди.


Суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларни шавқатсиз жазолаш билан эмас, балки инсонпарварлик руҳида тарбиялаш асосида ҳуқуқий давлат йўлидан бориш зарурлигини кўрсатди. 2006 йил 30

ноябрда Олий Мажлис Сенатининг қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йўллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарорига асосдан 2007 йилда 44 мингдан зиёд шахслар озодликка чиқарилди. Жумладан, содир қилган жиноий ҳаракатлар учун жазога тортилиши лозим бўлган 2 минг 377 аёл ва 689 вояга етмаганлар жазодан озод қилинди (“Халқ сўзи”, 2007 йил 1 июнь).

2007 йилга келиб учинчи ҳокимият Суд тизими соҳасида қуйидаги ислоҳотлар ўтказилмоқда:

1) Жиноий жазога санкция бериш прокуратура органларидан суд тизимига ўтказилмоқда; 2) Адвокат, оқловчиларнинг мавқеи, ролини ошириш; 3) Ўлим жазосини жиноий кодексидан (2008 йил 1 январидан) олиб ташлаш ва унинг ўрнига узоқ муддатли, умрбод қамоқ жазосини белгилаш ислоҳ қилинмоқда.

6.3-слайд




Суд- ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг


Жамият ижтимоий ҳаётида адолатнинг барқарор бўлишини таъминлаш; кишиларни қонун кучи ва ролига бўлган ишончини орттириши; шахс, жамият ва давлат муносабатларида изчиллик ҳамда ўзаро муносабатни таъминлаш.

Суд ҳокимиятини том маънода мустақил ҳокимият сифатида фаолият юритишини, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти тармоқлари билан тенг тарзда мустақиллигини таъминлаш, судларнинг жамият ва одамлар ўртасидаги роли ва обрўсини кўтариш.

Судларни жазо берувчи органлар эмас, балки инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш органи сифатида қарашни шакллантириш, уларнинг фуқаролар ҳуқуқини давлат томонидан ҳимоя қилувчи асосий органга айлантириш.

Қонун устиворлигини таъминлаш, уларни ижро этиш маданиятини юксалтириш, қонун бузилиши ҳолатларига мурасасиз муносабатни вужудга келтириш, жамиятда ҳуқуқий онгни янги поғонага кўтариш.





4. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ҳокимияти дунёдаги ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, бизда энди шаклланмоқда.

5. Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари – бугунги кунда вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлик бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фиқораларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қўйидагилар киради: 1) қонунийликни, ҳуқуқий тартибни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; 2) ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; 3) маҳаллий бюджетларни шакллантириш; 4) маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; 5) фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш ва ҳ.к. Булардан бошқа шаҳарча, қишлоқ ва овулларда маҳаллаларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарадиган органлари ҳам мавжуд бўлиб, улар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда роли янада ортиб бормоқда.

6. Сайлов тизими. 7. Прокуратура. 8. Молия ва кредит. 9. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳам жой олган ва улар янги тартибда баён этилган.

6.3. Президентлик институти ва унинг шаклланиши

Президент сўзи – лотинча олдинда ўтирувчи маънони билдиради. Ўзбекистон тарихида биринчи президентлик лавозими 1990 йил 24 мартда таъсис этилди. “Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислон Каримов сайланди”. 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Президенти сайлови туғрисида”ги қонун қабул қилинди. Бу қонунга 1997 йил 26 декабрь ва 1999 йил августда ҳамда 2004 йил 24 апрелларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мустақиллик йилларида том маънода президентлик институти тўла шаклланди. Ўзбекистон Конституциясининг 19-бобига кўра ЎзР Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Президентлик лавозимига 30 ёшдан кичик бўлмаган давлат тилини яхши биладиган бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки мартадан ортиқ президент бўлиши мумкин эмас. Президент фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади, у қонун билан белгилаб қўйилган. 1991 йил 29 декабрда алтернатив асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислон Каримов 86% овоз билан (Салай Мадаминов эса 14%) Ўзбекистон Президенти этиб сайланди. Бу сайловда 9,900 минг 958 киши ёки овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 94,2 фоизи иштирок этди Ислон Каримовга эса 8,514 минг 136 сайловчи (86%) овоз берди. 1995 йил 26 мартда Олий Мажлис қарорига кўра президент ваколати 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласи бўйича умумхалқ референдуми ўтказилди. Унда 11 млн 245028 киши (99,3%) иштирок этиб овоз беришда қатнашганларнинг 99,6 %и ижобий жавоб билан ваколат муддатини узайтиришга розилик билдирганлар. Қонунга кўра, Президент қилиб 35 ёшдан кам бўлмаган ва 65 ёшдан ортиқ бўлмаган, сайланиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон фуқароси баён этилган. 2000 йил 9 январда иккинчи бор Президентлик сайлови ўтказилди. Унда Ўзбекистон президентлигига номзод қилиб Ислон Каримов (91,9%), Абдулҳофиз Жалолов эса 4,17% овоз олиб, Ислон Каримов ғалаба қилди. 2002 йил 27 январда референдум ўтказилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддати 5 йилдан 7 йил қилиб ўзгартиришга розимисиз деган саволга овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11 117 841 нафари (91,78%и) ёқлаб овоз берди. Натижада 2003 йил 24 апрелда Ўзбекистон конституциясининг 19-бобига, яъни Президентлик қоидаларига баъзи бир ўзгартиришлар киритилиб, эндиликда президентлик сайлови ваколат муддати тугайдиган йилда декабрь (2007) учинчи 10 кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгилаб олинди.

2007 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Сайловда иштирок этган сайловчилар сони 14 765 444 киши ёки рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг 90,6 фоизини ташкил этди.

1. Ислон Каримов 13 миллион 8 минг 357 овоз ёки сайловда қатнашган сайловчилар умумий сонининг 88,1 фоизини олди.

2. Аслиддин Рустамов 468 минг 64 овоз – овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,17 фоизини олди.

3. Дилором Тошмухамедова 434 минг 111 овоз – 2,94 фоиз овозга эга бўлди.

4. Акмал Саидов 420 минг 815 овоз – 2,85 фоизи миқдорида овозга эга бўлди.

Сайлов жараёнида 23 минг 300 нафар кузатувчи иштирок этди. Бешта халқаро ташкилот: МДҲ, ЕХҲТ, ШҲТ, ЕврАзЭС, ИҚТ, 30 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан келган кузатувчилар, шунингдек, Ўзбекистон Президентлигига ном кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакиллари сайловни кузатиб борди.

Президентлик лавозимига сайланган Ислон Каримовнинг 2008–2014 йилларда ўз олдига қўйган **дастури** куйидагича:

1. Мамлакатни модернизациялаш, жамиятни янгилаш, иқтисодий жадал ривожлантириш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашдаги ислохотларни чуқурлаштириш, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини эркин ривожлантириш.

2. Ўрта синф: тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмасини, интеллектуал мулк эгаларининг манфаатини устун қўйиш.
3. Миллий давлатчилик, фуқаролик жамиятини ривожлантириш.
4. Инсон ҳуқуқлари Олий кадрият: “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг” шиори.
5. Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳатини ривожлантириш. Ҳуқуқий давлатчиликни ривожлантириш.
6. Ташқи сиёсат.
7. Реал даромадни ошириш. Иш ҳақини 3 йилда 2–2,5 баробар ошириш.
8. Кадрларни тайёрлаш.
9. Юксак маънавият енгилмас куч.
10. Фаровон ҳаёт барпо этиш.

Умуман, 2002 йил 4 апрелда “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида” Конституциясий қонун қабул қилинди. Президент Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” маърузасида давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифа бўлган мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш йўлларини белгилаб берди. Шунга кўра 2006 йили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)” лойиҳаси матбуотда эълон қилиниб, халқнинг фикр мулоҳазалари ўрганилди ва натижада ушбу қонун Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинди. Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланди. Президент Ислом Каримов 2007 йил 11 апрелда бу қонунга имзо чекди. Ана шу “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)”ги қонунга кўра Конституциямизнинг 89-моддаси қуйидагича таҳрир қилинди:

1) **“89-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди».

2) **93-модданинг 15-банди** қуйидагича таҳрир қилинди:

“15 вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли”.

3) **102-модданинг иккинчи қисми** қуйидагича таҳрир этилди: “Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади”. Ушбу қонун 2008 йил 1 январидан кучга кириши баён этилди (“Халқ сўзи”, 2007 йил 12 апрель).

Демак, мустақиллик йилларида мамлакатимизда президентлик институти шаклланиб, у янада такомиллашди, унинг ҳуқуқий негизлари барпо этилиб, ривожланган мамлакатлар йўлини танлади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон давлат тизими Республика Давлат ва ҳукумат бошлиғи Президент ҳисобланади. Президент шахси дахлсиз бўлиб, у қонун билан муҳофаза этилади.

ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб кўрсатилди..

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати – ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё политехника ва Тошкент

халқ хўжалиги институтларини тугатган. Муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга. Иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлаган. 1961 йилдан 1966 йилгача В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда И.Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида И.Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни И.Каримов тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми яқунларига кўра, И.Каримовнинг Президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

2000 йили муқобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, Конституцияга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, И.Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

2007 йил 23 декабрда муқобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра Ислом Каримов 7 йил муддатга иккинчи мартаба Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

У оилали, икки нафар фарзанди, тўрт набираси бор. Рафиқаси Т.А.Каримова – мутахассислиги иқтисодчи, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган, айна пайтда пенсияда.

И.Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун “Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, “Мустақиллик” ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам мукофотланган.

И.Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айна вақтда у иқтисод, фан, таълимни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун кўплаб хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қонун устуворлиги қуйидаги учала ҳолат бўлгандагина, ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳужжатлар адолатга, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига асосланган бўлиши шарт.

Иккинчидан, Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқ бажарилиши зарур.

Учинчидан, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунларга мос бўлиши – қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий механизмларини ташкил этади.

Демократик жамиятнинг муҳим тамойили бўлган қонун устуворлиги мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти қуришнинг асосидир. Албатта, демократик жамият қуриш фақат қонун устуворлиги билан чекланиб қолмайди, балки халқимизнинг миллий-маънавий негизларига таянишни тақозо этади ва зарурий шарти қилиб қўяди.

МУҲОҚАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти қурилишида қонун устуворлиги тамойилини изоҳлаб беринг?
2. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари қандай?
3. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизимининг бўлиниш принципларини баён этинг?
4. Икки палатали парламентнинг бир палатали парламентдан фарқи нима?
5. Қонунчилик палатаси ва Сенатни шакллантириш тартиблари нималардан иборат?
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш тартиби сайлов қонунчилигида қандай белгиланган?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. —4–6, 14–32-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15 бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)»ги Қонуни // “Халқ сўзи”, 2007 йил 12 апрель
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид: барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6-12, 14-26, 28-38, 47-48-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 36-85-бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 274-284, 301-322, 341-359-бетлар.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.3. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 175-181, 183-191, 202-226, 227-246-бетлар.
8. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
9. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
10. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
11. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
12. Каримов И.А. Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
13. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
14. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.

15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
16. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
17. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафкуриси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
18. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
19. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
20. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
21. Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. Т.: ЎзРИИВ Академияси, 2004, 138-158-бетлар.
22. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
23. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
24. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
25. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
26. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
27. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.

7-МАВЗУ. МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ НЕГИЗЛАРГА ТАЯНИШ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ

7.1. Миллий-маънавий негизлар тушунчаси, мазмуни ва моҳияти ҳамда мустақиллик, демократик жамият қурилишида унинг янгича мазмун касб этиши

Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий-маънавий негизлари. Мустақилликни мустаҳкамлаш даврида жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий, барча жабҳаларда туб тарихий бурилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ва вазифаларни ҳал этишни тақозо этади. Ана шундай улкан вазифа ва масъулият халқимиздан бир томондан маънавий янгиланиш жараёнини тўлиқ идрок этишни, иккинчи томондан эса демократик жамият қуришда унга таянишни тақозо этади. Негаки миллий-маънавий янгиланиш, юксалиш, тараққиёт омилига айланмоқда. Шу боис, мустақиллик йилларида жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг меросини ҳам янгидан ижодий ўзлаштириш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Айниқса, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Усмон Носир ва бошқа кўплаб буюк сиймоларимиз илмий-адабий меросини ўрганиш мамлакатимизда барпо этилаётган демократик жамиятнинг миллий-маънавий негизларини ташкил этади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, аждодларимиз томонидан кўп асрлар

мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз.¹ Масаланинг худди шу жиҳатига урғу бериб, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида баён этилган **олтита устувор йўналишнинг** бажарилиши керак бўлган улкан вазифалар пайдо бўлди. Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўзига хос миллий маънавият ва маданиятнинг соҳибига айланди.²

Ўзбекистон бугунги кунда том маънодаги асрга тенг буюк воқеаларни бошидан кечирмоқда. Тарихдан маълумки, бирор халқ ҳаётида туб бурилиш содир бўлаётган даврларда жамият янги истиқболлар сари бормоғи учун ижтимоий муносабатларни шунга мувофиқ ўзгартирмоғи лозим бўлади. Шу боис ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар шахснинг ва бутунисича жамиятнинг тафаккурида, дунёқарашида, маънавий оламида ўзгаришларни тақозо этади.

XX асрнинг улуғ гуманисти А.Швейцер: “Воқеликни шакллантирувчи кучлар ичида маънавият биринчидир”³, - деган эди. Биз бугун улкан имкониятлар даврида яшамоқдамиз. Бироқ уларни реал воқеликка айлантириш йўлидаги ғов ва хавф-хатарлар ҳам мавжудлигича қолмоқда.

Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш учун аввало, инсонлар онгида туб ўзгаришлар юз бериши зарур. Зеро, кишилар тафаккурини банд этган эски андозалардан, тор қолиплардан, ўз умрини яшаб бўлган ақидалардан халос этмай туриб, янги давр, тарихий тараққиёт билан табиий равишда қўл ушлашиб келадиган янгидан-янги муаммоларни ҳал этиб бўлмайди.

Президент И.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида мустақил тараққиётимизга хавф солаётган ташқи ва ички таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш йўллари ҳақида батафсил фикр юритиб, маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг аҳамиятига алоҳида урғу беради: “Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”⁴, - дея алоҳида таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, жамиятни маънавий янгиламай, кишилар тафаккурини ўзгартирмай туриб, демократик жамиятни қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, умуман ҳеч қандай тараққиётга эришиш мумкин эмас. Зеро, демократик фуқаролик жамияти юксак маънавият ва кенг маърифат тантана қилган жамиятдир.

Мустақиллик туфайли миллий-маънавий тикланишга имконият юзага келди. Президентимиз Ислоҳ Каримов “маънавий ўнгланишни амалга оширмасдан иқтисодий ўнгланиш мумкин эмас”лигини айтиб, “Маънавият халқни, миллатни миллат қиладиган куч-қудратдир” деганди. Шу сабабли мустақиллик йилларида жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган буюк аллома Имом Бухорий, ат.Термизий, Б.Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, ал-Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн-Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий каби буюк зотлар меросини ўрганиш демократик жамиятнинг миллий маънавий негизларини ташкил қилади. Президент Ислоҳ Каримов 1992 йилда ёзган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини кўрсатиб берган эди:

- 1) умуминсоний қадриятларга содиқлик;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 137-138-б.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Т.:Ўзбекистон, 1998. 125-б.

³ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.П. -Т.: Ўзбекистон, 2003. 34-б.


⁴ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 125-бет.

- 2) халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- 3) инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- 4) ватанпарварлик.

2-слайд

Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий- ахлоқий негизлари

**Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли
тўрта асосий негизга асосланади
Бу негизлар:**



3-слайд

Миллий ва умуминсоний тамойиллар.

Миллий
тамойиллар

- Халқимиз ҳаётида жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги.
- Жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги.
- Ота-она, маҳалла-қўй, умуман жамоага юксак ҳурмат-эътибор.
- Миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат.
- Каттага - ҳурмат, кичикка –иззат.
- Меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи-аёл зотиغا эҳтиром.
- Сабр-бардош ва меҳнатсеварлик.
- Ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳ.к.

Бу тушунчалар бир-бири билар узвий боғлиқ бўлиб, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда муҳим вазифа ва манба ҳисобланади. 2002 йил 29 август Олий Мажлиснинг 9-сессиясида Президентимиз Ислоҳ Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асоларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” маърузасида жамиятни маънавий янгилаш лозимлиги тушунчасини моҳиятан очиб берди. “Барча ислоҳотларнинг бош йўналиши ва самарадорлиги пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир” деб бу масалага алоҳида эътибор қаратган эди. Инсон манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароит, имконият яратиш орқали демократик жамиятни барпо этиш мумкин. Президентимиз бу масалага диққат бериб, “Буюк аждодларимизнинг бекиёс маънавий мероси минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз, тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хуллас инсон маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростламоқда”.

Баркамол шахс-демократик жамият тушунчасидир. Маънавий баркамол инсон ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, фалсафий фикрлар тарихда кеча пайдо бўлган эмас. Унинг тарихий илдизлари Шарқ мутафаккирлари ижодий, фалсафий таълимотларига бориб тақалади. Шу сабаб “Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз” деган эди И.Каримов. Президентимиз бу борада комил инсонга таъриф бериб, **онги юксак, мустақил фикрли, хулқ атвори билан ибратли, билимли, маърифатли кишини тушунишини баён этган эди.** Шу боисдан ҳам жамиятнинг маънавий янгилаши демократик жамият барпо этиш омилидир. Миллий-маънавий негизларни билиш учун тарихни, миллий ўзликни англаш ҳам зарур, чунки халқ маънавиятнинг асосидир.

Дарҳақиқат, демократия ҳар бир инсон учун олий қадриятга, жамиятнинг бойлигига айланмоғи керак. Бусиз у шунчаки назария ёки қоғозда қолган қонунлигича қолади, холос. “Барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир.”¹ Негаки, бозор иқтисодиётини барпо этиш бирдан-бир мақсад эмас. Барча ислоҳотлар – иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришдан иборат. «Шу сабабли – деб таъкидлаган эди – Президент И.А.Каримов – жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтишида бизга ислоҳот чоғида одамлар моддий аҳволи кескин ёмонлашадиган, ахлоқий қадриятлар, маънавий таянчлар барбод бўладиган, ўтиш даврининг барча қийинчиликлари аҳоли елкасига тушадиган андоза мақбул эмас»². Бинобарин, энг аввало, эркин фикрлайдиган одамгина ўз Ватанининг ҳақиқий фарзандига айланади. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Инсон озод эмас экан - жамият демократик тамойилларни қабул қилмайди.

Демак, инсон манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароит, имконият яратиш орқалигина демократик жамиятни барпо этиш мумкин.

Ўзбекистонда кечаётган демократик ўзгаришларнинг жамиятнинг маънавий янгилашига боғлиқлиги. Ўзбекистонда кечаётган демократик ўзгаришларнинг жамият маънавий янгилаши билан боғлиқлигининг яна бир жиҳати бор. Ана шу боғлиқлик Президент И.А.Каримовнинг бир қатор рисолаларида ва маърузаларида алоҳида таъкидланган. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йиғилишида (1994 йил 7 июлда) сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Буюк аждодларимизнинг бекиёс маънавий мероси минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифалар ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар дастури. -Т.: Ўзбекистон, 2002. Б.29.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.І. -Т.: Ўзбекистон, 1996. –322-б.

анъаналаримиз, хуллас, инсон маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан кад ростлаяпти»¹. Дарвоқе, Президентимизнинг маънавият, унинг моҳияти тўғрисида назарий-илмий фикрлари ғоят чуқур ва кенг қамровлидир. Шунингдек, у маънавий тарбия - мамлакатимизда демократик жамият барпо этишнинг муҳим шarti эканлигига алоҳида эътибор беради. Дунё тарихида мустақиллик ва озодлик курашчилари тимсолига айланганлардан бири, XX аср буюк ҳинд давлат арбоби Махатма Ганди: “Инсоният – бу ягона оила, бўлинмас оила. Унинг ҳар бир аъзоси содир қилган жиноят учун ҳар биримиз жавобгармиз”, - деган эди. У ёки бу миллат ёки давлат ана шу инсоният деган катта оиланинг ичидаги кичик оила. Ана шу оила аъзоларида баҳамжиҳатлик, маънавий муштараклик бўлмас экан, улар Ганди сўзларида акс этган маънавий бурч ҳиссаси билан яшамас экан, ёруғ келажак ҳақидаги ўйлар хомхаёл бўлиб қолаверади. Зеро, демократик ривожланиш барқарорлик ва ижтимоий ҳамкорликка таянади.

Одамлар маънавият ришталари билан боғлангандагина, улар халқ, миллатга айланади. Чунки “маънавият - инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч”дир.²

Маънавият мавҳум тушунча эмас. У миллат билан, миллий тафаккур билан, миллатнинг тарихи, асрлар мобайнида тўпланган билим ва тажрибаси, тушунчалари, тасаввурлари билан боғлиқ. Француз маърифатчиси Жан Жак Руссо Европа жамияти ҳаётида улкан силжишлар содир бўлаётган XVIII асрда халқда миллий характерни шакллантиришни биринчи вазифа, деб билган эди. Чунки унинг наздида “ҳар қандай яхши ўзгаришларнинг умумий мақсадлари ҳар бир давлатда маҳаллий шарт-шароит ва аҳолининг ўзига хос хусусиятлари асосида шаклланадиган муносабатларга мувофиқ шакл олиши керак”³. Ж.Руссонинг фикрларини бугунги кун нуктаи-назаридан талқин қилсак, демократик ўзгаришларни амалга ошириш, адолатли, маънавияти юксак инсонлар жамиятини қуришда жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, аввало, миллий менталитетни инобатга олиш кераклиги маълум бўлади. Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда кечаётган демократик ўзгаришлар жамият маънавий янгиланишига боғлиқлигини фақат ўзбек миллати маънавияти билан боғлаш ва уни шундай деб баҳолаш адолатдан эмас. Балки унинг билан ягона бир мамлакат ҳудудида яшаётган турли халқ ва миллатга мансуб бўлган барча аҳолининг, турли этник бирликлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳам умумий бойлиги, деб қараш ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Демак, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифасини маънавий янгиланишларсиз амалга ошириб бўлмайди. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Демократия - бу кишиларнинг биргаликда ҳаёт кечириши, муаммоларни баҳамжиҳатлик билан ҳал қилиши, шахсий манфаатларни жамоа, миллат, давлат манфаатлари билан уйғун кўриши, бир сўз билан айтганда, муроса қилиш маданиятидир.

1983 йили жаҳоннинг 29 минтақаси олимлари, жамоат арбобларидан иборат “Гуманитар муаммоларни ўрганиш бўйича Халқаро Комиссия” тузилди. Комиссия XX асрдаги гуманитар вазият ва уни такомиллаштириш устида изланди. Жазоир, Швейцария, Польша, Австрия, Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Эрон, Швеция, Япония - жами 29 мамлакатнинг маърифатпарварлари дунёдаги гуманитар муаммоларни амалий ўргандилар. “Инсоният ахлоқи”, “Глобал масалалар” (яъни экология, қашшоқлик, қуролланиш, терроризм, наркомафия), “Оммавий қирғин қуроллари”, “Қуролли тўқнашувлар”, “Дайди болалар”, “Озиқ-овқат инқирози”, “Чўл-саҳроларнинг кенгайиб бораётганлиги”, “Фавқулоддаги вазиятлар”, “Урушлар” каби ҳалокатли ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этиб, барча муаммолар инсоний туйғуларнинг сусайиши, яъни маънавий кадриятларнинг кадрсизланиши билан боғлиқ, деган хулосага келдилар. Уларнинг тўрт

¹ Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. -Т.: Ўзбекистон, 1994. – 14-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999, 17-б.

³ Ўша жойда.

йиллик меҳнати натижаси бўлган китоб “Инсоният инсонийлигини саклаб қола оладими?” (Нью Жерси, 1989) деган изтиробли ном билан жаҳон тилларида нашр қилинди.

2006 йил 2-3 ноябрда Хива ва Тошкентда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган “Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш ҳақида Президентнинг (2004) қарори қабул қилинган эди. Бу юбилей ЮНЕСКО иштирокида ўтди. Президентнинг 1997 йилда қайта тикланган Хоразм Маъмун академияси, Хоразмнинг XI асрдаги тарихи, маданияти, унинг ташкил топиши ва фаолияти, у ерда Ибн Сино, Беруний, Ибн Ироқ ва бошқа олимлар ишлаганлиги қайд этилди.

2007 йил 24–26 майда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги нишонланди. Самарқанд Буюк Ипак йўлида жойлашган. Самарқанд Рим, Бобил, афина тенгдоши. ЮНЕСКО Бош конференцияси 33-сессиясининг 2005 йил 20 июлдаги қарорига кўра 2750 йиллигини нишонлаш кўзланган эди. Улуғбек мадрасасида 150 дан кўп маъруза тингланди.

ЮНЕСКО томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши муносабати билан 2007 йил 14–15 августда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси равнақиға қўшган ҳиссаси” мавзуидаги халқаро конференция ўтказилди.

Демократик жамият қуришнинг миллий-маънавий, ахлоқий негизларининг **1) фалсафий илдилари** ҳақида фикр юритганда, унинг барча илмларнинг отаси бўлган фалсафа фани хулосаларига асосланиши назарда тутилади. Бунга уйғониш даври ва ўрта асрларда миллий давлатчилигини тиклай бошлаган Европа халқларининг ҳар бири ўзига хос маънавиятини яратганини мисол келтириш мумкин. Мазкур кадриятлар Рим империяси парчалангандан кейин ўз давлатчилигига эга бўлган халқларнинг ўзига хос кадриятлари ва менталитети заминида вужудга келган миллий фалсафалар асосида шаклланди. Шу боис ўша даврдаги италян, инглиз, француз фалсафаси ўзи мансуб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, бу миллий мактаблар заминида вужудга келган фалсафий таълимотлар, маърифий қарашлар инсоният маданияти хазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Жамият ва цивилизациялар ривожига улкан таъсир кўрсатган назариялар, таълимотлар ва мафкуралар мавжуд. Зардушт, Сократ, Платон, Конфуций, Алишер Навоий, Махатма Ганди ва бошқаларнинг бунёдкор ғоялари тарихда ўчмас из қолдирган. Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва фаолияти Шарқ маданиятининг гуркираб ривожланишига буюк ҳисса қўшди.

Кант, Гегель, Ницше каби мутафаккирлар номи билан шуҳрат топган немис фалсафаси хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Жумладан, ҳақиқий миллий хусусиятларга эга бўлган Гегель фалсафаси Австрия империясидан ажралиб, мустақиллик йўлини тутган Прусс монархиясининг давлат мафкураси даражасигача кўтарилган.

Миллий-маънавиятнинг **2) дунёвий илдилари** маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлар мажмуидан иборатдир. Асрлар мобайнида инсоният босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб келди. Умумэътироф этилган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждон эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади. Бундай жамият мафкураси «Дунёвийлик - даҳрийлик эмас» деган тушунча асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини асло инкор этмайди.



Миллий маънавиятнинг **3) диний илдизлари** деганда у инсон онги ва руҳиёти билан узвий боғлиқ экани ва шу боис унинг ғоявий илдизлари диний таълимотларга бориб тақалиши тушунилади. Яъни кўпгина мафкураларда «Забур», «Таврот», «Инжил», «Қуръон» каби илохий китоблар зикр этилган эзгу ғоялар муайян даражада ўз ифодасини топганини кўрамыз.

Хитой халқининг тараққиёт йўлини асослаб берган Конфуций ва Лао Цзининг таълимотлари ҳам диний қарашларга асосланган эди. Бу таълимотлар асрлар мобайнида мамлакатнинг миллий мафкураси бўлиб келган.

Дунёвий ва диний ғоялар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотрудий ва Абу Райҳон Беруний, Имом Ғаззолий ва Ибн Сино, Имом Термизий ва Абу Наср Форобий сингари буюк заковат соҳиблари яшаб фаолият кўрсатган даврлар ёрқин мисол бўла олади.



Миллий-маънавиятнинг тарихий шакллари, мазмун-моҳиятини азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш диалектикаси белгилаб келади. Яъни босқинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажовузкорлик, ақидапарастлик мафкураларига қарама-қарши ўлароқ, озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари узлуксиз майдонга чиқиб, халқларнинг музаффар байроғига айланган.

7.2. Демократик жамият қурилишида миллий ғоя ва маънавий негизларга таяниш зарурияти ҳамда унга зид жараёнларга қарши курашиш

2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилинди¹. Шунингдек, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»² қарори қабул қилинди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши. «Маърифат» газетаси, 2001 йил 20 январь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 26 август.

Қарорга биноан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши хузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Яъни Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика тарғибот марказига айлантирилди.

Миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари Ислом Каримов асарларида асослаб берилган таълимотдир. Миллий истиқлол ғоясининг мазмуни куйидагилардан иборат:

1. Тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш, ўзликни англаш мезони.
2. Халқ мақсадларини ифода этиб, жамият аъзоларини бирлаштирувчи ғоявий вазифани бажаради.
3. Миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч эътиборининг манбаидир.
4. Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам вакилларига бирдай тааллуқлидир.
5. Миллат аҳолиси онги ва қалбида «Ўзбекистон - ягона Ватан» деган тушунчани шакллантиришга хизмат қилади.
6. Турли миллат, қатлам, унинг вакиллари, сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган юксак феномен - ижтимоий ҳодиса мазмунига эгадир.
7. Бирон-бир дунёқарашни мутлоқлаштирмаслик ёки бирон-бир куч, партия ёки гуруҳ кўлида сиёсий қуролга айланмаслик.
8. Ҳар қандай илғор ғояни сингдириш ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиш.
9. Субъективизм, валюторизм каби иллатлардан холи ва жамиятимизнинг холис фикрига таянувчи объектив мафкура бўлиш.
10. Сўз билан ишни, назария билан ҳаётни бирлаштира олиш¹.
11. Давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодалайдиган ғоя, манфаат, муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларидан ижодий фойдаланиш.

Жаҳоннинг демократик мамлакатлари тажрибасида мафкуравий тарбиянинг бой имкониятлари, турли намуналари тўпланган. XX аср 60-70 йиллари Фарбий Европа ва АҚШда **мафкурасизлашувга**, яъни ижтимоий ҳаётни мафкурадан холи (**деидеологизация**) этишга уриндилар. Лекин бу йўл ўзини оқламади. Чунки тарбиядаги мафкуравий бўшлиқ ўз асоратларини кўрсата бошлади... Натижада «мафкуравий янгиланиш», «қайта мафкуравийлашув» (**реидеологизация**)га кучли зарурат туғилди ва мафкурасизлик хатосини тузатишга киришилди. Шу тариқа, Фарбий Европа ва АҚШнинг позитивистик педагогикаси ижтимоий кадрларга эътиборни, мафкуравий тарбияни ўз ичига олувчи «мактабда ўқувчиларни сиёсий индоктрина-циялашни амалга ошириш» концепциясини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ қила бошлади.

Ўзбекистон давлати собиқ СССР даврида **идеологизация** (мафкуралаш-тириш) йўлидан 1991 йилгача келди. Сўнгра **деологизациялаштирилди**. Президент Ислом Каримов 1998 йил «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан суҳбатидан «Жамият мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин», 2000 йил «Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» («Фидокор» газетаси муҳбири билан савол-жавоблари) суҳбатидан сўнг **Ўзбекистон реидеологизация (2000)** йўлини танлади.

Ғоя тушунчаси: Ғоя – инсон тафаккури маҳсули бўлиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун нарса ва ҳодисалар тўғрисида илгари сурилган изчил фикрлар шакли.


¹ Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 8-11-бетлар.

Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр. Инсон онгининг маҳсули сифатида ғоялар тушунча ва фикрлар ёрдамида ифода этилади. **Ғоя** – бу ёки бу ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни ё қўллаб-қувватлайди, ҳимоя қилади ёки рад этиб унга қарши курашишга даъват қилади. **Ғоя - инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир.** Ғоя - объектив воқелик ҳодисаларининг инсон тафаккурида акс этишидир. Ғоялар дунёни ўрганишга ва амалий ўзгарувига хизмат қилади.

Миллий ғоя халқнинг туб манфаатларини ифода этадиган, уни ўз олдига қўйган мақсадлари сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган ғоядир.

Миллий ғоя – у ёки бу миллат, халқ, элатнинг миллий анъаналарини, турмуш тарзини ва танлаб олган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий тизимни ва умуман миллий манфаатларни ҳимоя қиладиган, қўллаб-қувватлайдиган, уларни мустаҳкамлаш учун кўмаклашадиган қарашлар мажмуидан иборат. Ўз тарихи ва тараққиётининг туб бурилиш давларида ҳар қандай миллат ва халқ келажакини белгилайди, унга етишнинг ўзига мос йўллари танлайди. Ана шу жараёнга хос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишлар билан барча ғоявий тамойилларини ҳам белгилаб олади. Бунда бутун миллат учун умумий бўлган ғоялар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган «Ватан равнақи», «Юрт тинчлиги», «Халқ фаровонлиги», «Комил инсон», «Ижтимоий ҳамкорлик», «Миллатлараро ҳамжиҳатлик», «Диний бағрикенглик» каби ғоялар ана шундай умуммиллий ғоялар қаторига киради.

7.3.-ЧИЗМА



Ўзбек миллий ғояси - ўзбек халқи миллий мафқурасининг ғоялари умуминсоний қадриятларга таянади. Бу ғоялар ер юзидаги барча тинчликсевар, эзгуликка интилувчи халқлар ва миллатлар, давлатлар қабул қиладилар.

Мафкура (араб. - фикрлар мажмуи, нуқай назарлар, эътиқодлар тизими) – муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат, жамият ёки давлатнинг манфаатлари, орзу-истак, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоявий-назарий қарашлар ҳамда уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги кун ва истиқбол ўз ифодасини топади.

Мафкура (араб. «мафкура» – фикрлар, нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи.

Мафкура кенг маънода: ижтимоий борлиқнинг жамият ҳаётининг маънавий-сиёсий инъикосидир, унинг инсон онгида акс этиши, инсон томонидан англаниб, бутун тизим ҳолига келтирилиши ва бу тизимнинг Амалий фаолиятда назарий асос ҳамда руҳий таянч бўлиб хизмат қилишидир.

Миллий истиқолол мафқураси – бу истиқололга эришилгандан кейин шаклланган ва тараққий этаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини ва олиб борилаётган ҳам ички ҳам ташқи сиёсатни ҳимоя қилиб қўллаб-қувватлайдиган қарашлар, назариялар мажмуидир.

Турли ижтимоий тузумлар, жамиятдаги ҳар хил табақа ва қатлам-ларнинг мафқураси турлича бўлиши табиий. Бунинг асосида манфаатларнинг турличалиги, уларни қондириш имкониятлари ва услубларининг ҳар хиллиги ётади. Синфий кутблашув кучайган, синфий кураш авж олган (ёки сунъий равишда кескинлаштирилган) тузумларда мафкура ўта сиёсийлашади, аҳолини ўзаро қарама-қарши қилиб қўяди.

Ижтимоий ҳамкорликка асосланган, эркин демократик жамият барпо этишни кўзлаган давлатларда миллий мафкура аҳолининг барча қатламларини жипслаштиришга, умумманфаат ва ягона мақсад йўлида бирлашишга чорлайди. Бундай мафқураларда зиддиятли жиҳатлар эмас, умуминсоний тамойиллар кучайиб боради.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқолол мафқураси айнан жамиятни жипслаштиришга, буюк келажак йўлида яқдил ҳаракат қилишга, барпо этилаётган эркин фуқаролик жамиятида ҳар бир юртдошимизнинг ўзига хос ўрни бўлишига эришишга сафарбар этади.

Президентимиз Ислом Каримов мафкурага шундай таъриф берган: *«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айтилиши вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажакни кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаси ва эртанги кунни ўртасида ўзига хос қўприк бўлишга қодир гоёни мен жамият мафқураси деб биламан»*¹. Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир.

Инсоният ҳаётида гоёга қарши - гоё, жаҳолатга қарши - маърифат тамойили. Ислом Каримов 1998 йили «**Тафаккур**» журнали бош муҳаррири берган саволларига жавобда, тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда бу масалага диққат билан эътибор бериб, «гоёга қарши гоё, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» деган шиор ўртага ташланди. Бу масала гоё ва мафкура тушунчасида ҳам муҳим ўринда туради.

Ёт гоёга қарши биз ўз олижаноб гоёмиздан мактабларимизда, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида, жамиятимизнинг барча қатламларида бизга мутлақо бегона бўлган захарли интилишларга, ҳуруж ва ҳаракатларга қарши чиқишимиз лозим. Бунда энг муҳим масалалардан бири одамлар ўз фикрини айтишга, эркин фикрлашга ўрганиши керак. Яъни *фикрга қарши фикр* бўлиши зарур. Шу боис ёшларимизни мактаб ва олий ўқув юртларида эркин фикрлашга, бахслашишга ўргатишимиз керак. Учунчи масала - *жаҳолатга қарши маърифат*. Бу ўринда асримиз бошида халқни маърифат ва миллий уйғонишга чорлаган жадидчилик ҳаракати намояндалари ҳаётини, ижодини, интилишларини ўрганиш, уларнинг бугунги кундаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам гапиришимиз зарур. Уларнинг мероси бугунги кунда қандай ўқитилмоқда? Умуман айтганда, маърифий озуқа қандай бўлиши керак? Болаларимиз ўқиётган китобларда маърифат зиёси борми. Биз истаётган миллий ғурур, миллий мафкура, миллий гоё уларда етарли даражада акс этганми? (Каримов И.А. Асарлар. Т.8., 468-469-бетлар).

Мазкур тамойилга кўра гоёга қарши гоё, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашга интилиш хисси инсон қалбидаги эътиқод, одам онгидаги дунёқараш ўз-ўзини ҳимоя қила олиш қобилиятдан далолат беради. Бундай кураш усули, айниқса бугунги кунда, инсоният тараққиёт борасида жуда илгарилаб кетган XXI асрда гоётда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки энг кучли қирғин қуроли ишлаб чиқилган, сайёрамизни бир неча марта йўқ қилиб юборишга қодир бўлган ядровий бомбалар захираси

¹ Каримов И. Жамиятимиз мафқураси халқни - халқ, миллатни миллат ўлишга хизмат қилсин. Т.7. -Т.: «Ўзбекистон», 1999. 89-бет.

тўпланиб қолган пайтда ўзаро зўравонлик ва жаҳолатга йўл қўйиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам мафкуравий **иммунитетни шакллантириш** хусусиятлари огоҳлик, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураша олиш кўникмаларидир. Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур». (Каримов И.А. Т.8. 494-бет). Ушбу вазифани миллий истиқлол ғояси бажаради. Президентимиз «**Миллатни асраш керак**» деган ғояни илгари сурди. Миллатни асраш - ўзлигимизни, одоб-ахлоқимизни, меросимиз, қадриятларимиз ва миллий руҳимизни зарарли ғоялар ва мафкуралар таъсиридан авайлаб-асраш, уларга қарши фуқароларимиз ва ёшларимиз қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш деган маънони англатади¹. Мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш учун соғлом, инсонпарвар ғоя ва мафкура билан куроллантириш керак. Миллий истиқлол ғоясининг асосий вазифаси эса халқимизда миллий эътиқод ва дунёқараш асосларини шакллантиришдан иборат.

Маърифат воситасида курашиш деб, бирон бир хавфнинг моҳиятини чуқур англаб, унга қарши билим билан онгли равишда курашишга айтилади.

Жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси, унинг мақсад-муддаоиси бўлиши керак. Модомики, мақсад, ғоя ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, олдин баён этганимиздек, «Мақсад дегани - халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни - халқ, миллатни - миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин». (Каримов И.А. Асарлар. Т.7. 89-бет).

1. “Жамият мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин” (1998) асари. 1998 йили “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида энг муҳим қўйидаги масалалар ўз ифодасини топган:

1. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга фарши маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.

2. Энг даҳшатлиси – фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги. Миллий мафкура – миллатни бирлаштирувчи байроқдир.

3. Мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

4. Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир.

5. Мафкура – ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприқдир.

6. Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги тараққиёт гаровидир.

7. Онгли турмуш – жамият ҳаётининг бош мезони.

8. Мақсадимиз – эркин шахсни тарбиялаш.

9. Кучли давлатдан – кучли жамият сари.

10. Жаҳолат – маърифатнинг кушандаси.

11. Юртимизнинг хавфсизлиги – сиёсатимизнинг бош йўналиши.

12. Энг олий мақсад – халқимизнинг омонлиги.

Миллий ғоя, миллий мафкура қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамият мақсад ва вазифаларини қамраб олиши шарт.

2. Халқимизни ягона миллий байроқ атрақида бирлаштириш, буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона мафкура бўлиши керак.

3. Мафкурамиз миллий қусурлардан, миллатчиликдан, менсимаслик, камситиш каби ҳолатдан холи бўлиши керак.

¹ Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 78-бет.

4. Миллий ғоя ёш авлодни ватанпарварлик , инсонпарварлик , одамийлик фазилатларини шакллантириш зарур.

5. Ватан ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаши, аждодларимиз яратган бой маънавий мероснинг муносиб ворислари бўлиши даркор.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури сиёсий мафкура билан бевосита боғлиқ бўлиб, миллий истиқлол ғояси – мафкураси билан бирга бир мақсадга йўналтирилган. Иккаласи уйғун ривожланган тақдирда қуйидагилар кутилади:

а) Ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги ижодий муҳит бутунлай ўзгаради.

б) Инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиши тезлашади.

в) Мустақил фикрловчи эркин шахс шаклланади.

г) Жамият интеллектуал потенциали ошади.

д) Давлат функциялари ва аломатлари аста-секин тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади (“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” ғояси амалга ошади).

Асарда президент Ислом Каримов мафкурага қуйидагича таъриф берилган: “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айна вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилеб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан” (Асарлар. Т. 7, 89-б.).

II. Президент Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (тарихчи олимлар билан 1998 йил 26 июндаги суҳбати) асарида қуйидаги муҳим мафкуравий ғоялар илгари сурилган:

1. Мамлакатимиз коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида бутун маънавиятимиз, миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз топталганлиги, тарихимиз, миллий давлатчилик тарихи бузиб кўрсатилганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу нуқсон ва қарашларга мустақиллик йилларида аниқ бир фикрга келинмаганлиги, миллий давлатчилик тараққиёти, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган бирорта жиддий илмий тадқиқот яратилмаганлиги айтилди.

2. Давлатчилигимиз туб бурилиш палласига кирган айна бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимизни, кимлигимизни билишимиз керак.

3. Комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилинди. **Комил инсон деганда** биз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз.

4. Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қола оладиган ягона куч – маърифатдир. Миллатнинг маданий савияси унинг ўз тарихига бўлган муносабати билан белгиланади.

5. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Буни давлат сиёсати даражасига кўтариш зарур ва шундай бўлди ҳам.

6. Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўлни кўрсатади.

7. Маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Ҳар бир зиёли фидоий маърифатчи бўлиши керак.

8. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

9. Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Уни йўлдан уриш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади. Тарих қадимийдир. Хоразм давлати 2700 йиллик тарихга эга. Бундан 3 минг йил аввал “Авесто” бизнинг заминимизда яратилган.

10. Миллий бирлигимиз, маданиятимиз илдизлари, томири ўтроқ бўлган. “Ўзбек” деган ном Шайбонийхон давридан мерос эмас, балки қадимий миллат бўлиб шаклланган. Ўзбек том маънода бунёдкордир.

11. “Қуръони Карим”ни ёд билган Амир Темурдек инсон ёвуз бўлмаган. Қонхўр одамнинг “Куч – адолатда” дейиши мумкин эмас. Президентимиз И.А.Каримов Амир

Темурнинг “Куч – адолатда” деган ғоясини ривожлантириб “Куч – билам ва тафаккурда” ғоясини илгари сурган.

12. Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват. Биз ўзбеклигимиздан фарланамиз ва гурурланамиз.

13. Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз.

14. Тарих – халқ маънавиятининг асосидир.

15. Биз Бегунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворисмиз.

16. Тарихни билмай туриб, мафкурунинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди. Чунки мафкурунинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган. Тарих ва фалсафа мантикий равишда бир-бири билан узвий боғлиқ, уни ўрганиш керак. Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз керак.

17. Фан – жамият тараққиётини олға силжитувчи куч ва воситадир.

18. Изланиш, баҳс, мунозара бор жойда ҳақиқат юзага чиқади.

19. Довжорак, замонавий фикрлайдиган, халқаро анжуманларда баҳслаша оладиган олимлар (етишмайди) зарур. Тарихчи мутахассис кадрларни тайёрлашни яхшилаш, тарихга ихтисослашган мактаблар очиш лозим. Ёш истеъдодли олимларни академиклар сафига киритиш зарур. ЎЗР ФАсининг Тарих, Шарқшунослик, Этнография институтлари фаолиятини такомиллаштириш даркор. Олий ўқув юртларида тарихчи мутахассис олимлар фаолиятини танқидий назоратдан ўтказиш лозим.

20. Ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак.

21. Ҳаққоний тарихни билмасдан, уни фалсафий таҳлил қилмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас. Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур.

III. И.А.Каримовнинг “Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи” нутқининг аҳамияти.

И.А.Каримов бу нутқини Миллий истиклол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан 2000 йил 6 апрелдаги учрашувда сўзлади. Мазкур нутқ жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири миллий мафкура хусусида бўлди. Бугунги кунда нафақат иқтисодий ҳаётимизда, балки, онгу тафаккуримизда ҳам янгиланиш ўзгариш жараёни кечмоқда. Пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос – ба миллий ғоя, миллий мафкурадир. Фикр бор жойда баҳс бўлади, баҳс бор жойда ҳақиқат юзага келади. Миллий ғоя, миллий мафкура маъно-моҳияти, биз учун жуда зарур ва кераклигини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

1. Ўз келажagini қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарур. Давлат тизими, уни бошқаришдаги сиёсат аниқ мафкура асосига қурилмағи лозим. Олдин ғоя пайдо бўлади. Одамларимизни олижаноб мақсад атрофида бирлаштиришимиз зарур. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсадга эришиб бўлмайди.

2. Биз тоталитар тузумдан эркин ва озод тузумга ўтиш шароитида яшамоқдамиз. Шу даврда мақсадимиз аниқ бўлиши керак. Ммақсадга пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин.

3. Ёшларимизни қандай ғоя негизида тарбиялаймиз, қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилади?

4. Ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз керак. Энг таъсирчан кураш аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда. Лекин, ҳали суяги қотмаган ёшларимиз сохта ғояларга орқасидан эргашиб кетмоқда.

5. Миллий ғоя миллатнинг ўзлигини англашга, қадриятларни тиклашга хизмат

қилмоғи керак.

6. Миллий мафкурамиз: а) миллий қадриятларга ва б) умуминсоний қадриятларга таяниши зарур.

7. Миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги керак.

“Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, олишиш мумкин”. Озод бўлсанг озод бўл, эркин бўлсанг эркин бўл, мустақил бўлсанг мустақил бўл. Ўзбек миллати оққўнгил миллат. Миллий мафкура ўзликни англашга хизмат қилади. Ўзликни англаш ўз тарихини билишдир. Тарихни билиш насл-насабини англашдир. Миллий ғоя бирлаштирувчи куч, қанот бўлиши керак. (Каримов И.А. Асарлар, Т.8, 462-474-б.).

IV. Президент Ислон Каримов 2000 йил 8 июнда “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавоблари “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” деб номланган бўлиб, мазкур асар Президентнинг 8-жилдидан жой олган.

Ҳар қандай жамиятни, халқни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиш учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор ғоялари мавжуд бўлиб келган. Президентимиз таъбирича, мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаётий мазмуни, интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Мамлакатлар, давлатлар ўз манфаатларини миллий ғоя, миллий мафкура орқали белгилаб олади.

Ҳозирги замонда энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир.

Президент Ислон Каримовнинг “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва келажакка ишончдир” асарида кўтарилган асосий ғоялар қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакат, давлат манфаатлари миллий мафкура орқали ифодаланади.
2. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани хал қилади.
3. Қудратли давлатлар, айрим сиёсий марказлар инсон онгини забт этиб, ўзига қаратиш учун курашмоқда.
4. Мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Чунки ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар мафкуравий бўшлиқ туфайли юз бермоқда.
5. Одамнинг қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади.
6. Ёт мафкуравий таъсирга айрим ёшлар кириб кетмаслиги учун мафкуравий иммунитетни кучайтириш керак.
7. Мақсад ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик фамиятини барпо этишдан иборат.
8. Сиёсий ва давлат қурилишини эркинлаштириш лозим.
9. Оилани мустаҳкамлаш орқали адолатли жамиятни шакллантириш.
10. Жамиятнинг иқтисодий асоси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига қартилиши керак.
11. Жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятлар асосида ривожланади.
12. Миллий мафкурани ёшлар онгига содда, лўнда қилиб тушунтиришда турли воситалардан самарали фойдаланиш.
13. Мафкура қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, балки у узлуксиз жараён бўлганлиги боисдан миллат манфаатларига жавоб бериши даркор.
14. Миллий мафкурани тепадан туриб яратиб бўлмайди, у принципитал масаладир.
15. Миллий истиқлол мафкураси Ватан туйғуси, она тилига муҳаббат, миллий қадриятларга эътиборда бўлиши, оила маҳалла, яъни миллий қадриятлар билан бирга умуминсоний қадриятларга, диний қадриятларга, маърифат тамойилларига монанд ривожланиш керак. (Каримов И.А. Асарлар. Т. 8. 489-508-бетлар).

V. 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида” ги Фармойиши қабул қилинди. Бунга кўра Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” , “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанлари таълим дастурларига киритилди.

VI. 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга биноан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши хузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибор маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Яъни, Республика “Маънавият ва маърифат” маркази Республика “Маънавият ва маърифат” кенгашининг амалий тарғибот йўналишда фаолият олиб борадиган Республика тарғибот марказига айлантирилди.

1. Геосиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги мафкуравий таъсир ўтказишнинг «**Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил**» деган қадимий тамойилининг қуйидаги йўллари мавжуд:

- 1) Мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқариш.
- 2) Минтақа давлатлари ўртасида турли зиддиятларни юзага келтириш. Минтақада гегемонликка асосланиб, давлатни заифлаштириш орқали ўз «иттифокчисига» айлантиришга эришиш.
- 3) Халқаро майдонда муайян мамлакат ҳақида нотўғри, ноҳолис тасаввурларни шакллантириш.

2. Минтақада геостратегик манфаатларни ифодаловчи «**Бўлиб ташла, ва ҳукмронлик қил**» тамойилини тўлдиришга хизмат қилувчи «Имтиёзли ҳамкорликни белгилаш» тамойили ҳам мавжуд. Унинг мақсади:

- 1) Ҳар бир давлат ким баландир шiori билан имтиёзли ҳамкорликка асосланиши.
- 2) Айирмачиликни шакллантириш.
- 3) «Номақбул» давлатлар имкониятларини чеклаш.
- 4) Мақсад - муайян минтақага таъсир ўтказиш пландармига эга бўлиш.

3. «Тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик» тамойили геостро-тегин манфаатларни рўёбга чиқариш ва давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлашнинг энг оқилона ва тўғри йўлидир. Ўзбекистон бунга амал қилиб келмоқда.

Баркамол шахс – демократик жамият таянчи. Маънавий баркамол инсон ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, фалсафий фикрлар тарихда куни кеча пайдо бўлган эмас. Унинг тарихий илдизлари Шарқ мутаффакирлари ижодий, фалсафий таълимотларига бориб тақалади. Аини пайтда дунёда энг ривожланган демократик мамлакатлар тарихий тараққиётини ўрганиш шундан далолат берадики, бирон-бир жамият дастлаб баркамол авлодни вояга етказмасдан туриб, буюк ўзгаришларни содир этолмаган. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг тақдири, унинг келажаги ҳам бундан мустасно эмас. Мамлакатимиз Президенти томонидан таъкидлаб келинаётганидек, ҳар қайси жамият, ҳар қайси давлат ва миллат қудрати, унинг табиий бойликлари ҳарбий кучига ва ҳатто ишлаб чиқариш технологияларига ҳам боғлиқлиги нисбийдир. Уни биринчи навбатда дунёга танитадиган, юксак маданиятли маънавий баркамол инсонлардир. Масалан, ана шу нуктаи назардан ёндашиш муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, демократик жамиятнинг ўзини ҳам фақат маърифатли, маънавий баркамол кишиларгина барпо этиши мумкин. Президент Ислон Каримовнинг Олий Мажлиснинг Биринчи чақириқ, биринчи сессиясида «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» маърузасида «Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз» - деган фикрлари мамлакатимизда демократик жамиятни барпо этишда

– баркамол авлодни вояга етказиш стратегик аҳамиятга эга эканлиги исботидир. Шу ўринда баркамол шахс тушунчаси, унинг демократик жамиятни барпо этишдаги ўрни масаласини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Албатта, Шарқнинг буюк алломалари асарларида комил инсон масаласи доимий равишда катта ўрин олиб келинганлигига ва уларни безовта қилганлигига ҳам боғлиқ эмас.

Бу муаммога ўз муносабатини билдирган Юртбошимиз шундай дейди: «Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, Шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар». Ва давом этиб **«Комил инсон деганда, биз, аввал, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз.** Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикри-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши, етук одам бўлади».¹ Ана шундай баркамол, етук инсонларни тарбиялаб, вояга етказиш мустақилликни мустаҳкамлаш, уни кўз-қорачиғидай асраб-авайлаш талаб-эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган объектив таракқиёт заруратидир.

Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий бундан беш аср олдиноқ комил инсонлар ҳақидаги таълимотини яратган эди. Унинг бу ҳақдаги фикрлари асосан «Маҳбуб ул-қулуб», «Ҳайрат ул-аброр», «Насойимул муҳаббат» асарида ўз ифодасини топган. Алишер Навоийнинг комил инсонга хос хусусиятлар, унинг Шарқона хислат ва фазилатларини батафсил санаб ўтган. У «Маҳбуб ул-қулуб» асарида «Одам икки дунёнинг энг азиз ва шароф маҳлуқидир», деган сўзни келтиради. А.Навоий фикрича, Парвардигорнинг оламни яратишдан мақсади инсон эди.

Шундай экан, мамлакатимиз келажаги, демократик ислохотлар тақдири кишиларнинг, бутун халқнинг онги, маънвияти даражасига боғлиқ. Инсон руҳияти соғлом бўлса, ўзлигини англаса, шахсга айланади. Киши шахс даражасига кўтарилсагина, яъни ўз мустақил фикрига, дунёқарашига, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлганидагина, “демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади”².

Баркамол авлод – Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини ислоҳ қилиш масалалари. 1997 йил 29 августда Олий Мажлис 9-сессиясида Президентимиз Ислон Каримов “Баркамол авлод-Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори” ҳақида маъруза қилди. Бу маърузада таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг бош мақсад ва йўналишлари, стратегик йўналишлари белгилаб берилди. Мазкур сессияда 2 та тарихий ҳужжат ҳам қабул қилинди. 1. **“Таълим тўғрисида”ги Қонун** ва 2. **Кадрлар тайёрлаш миллий дастури**. “Таълим тўғрисида”ги қонун 5 бўлим 34 моддадан иборат. Бунда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий 9 та принципи баён этилган бўлиб, таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги, демократик ҳарактерда эканлиги узлуксиз ва изчиллиги, умумий ўрта, ўрта махсус, касб- ҳунар, унинг дунёвий характери каби тамоиллар кўрсатиб берилган. Президентимиз Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш босқичлари ҳақида гапириб ўтди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 5 бўлимдан иборат, унда 1) Муаммонинг ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш омиллари деб номланиб, унда ривожланишнинг эришилган даражаси камчилик ва муаммолар, ислоҳ қилиш омиллари чуқур очиб берилган. 2) “Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни руёбга чиқариш босқичлари”да эса дастурнинг мақад ва вазифалари, дастурни руёбга чиқаришнинг 3 босқичи: а) 1997-2001; б) 2001-2005 ва; в) 2005 ундан кейинги йиллар ҳақида кенг фикр юритилган. 3) Кадрлар тайёрлаш миллий модели: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1999. 134-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Асарлар. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 3–51-б.

принциплари, уни ислоҳ қилиш йўллари, узлуксиз таълим тизими ва турлари: мактабгача, умумий урта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртларидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим турлари берилган. Кадрлар тайёрлаш тизимида фан, ишлаб чиқариш масалалари ўрин олган. 4) Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари берилган ва 5) дастурни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар баён этилган. Ушбу Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши жуда катта тарихий аҳамиятга эга ҳам бўлди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафқуравий қарашлар ва саркитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак манавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар миллий тизимини яратишдир дейилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг **биринчи босқичи**ни амалга ошириш учун қушимча 65 млрд. сўм ажратиш, қўшимча маблағ бериш тақдирда ўтилган эди ва у бугунги кунда амалга оширилди. Биринчи босқични рўёбга чиқариш учун унинг ҳуқуқий асослари барпо этилди. **Иккинчи босқич** даврида эса асосий эътибор унинг сифат босқичи бўлиб бунда таълим соҳасини янада такомиллаштириш билан боғлиқ жиҳатларга эътибор берилди. 1997 йил 6 октябрда Президентнинг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида” фармони қабул қилинди. Мазкур қонун ва фармонлар асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга бағишлаб, бир қатор қонун ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 7 февралдаги "Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қўриб бўлмайди" нутқида таълим тизимига оид масалаларнинг илгари сурилиши.

2005 йил 7 (февраль куни Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан бўлган учрашувида "Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қўриб бўлмайди" мавзuida нутқ сўзлаб таълим тизимига оид долзарб муаммоларни баён этди.

Жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, ҳаётимизнинг барча соҳаларида либераллаштириш, яъни эркинлаштириш вазифалари аниқ белгилаб берилди. Бу вазифалар бевосита таълим тизимига ҳам таъсир этмасдан қолмаслиги таъкидлаб ўтилди. Таълим тизими раҳбар кадрларига ҳам иккита талаб асосида ёндашмоқ керак. **1. Биринчи талаб** - ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш лозим. **2. Иккинчи масала** - ҳукумат аъзоси сифатида сизларга катта ишонч, катта вазифа юклатилган, деди Президентимиз. Раҳбар фаолиятига ана шу 2 та талабга жавоб беришга қараб баҳо беришимиз, хулоса чиқаришимиз керак. Майли раҳбарнинг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларга бюджет маблағларининг қарийб 50 фоизи сарфланаяпти. Ҳозир замонвий коллежлар қурилди, лекин уларда кимлар ишляпти? Коллеж директорларини тасдиқлаш расман Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига киритилган. Лекин амалда бу иш қандай йўлга қўйилган? Ана шу янги-янги коллежларнинг раҳбарларини қачон тасдиқлаш керак, ишга киришишдан олдинми? Янги директор иш бошлашдан аввал хўжаликни қабул қилиб олиши лозимми? Ўқитувчиларни тайёрлаш керакми? Коллежларнинг моддий-техника базаси, ўқув жиҳозлари, моддий бойликлар учун кимдир жавоб бериши керак? Жойларда аҳвол тамоман бошқача бўлмоқда. Мисол учун бир туманда коллеж қурилишига ажратилган маблағнинг 30 фоизи қўшиб ёзиб ўзлаштириб юборилган. Қурилган коллежларнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ. Мактабларнинг аҳволи ҳам бундан баттар. Шу тариқа бир тўла қаллоб бу борадаги давлат сиёсатини чиппақка чиқармоқда. Туман, вилоят ҳокимлари эса бу иш билан иши йўқ. Нега буларнинг жиловни тортилмайди. Вилоят коллежларининг аҳволини ўрганиш, лицей-коллежларга ким директор, ким ўқитувчи, у ерда қандай ишлар борапти? Барчамизнинг

эртанги умидимиз фарзандларимизнинг таълим ва тарбия олиши қандай ташкил этилганлигига боғлиқ эмасми? Албатта шунга боғлиқ. фикримча, Тошкент Техника университети қошида коллежлар учун ўқитувчилар тайёрлайдиган кўшимча факультет ташкил этиш керак. 2005 йил июль ойидаёқ очиш лозим. Президентнинг бу фикрлари инобатга олиниб, амалда жорий этилмоқда.

Кадлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳал қилувчи бўғини бўлган лицей ва коллежлардаги мавжуд аҳволни яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, унинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Зеро, янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. (Маърифат, 2005 йил 19 февраль).

Демак, Президентимиз ҳар қандай ташкилот бўлмасин мутасадди раҳбарнинг ўз ишига бўлган жавобгарлигини ошириш, билдирилган ишончга масъулият ҳисси билан ёндашмоқ лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

2005 йил 2 июндаги “2005 – 2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, олий ўқув юртларини давлат гранти асосида битирган ёш мутахассис таълим муассасаларида 3 йил мажбурий ишлаб бериши белгиланган. Ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда 2006 йилда олий таълим муассасаларини тугатган жисмоний тарбия ўқитувчилари йўлланма бўйича республикамизнинг мазкур фан муаллималарига эҳтиёж бор мактабларга ишга тақсимланди.

Жамиятнинг маънавий янгиланиши - демократик фуқаролик жамият барпо этиш омили. Собик тоталитар тузум даврида олиб борилган халқларни ялпи манқуртлаштириш сиёсати ўзбек халқини ҳам ўз тарихидан, маданиятидан, маънавий қувватидан, миллий ҳиссиётидан, ўзлигидан айиришга анча-мунча улгурди. Советлар давридан қолган бундай оғир “мерос” ҳақида кейинчалик Президент И.А.Каримов шундай фикр билдиради: “Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф одатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган манқуртларга таянар эди”¹.

Узоқ йиллар давом этган тутқунлик, ғайриинсоний мафқуранинг якка ҳукмронлиги бизга мутеликни сингдирди. Мутелик ўзбек халқининг азалий қадриятлари – андиша, назокат либосини кийди ва ҳақиқатни дадил айтиш, ўз фикрини очик билдириш, юмшоқ айтганда, беодобликка, беандишалikka йўғрилди. Ваҳоланки, демократия – яхши ниятли ростгўйликни, фикр эркинлигини тақозо этади.

Афсуски, собик иттифоқ ҳудудида бу каби эски касалликлардан халос бўлмаган кимсалар ҳамон учрамоқда. Буни И.Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида яна бир бор алоҳида таъкидлаб, шундай дейди: “...ўз умрини яшаб бўлган, сиёсий жиҳатдан касодга учраган, коммунистик мафқурага асосланган тизимни соғиниб-қумсаб гапираётган айрим сиёсат ва давлат арбоблари – эски тузум тарафдорлари яна қайтадан бош кўтараётганига гувоҳ бўлмоқдамиз “... Бир сўз билан айтганда, СССРнинг ғояси собик иттифоқ минтақасидан ҳали бери бутунлай кўтарилган эмас ва буни биз доимо инобатга олишимиз, ҳамиша сергак ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур”².

Шукрларким, халқимиз онги, қалбига чуқур сингиган минглаб йиллик маънавий қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз уни зўрлик билан киритишга ҳаракат қилинган коммунистик мафқуранинг домига тўлиқ тушиб қолишдан асради. Аммо Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда: “ернинг шўрини ювиш осон экан-у, **одамнинг онгидаги шўрини ювиш қийин**” экан-ки, “манқуртлик касали”нинг асоратлари баъзи кишиларимиз онги ва руҳиятида ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Эркин фуқаролик жамиятини қуришда **тарихни**, ажодларимиз қолдирган **маънавий меросни ўрганиш** ва амалда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тарихимиз қанча кўп ўрганилса, ундан бугунги маънавият, ғоявий ислохотлар учун шунча кўп амалий тавсиялар чиқаверади. Ҳазрат Навоийнинг: “Озод бўлмоқ истасанг, ўзингни озод тут”, деган сўзлари бугунги воқелик билан боғлиқ эмасми?

¹ Каримов. И.А Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 7-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Асарлар. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 3–51-б.

Ёки яна бир мисол: Ўрта асрлар тиббиёт илмининг бир тармоғи – маънавият тиббиёти деб аталган экан. “Маънавий тиббиёт” деган битта номда Ал-Канди (800-860 й.й.), Абу Бакр Ар-Розий (865-925 й.й.), Абу ал-Фарах Абу ар-Раҳмон ибн Жавзий (вафоти-1201 й.), Абу Исҳоқ Ироҳим ибн Юсуф Аш-Шерозий (вафоти – 1093 й.) каби кўплаб Шарқ алломалари ўз китобларини ёзиб қолдирганлар. Тан табобати инсон жисми билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва даволаш билан шуғулланган бўлса, **маънавий тиббиёт инсон қалби, онгини иллатлардан фориғ этишга, инсоний фазилатларни такомиллаштиришга хизмат қилган.**

Тарихнинг аччиқ сабоқларидан яна бири шуки, маънавият, ахлоқ-одоб инсон хатти-ҳаракатлари, фаолияти ва эҳтиёжларининг мезонига айланмай туриб, жамият биронта муаммоларни самарали ҳал этиши ва ижтимоий тараққиётга эришиши мумкин эмас.

Туркистон ўлкасининг XIX аср 70-йилларида Россия империясининг мустамлакасига айланиши тарихи бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Халқимиз тарихидаги бу қайғули ҳодисанинг кўплаб сабабини келтириш мумкин. Аммо энг асосийси, жамиятнинг рухий эврилишга учрагани, элга бош бўлиши лозим бўлган ҳукмдорлардан тортиб, бой ва уламоларгача ўз шахсий манфаати доирасида ўралашиб қолганлиги, истиқлол учун курашган зиёлиларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, жамият кишилари бирлаша олмагани эканлиги, десак хато қилмаймиз.

Тарих – халқ маънавиятининг асоси. Тарихий тараққиёт йўлида инсоният тўплаган тажриба ва сабоқлар маънавий мезон ва қарашлар тизими сифатида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. И.А.Каримовнинг тарихчи олимлар билан суҳбатда: “Тарих - халқ маънавиятининг асосидир”,¹ – деб айтган сўзларининг мазмун-моҳияти ана шунда.

Тарих сабоқлари инсонни хатолардан асрайди, ҳушёрликка ўргатади, рухий эврилишдан асрайди. Бироқ, таъкидлаш жоизки, маънавият фақат мерос бўлиб авлоддан-авлодга ўтадиган тарихий қадрият бўлмай, доимий ривожланиб, янги давр қадриятлари билан бойиб, уйғунлашиб борадиган, доимий ҳаракатдаги ҳодисадир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: “Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада раванқ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир”². Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг тўрт асосий маънавий негизлари ичида “умуминсоний қадриятларга содиқлик” белгиланди. Бугунги кунда мамлакатимиз раванқини ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган демократия, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, эркин бозор муносабатлари, сўз эркинлиги каби умуминсоний қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Инсон руҳияти соғлом бўлса, ўзлигини англаса, шахсга айланади. Киши шахс даражасига кўтарилсагина, яъни ўз мустақил фикрига, дунёқарашига, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлганидагина, “демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади”³.

7.3. Миллий ва маънавий ўзгаришларнинг давлат ва жамият қурилишида ақс этиши

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсад этиб белгиланган бир пайтда, демократик тамойилларни эгаллаш, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, демократик меъёрлар асосида кўппартиявийлик тизимни такомиллаштириш, давлат

¹ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 438-бет.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 135-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.. Асарлар. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 3–51-б.

бошқаруви органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич жамоат ва ўз-ўзини бошқариш ташкилотларига ўтказиш каби вазифалар умуминсоний кадриятларни ўзида ифода этган ҳолда маънавият билан туташади.

Янги даврда жаҳондаги илғор мамлакатларда шаклланган демократия ва фуқаролик жамияти асосий кадриятлари – **халқ ҳокимияти, фуқаролар манфаатларини ҳимоялашга қаратилган сиёсат, сиёсий қарорларни қабул қилишда кўпчиликнинг иродасига таяниш, озчиликнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг кафолатланиши, эркин ва адолатли сайловлар тизимининг жорий этилиши, барчанинг қонун олдида тенглиги, ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати каби кадриятлар халқнинг, ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзи, маънавияти ва маданиятининг узвий ва ажралмас қисмига айланганидагина, демократик жамиятни қуриш реал воқеликка айланади.**

XVIII асрнинг машҳур файласуфи Жан Жак Руссо: “Демократия золимларни дунёга келтиради”, - деб ёзган эди. Бу ўта қатъий айтилган фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмаса-да, айтиш лозимки, унинг ортида реал хавфга ишора бор. Собик СССРда кечган жараёнлар бунга ёрқин далил бўла олади. Демократия шиорлари остида олиб борилган сиёсат ортида алоҳида шахсни кўпчиликнинг иродасига бўйсундириш амалиёти яширинган эди. Алоҳида шахснинг манфаати ва ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя этилмаган ҳолда эса, ҳар қандай ҳокимият, ҳатто демократия шаклидагиси ҳам осонлик билан авторитаризм ва тоталитаризмга айланади. Ана шу ўринда маънавиятнинг ижтимоий-сиёсий характери, ҳуқуқ билан туташ нуктаси намоён бўлади.

Ўзбекистонда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари. Ўзбекистон ўз миллий мустақиллиги туфайли миллий урф-одатлари, диний кадриятлари тикланди. «Наврўз» байрамидан диний тамға олиб ташланди. Маънавий ҳаётимиздаги диний байрамлар, ҳайит кунлари республикамизда умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинмоқда. Маънавий ҳаётда ислом динининг алоҳида ўрни бор. Президентимизнинг 1992 йил 7 мартдаги фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича кўмита ташкил қилинди. 1992 йил 27 мартда Президентимизнинг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ўзбекистонда 18 та конфессия мавжуд бўлиб, 3 мингга яқин диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. Давлат улар билан ўзаро муносабатда, ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тамойилларга асосланади. Бу тамойилларни Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон: 21 аср бўсағасида...» асарида кўрсатиб берган эди. Булар:

- 1) Диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш.
- 2) Диний эътиқотларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан оилиш.
- 3) Диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни тақиб қилишга йўл қўймаслик.
- 4) Маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий кадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқат қилиш йулларини излаш зарурати.
- 5) Диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш қабилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 31-моддасида баён этилганидек, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Ана шу мода асосида 1998 йил 1 майда Олий Мажлис XI сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг Янги таҳрири қабул қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш демократик, фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидан биридир. Лекин диндан, Айниқса ислом дини кадриятларини туғри тушунмаслик натижасида ҳудудимизда

диний экстремизм, фундаментализм, вахобийлик хизбу тахрир каби оқимлар пайдо бўлиб, ўтиш даврида айрим қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиб, мамлакатимизнинг дунёвий давлат йўлидан боришига қарши бўлган оқимлар юзага келди, улар мамлакатимизни исломий давлат қуришни тарғиб қилмоқдалар. Масалан, 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида юз берган қўпурувчилик ҳаракатларида ўзларини ислом ҳомийлари қилиб кўрсатган акромийлар тўдасининг қилмишлари хунрезликларга сабаб бўлди. Давлатимиз унинг олдини олиб, ёшлар орасида бундай оқимларга кириб қолмаслик учун тарғибот ишларини кучайтирмоқда.

Миллий ўзликни англаш айнан маънавий кадриятларни ўзлаштириш, ўз халқининг тарихи, маданий меросини ўрганиш, бугунги ҳолати ва эртанги истиқболини аниқ тасаввур этишдан бошланади.

Миллий маънавий кадриятлар кўп асрлик тарихга эга. Ўзбекистондаги тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар ё урф-одат ва маросимларни таҳлил қилиш, буларнинг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга бориб тақалишини кўрсатади. Масалан, «Авесто» бундан 2700 йил муқаддам 12 минг мол терисига олтин харфлар билан битилган бу асар пайдо бўлиши учун ундан аввал ҳам камида неча минг йиллик давр ўтганлиги, теран ҳаётий тажриба ва ҳикматлар тўпланганлиги, шубҳасиз. Бу асар юксак маданий ҳаёт, фалсафа ва фан, хототлик ва муштарийлик ривожланиши натижасида яратилганлиги учун ҳам шу пайтгача ўз қимматини йўқотмади.

Даврлар ўтиши билан миллий маънавий кадриятлар ҳам ўзгариб, ривожланиб, янгиланиб, бойиб боради. Замон руҳига ва тараққиёт талабларига мос келмай қолган меъёр ва талаблар инкор этилади. Янгича тасаввур ва ёндашувлар, фазилат ва одатлар ҳаётга кириб келади.

XXI аср бошига келиб ахборот технологиялари туфайли глобаллашув жараёни янги босқичга кўтарилди. Бу шароитда миллий кадриятларга четдан бўладиган таъсир бекиёс даражада зўраяди. Бу таъсир, бир томондан, миллий маданиятларнинг бойиши, кадриятларнинг қайта баҳоланиши ва юксалишига, иккинчи томондан эса, миллатнинг руҳияти ва кадриятига ёт бўлган одат ва ҳаракатларнинг кириб келишига сабаб бўлади.

Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарида халқнинг маданий кадриятлари, маданий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавий куч бўлганлигига алоҳида эътибор берди.

Бунда 1) собиқ мафкура тазйиқини; 2) маънавий ва маданий меросни тиклаш Ўзбекистон давлати сиёсатида муҳим вазифа сифатида белгилаб олинганлигини чуқур ўрганиш, ёшларнинг унга эътиборини жалб этиш муҳим.

Жамиятда маънавий кадриятларни тиклашга миллий-маънавий жараёни сифатида қарашда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим:

1. Халқимиз истиқбол туфайли сиёсий мустақилликни қўлга киритганлиги.

2. Ўз тақдирини ўзи белгилашнинг чинакам эгаси бўлганлиги.

3. Ўзининг маънавий-тарихий илдизларини ўрганиш имконияти юзага келганлиги, аммо унинг жуда мураккаб жараёнларда амалга оширилаётганлиги.

4. Мустақилликнинг дастлабки йилларида «сиёсий, маданий экстремизм хавфи» туғилиши мумкинлигининг ҳисобга олинганлиги республикада мустақилликни сақлаб қолишда, барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини чуқурроқ, атрофлича, аниқ мисоллар ёрдамида ёритиш ўзининг амалий аҳамиятига эга.



1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Президентининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 1996 йил 9 сентябрда эса «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони ва бошқа манбаларда қуйидаги қадриятлар ҳақида гапирилади:

1. Ватан - энг олий макон, у меникидир.
2. Энг олий қадрият - инсон.
3. Мулкнинг энг олий шакли - интеллектуал мулк ва инсон фаолиятининг энг олий тури - интеллектуал меҳнат.
4. Вақт энг олий бойлик.
5. Умуминсоний қадриятлар.
6. Моддий қадриятлар.
7. Миллий қадриятлар.
8. Табиий қадриятлар.
9. Иқтисодий қадриятлар.
10. Ижтимоий - сиёсий қадриятлар.
11. Маънавий қадриятлар.
12. Ахлоқий қадриятлар.
13. Диний қадриятлар.
14. Оилавий қадриятлар.

15. Демократик кадриятлар ва ҳ.к.

Президент Ислом Каримов ўтган 16 йил мобайнида ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий негизларини асослаб берди:

1. Умуминсоний кадриятларга содиқлик.
2. Халқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш, ривожлантириш.
3. Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши.¹
4. Ватанпарварлик.

7.5-ЧИЗМА



ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

Демак, жамиятдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун маънавият сиёсатининг бош таянчи бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов демократик фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш учун “инсофли, диёнатли одамларнинггина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳақи бор”лигини таъкидлаб келмоқда.

Президентнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” маърузасида ислохотларнинг бош йўналишини ва самарадорлигини белгилаб берадиган қуйидаги устувор вазифани белгилаб берди: “Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамisha амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас кадриятлар турмоғи керак”.¹

Маънавият инсон руҳиятида воқе бўлади. Шунинг учун у аввало, алоҳида олинган инсон билан боғлиқ тушунча. Аммо инсон жамиятдан ажралмас бўлиб, жамиятдан ташқарида ўз инсонлик моҳиятини йўқотар экан, маънавият инсонни ўзга одамларга, жамиятга, бутун борлиққа дахлдор қилади. Шу жиҳатдан маънавият ижтимоий мазмун касб этади. “Инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина, маънавият билан туташади”.² Демак, ҳар бир киши ўзининг яшаш тарзига, ўзгалар билан бўлган муносабатига жиддий эътиборни қаратмасдан туриб, жамият биронта муаммони ҳал этиши мушкул.

Бугунги кунда ҳар қандай миллий тикланиш ва миллий ривожланишнинг асоси бўлган маънавий мерос, урф-одатлар, анъаналар, юксак кадриятлар, тарихий хотира халқимизга қайтарилди. Миллий ўзлигини, ҳуқуқларини тобора теранроқ англаб бораётган халқимиз

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996, 76-бет.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. 1-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2002, 81-бет

² Ўша манба.

учун буюк келажакни барпо этиш йўлида бу бой имкониятлардан фойдаланиш, барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожланишга, Ўзбекистонда демократик-хукукий жамият куриш ишига йўналтиришга сафарбар этишдек улкан имкониятлар яратилди.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Маънавий янгиланишнинг мустақиллик билан боғлиқлиги нимада?
2. Миллий-маънавий мероснинг янгича маъно ва мазмунини баён этинг?
3. Агрессив миллатчилик, шовинизм нима учун демократия ва миллий-маънавий негизларга зид?
4. Экстремизмнинг терроризм билан боғлиқлигини изоҳлаб беринг?
5. Қандай шахс демократик жамият мезони бўлади?
6. Президент Ислом Каримовнинг “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” маърузасини шарҳлаб беринг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. –6–12-б.
2. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. -Нукус: «Қорақалпоғистон», 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6, 8-12, 14-15, 16-26, 28-38, 47-48-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 36-85-бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.3. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 3-54-бетлар.
7. Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида. Т.10. -Т.: «Ўзбекистон», 2002, 26-52-бетлар.
8. Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг хукукий асоси. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: «Ўзбекистон», 2003, 3-52, 97-120-бетлар.
9. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
10. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
11. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
12. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
13. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
14. Каримов И.А. Демократик ҳукукий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини куриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
16. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.

17. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафкуриси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
18. Каримов И.А. Янгиликлар ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
19. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
20. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
21. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
22. Одилқориев Х.Т., Гойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. Т.: ЎзРИИВ Академияси, 2004, 278-296-бетлар.
23. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 237-255-бетлар.
24. Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. Т.: Ф.Фуллом ном. Нашр-матбаа ижодий уйи, 2004, 3-48-бетлар.
25. Ҳусанов М. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг аҳамияти. Т.: ТДЮИ, 2004. – 32-б.
26. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
27. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
28. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
29. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
30. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
31. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.
32. Назаров Қ. ва бошқалар. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: “Академия”, 2007. –352 б.

8-МАВЗУ. ФУҚАРО ЭРКИНЛИГИ ВА ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ОМИЛИ

8.1. Фуқаро эркинлиги ва фаоллигининг турлича талқинлари. Фаробий комил инсон ва фозил жамоа тўғрисида

Тарихий тараққиётда фуқаро эркинлиги ва фаоллигининг турлича талқинлари (Фаробий ва Навоий фозил жамоа ва комил инсон тўғрисида).

Бугунги кунда “фуқаро” “фуқаролик”, “фуқаролик жамияти”, “фуқаролик масъулияти”, “фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари”, тушунчалар демократик ривожланишнинг зарурий шартларидан бирига айланмоқда. Фуқаролик тушунчаси жамиятнинг ҳозирги давр демократик ҳуқуқий давлат тамон ривожланишида катта йўлни босиб ўтди. У жамиятнинг демократик ривожланишида қулга киритилган улкан ютуқдир. Фуқаролик тушунчаси қадимги Юнонистон ва Римда мавжуд бўлсада, у асосан феодализм инкирозига учраб жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт, демократия ва бозор муносабатлари заминига ўта бошлаганда “шаҳарли” деган ҳозирги шаклда юзага келган.

Мустақиллик туфайли “гражданлик” сўзи ўрнига” фуқаролик” атамаси кириб келди¹. “Фуқаролик эркинлиги” тушунчаси ҳам политологик, ҳам ҳуқуқшунолик фанларининг умумий категориялари сифатида ўрганилади. Демократия инсон эркинлигини қонунлар орқали қафолатлайди. Инсоният борлиқни ва ижтимоий ҳаётда эркинликни ифодалашнинг ҳуқуқдан ташқари бошқа бирон бир шаклини ҳозиргача кашф этмаган.

Инсоннинг муҳим хусусиятларидан бири - унинг ижтимоий мавжудот эканлигидир. Инсон ўзининг эҳтиёжларини қондириш мақсадларида ўзи каби инсонлар билан бирлашишга интилади. Инсоннинг ижтимоийлашуви сунъий характер касб этиб, у шахс сифатида бошқа инсонлар ўртасидаги муҳитдагина шакллана олади. Агар у инсоний муносабатлардан холи бўлса, ўзидаги ёвузлик ёки ҳайвоний табиатидан ҳалос бўла олмайди. Инсондаги жамиятга уюшишга интилишнинг табиий тарзда кечишини Абу Наср Форобий куйидагича ифодалайди: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди»².

Форобий жамоани катта - кичиклигига қараб уч турга бўлади:

- 1) **Буюк жамоа** – дунёдаги барча халқларнинг бирлашуви.
- 2) **Ўрта жамоа** – бир халқ ёки миллатни бирлаштирувчи жамоа.
- 3) **Кичик жамоа** – алоҳида бир шаҳар давлатини бирлаштирувчи жамоа.

Одамларнинг энг такомиллашган жамоаси – бу шаҳар давлатидир. қишлоқлар шаҳарлардан кейин турувчи ва шаҳарларни озиқ-овқат билан таъминловчи жамоалар ҳисобланади. Форобий шаҳар давлатини икки таифага бўлади: 1) Ал-Мадина ал-Фозила; 2) Ал-Мадина ал-Жоҳилия.

Агар барча шаҳар аҳолиси ўзаро биргаликда, иттифокда яшаб, бир-бирларига ёрдам кўрсатсалар бундай шаҳарлар фазилатлидир. Барча халқлар тинч-тотув ва дўстлик асосида яшаса, ер юзида тинчлик бўлади.

Форобий асраларида давлат атамаси ишлатилмайди. Аммо шаҳар жамоалари деганда шаҳар-давлатларни назарда тутди. Давлатнинг келиб чиқишини Форобий одамларнинг жамоа бўлиб яшаш эҳтиёжларидан деб билади. У давлатнинг асосий вазифасини иккига бўлади:

1. Давлатнинг ички вазифаси фуқаронинг бахтли ҳаётини таъминлаш.
2. Ташқи вазифаси ўз аҳолисини ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилиш.

Форобий урушларнинг икки хилини айтади:

1. Адолатли урушлар (Адолатсиз урушга қарши олиб борилади).
2. Адолатсиз урушлар (Босқинчилик урушлари).

Форобий давлат шакли масаласига ҳам тўхталади. Тахт отадан болага мерос бўлиб ўтишини қоралайди. Давлат бошлиғи ўз лавозимига мансуб бўлган шахс бўлишини ёқлайди. Унинг фикрича, давлат бошлиғи ҳар томонлама етук бўлиши керак. Форобий ана шу якка ҳокимлик тўғрисида гапирар экан, унинг олдига 12 талабни қўяди. Булар: 1) тўрт мучали соғлом; 2) нозик фаросатли; 3) хотирали; 4) зеҳни ўткир, зукко; 5) фикри тиник, сўзлари чиройли; 6) маърифатли; 7) тамоқ, ичимлик, аёлларга нисбатан очофат бўлмаслиги; 8) ҳақиқатгўй; 9) номусли, ориятли, олийҳиммат бўлиши; 10) бойликка қизиқмайдиган; 11) адолатпарвар; 12) ботир, яъни қўрқоқлик ва ҳадиксрашдан холи бўлиши даркор. Форобий мана шу барча ҳислатларнинг бир одамда бўлиши қийин, бундай туғма қобилият камдан кам

¹ Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 1998. – 225-б.

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.:А.Қодирий номидаги «Мерос» нашриёти, 1993, 186-бет.

одамларда учрайди ва улар нодир инсонлардир. Баркамол инсон топилмай қолса, унда юқоридаги фазилатлардан 6 ёки 5 таси камол топган инсон ҳам ақл ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шахрига раҳбарлик қила олади, дейди. Фозиллар шахрида бундай одам йўқ бўлганда ана шу имом ёки унинг издошлари чиқарган қонун ва тартибларга амал қилинади. Аввалги имом ўрнига келган кейинги раҳбарда ҳам юқорида айтилган хислатлар ёшлиқдан шаклланган бўлиши лозим. Кейинги имомда яна 6 та фазилат ҳосил қилиниши зарур: 1) донишмандлик; 2) кучли хотира; 3) янги қонунларни ихтиро қилиш; 4) вазиятни тез илғаб оладиган; 5) нотиклик; 6) ҳарбий ишларга моҳирлик, раҳбарлик қилиш. Шу хислатларга эга бўлган шахс топилмаса, 2 киши бирлашиб фозил шахарга раҳбарлик қилиши лозим, дейди.

Ҳозирги давр ижтимоий-сиёсий фанларида «инсон» деганда Ерда яшаётган мавжудот турларидан бири тушунилади. **Инсон** алоҳида олинган тур (*Homo sapiens*) вакилини ифодаловчи умумий тушунчадир. Инсон, умуман зотнинг йиғиқ образи сифатида биоижтимоий мавжудот бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам табиатга, ҳам ижтимоий ҳаётга мансубдир. **Индивид** – инсон зотининг алоҳида олинган нусхаси, унинг вакилларида бири. **Шахс** эса у ёки бу инсон сифатида намоён бўлиб, у маълум ва бетакрор индивидуалликка эга бўлади. Индивиднинг жамиятга кириш жараёнлари унинг ижтимоийлашувини таъминлайди. **Ижтимоий муносабатларга** киришиш натажасида индивиднинг жамиятдаги қадриятлар ва меъёрларни ўзлаштириб бориши учун замин яратилади. Бу жиҳатдан ёндашганда, у ижтимоий таъсир объектидир. Шунингдек, индивид ижтимоийлашув оқибатида жамиятдаги турли муносабатларда фаоллашади ва бунда у ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида ҳаракатланувчи шахсга субъектга, кучга айланади.

Навий “ Ҳайратул аброр” асарида комил инсон ҳақида тўхталиб, дунёда инсондан улуғроқ камолат йўқ, дейди.” менга не ёру, не ошиқ ҳавасдир. Агар мен одам улсам, ушбу бастир”. Комил инсон инсонлар жамиятидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-манавий покланиш жараёнида камолга эришгандир.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда фуқаро эркинлиги, ҳуқуқлари ва манфаатлари бош мавзулардан бири бўлиб, унинг ҳуқуқий асослари Асосий қонун ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Президент Ислам Каримов мустақилликнинг илк даврлариданоқ мамлакатнинг стратегик мақсадларини аниқ ва равшан белгилаб берди ва давлат ваколатларини аста-секинлик билан босқичма-босқич нодавлат ва жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказиш, ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш орқали демократик жараёнларни чуқурлаштириш зарурлигини баён этган эди. Президентимиз И.Каримов мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришнинг янги концепциясини ишлаб чиқди. Бунга кўра:

1. Демократик институтлар фаолиятлари кўламини кенгайтириш.
2. Аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш ва сиёсий маданиятини ошириш.
3. Жамиятда манфаатлар, турли хил қарашлар, сиёсий ва эътиқодий рақобатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш.
4. Жамоат бирлашмаларининг ижтимоий мавқеини ошириш.
5. Сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш.
6. Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш.
7. Давлат қурилишини эркинлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш.
8. Ҳокимият бўлиниш принципларининг инсоният умумэътирофи этган тамойилларини амалда қўллаш.
9. Давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини нодавлат ва жамоат бирлашмаларига ўтказиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Конституциясининг 2-бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган. Унда 1) жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқодидан қатъий назар, ҳаммининг қонун олдида тенглиги

кўрсатилган. 2) Суд қарорисиз унинг ҳуқуқини чеклаш мумкинмас. 3) Фуқаролар қонунга путур етказмаслиги шарт. 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси I-қисми тасдиқланди. 1996 йил 29 августда фуқаролик кодексининг 2-қисми тасдиқланди. Ўзбекистон қонунларига кўра фуқароларнинг асосий ҳуқуқларига: 1) Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, 2) Сиёсий ҳуқуқлар, 3) Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, 4) Кафолатлар, 5) Фуқаролик бурчларини ўз ичига қамраб олади. 1948 йил 10 декабрда «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси» қабул қилинди. 1996 йил 19 декабрда «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт қабул қилинди. 1966 йил 19 декабрда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт» қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларда фуқаро эркинлиги, кафолатлари, ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлиги тўла таъминланиши баён этилган. Ўзбекистон ҳукумати инсон ҳуқуқлари бўйича 21 та халқаро шартномага қўшилган. 1997 йил Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида ўз сиёсатини белгилашда 3 та энг муҳим тамойилдан келиб чиқади: 1. Норматив ва ташкилий жиҳатлардан халқаро тажрибанинг устуворлиги. 2. Инсонга ҳомийлик қилишдек Ватанимиз тарихий тажрибасини ҳисобга олиш. 3. Инсон ҳуқуқлари бўйича хорижий миллий институлар тажрибасини ҳисобга олиш. Демак, бу масала «фуқаро-жамият-давлат» ўзаро муносабатларини тўғри йўлга солади.


Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишининг муҳим устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат. Аввало, мамлакатда дунёвий давлат тамойилларига инсон ҳуқуқлари ва суверенитети ғояларига содиқ бўлиш, демократия ва ижтимоий адолатни қарор топтириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш, бу борада ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, диний ташкилотлар ва бирлашмаларни давлатдан ажратилганлиги, қонун олдида тенглиги ва миллий тотувлигини таъминлаш каби бир қатор қоидаларга амал қилиш лозим бўлади. Лекин шу билан бирга Миллий давлатчилик ва демократик жамият қуриш борасида ҳуқуқий давлатни қарор топтириш лозим. Бунинг учун фуқаролар сиёсий онгини фаол ошириб бориш ҳам зарур бўлади. Фуқаролар эркинлиги, ҳуқуқларининг тан олиниши, бурчларга риоя этилиши ва уларнинг фуқаролар томонидан ижроси таъмин этилган бўлишини талаб қилади. Шундагина “Фуқаро - жамият - давлат” ўртасида ўзаро муносабатлар барқарор ривожланишига олиб келади.

Президент Ислом Каримов мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш масаласини мустақилликнинг дастлабки йилларида, ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида ҳам асослаб берган эди. Бу масала **2005 йил 28 январида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида ҳам яна бир бор таъкидлаб ўтилди: “Бизнинг узоқ муддатли ва стратегик мақсадимиз аввалгича қолади - бу демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашдан иборат**». Бу масала Президентимиз томонидан 1999 йил 14- сессияда, 2002 йил 9- сессияда ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтилди. Демак, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишининг қуйидаги устувор йўналишлари мавжуд: 1) Тенгсиз олий неъмат - мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолади. 2) Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимиз ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш лозим. 3) Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш. 4) Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлиги, ошкораликни, ислохотларнинг очиқлигини таъминлаш, демакки, тўртинчи ҳокимият тармоғини, оммавий ахборот воситаларини шакллантириш. 5) Мамлакатимизда нодавлат ва жамоат ташкилотларини, уларнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, яъни бу “Кучли давлатдан кучли жамият сари” тамойилини ҳаётга жорий этишга олиб келиш, Қонун устуворлигини таъминлаш. 6) Суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан

ислоҳ қилиш. 7) Барча ислоҳотларимиз йўналиш ва самарадорлиги инсон омили ва мезони билан боғлиқлигини унутмаслик керак.

Хулоса қилиб айтганда, инсоният борлиқни ва ижтимоий ҳаётда эркинликни ифодалашнинг ҳуқуқдан ташқари бошқа бирон-бир шаклини ҳозиргача кашф этмаган. Бу мантиқан ҳам, амалда ҳам мумкин эмас. Одамлар ўз тенглиги даражасида эркиндирлар ва эркинлиги даражасида тенгдирлар.

8.1-слайд



8.2. Инсон фаоллигининг асосий мезонлари: ҳозирги даврда инсон, жамият ва давлатлар ўзаро муносабатлари

Инсоннинг пайдо бўлиши, унинг жамиятдаги ўрни ва моҳияти доимо ижтимоий фанларнинг муҳим ва баҳсталаб соҳаларидан бири бўлиб келди. Аристотелнинг таъкидлашича, «инсон - табиатан (моҳиятан) ижтимоий»¹ эканлигини таъкидлаш билан бирга, «умумий маънода кимда-ким ҳокимият юритиш ва бўйсунушга тааллуқли бўлса, ўша фуқародир; ҳар бир давлат тузумида фуқаронинг моҳияти ўзгаради. Давлат тузумининг энг яхши турида кимда-ким маънавий кадриятлар талабларига мос ҳаётни назарда тутган ҳолда бўйсунуш ва ҳокимият юритишни хоҳласа ва унга қобил бўлса, ана ўша фуқародир»².

Инсоннинг моҳиятини дастлабки ўрганган олимлардан бири Хитойдаги Конфуций ва унинг издошлари эди. Эрамиздан илгари 298-238 йилларда яшаган Конфуцийнинг издоши бўлган олим Сень-цзи шундай деб ёзган эди: «Туғма хусусиятлар - бу самовий муносабатлар ҳосилдир. Уларга таълим ёки одамнинг ўзини яратувчилик ижоди воситасида эришиб бўлмайди. Инсон ёвуз табиатга эга. Инсондаги эзгулик манфаатлар учун орттирилган фазилатдир. Ҳозирги инсон туғилишидан бошлаб фойда олишга интилади. Бу шунга олиб келадик, кишилар ўзаро рақобатлашадилар ва бир-бирларига ён бермайдилар. Шунинг учун ҳам тарбия йўли билан инсон табиатини ўзгартириш, яратилган қоидалар асосида таълим бериб, уларни адолатлиликка ва масъулиятликка ўргатиш лозим»³. Кўриниб турибдики, инсонни жамиятга уюштириш ёки унинг жамият аъзосига айланиши ва фаоллашуви учун у маълум даражада ташқи таъсирга ва ҳаётдаги ижтимоийлашувга эҳтиёж сезади.

Анъанавий жамиятларда инсоннинг яратувчилик ижодий қобилияти анча чегараланди. Чунки анъанавий жамиятларда меҳнатнинг табиий тақсимооти ва ихтисослашуви адолат принципларига асосланмади. Шунингдек, бу жамиятларда шахслараро муносабатларнинг ўта табақалашуви, ўзаро ҳаракатлар ва муносабатларни норасмий мувофиқлаштирилиши, жамият аъзоларининг бир-бирига тобелик, уруғчилик ва қон-қариндошлик муносабатлари билан боғлиқлиги натижасида шахс эркинлиги ҳам таъминланмади. Бошқарувдаги примитив тизимлар имтиёзсиз жамият аъзоларининг фаоллигини пасайтириб, бу ҳолат шахснинг ижодий фаолият кўрсатиш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга имкон бермас, натижада ўзаро муносабатлар биқик тарзда рўй берар эди.

Замонавий жамиятнинг пайдо бўлиши билан инсоннинг ижтимоий ва сиёсий муносабатлардаги ўрни юксалиб борди. Бу жамиятларда ўзаро муносабатларнинг бир-бирига таъсир этиш даражаси ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви рўй берди. Бу жараёнларнинг секинлик билан юксак таълим ва тажрибага, шунингдек, юқори касбий малакага асосланиши, ижтимоий муносабатларнинг қонунлар, меъёрлар, шартномалар асосида мувофиқлаштиришнинг расмий тизимини яратилиши замонавий жамиятларни халқчил бўлишига замин яратди. Динни давлат ва бошқарувдан ажратилиши, ижтимоий институтларнинг кўпайиши ва ривожланиши каби омиллар натижасида инсонлараро муносабатлар юксалиб, сиёсий институтларни назорат этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш, жамиятда тенглик ўрнатиш имкониятлари пайдо бўлди. XX асрга келиб энг такомиллашган ва замонавий кишилик бирликларини фуқаролик жамияти, деб аташ русумга кирди.

Маълумки, инсон ўзининг ижтимоий мавжудот эканлиги ва ўз моҳиятидан келиб чиқиб, табиий равишда сиёсий муносабатларда иштирок этишга интилади. Ижтимоий-сиёсий муносабатларда фаол иштирок этиш эҳтиёжлари ва зурурияти эса ҳар бир фуқарода манфаатларнинг фақат гуруҳий шаклдагина ифодалаш ва қондириш мумкин эканлигини англаб етишига замин яратади. Турли хил ижтимоий гуруҳлар ва табақаларнинг турлича манфаатларини ўзаро тўқнашувлар аа зиддиятларга киришиши, уларни ўзаро келиштириш ва

¹ Аристотель. Соч. в 4-х т. -М.: Мўсль, 1984, с.63.

² Ўша жойда, 471-бет.

³ Антология мировой философии. В 4-х т. М.: 1969. Т.1. стр.230-231.

мувозанатлаштиришсиз ҳал қилиб бўлмаслигини англаш жараёнлари табиий равишда халқчил жамият ва сиёсий ҳокимиятга бўлган эҳтиёжларни шакллантирди. Чунки турли манфаатлар мувозанатини таъминлашни фақат демократик жамият билан давлат ҳокимияти ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин эканлигини тарихий тажрибалар исботлаб берди. Шу сабабли ҳам сиёсий онг турли хил ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий институтлар ва сиёсий субъектлар билан ўзаро мулоқот ва муносабатларга киришиши учун зарурий эҳтиёжларни шакллантирди ҳамда расмийлаштирди.

Фуқаро ҳуқуқларини таъминлашда инсоннинг табиий ҳуқуқларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Қадимги антик файласуфлар талқинича, табиий ҳуқуқ табиатига боғлиқ ҳолда инсонлар туғилишлариданок бир хилдирлар. Ижтимоий шартномалар асосида қонун ва давлат пайдо бўлди. Аристотелнинг фикрича, инсонни туғилишидаёқ пайдо бўлган хусусий мулкка бўлган табиий ҳуқуқи инсоннинг табиати ва унинг дастлабки ўзини ўзи севишига асосланади. Қолаверса, ана шу табиий ҳуқуқни таъминлашга интилиш, хусусий мулк жозибаси, уни сақлаш ва кўпайтириш манфаатлари инсонни жамиятда тезлик билан ижтимоийлашувига ва фаоллашувига олиб келади.

Тор маънода инсон ҳуқуқлари тушунчасига фақат давлат ҳимоя қиладиган ва қафолат берадиган ҳуқуқлар кириб, ҳозирги даврда уларни конституцион-ҳуқуқий асослар ёки ва давлат чегаралари билан чеклаб қўйиш осон вазифа эмас. Бу ҳуқуқларга барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, яшаш ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи, инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзбошимчалик ва ноқонуний ушлаш ёки қамаш, виждон ва дин эркинлиги, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбия қилиш ҳуқуқлари, зулмкорларга қаршилик қилиш ҳуқуқи ва бошқалар киради. **Кенг маънодаги инсон ҳуқуқлари** эса ўзида шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг кенг мажмуаси ва турларини ифодалайди.

Барча инсон ҳуқуқларини **негатив** ва **позитив** йўналишларга бўлишга доир таснифлаш кенг тарқалган. Мазкур ҳуқуқларнинг бу каби бўлиниши эркинликни негатив ва позитив жиҳатларини ифодалашга асосланади. Маълумки, эркинликнинг **негатив аҳамияти** нуқтаи назарига биноан шахсга нисбатан мажбурлаш ва чеклашларнинг йўқлиги тушунилади. **Позитив нуқтаи назардан** эса танлаш эркинлиги, асосан, инсоннинг ўз мақсадларига эришиш қобилияти, унинг индивидуал ривожланиши ва умуман, унинг қобилиятларининг пайдо бўлиши тушунилади. Эркинликларнинг мазкур бўлинишидан келиб чиқиб, негатив ҳуқуқлар деганда, давлат ва бошқа инсонларнинг индивидга нисбатан у ёки бу ҳаракатлардан ўзини тийиб туриши тушунилади. Бу ҳуқуқлар шахсни нохуш таъсирлардан, унинг эркинлигини бузиши мумкин бўлган аралашини ёки чеклашлардан ҳимоя қиладди. Бу ҳуқуқлар асос бўлувчи, муҳим ва мутлақ ҳуқуқлар сирасига киради. Мазкур ҳуқуқларни таъминлаш давлат ресурслари ёки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларига боғлиқ эмас. Негатив ҳуқуқлар эса шахс эркинлигининг асосидир.

Негатив ҳуқуқлардан фарқли ўларок, позитив ҳуқуқлар фуқарога уни у ёки бу неъматлар билан таъминлаш, унинг маълум ҳаракатларини амалга ошириши учун давлат, шахслар ва ташкилотлар мажбуриятларини ифодалайди. Бу - масалан, ижтимоий ёрдам олиш, таълим олиш, соғлиқни сақлашни ҳимоя қилиш, муносиб яшаш даражасини таъминланиши ҳуқуқлари кабилардир.

8.3. Фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошириш эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишнинг зарурий шарти

Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш – демократик жамият қуриш омили. Демократик жамият барпо этишда фуқароларнинг ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиши энг муҳим омиллардан биридир. Бу ҳақда мамлакат Президенти И.А.Каримов кўйидаги фикрни билдиради: “Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиш масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок

этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидagi ўз масъулиятларини ҳис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур. Барқарор, мустаҳкам тизимларда, агар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда, профессионал асосда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади¹.

Фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мезонлари қуйидагилардан иборат:

1. Фуқаролик жамияти институтлари. Ҳозирги даврда Ўзбекистон жамиятида 7 миллионга яқин фуқаролар қасаба уюшмалари фаолиятида, 600 мингдан ортиқроқ фуқаролар эса сиёсий партиялар аъзолари сифатида жамоатчилик ишларида иштирок этадилар. Шунингдек, миллионлаб фуқаролар ёшлар, хотин-қизлар, турли жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида иштирок этадилар. Мамлакат вилоятларида 661 та, туманларда 4564 та, шаҳарларда 831 та вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, 10.000 га яқин ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқдалар.

Мустақиллик даврида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ҳам муҳим эътибор берилди. Мамлакатда Ўзбекистон ёшларининг «**Камолот**» ижтимоий ҳаракати жамиятнинг барча йўналишларида кенг фаолият олиб бормоқда.

2. Ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишда сайловлар муҳим ўрин тутади. Унда аввало, сайловчиларнинг ихтиёрий берган овозларига биноан сиёсий институтлар легитимлиги ошади. Қолаверса, сайловларда жамиятдаги турли хил гуруҳларнинг тинч рақобатдошлиги қутилганлиги сабабли ҳам сайлаш жараёнлари сиёсий зиддиятларни ҳал этишга олиб келади. Шунингдек, сайловлар аҳоли сиёсий манфаатларини ифода этувчи сиёсий партиялар, бошқа сиёсий ташкилотларнинг фаол ҳаракатлари туфайли турли экстремистик ҳаракатларни чеклаб туради. Шу билан бирга сайловлар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ижтимоийлашувига кўмаклашади. Сайловлардаги турли кампаниялар, уларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш каби тадбирлар сайловчилар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларини юксалтиради. Шунингдек, сайловлар фуқароларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишига қулай имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда фуқаролар ижтимоий фаоллигининг ўсиб бориши уларнинг мамлакат давлат органларига бўлган сайловлардаги иштирокида ҳам сезилмоқда. 1999 йил 5 декабрда иккинчи марта демократик тамойиллар асосидаги Олий Мажлисга бўлган сайловларда 12,5 миллиондан ортиқ сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 95,03 фоизи иштирок этдилар. Унда 250 та Олий Мажлис депутатлари сайланди. Шунингдек, 2000 йилнинг 9 январида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар бўлиб ўтди. Унда эса 12 миллион 123 мингдан кўпроқ сайловчилар иштирок этдилар. «Фидокорлар» миллий демократик партияси номзоди Ислон Абдуганиевич Каримов номзоди учун 11 миллион 147 минг 621, ёки сайловчиларнинг 91,90 фоизи овоз бердилар.

2004 йил 26 декабрда Олий Мажлис қуйи қонунчилик палатасига ва маҳаллий ҳокимият органларига ўтказилган сайловларда фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллиги янада ошди. Шунингдек, 2006 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғини (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловларида оддий фуқаролар демократик сайловларда иштирок этиб, ўз фикрларини баён этдилар ва халқ бошқарувининг қуйи бўғинига фаол инсонлар сайландилар.

3. Давлат ва жамият бошқарувида Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг фаоллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга (Бу ҳақда 12.4-мавзуда тўлиқ баён этилган).

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997, 173-174-бетлар.

Мамлакатда ўтказилган сайловларни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Мамлакат фуқаролари ҳозир мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий жараёнлар ва ислохотларга нисбатан бепарқ эмаслар. Айниқса, фуқароларнинг ўз манфаатларини ижтимоий фаоллик ва гуруҳий нодавлат ташкилотлар воситасида ифода этиш, уларни қондиришга интилишлари ривожланиб бормоқда. Лекин, шу билан бирга, фуқароларнинг қарорлар қабул қилишдаги фаоллигини ошириш учун улар дунёқарашида демократик тамойиллар асосидаги сиёсий ва ҳуқуқий онгни сингдириш эҳтиёжлари сезилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, иқтисодий ва сиёсий ҳаётни эркинлаштиришдир.

Жамиятни ташкил этиш қонуниятларига биноан маълум бир сиёсий тизим доирасида турган индивид ва ижтимоий гуруҳлар ижтимоий-сиёсий жараёнга бир хилда тортилмайдилар. Уларнинг баъзилари сиёсатга бепарқ қарайдилар, яна бошқалари баъзи пайтларда ижтимоий-сиёсий жараёнда иштирок этадилар, учинчилари эса доимо сиёсий курашга интиладилар. Ҳаттоки, сиёсий ва ижтимоий ҳодисаларда фаол роль ўйнаётганлар ичида ҳам фақат уларнинг баъзилари ҳокимиятга ёки жамоатчилик фаолиятига жон - жаҳдлари билан интилади.

XX аср 90-йилларининг охири - янги аср бошларидаги сиёсий ислохотларнинг муҳим аҳамияти шунда бўлдики, бу пайтга келиб халқ оммасини ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар сиёсий маданиятини юксалтириш, демократиянинг энг муҳим тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш учун шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистонда сиёсий жараёнларни демократлаштиришнинг ўзига хос қадриятлари шаклланди. Мамлакат Президент И.А.Каримов мустақиллик давридаги тажрибаларни ва етакчи хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётини чуқур таҳлил этиб, фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишининг демократик тамойилларини илгари сурди: «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар - халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳокумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир...»¹

Ўз-ўзидан равшанки, сиёсий тузум тўла-тўқис амал қилишини ва унинг янада эркинлашувини таъминлаш учун уни ташкил этувчи ҳамма тузилмалар, яъни мавжуд субъектлар - шахс, сиёсий институтлар, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ҳамда қатламлари ва хоказолар тўлақонли фаолият кўрсатишига эришиш зарур»².

Кўриниб турибдики, фуқаролар ўз сиёсий фаолликларини юксалтириши, юқоридан қабул қилинадиган қарорлар қабул қилишда бевосита ёки ўз манфаатлари гуруҳлари воситасида кенг иштирок этиши мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш қафолатларидан биридир. Айниқса, собиқ тоталитар жамият мерос қилиб қолдирган маъмурий - буйруқбозлик тизими асоратлари фуқаролар дунёқараши, сиёсий онги ва амалий хатти-ҳаракатида барҳам топмас экан, сиёсий эркинлаштиришга доир ислохотлар ҳам қийин кечиши турган гап.

Маълумки, сиёсий онг ва сиёсий маданият юксалишида фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокининг аҳамияти бекиёсдир. Фуқаролар жамоат ташкилотлари фаолияти воситасида ёки бевосита сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этар экан, уларда қуйидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлиши кутилади:

1) фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштироки уларнинг табиий сиёсий - ижтимоий ҳис-туйғуларини уйғотади, ҳаракатга келтиради, бу йўналишга доир интилишлар шаклланади. Ёки қисқача айтганда, ҳар бир фуқаронинг ижтимоийлашув жараёни амалга ошади;

2) қарорлар қабул қилишдаги фаол сиёсий ҳаракатлар; бу жараёнда оддий фуқаролар манфаатлари, эҳтиёжлари ва интилишларининг ҳисобга олиниши уларга эркин инсоний

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 181-182-аатлар.

² Ўша жойда.

кадр-қиммат бағишлайди. Энг асосийси, бу қарорларнинг халқ тақдиридаги аҳамияти фуқароларда сиёсий масъулият руҳини шакллантиради;

3) фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини турли жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар воситасида ифодаланишидан қониқишлари уларни янада фаоллаштиради; натижада ўзаро манфаатлар келишуви оқибатида жамиятнинг барқарор бўлишига катта ҳисса қўшилади;

4) бу иштирок ҳар бир фуқарони ўзлигини англашга, унинг жамиятдан ўзига муносиб ўрин эгаллашига шарт-шароитлар яратади, ўз мамлакатига эгалик ҳиссини шакллантириб, миллий ифтихор туйғулари юксалишини таъминлайди;

5) давлат ҳокимияти жамиятдаги барча ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларини ўз сиёсий қарорларида ифодаланишига эришилади; мазкур қарорларни ҳаётда амалга ошиши натижасида сиёсий ҳокимият янада легитимлашади; давлат органларини, фуқароларни бошқариш, сиёсий қарорларни бажаришни таъминлашга доир жараёнлар ва маъмурий тадбирларни амалга оширишни жамият ҳеч бир зўриқишсиз ва ихтиёрий равишда қабул қилади; шунингдек, бу фаолият фуқаролар томонидан кенг қўллаб-қувватланади;

6) бу жараёнлар жамиятдаги кўпчилик фуқароларнинг иродасини ифодаланишига шарт-шароитлар яратиб, жамият ва давлат ҳокимиятининг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиш салоҳиятини оширади.

8.1-илова

Кўргазмалар слайдлар

Фуқаролар, жамоа ташкилотлари фаолияти воситасида ёки бевосита сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этар экан, уларда ижтимоий- сиёсий ўзгаришлар содир бўлиши кутилади.

Фуқароларнинг сиёсий қарор қабул қилишдаги иштироки, уларнинг табиий сиёсий- ижтимоий хис- туйғуларини уйғотади, ҳаракатга келтиради, бу йўналишга доир интилишлар кўпаяди.

Қарорлар қабул қилишдаги фаол сиёсий ҳаракатлар, бу жараёнда оддий фуқаролар манфаатлари, эҳтиёжлари ва интилишларининг ҳисобга олиниши уларга эркин инсоний кадр-қиймат бағишлайди.

Фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини турли жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар воситасида ифодаланишидан қониқишлари уларни янада фаоллаштиради.

Бу иштирок ҳар бир фуқаронинг ўзлигини англашга, унинг жамиятдан ўзига муносиб ўрин эгаллашга шарт- шароит яратади. Ўз мамлакатига эгалик ҳиссини оширади.

Давлат ҳокимияти барча ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларини ўз сиёсий қарорларида ифодаланишига эришилади; мазкур қарорларни ҳаётда амалга ошиши натижасида сиёсий ҳокимият унда легитимлашади

Бу жараёнлар жамиятдаги кўпчилик фуқаролар иродасининг ифодаланишига шарт-шароитлар яратиб, жамият ва давлат ҳокимиятининг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиш салоҳиятини оширади.

Фуқаролар сиёсий маданияти ва фаолияти. Фуқаролар фаоллигини оширишда уларнинг сиёсат ва ҳокимият ҳодисаларига нисбатан шахсий муносабатларини ифодаловчи

баҳолаш ҳукмлари аҳамиятга молик маънавий ҳодисадир. Бундай шахсий - мазмуний муносабатларнинг мавжудлиги инсоннинг ўз фуқаролик бурчини англаб етган сиёсий субъект сифатида фаолият кўрсата олишини ифода этади. Шунинг учун инсоннинг кадриятларга доир муносабатларининг турлича шаклда рўй бериши (масалан, ҳокимиятга, давлатга, партияларга ва институтлашмаган субъектларга нисбатан) сиёсий маданиятнинг муҳим тузилишини тавсифлаб беради.

Умуман, сиёсий маданият инсоннинг сиёсий ҳодисалар ҳақидаги кадриятларга доир тасаввурлари ва унинг амалиётда намоён бўладиган хулқининг кодекси ёки унинг сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги фаолиятининг услубидир. Шу маънода, сиёсий маданият фуқаронинг умуминсоний аҳамиятга молик бўлган сиёсий фаолият намуналарини қай даражада эгаллаганлигини намоён қилади. Шунингдек, у инсоннинг тафаккурлаш ва амалий фаолият меъёрларининг жамият маданий, деб тан оладиган субъективлигини қанчалик даражада ошира олганлиги ҳақдир.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ижтимоийлашув ва камолотга эришиш жараёнида ижтимоий-маданий мавжудот сифатида шаклланади. Шунингдек, инсон жамиятда ҳукмрон бўлган ижтимоий-маданий тизимнинг асосий хусусиятларини ўзида уйғунлаштиради ва умумлаштиради. Айни пайтда ҳар бир индивид сиёсий маданият ташувчи ҳисобланади ва шу сабабли ҳам сиёсий маданият сиёсий - маданий тизимнинг умумлаштирувчи, бирлаштирувчи қисми деб қаралади. **Сиёсий маданият** - бу муносабатлар тизими ва айни пайтда авлодлар алмашинуви натижаси, уни ташкил этувчи унсурларни ишлаб чиқиш ва қайта ишлаб чиқиш жараёнидир. Сиёсий маданият ривожланиб борувчи динамик ҳодисадир.

Инсонда дунёқараш шаклланишидан сўнг уни ҳимоя қилишга қодир ҳуқуқий маданият шаклланишига шарт - шароитлар яратиш зараурияти туғилади. Демак, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ҳимоянинг мавжудлиги жамиятни демократиялашнинг асосий қафолатларидан биридир. Қолаверса, демократияни табиий равишда ривожлантириш учун фуқароларнинг умумий маданиятлилик даражаси ҳам юқори бўлиши лозим. Аниқроғи, демократик жараён билан инсоннинг маданиятлиги ўртасидаги мувозанат доимий характериға эга бўлиши керак. Фақат юксак маданиятгина жамиятни ҳақиқий демократик ривожланишга олиб келади. Шунингдек, бу жараёнлар инқилобий эмас, балки тадрижий йўл билан бўлиши зарурлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни табиий ривожланиш йўли бошқа усулларга қараганда энг маъқулидир. Жаҳон тарихий тажрибаси бундай йўлни охириг ютук сифатида танлагани бежиз эмас.

Сиёсий маданият узоқ йиллар ва авлодлар алмашинуви натижасида таркиб топган сиёсий анъаналар, сиёсий амалиёт меъёрлари, ғоялар, турли ижтимоий институтлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир концепциялар ва эътиқодларни ўз ичига олади. У кишиларнинг ўзлари яшаётган мавжуд тизимга, ундаги институтларга ва хатти - ҳаракат қоидаларига, алоҳида шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тамойилларига нисбатан шаклланган интилишлари ва кўрсатмаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Сиёсий маданият кадриятга оид ва меъерий тизим ҳисобланади. У ўзида сиёсий тизимдаги таянч, эътиқодлар, кўрсатмалар, йўналишлар, интилишлар тимсолларини акс эттиради ва бирлаштиради. Америкалик сиёсатшунос Д. Дивайннинг фикрича, сиёсий маданият маълум ижтимоий - сиёсий тизим аъзолари ёқлайдиган, “кенг тарқалган, фундаментал сиёсий кадриятларнинг тарихий тизимидир”¹. Сиёсий маданият “сиёсий мафкура”, “легитиммен”, “суверенитет”, “қонун бошқаруви”, “сиёсий партия” каби категорияларни ўрганишни ҳам тақозо этади. Сиёсий маданият маълум даражада жамият аъзолари олдиға чегаралашлар кўяди. Сиёсий жараёнлар ва сиёсий хулқда намоён бўладиган эътиқодлар, ҳис - туйғулар ва кадриятлар олдидаги бундай чегаралашлар ҳам ўз навбатида сиёсий маданиятнинг муҳим унсури ҳисобланади. Алоҳида шахснинг, гуруҳнинг ва бошқа

¹ Қаранг: Devine. The Political Culture of the United State. –Boston, 1972, P.3-7.

ижтимоий бирликларнинг умумий дунёқарашининг таркибий қисми бўлган сиёсий дунёқараш сиёсий маданиятнинг энг муҳим компоненти¹.

Сиёсий маданиятни ташкил этувчи қадриятлар, йўналишлар, кўрсатмалар, стереотиплар сиёсий тизимнинг шаклланиши ва сақланиб қолишида асосий ўринни эгаллайди. Жамият аъзолари ўзаро баҳам кўрадиган “ижобий” қадриятлар тизими миқдори унинг алоҳида компонентлари ўртасидаги ўзаро мурося ва келишувни белгилайди ва унинг барқарорлиги ҳамда яшаб қолиш қобилиятининг нечоғлик мустақил эканлигини аниқлаб беради.

Кишилар ўзларини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатлари ёки имкониятларини рўёбга чиқариш учун амалиётда иштирок эта бошлагандагина, сиёсий маданият шаклланиб боради. Бундай маданиятни эгаллаш фақат сиёсий партиялар, манфаатлар гуруҳлари фаолиятида иштирок этиш орқалигина рўй беради. Ҳеч бир инсон яқка ўзи ҳаракат қилиб, ўзининг моддий, сиёсий, ҳуқуқий манфаатини ёки эркин фикрлаш ҳуқуқини қўлга киритолмайди.

Сиёсий маданиятнинг тоталитар тури жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг принципиал бир хиллик бўлишига асосланади ҳамда ҳар қандай турли-туманлик, ранг-барангликни йўқотишга мойил ғояларга таянади. Собиқ СССРдаги маданиятнинг бу тури турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос мақсад ва манфаатларини очиқ намоён қилишга йўл қўймайди. Шу билан бирга тоталитар режим фуқароларнинг сиёсий ҳаётдаги танлаш имкониятларини чегаралар, ҳар қандай муқобилликни инкор қилар, битта мулкчилик тури, битта партия, бир ўринга битта номзод каби чеклашларни олдиндан белгилаб берар эди. Бу ҳолат ўз навбатида тотал турғунликни, қолаверса емирилишни ҳам келтириб чиқарди.

Сиёсий маданиятнинг плюралистик тури қуйидаги муҳим шарт-шароитлар яратилганидагина пайдо бўлиши, ривожланиши, фаолият кўрсатиши, шунингдек, устуворлик касб этиши мумкин:

1) Иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт плюралиزمи соҳасида - мулкчиликнинг турли шакллари, энг аввало хусусий мулкчилик пайдо бўлиши, хўжалик юритишнинг турли усулларининг амал қилиши;

2) Жамият ўз ижтимоий структураси ва турли манфаатлари бўйича қанчалик ранг-баранг бўлса, сиёсий плюрализм ва сиёсий маданият шаклланиши учун шунчалик кўпроқ замин пайдо бўлади.

3) Фуқаролик жамияти ривожланишининг устуворлигини таъминлаш соҳасида - фуқаролик жамияти сиёсий институтларининг шаклланиши; давлат ҳокимиятини шакллантириш асосан сайловлар воситасида амалга ошиши, ҳеч ким, ҳеч бир гуруҳнинг бу ҳокимиятни на амалда, на ҳуқуқий жиҳатлардан ўз монополиясига айлантиришига йўл қўймаслик;

4) Гуруҳлар ва уларнинг вакиллари бўлган сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ўртасида ижтимоий ривожланишнинг асосий қадриятлари, идеаллари ва мақсадларига нисбатан аниқ келишувларнинг мавжудлиги;

5) Ҳам ҳуқуқий жиҳатлардан, ҳам ҳаётда шахс эркинлигининг таъминланганлиги.

Ушбу мавзунинг ўрганишда қуйидаги масалаларни ҳам билиш фойдадан холи эмас.

Демократия (грек. халқ ҳокимияти) – халқ ҳокимиятчилиги, сиёсий плюрализм, фуқаролар эркинлиги ва тенглиги, инсон ҳуқуқлари сингари конституциявий принципларни эътироф этишга асосланган давлат тузилиши шаклидир. Демократия халқнинг давлат органларини тузиш, уларнинг ишида иштирок этиши, давлат органлари ишини ташкил этиш, мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш орқали намоён бўлади. У давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Демократия (биз олдинги бобларда баён этганимиздек) бевосита демократия ва вакиллик демократияси шаклида бўлади. Демократия ҳамма нарсада хоҳлаганча эркинлик эмас, қонунга асосланган эркинликдир.

¹ Кёдгёсаіаа İ. Оёкадйееё æаіеуёе: нё,нёе іадоёеуёаё, нё,нёе іадоёоаёаё, нё,нёе іаааіеуёеаё. -О.: Оаёк, 1998, – 85-86-ааоёаё.

1. Демократик давлат тушунчаси – бундай давлатда давлат органларини ташкил қилишда, уларнинг фаолиятида, мамлакат фуқаролари турли-туман йўллар орқали кенг иштирок этадилар. Фуқароларнинг давлат органларини ташкил қилишдаги иштироки қонун йўли билан кафолатланади ва уларнинг иштирокига кенг имкониятлар яратади. Демократик давлатда инсон манфаати, қадр-қиммати, ҳаёти, соғлиғи ҳар нарсадан юқори туради. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларини таъминлаш чораларини доимий равишда кўриб боради. Давлат фуқаролар назоратида ва уларга турли воситалар орқали ҳисоб беради. Демократик давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартиявийлик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади.

2. Ҳуқуқий давлат тушунчаси¹ – давлат тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуққа асосланганлиги. Бунда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонун устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланадиган, ҳокимият ваколатларининг бўлиниш принципи асосида ташкил этилган демократик давлат.

Демак, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- 1) Халқ ҳокимиятининг амалга ошиши.
- 2) Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги. Яъни, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳеч ким, шу жумладан, давлат томонидан ҳам ҳеч қандай ҳолда бузилмаслиги.
- 3) Конституция ва қонун устуворлиги.
- 4) Ҳокимият ваколатларининг бўлиниш тамойили.
- 5) Суд мустақиллиги.
- 6) Инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш.
- 7) Давлат ва фуқароларнинг ўзаро масъулияти.
- 8) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши.
- 9) Ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада эканлиги.
- 10) Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.

Ҳуқуқий давлатнинг барча учун умумий бўлган андозаси йўқ. Уни ҳар бир давлат миллий давлатчилик борасида тажрибаларига таяниб, халқнинг зехнияти, қадриятлари ва анъаналарини ҳисобга олиб, ўз стратегик мақсадларига мос ҳолда шакллантиради. Лекин ҳуқуқий давлатчиликнинг дунё тан олган ва умумбашарий қоида-талабларига жавоб берадиган биз юқорида 10 та тамойилларини баён этдик. Бу тамойиллар ҳуқуқий давлатнинг конституциявий асоси. Улар бизнинг Конституциямизда тўлиқ акс этган.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамиятни қарор топтириш учун жамиятни демократлаштириш зарур. Бунда Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, 1) анъанавий мезонга эътибор бериш ва у билан ҳисоблашиш лозим. 2) Аввал мамлакат аҳолиси турмушини юксалтириш даркор. Чунки турмуш онгни белгилайди. 3) Фуқаролар онги, тафаккурини ўзгартириш керак. Турмушнинг юксалиши ўз навбатида одамлар онги ва тафаккур тарзини ўзгартиришга олиб келади. 4) Ҳуқуқий демократик жамиятга табиий йўсинда, ҳеч зўриқиш ва талофатсиз эришишимиз мумкин². «Одамлар сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориши зарур».

3. Фуқаролик жамияти тушунчаси – инсоннинг ялпи ҳуқуқлари кафолат-ланадиган, мафкуравий плюрализм таъминланадиган жамият тузилиши. Бунда ҳар бир фуқаро, жумладан, Ўзбекистон фуқароси ўз ихтиёри билан фуқароликдан чиқиши мумкин. Фуқароликдан чиқмоқчи бўлганлар олдида маълум шартлар қўйилади, яъни улар давлат, жамоа, фуқаролар олдида ҳеч қандай мажбурияти, қарздор ёки давлат ва ҳарбий сирлардан вокиф бўлмаслиги керак. Агар фуқароликдан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи

¹ Қаранг: Азизхўжаев А., Хусанов О., Азизов Х. Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: «Академия», 2001, 37–38, 140-бет; Саидов А., Таджихонов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Тошкент: ЎзР ИИВА, 1999, 20-бет.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8 - Т.: Ўзбекистон, 2000, 333-бет.

сифатида жиноий жавобгарликка тортилган бўлса ёки унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса, у фуқароликдан вақтинча чиқарилмайди. қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон фуқароси фуқаролигини йўқотади:

1) Чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти идораларига ишга кирса.

2) Чет элда яшовчи Ўзбекистон фуқароси 5 йил давомида узрли сабабсиз консуллик ҳисобида турмаса.

3) Фуқароликни сохта ҳужжатлар тақдим этиб олган бўлса.

Фуқароликдан чиқариш Ўзбекистон Президенти ваколатига киради.

Фуқаролик жамияти – демак, ҳақиқий фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамиятдир. Ўзбекистон «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепциясини ишлаб чиқди ва уни изчилик билан амалга оширмоқда. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг қуйи органи бўлган маҳалланинг аввало ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Бу Асосий қомусимизнинг 105-моддасида ўз ифодасини топган. 1993 йил 2 сентябрда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» қонун, 1999 йил 14 апрелда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» қонуннинг янги таҳрири, 2001 йил 9 апрелда Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. 2000 йилга келиб Ўзбекистон 10 мингдан ортиқ, Тошкент шаҳрида эса 481 тадан кўпроқ маҳалла фаолият юритмоқда.

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш-демократик жамият қурушнинг зарурий шarti. Фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш-демократик жамият қурушнинг асосий омилдир. Демократик жамият барпо этишда фуқароларнинг, ёшларнинг ижтимоий жараёнларида фаол иштирок этиши муҳим омиллардан бири. Президент Ислон Каримов “Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштироки этиш масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Фуқаролар, ёшлар давлатни, жамиятни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишишларига эришиш керак. Шундагина давлат, унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз масъулиятларини ҳис қиладилар. Фуқаролар демократик шароитдагина ихтиёрий равушда мамлакат сиёсий ҳаётида кенг иштирок эта бошлайдилар. Фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти, ёшлар ташкилотларининг ўрни катта.

Фуқаролик жамият асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятни кучайтириш орқали кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёнини ривожлантириш.

Давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаб боришга эришиш.

Давлатнинг иқтисодий ривожланиши борасидаги устувор йўналишларини аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва хусусий нормаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш хўжалик субъектлари ўртасида рақобат муҳитини яратиш.

Қонунлар ижросини таъминлаш, жорий ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, “Адолат қонун устуворлигида” тамойилини ҳақиқатга айланттириш.

Давлатнинг назоратчилик функциясини чеклаш ва айна пайтда давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга эътиборни кучайтириш.

Бошқарув тизими ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришни чуқурлаштириш мақсадида марказий ва юқори бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тизимларига ўтказиб бориш.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий воситаси бўлган маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотлар фаоллигини изчил ривожлантириб бориш.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида республикада демократик жамият қурилиши институтлашиб борди.

Мамлакатда демократик институтлар шаклланди.

Кўппартиявийликка ўтилди.

Ҳокимият тармоқларининг мустақиллиги ва ҳисоб беришлари амалга оширилмоқда;

Жамоатчилик назоратининг ошиб бориши демократик жамиятга хос жиҳатлар кенгайди.

Бугунги кунда 100 та жамоат уюшмалари; 5 та сиёсий партия; 2 та ижтимоий ҳаракат; 3000 та нодавлат, ношароат ташкилий қонунчиликда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва қасаба уюшмалари тизими томонидан 28 та йўналишда жамоатчилик назоратини амалга оширилди. Агарда Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлган сайловда 2 та сиёсий партия ва ҳокимият вакиллик органларидан 700 нафардан зиёд номзод иштирок этган бўлса, Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисига бўлган сайловда 47 субъект - 5 сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан жами 1010 нафар номзод қатнашди. Бу соҳада яна демократик ўзгаришлар амалга ошмоқда. Мамлакатда икки палатали парламентга ўтилиши бу жараёни янада чуқурлаштирмоқда.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Абу Наср Форобийнинг комил инсон ва фозил жамоа ҳақидаги қарашлари нималардан иборат?
2. Ҳозирги давр демократиясида инсон, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини аниқланг?
3. Президент Ислом Каримовнинг демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришда инсон фаоллиги ҳақидаги қарашлари қандай?
4. Фуқаро эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш нима учун демократик жамият қуришнинг бош мақсади саналади?
5. Фуқаролар ижтимоий фаоллигини ошириш нималарга боғлиқ.
6. Инсоннинг ижтимоийлашуви ва фаоллашув жараёнлари ижтимоий тузум, демократия, давлат сиёсати, кадриятлар кабилар билан боғлиқми?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. –6–10-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6-12, 14-26, 28-38, 47-48-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 36-85-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 274-284, 301-322, 341-359-бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.3. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 175-181, 183-191, 202-226, 227-246-бетлар.
7. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
8. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
9. Каримов И.А. Янгилашиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
10. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
11. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
12. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
13. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 62 б.
14. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча

- ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
15. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
 16. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафкуриси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
 17. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
 18. Левитин Л., Карлайл С. Ислом Каримов - янги Ўзбекистон Президенти. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 40-46, 117-119-бетлар.
 19. Одилқориев Х.Т., Гойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. Т.: ЎзРИИВ Академияси, 2004, 278-296-бетлар.
 20. Саифназаров И ва бошқ. Халқимизнинг ҳамжихатлиги терроризмга қарши қафолатдир. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 3-52-бетлар.
 21. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 24-44-бетлар.
 22. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
 23. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
 24. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
 25. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
 26. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
 27. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
 28. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
 29. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.

9-МАВЗУ. ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

9.1. Демократик жамиятда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш тушунчаси ва унинг мазмуни

Иқтисодиёт ва демократик жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги. Иқтисодий ҳаёт кишилиқ жамияти ҳаётининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, инсон ривожланиши манбаини ташкил қилади. Унда инсонлар ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида тирикчилик неъматларини ва воситаларини ишлаб чиқарадилар. Шунингдек, улар тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишга қаратилган фаолиятларида ўзаро иқтисодий муносабатларга киришадилар.

Иқтисодий ҳаёт кишиларнинг ижтимоий, маданий, сиёсий ҳаёт соҳаларининг моддий асосини ташкил этади ва уларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Айти пайтда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва давлат тизими иқтисодиётга жиддий таъсир этади.

Собиқ тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида иқтисодий ҳаёт сохта сиёсат, мафкуравий мақсадларга бўйсундирилган эди. Мафкура иқтисодиётдан устун бўлиб, унинг ривожланиш йўналишларини белгилаб берарди. Бу тузумнинг иқтисодий негизини давлат ва колхоз-кооператив мулк шаклларида иборат умумхалқ мулки деб аталмиш, эгасиз

мулк ташкил этарди. Давлат асосий ишлаб чиқариш фондларининг 90 фоиздан ортиғига эга бўлиб, иқтисодиётда яқка ҳокимликни ўрнатган эди. Бунинг оқибатида давлат иқтисодиётни, иқтисодий ҳаётни бир марказдан маъмурий-буйруқбозлик асосида бошқариб, нимани, яъни қандай маҳсулот ва хизматларни қанча миқдорда, қандай технологиядан фойдаланиб, кимлар учун ишлаб чиқаришни режалаштириб, белгилаб берар эди.

Жамият аъзолари ижтимоий мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш мулкдорлик ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Тадбиркорлик, бизнес билан шуғулланиш қонун билан ман этилган эди. Бундай фаолият билан шуғулланганлар чайқовчи, ёт унсур сифатида жинорий жавобгарликка тортилар эдилар.

Кишиларнинг мулкдан, унинг натижаларини тасарруф этишдан бегоналашганликлари туфайли, меҳнат мотивацияси ва ижтимоий адолат тамойиллари бузилган эди. Пировард натижада собиқ иттифоқ чуқур таназулга учраб, тарқаб кетди.

Маълумки, шахснинг мулкдор бўлиш, эркин касб танлаши, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ўзи истаган иқтисодий фаолият тури билан эркин шуғулланиш ҳамда шунга мувофиқ чекланмаган даромад олиш ва яхши яшаш имкониятларига эга бўлиш каби демократик ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишни фақат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётигина таъминлашга қодирдир.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон халқ турмуш фаровонлигини, иқтисодий фаолият тадбиркорлик эркинликларини, энг муҳими, мулкдор бўлиш имкониятларини таъминлайдиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида туб ислохотларни амалга оширмоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон **иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади**. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тинг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди»¹ деб белгилаб қўйилган.

Ушбу ислохотларнинг асосий мақсади ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «Биз туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишга киришар эканмиз, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш куруқ мақсад эмас, деган аниқ-равшан хулосага келганмиз. Барча ислохотларнинг-иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат»², - деб таъкидлаган.

Эркин ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси иқтисодий плюрализм бўлиб, демократиянинг умумбашарий тамойили ҳисобланади. Иқтисодий плюрализм тушунчаси мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг хилма-хил бўлишида ўз ифодасини топади. Шу боисдан ҳам ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ўз моҳиятига кўра кўп укладли иқтисодиёт бўлиб, унда турли мулк шакллари ва хўжалик укладларининг тенг ҳуқуқлиги, мувозанатда бўлиши ҳамда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги таъминланади.

Демократик жамиятга монанд демократик иқтисодий тамойиллар эркин бозор иқтисодиётининг қўйидаги туб белгиларида ўз ифодасини топади. 1) хусусий мулк; 2) тадбиркорлик ва танлов эркинлиги; 3) шахсий манфаатнинг инсон хатти-ҳаракатининг бош мотиви эканлиги; 4) рақобат; 5) эркин нарх тизими; 6) ҳукумат, давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг чекланганлиги (қаранг: 9.1-чизма).

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003. 11-бет.

² Каримов И.А.. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 281-282-бетлар.

**Демократик жамиятнинг асоси бўлган эркин бозор
иқтисодиётининг туб белгилари**



Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик янги шакллари ва муносабатларининг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистонда мулкчилик ҳуқуқий иқтисодий ўзгаришларнинг асоси ҳисобланади. Республикамизда мулкдор ҳуқуқи қонун билан тан олинган ва ҳимоя қилинади. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликни ташкил этиш шакллари:

1. Давлат мулки: республикамиздаги маъмурий-ҳудудий бирликларнинг мулклари (коммунал мулклар ҳам қиради). Давлат мулкига: 1) ер ва ер ости, ички сувлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, республика ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси. 2) ЎзР бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари мол-мулклари. 3) Республика халқлари маданий ва тарихий қадриятлари. 4) Республика бюджети воситалари, олий ўқув юртлари ва ҳ.к.

2. Хусусий мулк: ўз мол-мулкдан ўз эрки бўйича фойдаланиш ва тасарруф этиш, унга ҳуқуқий жиҳатдан хусусий эгалликни билдиради. Хусусий мулк-мулкчиликнинг бошқа шакллари билан бир қатор дахлсиз ва давлат томонидан ҳимояланилади.

3. Жамоа (ширкат ёки фермер) мулки: оиланинг мол-мулкни, маҳалла мулкни, юридик шахслар бўлган кооперативлар, ижара, жамоа корхоналарининг, жамоат ва диний ташкилотларнинг, турли хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, фермерлар, ассоциациялар ва бошқа бирлашмалар мулкларини ўз ичига олади.

4. Бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларга қарашли юридик ва жисмоний шахсларнинг мулклари: Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларга фойдаланиш учун берилган мол-мулклар ва номулкий ҳуқуқлар қиради.

5. Мулкчиликнинг аралаш шаклида: эришилган битимга кўра мол-мулкнинг маълум бир қисми давлат ва нодавлат юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Икки томоннинг ҳамкорлигида амалга оширилади.

Мамлакатимизда 2006 йилгача мулкчиликнинг нодавлат шакли қуйидаги ҳолатларда ўзгарди: 1) Давлат мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш асосида амалга оширилди. 2) Янги нодавлат юридик шахсларнинг мулки вужудга келди. 3) Шахсий тадбиркорлик фаолияти кенгайди. Демак кўп укладли иқтисодиёт қуйидагилар эвазига шаклланди: 1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат мулкни хусусийлаштириш. 2. Янги давлатга қарашли бўлмаган юридик шахсларни ташкил қилиш. 3. Хусусий тадбиркорлик асосида.

Мулкчилик шакллари муносабатларида унинг ҳуқуқий асосларини қуйидаги қонун ва қарорлар ташкил этади.

1) ЎзР Конституциясининг 12-боб, 53-54-моддаларида белгилаб берилган.

2) 1991 йил 18 ноябрда ЎзР Олий Кенгашининг 8-сессиясида «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун.

3) 1994 йил 21 январда Президентнинг «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

4) “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги (1995) қонуни.

5) “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (1999 йил 14 апрель).

6) “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (2000 йил 25 май).

7) “Бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони (2005 йил 14 июнь).

8) “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони (2005 йил 5 октябрь).

9) “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишни хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори (2006 йил 24 май).

Тадбиркорлик тўғрисидаги қонунлар ва бошқа президент фармонлари ва қарорлари мавжуд.

Ўзбекистонда жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштиришнинг мақсади ва босқичлари. Ўзбекистонда шаклланаётган хусусий мулк икки турдан иборат бўлади: **биринчиси**, яқка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорларнинг, деҳқон ва фермерларнинг хусусий мулки, **иккинчиси**, уларнинг ширкат хўжаликларидаги пайлари, акциядорлик жамиятларидаги акциялари, уюшмалардаги улушларидан иборат корпоратив хусусий мулк. Яқка ва корпоратив (улушли) хусусий мулк эгалари мулкдор ҳисобланиб, уларнинг мулкка бўлган ҳуқуқлари, даҳлсизлиги давлат томонидан ҳимояланди. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодексига» «мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиши ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир»¹. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эса мулкдор ҳуқуқининг даҳлсизлиги билан бирга, унинг масъулияти ҳам белгилаб берилган. Хусусан, унда «мулкдор мулкига ўз хоҳишига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт»², деб таъкидланган. Хусусий мулк миқёсларининг кенгайиб боришига олиб келади.

Тадбиркорлик эркинлиги айрим шахслар ва уларнинг уюшмалари, гуруҳларининг фойда, даромад олиш мақсадида маълум соҳада хўжалик, иқтисодий фаолият юритиш эркинлигини билдиради. Бу шунингдек, у ёки бу тармоққа тадбиркорларнинг ўз хоҳишларига кўра киришини ва ундан чиқишини ҳам англатади.

Товарнинг нуқсонлари бўйича истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда кўрилади. Бундай товарлар бошқа нуқсонсиз товарларга алмаштирилиб берилади ёки зарарнинг ўрни пул билан қопланади. Истеъмолчи ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, унинг танлаш эркинлигини таъминланиши демократик иқтисодий тамойилининг рўёбга чиқарилишини англатади. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда қабул қилинган муҳим

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.:19, 164-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003. 11-бет

қарорларига мувофиқ республикага истеъмол товарларини ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирларининг кўрилиши муҳим аҳамият касб этади.

Кишилар наф, фойда ва даромад олиш учун интилиб, ўзларида бор бўлган қобилиятлари ва имкониятларини ишга соладилар. Рақобат иқтисодиёт субъектлари шахсий манфаатларини рёбга чиқаришнинг чегарасини белгилайди. Ҳеч кимнинг иқтисодий яккахокимлик қилишига йўл қўймайди. Шунингдек, рақобат ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларнинг истеъмолчи, харидорлар манфаати, диди, хоҳишини инобатга олишга бир-биридан арзонроқ ва сифатлироқ товарлар ишлаб чиқариш мақсадида янги техника ва технологиядан фойдаланишга ундайди.

Эркин тадбиркорлик, рақобат ва нарх тизимига асосланган бозор иқтисодиётида ҳукумат ва давлатнинг роли чекланган бўлади. Давлат бозор механизмининг амал қилишига кўмаклашади. Бунинг учун давлат иқтисодиёт субъектлари фаолиятининг қонуний базасини яратиб, уларнинг фаолият, “ўйин” қоидаларини белгилайди. Аҳолининг турмуш даражасининг барқарор ўсиб боришини, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, бой-камбағаллар ўртасидаги фарқларнинг кескинлашиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида аҳоли даромадларини солиқлар, трансферт тўловлари воситасида қайта тақсимлайди, макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида солиқ, бюджет ва пул-кредит воситалари орқали иқтисодиётни тартиблайди. Давлат бозор механизми тўла-тўқис бажара олмаган вазифаларни ўз зиммасига олиб, рақобат муҳитини сақлайди, иқтисодиёт субъектларининг эркин фаолиятини таъминлайди. Ҳамда жамият учун керак бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олади.

Демак, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар инсонга муносиб турмуш шароитларини яратишга, кишининг эркин тадбиркорлик ва меҳнат қилиш, танлаш эркинлигини ҳамда мулкдор бўлишдек муҳим демократик ҳуқуқларини таъминлашга, иқтисодий ҳаётни демократлаштиришга қаратилгандир.

Ислон Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интиломқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз» ва бошқа асарларида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бозор иқтисодиётига ўтишининг назарий асослари, концепцияси ишлаб чиқилган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси уч таркибий қисмдан иборат:

- 1) ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг таърифи;
- 2) бозор муносабатларини шакллантиришнинг муҳим тамойиллари;
- 3) иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг, танглиқдан чиқиб олишнинг, барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Президент Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” асаридаги асосий устувор йўналишлар. Президент Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” асари 1995 йилда чоп этилган, 269 бетдан иборат бўлиб, асар 2 қисмдан ташкил топган:

1. Иқтисодий ислохотлар биринчи босқичнинг яқунлари ва сабоқлари.
2. Иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичнинг вазифалари ва устувор йўналишлари масаласига эътибор берган.

1. **Иқтисодий ислохотлар биринчи босқичнинг яқунлари ва сабоқлари** қисмида **биринчидан**, иқтисодий ислохотлар стратегияси ва йўлини шакллантириш механизм; 2) дан иқтисодий ислохотлар ҳуқуқий негизини барпо этиш; 3) дан давлат мулкани хусусийлаштириш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш; 4) дан қишлоқ хўжалигида агроислохотларни шакллантириш; 5) дан институционал ўзгаришларни, маъмурий-бўйрукбозлик тизимини тугатиш; 6) дан нархларни эркинлаштириш, бозор

инфратузилмасини ривожлантириш, 7)дан ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва жаҳон иқтисодиётига қўшилиш; 8) дан ижтимоий қафолатни таъминлаш; 9) дан халқнинг маънавий-руҳий тикланиши; 10) Иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш масаласи баён этилган. Мамлакатимизда мулкчилик муносабатлари 2 йўл билан амалга оширилди: 1) Мулкдорлар синфини шакллантириш, яъни бунда давлат мулки босқичма-босқич хусусийлаштирилиб берилди. 2) Қимматли қоғозлар бозорини яратиш орқали амалга оширилди.

Асарда биринчи босқичда 2 та ҳал қилувчи вазифа бажарилганлиги айtilган: 1) Маъмурий-буйруқбозлик тизими ўрнига, у тугатилиб, иқтисодий бошқарувга ўтилди; 2) Мамлакатимизда ўзига хос шароитларда бозор муносабатлари негизлари шакллантирилди.

1993 йили Россия Ўзбекистон давлати ва унинг раҳбариятига рубль зонасида (Россия рублида) қолиши учун катта шартлар қўйди. Бу шартлар:

1) Қарз эвазига 1,5 триллион рублга шунга яраша бойлик ё маҳсулот тўлаш.

2) Пулни (рубли) олишдан аввал 50 фоиз АҚШ доллари (Ўзбекистон олтинини) гаров тариқасида Россия Марказий банкига қўйиш.

3) 1961–92 йилги пулларни янги 1993 йил намунасидаги пулга 3 сўмга 1 сўм нисбати билан алмаштириб бериш шarti.

4) Шартнома бажарилмай қолса, товон мажбурлигини қўйди.

5) Ўзбекистон Марказий банки Россия Марказий Банкига ҳисоб бериб туриши шарт (Каримов И.А. Асарлар, Т.2., 88–90-б.)

Биринчи босқичда 1) Бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг ҳукукий асослари юзага келди, 300дан кўпроқ қонун ва қарорлар қабул қилинганлиги асарда айтиб ўтилган. 2) Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда дастлаб майда мулклар давлат тасарруфидан чиқарилди. 3) Чет эл сармоялари Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш йўлга қўйилди. Шу билан бирга бозор иқтисодиётининг 3 та мезонлари, қадриятлари юзага келди: а) тадбиркорлик; б) ишбилармонлик; в) тижорат. Маънавиятда эса а) зиёли мавқеи ошди; б) маърифат нури; в) ижодкор сўзи қадрлана бошлади.

2. Иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичнинг вазифалари ва устувор йўналишлари қисмида Президентимиз 4 та муҳим устувор вазифани белгилаб берди:

1. **Асосий вазифа** – давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш: бунда а) мулкни ҳақиқий эгаларига бериш, б) кўп укладли иқтисодиётни раҳбатлантириш. Агар биринчи босқичда майда мулклар хусусийлаштирилган бўлса (1991-1994 йилларда), эндиги вазифа ўрта мулкларни хусусийлаштириш айтилди.

2. **Энг муҳим вазифа** – ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни ва молиявий, иқтисодий барқарорликка эришишдан иборат. Бу ривожланиш ички қонуниятларга ҳам боғлиқлиги айтилди.

3. **Муҳим вазифа** – Миллий валюта – сўмни янада мустахкамлашдан иборат. Миллий валюта – мамлакат ҳудудида барча товар ва хизматлар учун нархларни ифодалаш вазифасини ўтовчи ва қонуний ҳимояланган ягона тўлов воситасидир...

4. **Стратегик вазифа** – Иқтисодиёт структурасини тубдан ўзгартириш: хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобатга бардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан кўзланган «пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳукукий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир¹», - деб белгилаб берган.

Республикаимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, унда демократия тамойиллари бўлган иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини, эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш орқали иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришга йўналтирилгандир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 179-бет.

Иқтисодий дaвлат тасарруфидан чиқариш ва уни демократлаштириш, эркин ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини яратиш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг **биринчи босқичида** (1991-1994 йй.) маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини тугатиш, тангликка барҳам бериш ва иқтисодий барқарорлаштириш ҳамда республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш вазифаларини ҳал қилишга киришилди. Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилди:

1) ислохотларнинг қонуний-ҳуқуқий базасини шакллантириш ва ривожлантириш. Бу даврда мулкчилик, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорлик тўғрисидаги ва бошқа кўплаб бозор муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган қонунлар қабул қилинган;

2) кичик хусусийлаштиришни амалга ошириш ҳисобига кўп укладли иқтисодий негизларини яратиш;

3) ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

Бу даврда (1992-1994 йилларда) асосан савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналарини, уй-жойларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилди. Бунинг натижасида 69 мингдан ортиқ объектлар давлат тасарруфидан чиқарилди, улардан 18,4 мингтаси хусусий мулкка ўтди. 3569 та акциядорлик жамиятлари тузилди. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг сони 80 мингга етди.

9.2. Ўзбекистонда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш босқичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистонда шаклланаётган хусусий мулк икки турдан иборат бўлиб, 1) яқка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорларнинг, деҳқон ва фермерларнинг хусусий мулки, 2) уларнинг ширкат ҳўжаликларидаги пайлар, акциядорлар жамиятларидаги акциялар, уюшма улушларидан иборат кооператив хусусий мулк. Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш Президентимиз Ислom Каримов томонидан асослаб берилган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари билан узвий боғлиқ:

1. Хусусийлаштиришни янад чуқурлаштириш ва амалда мулкдорлар синфини шакллантириш.

2. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш.

3. Иқтисодийга хориж сармояларини кенг жалб этиш.

4. Мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

5. Иқтисодийдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш.

Президентимиз Ислom Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилмақда» асарида таъкидлаб ўтганларидек, «Ўзбекистондаги ислохотлар ва янгиланиш жараёнларига баҳо берар эканмиз, шуни таъкидлашни истардимки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланади». Демак, иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш эса демократик жамият қуришнинг асоси сифатида унинг иқтисодий негизларини мустаҳкамлашни таъминлайди. Унинг натижасида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни кафолатловчи, иқтисодий ривожланишни таъминловчи амалда ўрта мулкдорлар синфи шаклланди. Президентимиз иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш юзасидан қуйидаги вазифаларни белгилаб берган эди:

1) дан Мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал қилиш. Бунинг учун хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодий барпо этиш.

2) дан, Ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш.

3) дан Бозор инфратузилмасини ривожлантириш.

4) дан Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш.

5) дан, Валюта тизими ва боозрни эркинлаштириш.

6) дан, Давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашини чеклаб қўйиш.

Ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистонда давлат мулки хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш тадбирлари ўтказилди. Биргина 2000-2002 йилларда 3117 та тармоқ объектлари давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилди.

Президентимиз Ислам Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида сўзлаган нутқида ҳозирги шароитда давлат монополизмига барҳам бериш учун бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш зарурлигини баён этди. Бунда: 1. Хусусий тармоқларнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайтиришини таъминлаш: а) давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада чеклаш; б) қастдан бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш; в) хусусий тадбиркорларга қўшимча солиқ имтиёзини бериш; г) уларнинг марказлаштирилган тизимига қайтишга йўл қўймаслик ва х.к.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг **биринчи босқичида** қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларига мос келадиган янги хўжалик тизимини шакллантириш ишлари амалга оширила бошланди. Бунинг оқибатида бу соҳада давлатга қарашли бўлмаган сектор кенг ривожланди. Шунингдек, халқ хўжалигини, унинг тармоқлари ва ҳудудларини бошқаришнинг мавжуд шароитларга мос бўлган тизимлари ишлаб чиқилди. Нархлар тўлиқ эркинлаштирилди, бозор инфратузилмасининг асосий бўғинлари, шу жумладан, икки поғонали банк тизими, молияни ва пул-кредитни тартибга солувчи мутлақо янги тизим, товар, меҳнат биржалари тизимлари яратилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими амалга оширила бошланди. Иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши оқибатида иқтисодий пасайиш бошқа МДҲ мамлакатларидек оғир кечмади. Ялпи ички маҳсулот 1995 йилда 1990 йилга нисбатан фақат 18,2% камайди. 1995 йилда эса бу кўрсаткич 1,2% га пасайган ҳолос. Ваҳоланки, ЯИМ ҳожми МДҲ мамлакатларида 40-60% га, Россияда эса 48% га камайиб кетган¹.

Ўзбекистонда мулкни тубдан ислох қилиш жараёнлари изчиллик билан олиб борилди ва бир неча босқичдан иборат бўлди.

Биринчи босқич 1992–1993 йилларни қамраб олди ва унда хусусийлаштириш жараёнлари фаол амалга оширилди. Бу босқичда давлат уй-жой фонди, савдо, хизмат кўрсатиш тизими, маҳаллий, енгил озиқ-овқат саноати, автомобил транспорти, қурилиш тизимларидаги майда корхоналар хусусийлаштирилди.

Иккинчи босқич 1994–1995 йилларни қамраб олди ва бу давр ичида ялпи хусусийлаштириш амалга оширилди. Бунда давлат назорати шарт бўлмаган тармоқлар (енгил саноат, машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги ўрта ва йирик корхоналар) оммавий тарзда хусусийлаштирилди.

Учинчи босқич, яъни 1996–1998 йилларда назорат пакетлари давлат мулки шаклида сақланиб келаётган йирик корхона ва тармоқлар ислох қилинди. Бунда Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан хусусийлаштиришга жалб этилмайдиган объектлар рўйхати белгиланди. Уларга сувдан фойдаланиш объектлари, мелиорация тармоқлари, музейлар, санэпидемстанциялар, статистик ва ҳарбий аҳамиятдаги бюджет жамғармалари киритилди.

Тўртинчи босқич (1998 йил охиридан) хусусийлаштиришдан тушган маблағларни давлат бюджетига сафарбар этиш ва ҳоказоларни амалга оширишда. Масалан, хусусийлаштиришдан тушган маблағ 2004 йилда 78,4 млрд. сўмни ташкил қилди².

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

² Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 125–126-б.

2007 йилнинг бошида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сони қарийб 350 мингтага етди ёки 2000 йилга нисбатан 2,3 марта кўпайди. Бугунги кунда кичик бизнеснинг ялпи маҳсулот (ЯИМ)даги улуши 42,1 фоизни ташкил этмоқда. 2006 йилда ЯИМ 7,3 фоизга ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг саноатда 10,8, қишлоқ хўжалигида 6,2 фоизга ошгани, инвестицияларнинг 11,4, қурилиш-пудрат ишларининг 12,8, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсаткичларнинг 19,5 фоизга ўсгани иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари бўлиб хизмат қилди.

Дон етиштириш:

2004 йилда 5,5 миллион тонна дон хирмони етиштирилди.

2005 йилда 5,8 миллион тонна.

2006 йилда 6,1 миллион тонна.

2007 йилда 6,250 миллион тонна ғалла (дон) етиштирилди¹.

Мамлакатимизда 2005 йиллардан кейинги даврда **кичик ва ўрта бизнеснинг** муҳим тармоқларидан бири, бу касаначиликни ҳукумат дастури асосида ривожлантиришга кенг йўл очилди. **Касаначилик:** 1) дўппидўзлик; 2) тикувчилик (ички ва ишчи кийимлари, қўлқоп, чопон сингари; 3) пичиқчилик; 4) темирчилик; 5) гиламдўзлик каби ҳунармандлик соҳаларидир. Бу рўзғор ишлари билан уйда банд бўлиб қолган эркак ва аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш тадбирларидан бири. У иш берувчи билан шартнома тузган кунданок, меҳнат дафтарчасига эга бўлади, ўз уйида ишлайди ва маошни корхонадан олади. Касаначи тўлақонли ишчи билан меҳнатда, ижтимоий имтиёزلардан тўлиқ фойдаланишда ҳам тенг ҳуқуқга эга бўлган шахсдир. Касаначилик **давлат** ва **шахсга** қони фойда тармоқларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш борасида катта имкониятлар эшигини очди. Касаначилик меҳнати турлари қаторига замон талабларига мос – қайта ишлаш ва электрон саноати, телекоммуникация, сервис ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқлари юмушлари ҳам кириб келмоқда. 2007 йил бошидаги ҳолатга кўра, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши 42,1 фоизни ташкил этди. Президент Ислон Каримов 2007 йил 12 февралда таъкидлаганидек, «Биз катта сармоя талаб қилмайдиган касаначиликни йўлга қўйиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида бекор ётган турли хил дастгоҳ ва ускуналарни қўлидан иш келадиган одамларга, оилаларга бердик. Натижада 60 минг одам, 60 минг оила кўшимча даромад манбаига эга бўлди...”. “2007 йилнинг биринчи ярмида кўшимча 96,1 минг киши касаначиликнинг турли шакллари билан қамраб олинди. Бу ҳисобот давридаги иш ўринлари умумий сонининг 31 фоизини ташкил қилади. Корхона билан касаначи ўртасидаги кооперация алоқасининг ўрнатилиши натижасида: 1) Касаначи оилалар бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммо ҳал этилди. 2) Иш билан банд бўлган аҳоли сонини қисқартириб, унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини берди. 3) Касаначи фаолияти даври (агар у яқка тартибдаги касаначи бўлса ҳам), иш стажи ҳисобланиб, пенсия, ижтимоий суғурта бўйича нафақа олиш ҳуқуқи билан таъминланади. 4) Касаначи ўз уйида худди оилавий пудратдек вақтдан унумли фойдаланадиган бўлди. Бу касаначига ҳам фоида (барқарор даромад), корхонага ҳам. 5) Касаначи (айниқса, хотин-қизлар) уйда ҳам ишлаб чиқариш билан шуғулланиши, ҳам муҳим давлат аҳамиятига эга масалалардан бири – фарзандлари тарбияси билан машғул бўлиш имконига эга бўлади².

Ҳозирги пайтда (2007 йил) республикаимизда 190 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва уларда салкам 1,4 миллион киши меҳнат қилмоқда³.

¹ Халқ сўзи, 2007 йил 7 август.

² Жамият газетаси, 2007 йил 24 август.

³ Каримов И.А. Янгиликлар ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 4-б.

“Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” асарида иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш вазифаси белгиланди. Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш мамлакат сиёсий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқдир. Бу борада Президент И.А.Каримов “Ўзбекистондаги ислохотлар ва янгиланиш жараёнларига баҳо берар эканмиз, шуни таъкидлашни истардимки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди”,¹ – деб таъкидлаганлар.

Иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш эса демократик жамият қурилишининг асоси сифатида унинг иқтисодий негизларини мустаҳкамлашни таъминлайди. Унинг натижасида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни кафолатловчи, иқтисодий ривожланишни таъминловчи амалда ўрта мулкдорлар синфи шаклланади.

Демократик жамиятга хос бўлган тадбиркорликнинг ривожлантирилиши, иқтисодиёт таркибий ўзгаришларнинг биргаликда амалга оширилиши туфайли Ўзбекистон 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш йўлига ўтди. БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) буюртмасига кўра марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий фаровонлигини тадқиқ қилиш маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг амалдаги ўсиши 2002 йилда 1989 йилга нисбатан 106,8 фоизни ташкил этди. Айти пайтда Молдовада бу кўрсаткич 38,4%, Россияда 64,3%, Қозоғистонда 85,6% ни ташкил этган².

Мамлакатда иқтисодий ўсишга эришганлик оқибатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ва ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган харажатларнинг давлат бюджети харажатларидаги улуши 1997 йилдаги 44,7 % дан 2003 йилда 46,1 % га ўсган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга маҳаллар берилаётган бир ойлик моддий ёрдам миқдори 1996-2002 йилларда 13,6 баробарга, болали оилаларнинг болаларига берилаётган нафақанинг ўртача ойлик миқдори эса 20 баробардан зиёдга кўпайди³. «Обод маҳалла» йилида қабул қилинган дастур асосида 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилган. Икки ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шуғулланаётган 400 мингдан зиёд аёлга давлат томонидан нафақа тайинланди. Шунингдек, 180 мингта кам таъминланган оилага қарийб 14 миллиард сўм миқдорида ёрдам кўрсатилган⁴.

Ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизими қайта кўриб чиқилди. Валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш чоратадбирлари амалга оширилди ва миллий валютамиз – сўм 2003 йил 15 октябрдан жорий тўловлар бўйича эркин алмашуви амалга оширила бошланди.

Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш жараёнлари мамлакат сиёсий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш жараёнлари билан ўзаро боғлиқликда амалга оширилиши оқибатида унинг демократик жамият қуришдаги ролини ва аҳамиятини янада кучайтиради.

Ўзбекистонда кучли бозор инфратузилмасини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Инфраструктура – такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари: йўллар, алоқа, маориф, соғлиқни сақлаш каби соҳалардир. Асосий ишлаб чиқариш инфраструктураси энерго-таъминот, транспорт ва алоқа тармоқларидир. Президент Ислам Каримов «Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли муҳитсиз товар, пул бозорида ва меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаш керак бўлган бозор инфраструктурасисиз тасаввур этиб бўлмайди» деган эди. Ўз-ўзидан маълумки, бозор инфраструктураси бўлмаса бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмайди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. /Биринчи чакариқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўн тўртинчи сессиядаги маърузаси, 1999 йил 14 апрель. –Т.; Ўзбекистон, 1999. 15-16 бет

² Социальный мониторинг 2003 г. Экономический рост и бедность. Внешний государственный долг. Аналитический материал. ЮНИСЕФ, 2003. С.99.

³ Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

⁴ Халқ сўзи, 2003 йил 6 декабрь.

Бозор инфратузилмаси – бу бозор алоқаларини ўрнатишга ва самарали юритишга хизмат қилувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мажмуасидир. Бозор инфратузилмасини бозор структураси билан алмаштириш ярамайди. Бозор структураси бозорнинг таркибида амал қилувчи бўғинлар (истеъмол товарлари ва хизматлари бозори, ишлаб чиқариш воситалари бозори, молия бозори, валюта бозори, меҳнат бозори, интеллектуал товар бозори, шоу-бизнес бозори ва бошқалар)ни ва бозор ҳароратини белгилувчи бошқа бирликларни ўз ичига олади.

Бозор инфраструктураси турлари ва тармоқлари: Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфраструктура: транспорт, алоқа, омбор хўжалиги, йўл хўжалиги, сув ва энергетика таъминоти ва ҳ.к.

Товарлар ва хизматлар муомаласига, яъни савдо-сотик ишларига хизмат қилувчи инфратузилма: биржалар, савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалари ва агентликлар, давлатнинг савдо-сотик ва уларни назорат қилувчи муассасалари.

Молия кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфратузилма: тижорат банклари, ўз-ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш маҳкамалари, ҳар хил пул жамғармалари.


Аҳолига хизмат қилувчи ёки ижтимоий инфраструктура: уй-жой, коммунал ва транспорт хизмати, маориф, соғлиқни сақлаш, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва идоралари.

Ахборот хизмати: иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ҳар хилахборотлар, маълумотлар ва хабарларни тўплаш, умумлаштириш, сотиш билан шуғулланувчи турли компаниялар, фирмалар маслаҳат идоралари ва давлат муассасалари.

Бозор инфратузилмаси мустақиллик билан бирга туғилди ва жамиятда ҳаётий зарурият сифатида пайдо бўлди. Бугунги кунда мамлакатимизда бозор инфратузилмаси тўлиқ шкallаниб бўлди. Инфратузилмани бирданига яратиш бўлмайди, у анча узоқ давом этадиган мураккаб жараён. Бу жараён босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. 1992 йил 28 февральда республика улгуржи ва биржа савдоси ҳиссадорлик уюшмаси ташкил этилди. 1992 йил 5 майда Ўзбекистон давлат ҳиссадорлик «савдо» («Ўзбексавдо») ассоциацияси тузилди ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда бозор инфратузилмасини яратишда янги босқичга ўтилди. Бу босқич республиканинг барча қишлоқ аҳоли истиқомат жойларида бозор инфратузилмасининг ҳамма турларини яратишда ижобий ишлар қилинмоқда. Ҳозирги кунда республикада 40дан ортиқ суғурта компаниялари фаолият юритмоқда. Иқтисодий сиёсатнинг устувор мақсадларидан бири аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ва унга меҳнат қилиш учун муносиб имкониятлар очиб беришдир.

Мустақил ривожланишнинг ўтиш даврини умумлаштириб, таҳлил этиш ислох қилишнинг Ўзбекистон модели асосли ва тўғри бўлиб чиқди деб айтиш учун тўла асос бор. Бугун уни обрўли халқаро иқтисодий ташкилотлар, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари тан олмақда. Энг АСОСИЙСИ, ҳаётнинг ўзи уни тасдиқламақда.



Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида иқтисодиётни эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари. Президент И.А.Каримов Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида республикада демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг “бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат”,¹ муҳим устувор йўналишини белгилаб берди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. //Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Тўққизинчи сессиясидаги маъруза. //Халқ сўзи, 2002 йил 30 август.

Ушбу устувор йўналишни амалга ошириш учун авваломбор хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш ва кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш лозим бўлади. Эндиликда хусусийлаштириш жараёнлари тобора кўпроқ йирик корхоналарни, ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига қамраб олиши, корпоратив хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, акцияларни сотишнинг бирламчи ва иккиламчи биржа ҳамда биржадан ташқари бозорини ривожлантириш амалга оширилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат ва назорат органларининг ноўрин аралашувига барҳам бериш, моддий-техника ресурслари ва молиявий, шу жумладан, кредит маблағлари билан таъминланишини яхшилаш, ишлаб чиқарилган товарларни сотиш учун ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга. Шунингдек, ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш ҳамда уларга сервис хизмати кўрсатувчи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналарини ва қишлоқларда уларнинг филиалларини ташкил этиш муҳим устуворликка эга бўлади.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг мазмун ва моҳияти. Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун дастур қабул қилинган бўлиб, мазкур фармон бевосита шунга бағишланган. Дастурга кўра бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш борасида катта ишлар қилинган. Мазкур фармонда бозор ислохотларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш аҳволи ҳақидаги масала атрофлича баён этилган. Қонунларнинг, ЎЗР Президенти Фаронлари ва Қарорлари, ҳукумат қарорлари, идоравий норматив ҳужжат лойиҳалари рўйхати тузилган бўлиб, улар тизимли асосда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий мақсад, вазифа ва устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бу фармонда қуйидагилар белгилаб берилди:

1) дан тизимли асосда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тузилиши айтилган.

2) дан, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастурини ижро этиш бўйича Қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ва амалда рўёбга чиқарилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

3) дан жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш ҳамда маъмурий ислохотни амалга ошириш соҳасида қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштирувчи комиссия тузиш белгилаб берилди.

4) дан, ушбу фармонга мувофиқ қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ижро этилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмитаси ва идоралар, Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан назорат остига олиниши айтиб ўтилган.

5) дан, Адлия вазирлигига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда келишиб олиш, давлат ҳокимияти органлари ва ҳукуматга киритишда мониторинг ўтказиш топширилди.

Умуман ушбу фармон мамлакат иқтисодиёти ва ҳар бир фуқароси амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг аниқ ижобий натижаларини ҳис этиш баён этилган. (Туркистон, 2005 йил 15 июль).

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш иқтисодий устувор йўналишини амалга ошириш учун қуйидаги чора-тадбирлар кўрилмоқда:

- ташқи иқтисодий фаолиятни, валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютанинг жорий операциялар бўйича эркин алмашинувини мунтазам таъминлаш;
- иқтисодиёт таркибий ўзгаришларини амалга ошириш ва уни модернизация қилиш ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш;
- иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш. Бунинг учун тегишли инвестицион муҳит ва инвесторлар учун кафолат яратиш;
- ички ва ташқи инвестицияларни бутун иқтисодиётга, шу жумладан, олтин-валюта захираларимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қиладиган етакчи тармоқларга устувор равишда йўналтириш;
- жаҳондаги нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, дунё иқтисодий тизимига интеграллашуви ҳамда жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши бозор муносабатларини ривожлантириш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш, уни янада демократлашувига олиб келади.

2005 йил 5 октябрда Президент И.Каримовнинг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Президент Ислом Каримов 2007 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида 2007 йил учун қуйидаги устувор вазифаларни белгилаб берди:

1. Асосий вазифа – иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат.

2. Устувор йўналиш – иқтисодиёт ислохотларни амалга оширишда бундан буён ҳам бизнес, жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишдан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб боришдан иборат бўлиб қолаверади.

3. Муҳим устувор йўналиш – хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни ҳар томонлама кучайтириш.

4. Устувор вазифа – иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришни таъминлашдан иборат.

5. Энг муҳим устувор масала – бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдан иборат.

6. Устувор вазифа – банк-молия тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборат.

7. Устувор йўналиш – бу коммунал хўжалик соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштиришдир¹.

Президент Ислом Каримовнинг «**Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир**» номли китобида Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш бўйича устувор йўналишлар ва ислохотларни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди («Халқ сўзи», 2007 йил 26 май).. Президентимиз бунда қуйидаги масалаларга эътибор қаратди:

¹ “Маърифат”, 2007 йил 14 февраль.

1. Дастурда белгиланган вазифаларни, белгилаб олинган устувор (7 та) йўналишларни ҳаётга жорий қилиш учун уларнинг маъно-мазмунига етиб бориш, давлат раҳбарларидан тортиб ҳар бир фуқарога уни амалга оширишни бурч ва вазифа деб билиш.

2. Онгли фикрлар асосида астойдил меҳнат қилиш.

3. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаётни барпо қилиш учун меҳроқибатли, фидойи, олийжаноб бўлишимиз керак.

4. Эришган ютуқларимиздан ғурурланиш билан бирга ҳушёр бўлишимиз лозим.

5. Маънавий куч-қувват берадиган миллий кадриятларимиздан баҳра олиб, амалий ишимизда уларни янада мустаҳкамлаб боришдан иборат.

9 илова (9.3)

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг иқтисодий устувор йўналишининг мазмуни ва вазифалари



9.3. Тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш – демократик жамият ривожининг зарур шарти

Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш шароитида кичик, хусусий бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари кенгайтирилмоқда, даромад солиғи ставкалари қисқартирилиб, солиқ юки енгиллаштириш йўлига қўйилмоқда. ЎзРнинг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йилда қонун қабул қилиниб, амалиётга тадбиқ этилиши натижасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш ва кафолатлаш кучаймоқда. Бундай ижобий ишлар таъсирида кичик бизнес

ва тадбиркорлик субъектларининг сони 2003 й. 1 январь холатига кўра 240 мингтага етди. Улар ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоиздан ошди. Хусусий секторда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 52 фоиздан ортиғи фаолият кўрсатмоқда.

Аслида Президентимиз Ислон Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интиломқда” асарида халқ фаровонлиги ғоясини илгари сура туриб, фаровон турмуш асоси – **эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорликдан иборат** бўлишини баён этган эди. Демак, **тадбиркорлик** – фаровон турмуш асоси. 1997 йил 16 декабрда Президентимиз “Тадбиркорлик – иқтисодиёт ҳақидаги маърузасида 1)дан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш; 2) дан, иқтисодимиз таркибини кескин ўзгартириш, яъни хом ашё эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; 3) дан миллий пулимиз қадрини мустаҳкамлашдан иборат вазифаларни белгилаб берган эди. Ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолиятининг турлари куйидагилардан борат:

1. Ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш. 2. Тижорат (олди-сотди). 3. Молиявий тадбиркорлик. 4. Воситачилик. 5. Суғурта. 1999 йил 14 апрелда “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун билан бирга ЎзР Президентининг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари хўжалик юритувчи субъектларнинг янги ҳуқуқий мақомини яратишга хизмат қилди.

Умуман, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги (1995) қонунда таъкидланганидек, **«Тадбиркорлик – мулкчилик субъектларининг ҳаракатдаги қонунчилик доирасида товар ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга ҳамда даромад ва фойда олишга қаратилган ташаббускорлик фаолияти»дир.** Тадбиркорликнинг куйидаги шакллари ҳам мавжуд: 1) шахсий (хусусий) фаолият; 2) ёлланма меҳнатга жалб қилиш амалга ошириладиган тадбиркорлик; 3) фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган жамоа ёки қўшма тадбиркорлик.

Демократик жамиятга хос бўлган тадбиркорликнинг ривожлантирилиши, иқтисодиёт таркибий ўзгаришларнинг биргаликда амалга оширилиши туфайли Ўзбекистон 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш йўлига ўтди.

Бугунги кунда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат ва назорат органларининг ноқонуний аралашувига барҳам берилмоқда. Президент Ислон Каримов 2005 йил 28 январда «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» маърузасида иқтисодиётни янада эркинлаштириш хусусида гапириб, хусусий тадбиркорликка зарур ресурсларни сотиб олиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш кераклигини айтиб ўтди. Хусусий тадбиркорларига қўшимча солиқ имтиёзлари бериш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. 2005 йилга келиб хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари барпо қилинди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортди ва 2004 йилда 35,6 фоизни ташкил қилди.

Демак, фаровон турмуш асоси. Президентимиз Ислон Каримов 1994 йил 16 декабрда Президент ҳузуридаги Иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро Кенгашнинг навбатдаги мажлисида “Тадбиркорлик - иқтисодиёт келажаги” мавзуида мазкур масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган эди. Унда бозор муносабатларига ўтишнинг кейинги босқичида куйидаги 3 та устувор йўналишни белгилаб берди:

“Биринчи асосий масала” - мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги ишларни охирига етказишдан иборат. Ислохотнинг асосий маъноси ва керак бўлса, негизи бу - мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, тадбиркорликка кенг имконият очиб беришдир¹.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 336-337–бетлар.

Иккинчи муаммо ва устун йўналиш - иқтисодимиз таркибини кескин ўзгартириш, яъни хом ашё эмас, тайёр маҳсулот чиқаришга, унинг сифати ва рақобатбардошлигини дунё бозори талабларига жавоб берадиган ҳолга етказиш...

Учинчи муҳим вазифа - миллий пулимиз нуфузини янада мустаҳкамлаш, унинг Америка доллари, немис маркаси, япон иени каби дунёдаги обрўли валюталар билан эркин алмашувига эришмоқдир.

“Ҳар бир одам бой бўлса, давлат бой бўлади, ҳар оила обод бўлса, мамлакат обод бўлади”. Юртбошимиз Ислом Каримов бу фикрларини давом эттириб, 1999 йил 27 июлда Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярмида иқтисодий ислохотлар якунига бағишланган йиғилишида “Тадбиркорлик - юксалиш гарови” мавзuida маъруза қилди¹. Ушбу маърузадаги баъзи, муҳим томонларини келтириб ўтамиз:

«Бугунги кундаги асосий вазифамиз - танлаб олинган ислохотлар ва янгилаш йўлимиздан орқага қайтмаслик. Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасида баён қилинган иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт стратегиямизнинг асосий йўналишларини амалга оширишдир».

Бугунги кундаги асосий вазифамиз - халқ турмушини яхшилашдир, токи диёримизда яшаётган ҳар бир инсон ўзи ва оиласи мисолида ўз фаровонлиги ортиб бораётганини ҳис қила олсин.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз - мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро обрўсини ошириш. Хонадонимиздаги хавфсизлик, барқарорлик, тинчлик ва тотувликка нисбатан бўлаётган ҳар турли таҳдид ва хавф - хатарларга нисбатан огоҳ ва ҳушёр туришдир».

Умуман, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги (1995) қонунда таъкидланганидек, «Тадбиркорлик - мулкчилик субъектларининг ҳаракатдаги қонунчилик доирасида товар ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга ҳамда даромад ва фойда олишга қаратилган ташаббускорлик фаолияти»дир.

Тадбиркорликнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- а) шахсий (хусусий) фаолият;
- б) ёлланма меҳнатни жалб қилиб, амалга ошириладиган тадбиркорлик;¹
- в) фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган жамоа ёки қўшма тадбиркорлик.

Барқарорлик дастурини ишлаб чиқишда танглик ҳодисаларининг олдини олиш, иқтисодиётнинг қай ҳолатдалигини ифодаловчи мезон бўлиб, хизмат қилувчи кўрсаткичларни яхшилаш, тангликка олиб келувчи ички сабабларини ўрганиш, уни баргараф этиш тадбирларни амалга ошириш керак.

2006 йил 24 майда “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатиغا олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

Барқарорлаштириш сиёсати – бу аввало макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймаслик.

Барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади – бошқариб бўлмайдиган, иқтисодий пасайишга олиб келиши мумкин бўлган ички ва ташқи мувозанатсизликдан четлаб ўтиш, зарур бўлган тақдирда уни тўғрилашдан иборат.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг жаҳон тажрибасидаги хилма-хил ёндашувлар қуйидагилардан иборат:

1. Монетар ёндашув – деб аталиб, чуқур иқтисодий ўзгаришларни таъминлайди. Монетар ёндашув деб бунда пулнинг қадрсизланиш даражасини пасайтириб туришга, пул масаласини ҳамда тўловга қодир бўлган жами талабни кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланган. Бу хил ёндашув чуқур иқтисодий қайта

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 39-58- бет.

¹ Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йўли. Т.: «Шарқ», 1999, 120 – бет.

ўзгартиришларни таъминламайди, аксинча, кўпинча ишлаб чиқаришнинг моддий хажмлари камайишига, инвестиция фаолияти тўхтаб қолишга олиб келади. Монетар ҳеч қачон ишлаб чиқаришни тангликдан олиб чиқишга қодир бўлган ягона йўналтирувчи ва ҳал қилувчи куч бўлган эмас. Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқаришда ана шу қаттиқ монетаризмга таянмаслик керак. Балки мувазанатга келтирган монетар сиёсатнинг асосий тармоқларни, ишлаб чиқаришни таркибан қайта ташкил қилишни йўлга қўйиш керак.

2. Фискал ёндашув – (солиқлар сиёсати ҳамдир) – ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантиришга, таркибий қайта ташкил қилишларни амалга оширишда кўмаклашишга, иқтисодиётда номутаносибликларга барҳам беришга асосланган ёндашув. Бунда бир меъёрда қаттиқ молиявий ва пул-кредит сиёсати ўтказилади, товар билан қоплашнинг иложи бўлмаган ортиқча талабларни чеклаш бўйича тадбирлар билан узвий боғлаб олиб борилади.

3. Ўзбекистоннинг ўзига хос ёндашуви: дучор бўлган тангликдан, узоққа чўзилган чуқур тангликдан ижтимоий ларзаларсиз ва портлашларсиз эсон-омон чиқишдан иборат бўлиб, бунга фақат ишлаб чиқаришга таянган ҳолдагина эришиш мумкин. 1999 йил 16 февралда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ислохотлар ислохот учун эмас, инсон манфаатлари учун деган тамойилни илгари сурди. Ўзбекистон ўзига хос бу ёндашувда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат, ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига диққат қаратди. Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг жаҳон тажрибасини, унинг айрим хусусиятларини ўрганиш, уларга амал қилиш билан бирга унинг миллий хусусиятлари, демографик белгилари, босқичма-босқич асосида амалга оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Масалан, агар 1991-1994 йилларда майда хусусийлаштирилган бўлса, 1994-2000 йилларда ўрта мулклар давлат тасарруфидан чиқариш йўлга қўйилди ва ҳ. к.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

Президент И.А.Каримов иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш юзасидан қуйидаги вазифаларни белгилаб берган:

Биринчидан, мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш. Бунинг учун хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш.

Иккинчидан, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш.

Учинчидан, бозор инфратузилмасини ривожлантириш.

Тўртинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш.

Бешинчидан, валюта тизими ва бозорни эркинлаштириш.

Олтинчидан, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашишни чеклаб қўйиш.

Ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистонда давлат мулкани хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш тадбирлари олиб борилди.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгиларини баён этинг?
2. Демократик жамият иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш тушунчаси ва мазмунини нималар ташкил қилади?
3. Президент Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида қандай принциплар изоҳлаб берилган?
4. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бошқаруви қандай йўللار билан номарказлаштирилади?
5. Рақобатнинг демократик жамиятни барпо этишдаги ўрни қандай?
6. Бозор инфратузилмаси қандай йўллار билан шакллантирилади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. –8–10-б.
2. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. -Нукус: «Қорақалпоғистон», 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид: барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6,8-12, 14-15, 16-26, 28-38, 47-48-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 36-85-бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.3. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 3-54-бетлар.
7. Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида. Т.10. -Т.: «Ўзбекистон», 2002, 26-52-бетлар.
8. Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: «Ўзбекистон», 2003, 3-52, 97-120-бетлар.
9. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
10. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
11. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
12. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
13. Каримов И.А. Янгилашиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
14. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
15. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2007. – 64 б.
16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
18. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафқураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
19. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
20. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
21. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
22. Пугачев В.Т., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 256-275-бетлар.
23. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003, 38-50, 179-184, 132-200, 209-250-бетлар.

24. Хусанов М. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг аҳамияти. Т.: ТДЮИ, 2004. – 32-б.
25. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
26. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
27. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
28. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
29. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
30. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.

10-МАВЗУ. ОИЛА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНING АСОСИЙ БЎҒИНИ

10.1. Демократик жамиятда оила институтининг ўзига хослиги ҳамда унинг ҳуқуқий асослари

Демократик жамиятда оила омилининг ўрни. Оила – кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг кичик хужайраси, ижтимоий-маданий организм. **Оила** – кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, уй-рўзғорни бошқариш), ҳуқуқий (масалан, никоҳни фуқаролик ҳолатларида қайд этиш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, меҳр-муҳаббат туйғуси ва шу қабилар) муносабатларига асосланган бирлик¹. Демак, **оила** – бу кишиларнинг никоҳ ёки қон-қардошлик, уруғ ёки қиз олишга асосланган ижтимоий муштараклигининг бошланғич формасидир. Дунёда юз берадиган ҳар қандай ўзгаришлар, хоҳ у иқтисодиётда, хоҳ маънавий-сиёсий соҳаларда бўлмасин, ўз таъсирини даставвал оила муҳитида намоён этади.

Сўнгги йилларда иқтисодиётда глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви, маънавият ва ахлоқий тарбияда ғарб маънавиятига хос бўлган индивидуализмнинг кучайиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ва айниқса оила муҳитига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, оила барча ислоҳотлар, ўзгаришлар, таназзул ва тараққиётларнинг ибтидоси ва интиҳоси ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг эртанги порлоқ истиқболини таъминлашда бошқа ижтимоий институтлар билан бир қаторда оила омилига ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиғи ҳам шундан иборатдир. Шундай экан, оила муҳитида мамлакатимизнинг умумий ривожланишига муносиб ҳисса қўша олишга қобил ва тайёр шахсларни шакллантириш учун биринчи галда нималар қилишимиз лозим ва қайси жиҳатларни ривожлантиришимиз учун жиддий эътиборни қаратишимиз зарур? Даставвал, ўсиб келаётган ёш авлод онги, шуури, маънавиятида Ватан туйғусини мустаҳкам қарор топтириш иши халқимиз учун тақдириломон вазифа саналади. Негаки, қадим-қадимдан оила - муқаддас Ватан саналган. Зеро, оилага садоқат, ота-онага оқибат, ака-укаларга меҳрлилик ватан туйғусининг дебочаларидир. Оилага самимий садоқат бўлмаган жойда, фарзандлар олдида ота-она ҳурмати йўқ. Бундай ҳолатда на қариндошларга, на маҳаллага ва на ватанга муҳаббат таркиб топади. Шу боисдан ҳам Президентимиз И.А.Каримов “оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб қувватлаш-бугунги кунимиз учун ва эртанги

¹ Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 297-298-б.

истикболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор”¹, дея алоҳида қайд этганликлари бежиз эмас.

Оила омилининг мустаҳкамланиши бир томондан, оилага давлат ва жамият эътиборининг кучайишига боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан, оиланинг субъектив, яъни, ички имкониятларини тўлароқ юзага чиқазиш билан боғлиқдир. Оиланинг ички имкониятлари деганда оила таркиби, оила аъзоларининг ижтимоий мўлжаллари, ўз олдларига қўяётган мақсадлари, фарзандлар тарбияси, таълим, шахснинг индивидуал тараққиёти, ахлоқий тарбия, меҳр, садокат, сабр, муҳаббат омилларининг оила муҳитида амал қилиши тушунилади.

Даставвал, оила таркиби ва фаровонлиги масаласига тўхталсак. БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан ўрганилган ҳолатлар натижасига кўра, Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроғи, яъни 11 миллиони 18 ёшгача бўлганларни ташкил этиб, ҳар бир оила боқувчиси ўзи билан ўртача 5,2 кишини боқиш масъулиятини зиммасига олиб яшайди. Таққослаш учун мамлакатимизга аҳоли нуфузи бўйича бирмунча яқинроқ бўлган Руминия ёки Польшани мисол қилиб олсак, бу давлатларда ҳар бир боқувчи зиммасига 0,5 болани боқиб, ўстириш тўғри келмоқда. Польшанинг 35 миллион аҳолисининг 22 миллиони, Руминиянинг 23 миллион аҳолисидан 16 миллиони моддий, ёки номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида машғул бўлиб келаётган бўлсалар, Ўзбекистоннинг 25 миллион аҳолисидан 5 миллионга яқини ишлаб чиқариш, бошқарув тижорат, маориф, тиббиёт сингари соҳаларда фаолият юритмоқдалар. Табиийки, бундай ҳолат вақтинча муайян иқтисодий қийинчиликлар туғдирса-да, ҳар ўтган йил моддий ва номоддий ишлаб чиқаришга миллионлаб янги ишчи кучларининг келиб қўшилишига ва пировард натижада мамлакатимизнинг умумий салоҳияти даражасини узлуксиз равишда ошириб берилади.

Билъакс, истиқлол шарофати билан маънавий тикланиш жараёнлари дадил кечаётган мамлакатимизда оила институти ижтимоий ҳаётда тобора мустаҳкамроқ ўрин эгаллаб бормоқда. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримов асослаб берган оила омилини мустаҳкамлаш концепсияси эътиборга сазовордир.

“Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир”².

Оила мустақил ижтимоий институт бўлиб шаклланишидан бошлаб, то истиқлол давримизгача кўп қиррали ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Ҳар бир тарихий даврда оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари хилма-хил мазмун билан бойиб борди ҳамда оила даврнинг чигалли синовларидан омон ўтиб, жамиятнинг негизи сифатидаги хусусиятини сақлаб қолди. Оиланинг жамиятдаги муҳим ижтимоий институт сифатидаги ўрни хусусида мутафаккирларимиз ибратли нуқтаи-назарлар баён этишган.

Хусусан бу борада, яъни оила ва оилавий тарбияга оид фикрлар Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Абу Райҳон Берунийнинг “Минералогия”, “Геодезия”, “Ҳиндистон”, “Ўтган авлодлар обидалари”, Абу Али ибн Синонинг “Ахлоқ”, “Ахлоқ фани”, “Оила хўжалиги”, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат-ул аброр” ва “Маҳбуб-ул қулуб” асарларида ўз ифодасини топган.

“Ҳеч бир халқ оила, никоҳ муносабатларидан холи эмас, оила қуриш ҳамма миллат ва халқ учун табиий ҳол. Ҳиндистонда ёшларни ўспиринлик вақтида уйлантирадилар. Эр билан хотин ўртасини ўлимдан бошқа ҳеч нима айира олмайди, ҳиндларда талоқ қилиш йўқ”.

Беруний

Ҳадис илмида шундай дейилган: “Бахтсизлик уч нарсадир: Отда, хотинда ва ховлида”

¹ 1998 йил – Оила йили, -Т.: Ўзбекистон, 10-бет

² Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги. «Маърифат», 1997. 10 декабрь.

“Эй қизим, сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан, сен бўлажак куёвнинг ҳамма ҳислатларини билмайсан. Сен ер бўл, у осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тут, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон ширали ёмғир билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳру-шафқати билан сени хушнуд этади. Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзлар эшитсин, ярамайдиган ва эски либосда ёки сочларинг тартибга солинмаган ҳолатда унинг олдида ўтирма. Қизим куёвингдан кучи етмаган ва сотиб олишга қудрати етмаган нарсаларни талаб қилма. Бундай қилсанг орада тотувлик йўқолади, турли хил жанжаллар пайдо бўлади. Қизим, рашк қилишдан сақлангин, чунки у ажралиб кетишнинг калитидир. Эрингга ҳадеб гина қилаверишни ман этаман. Яхшиси сен у билан хушмуомалада, ширин сўзли бўлгин, бу ишинг ҳар қандай сеҳру-жодудан яхшидир. Ўзингга хушбўй нарсалар билан оро бергил. Покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин”.

Абу Райҳон Беруний

Айниқса XX аср бошларидаги миллий озодлик курашчилари бўлган жадидлар оила институти орқали жамиятни ислоҳ қилиш учун астойдил киришганлар.

Оиланинг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституциясининг 66-бандида “вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдилар”, деб махсус қайд этилади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, дунё конституцияларининг бирортасида ҳам бундай мазмундаги ҳуқуқий модда алоҳида ажратиб кўрсатилмаган бўлиб, масаланинг бу тарзда, қўйилиши Ўзбекистонда ота-она ва фарзанд муносабатлари умумдавлат даражасидаги фавқулодда муҳим масала эканлигидан далолатдир.

Жадидлар ҳаракатининг йирик назарийчиси профессор А.Фитрат ўзи яшаган давр ҳаётнинг барча соҳаларида чуқур инқирозга юз тутганлиги туфайли у хонликларнинг аянчли аҳволи, уларнинг умумжаҳон жараёнларидан анча орқада қолганлиги, маънавий кашшоқланиш юз берганлиги ҳақида куйиниб ёзади. Бу тасодифий эмас эди. Негаки ўтган асрнинг бошида, яъни А.Фитрат яшаган даврда шарқ оилаларига ғарб турмуш тарзи сингдирила бошлаган эди. У ўзининг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” асарида оила асосини тўғри қуриш, оилада ёш авлодга жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбия бериш орқали мана шу турғунликдан қутилиш, жамиятни ислоҳ қилиш мумкинлигини баён қилган. “Миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир... Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, малакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади”¹, деб ёзади у мазкур асарда.

Фитрат ўз фикрини давом эттириб, “Агар бир мамлакат аҳолиси ахлоқсизлик ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади”², деб ёзади.

Муаллиф оилавий ҳаёт ўз қонун ва қоидаларига эга эканлигини, бу қонунларга риоя қилиш орқалигина одамларни жаҳолатдан қутқариш мумкинлигини баён этади.

Оила институтининг барқарорлиги жамиятнинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказди Ғарб олимлари тадқиқотларида оиланинг инқирози хусусидаги нуқтаи-назарлар кенг баён этилмоқда. Хусусан, 1859 йилда “Бостон Куатерли Ревью” журнали шундай деб ёзган эди: “Эски маънодаги оила ҳаётимиздан йўқолмоқда ва бу нафақат институтларимизнинг эркин характериға хавф остида қолдиради”. Бундай фикрлар кўпгина Ғарб мамлакатлари бўйлаб акс-садо бериб ўтди. 1980 йилда Британияда консерваторлар партияси оила тушунчасини сиёсий жиҳатдан муҳокама қилди. 1986 йилда Англияда бош вазир лавозимида ишлаган Маргарет Тэтчер консерваторлар партияси конференциясида:

¹ Абдурауф Фитрат. Оила. Т.: Маънавият, 1998, 8 - бет

² Абдурауф Фитрат. Оила. Т.: Маънавият, 1998, 8 - бет

“Бизнинг сиёсатимиз оиладан, унинг эркинлигидан ва унинг хотиржамлигидан бошланади”¹ деди. Бошқа томондан, оиланинг танқидчилари оила институтининг тушқунлигини ва ҳатто бора-бора йўқолиб кетишини башорат қиладилар.

Оиланинг йўқолиши тўғрисида ҳали асосланмаган ҳолда шунчалик кўп гапирилдики, бундай умумий мулоҳазаларга танқидий ёндошиш лозим.²

Табиийки, оила институти бугунги кунда фундаментал ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Аммо, Фарб дунёсида юз бераётган ижтимоий ўзгаришларни ўз ҳолича Шарқ оламига, хусусан Ўзбекистон турмуш тарзига айнан кўчириб талқин этиш тўғри эмасдир.

Фуқаролик жамиятида оиланинг ҳуқуқий асослари.

БМТ мутахассисларининг прогнозига кўра Марказий Осиё аҳолисининг сони 2025 йўлда 71,5 млн. кишига етиши мумкин. 2007 йилда Ўзбекистонда 26,3 млн. киши (шундан 2,1 млн. киши Тошкент шаҳрида) яшамоқда. Мамлакатимизда ҳар минг кишига нисбатан 23 бола туғилмоқда (дунёда 21,8, энг кам Германияда 8 бола). Ўзбекистонда ва бутун дунё бўйича ўртача, ҳар 10 аёлга 27 фарзанд тўғри келмоқда. Ўзбекистон аҳолиси 2025 йилда 33 млн. кишига, 2050 йилга бориб эса 37,5 млн. кишига етиши башорат қилинмоқда (Жамият газетаси, 2007 йил 26 январь).

Оиланинг ҳуқуқий асосларини қуйидагилар ташкил қилади (асосийлари):

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (1948 йил декабрь) 16-моддада берилган.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 63-66-моддаларда баён этилган.

3. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси (1998 йил 30 апрелда қабул қилинган) 8 бўлим 238 моддадан иборат.

4. Ва бошқа шулар доирасида қабул қилинган норматив ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси” ва ундан оила-никоҳ муносабатлари принциплари.

1998 йил 30 апрелда Олий Мажлис II-сессиясида ЎзРсининг «Оила кодекси» тасдиқланди. У 1998 йил 1 сентябридан амалга киритилди. «Оила кодекси» 8 бўлим ва 238 моддадан иборат. 30 та боб мавжуд.

1-бўлим умумий қоидалар, 2-бўлим Никоҳ, 3-бўлим қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш, 4-бўлим Ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, 5-бўлим Оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари, 6-бўлим Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари, 7-бўлим Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, 8-бўлим Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солиш деб номланади.

«Оила кодекси» қуйидаги принциплар асосида тузилган ва баён этилган:

- 1) Оилавий муносабатларда аёл ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилиги.
- 2) Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги.
- 3) Оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқчилиги.
- 4) Ажралишнинг эркинлиги (давлат томонидан назорат қилиниши).
- 5) Болаларни биргаликда тарбиялаш тамойили.
- 6) Яқка никоҳлик принципи.

Мазкур оила кодекси 1)дан «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (1948 йил 10 декабр), 2) дан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боб, 63-66-моддаларига, “Оила кодекси”га асосланади.

Оила кодексидан никоҳ тузиш тартибида диний расм-расмларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмаслиги айтилган. Никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганда никоҳ ёшини 1 ёш кичирайтириш мумкин.

¹ Каранг: Энтони Гидденс. Социология: олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма, Илмий муҳаррирлар: А.Бегматов ва М.Бекмуродов, - Т.: Шарқ, 2002. – 459 – бет.

² Каранг: Энтони Гидденс. Социология: олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма, Илмий муҳаррирлар: А.Бегматов ва М.Бекмуродов, - Т.: Шарқ, 2002. – 459 – бет.

Никоҳ тузишга монелик ҳолатларида насл-насаб шаражаси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида мумкин эмаслиги айтилади. Бугунги кунда никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилган бўлиб, бу қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Демак, оила кодексида оила кишиларнинг табиий-биологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлик эканлиги инобатга олинган.

Оилада эр ва хотин тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар мажбуриятларга эга.

Умуман, «Оила кодекси» демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда, 5 миллион атрофида оилаларнинг туб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-руҳий ҳолатларини ўзида ифода эта олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2007 йил 18 майда «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу фармон ёш оилаларга давлат томонидан моддий ва маънавий ёрдам бериш, уларга айрим энгилликлар яратиш кўзда тутилади («Туркистон», 2007 йил 19 май).

Ушбу фармонда қуйидаги ҳолатлар таъкидлаб ўтилди: Ёш оила тоифасига 30 ёшдан ошмаган (14–30 ёшдаги фуқароларга тааллуқли), биринчи марта никоҳдан ўтган ёшлар қиради. 1) Ёш оила аъзоларини ишга жойлаштириш. 2) Уй сотиб олишда уларни қўллаб-қувватлаш, микрокредитлар ажратиш. 3) Уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш. 4) Ёш оилаларни маънавий, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш. 5) Никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларида давлат томонидан моддий ёрдам бериш. 6) Солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадлардан озод қилиш. 7) 2007 йил 1 сентябридан давлат тасарруфидаги вақтинча фойдаланимаётган ётоқхоналарни ёш оилаларга ажратиш учун уй-жойлар, кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналар негизида оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага бериладиган квартиралар ташкил этиш кабилар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш), уй хўжалигини йўлга қўйиш, мебель ва узок муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш учун 2007 йилда 50 миллиард сўм ажратилди.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда йилига ўртача 175-180 мингдан ортиқ никоҳ қайд қилинади. Бугунги кунда республикада 5,5 миллион оила мавжуд. Мамлакатимиздаги жами аёллар сонининг салкам 40 фоизини ёш оилалар ташкил этади.

10.2. Оилага давлат ва жамият эътибори ҳамда Ўзбекистондаги оилаларнинг таркибий жиҳатлари

Жамиятда ҳар бир оиланинг 4 та буюк ижтимоий вазифаси бор:

1. У жамиятни, давлатни ташкил қилувчи одамларни “етиштириб” берадиган асосий демографик ҳужайра.

2. Оила – биз кундалик меҳнатга сарфлаган кучимизни қайта тиклаш учун хизмат қиладиган ягона маскан.

3. Оила жамият учун “етиштирадиган” одамларига тарбия берувчи асосий мактаб. Айнан оилада ёшлигидан бошлаб, ҳар бир инсоннинг негизи шаклланади, у яхши ёки ёмон, бахтли ёки бахтсиз бўлишига шу ерда асос солинади.

4. Одам фақат оиладан ҳақиқий маънавий ва руҳий озуқа олади, инсон бўлишни ўрганади, яъни ўзгани қайғурушини, кадрлашни, ўзга учун яшашни ўрганади – буларнинг ҳаммасини ота-онаси бир-бирига қиладиган муомаласи, муносабатидан ибрат олади.

Ҳар бир оила бу 4 та вазифани бажариши эса асосан аёл кишига боғлиқ, чунки фақат аёл ҳаёт давомчисидир, фақат аёл ҳар қандай кулбадан уй яратишга қодир, фақат аёл ва она меҳр-муҳаббати инсонни ва унинг бахтини яратади.

Европаликларда шундай нақл бор: «Коинотни эркаклар бошқаради, эркакларни эса хотинлар». Ўз эрини қандай бошқаришни билмаган хотин “коинотни” бошқаришга ўтади ва шу билан ўз табиатига қарши чиқади. Табиат эса унга қарши чиққанларни кечирмайди, бундайларнинг келажаги бўлмайди.

Ота-оналаримиз аёл кишини «заифа» ёки ночор” деб аташган, яъни бу сўзнинг ўзагига эътибор берадиган бўлсак, у қуввати кам, ҳам жисмонан, ҳам руҳан кучсиз, бекуват, нимжон деган маънони билдиради. Аёлни кучи ҳам айнан унинг заифлигида, унинг қуроллари: юмшоқлик, мулойимлик, меҳр-шафқатлилиқ ва пастфёллиқ. Бу “қуролларни ишлатолмайдиган аёл ўзининг оиладаги вазифаларини бажаролмайди, ўзига ҳам, оила аъзоларига ҳам яхшилиқ келтиролмайди. Пайғамбаримизнинг аёли Ойша момо қизига турмушга узатаётиб, унга шундай насиҳат берган: “Сен эринга чўри бўл, шунда у сенга қул бўлади”.

Икки одамдан ташкил топган оилада хўжайин бўлиши мумкин эмас, чунки у икки одамнинг жони ҳам, тани ҳам бирлигини, ўзаро тенглигини билдиради. Оилада тенглик ҳукмрон бўлиши учун эса эр ҳам, хотин ҳам фақат бир қонунга амал қилишлари керак бўлади. “Меҳр истасанг – меҳрингни бер, кадр истасанг – кадрла, енгинг келса- едир, олмақни истасанг – бер” (Роззоқов Ш. Оилада ким хўжайин? Тошкент ҳафтанома, 2005 йил 27 октябрь).

Шундай қилиб, “Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва кадриятлари шаклланади”.

Оила асосини никоҳ муносабатлари ташкил қилади. Никоҳ – бу тарихан вужудга келган эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-ахлоқий шаклидир. Никоҳ орқали жамият эр-хотиннинг ўзаро жинсий ҳаётини тартибга солади ва уларнинг оиладаги ҳуқуқ-борчларини қонунлаштиради. Шу билан бирга, оила никоҳга нисбатан янада мураккаброқ бўлиб, нафақат эр-хотинни, балки уларнинг фарзандларини ва шу оила таркибига кирувчи қариндошларни ҳам ўз ичига олади.

Айрим манбаларда ёзилишича, жинсий висол суҳбати натижасида саъд (бахтли, яхши) кунлар: душунба бўлиб, бунда тан дуруст, туғиладиган фарзанд хусн ва камолот эгаси бўлади. Пайшанбада ҳам тан дуруст бўлиб, оқил ва улуг мартабали, жума кунда ҳам тан дуруст бўлиб, фарзанд олим ва парhezгар бўлиб дунёга келади. Жинсий висол суҳбати натижасида наҳс (бахтсиз, ёмон) кунлари: якшанбада бўлиб, бунда иситма юзага келади, туғиладиган фарзанд ёлғончи, кўпол ва она безори бўлади. Сешанбада буйрак заиф бўлиб, ўғри ва қароқчи бўлиши, чоршанбада тутқаноқ касали бўлиб, хунаса бўлиши, шанбада эса беморлик пайдо бўлиб, фосиқ ва золим фарзанд дунёга келиши мумкин.

Аюрведада таъкидлашича, тоқ кунларда қизлар, жуфт кунларда эса ўғил болалар бунёд бўлади. Ой тақвимида кўра, ой тўлганида ва янги ой чиққанида ҳамма тўлин ой ва янги ой чиққанидан кейинги саккизинчи кунларда соғлом фарзандлар туғилмайди. Чунки бу кунларда ой фазаларининг ўзгариши туфайли инсон танаси заиблашиб қолади, бу эса бўлажак фарзандга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Оила ижтимоий институт сифатида муайян даражаларга эга бўлади. Дастлаб, эр-хотиннинг никоҳдан ўтиши оқибатида оила вужудга келади. Биринчи фарзанднинг дунёга келиши эса - болали оилани юзага келтиради. Бу ҳолат оилани янада мустаҳкамлайди. Ҳаттоки, бир-бирларини севиб қурилган оила ҳам, агарда фарзандли бўлмаса, мустаҳкам бўла олмайди, бундан кўриниб турибдики, оиланинг авлод қолдиришлиқ функцияси жамият ҳаётида ҳам, оила мустаҳкамлигини сақлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Оиланинг яна бир даражаси - кўп болали оилалар сони ҳозирга келиб, маълум ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири билан борган сари камайиб кетмоқда.

Собиқ СССР таркибига кирган барча республикаларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам оилани қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Эр-хотин болалари билан ёки боласиз яшайдиган оилалар.
2. Эр-хотин болалари ёки боласиз, ота-оналарининг фақат биттаси билан яшайдиган оилалар.
3. Эр-хотин, болалари ёки боласиз, ота-оналарининг фақат биттаси (ёки уларсиз) ва бошқа қариндошлари билан яшайдиган оилалар.
4. Икки ёки ундан ортиқ оддий оила (никоҳ жуфтлари) болалари билан ёки боласиз, ота-оналарининг бири (ёки уларсиз) ва бошқа қариндошлари билан (ёки уларсиз) яшайдиган оилалар.
5. Она ва болалар билан яшайдиган оилалар.
6. Ота ва болалар билан яшамайдиган оилалар.
7. Она-болалари ва онанинг (ёки отанинг) ота-оналаридан бири яшайдиган оилалар.
8. Ота-оналар, отасининг (ёки онасининг) ота-оналаридан бири билан яшайдиган оилалар.

9. Бошқа оилалар.

Оила ва унинг аъзоларининг ижтимоий гуруҳларига қараб ҳам турларга бўлинади:

1. Оила аъзолари бир хил ижтимоий гуруҳга мансуб оилалар.
2. Турли гуруҳларга мансуб оилалар.

Оилаларнинг ўша оила аъзолари миқдорига қараб турларга бўлиниши унинг демографик таркибини ташкил этади. Ўзбекистон учун шартли равишда оиланинг 3 та демографик турга ажратиш мумкин:

1. Кичик оилалар – 2–4 киши истиқомат этувчи оилалар.
2. Ўрта оилалар – 5–6 киши истиқомат этувчи оилалар.
3. Катта оилалар – 7 ва ундан ортиқ истиқомат этувчи оилалар¹.

ОИЛА БУЮДЖЕТИ – Оиланинг мазкур вақтда вужудга келган пулли ёки жами даромадлари ва сарф-ҳаражатларидир. Ахлоқ-одобга доир Ҳадис намуналарида ҳам “Хотинларнинг баракалироғи – сарф-ҳаражатни камроқ талаб қиладиганидир”, деб бежиз айтилмаган.

Абдурауф Фитрат қарашларида оила асослари:



¹ Умумий социология. – Тошкент: ТошДУ, 1999, 140–145-бетлар.

10.3. Ўзбекистонда оилавий муносабатлар ва фарзанд тарбияси ҳамда демократик жамият қуришда оила ролининг ошиб бориши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов оиланинг демократик жамиятдаги қрни ва роли ҳақида. Президентимиз Ислоҳ Каримов 1997 йил 9 декабрда оила масаласига бағишланган махсус фармойиши эълон қилинди. Фармойишда “Оила йили” (1998 йилни) билан боғлиқликда Давлат дастури ишлаб чиқилди. “Оилага эътиборимизни, деган эди Президентимиз И.А.Каримов,— тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш бугунги кунимиз учун ва эртанги истиқболимиз учун муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунамиз ва англашимиз даркор”. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан 1998 йилда “Оила” илмий-амалий маркази ташкил топди. Бу марказ оиланинг равнақи билан боғлиқ муаммолар мажмуаси атрофлича илмий ўрганиш ва услубий тавсиялар тайёрлаш вазифасини бажармоқда. “Соғлом авлод Давлат дастури”га кўра оилада бола тарбияси билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг 6 та муҳим жиҳатига эътибор қаратди. Булар: 1) фарзандларимизни, айниқса қизларимизни мактаб партасиданоқ оилага тайёрлаб бориш; 2) оила қуриш масаласи; 3) аёлларнинг ҳомиладорлик даври; 4) илк ёшдаги бола тарбияси; 5) боланинг 1 ёшдан 5-6 ёшгача бўлган тарбияси, 6) ногирон болаларга эътибор масаласи.

Президентимиз оила ва унинг муаммоларини жамият эътиборидан четда қолдирмаслик йўлларини излаб топмоқда. Ўзбекистондаги ҳар бир оила давлат равнақи, жамият учун жон куйдирадиган оила сифатида шаклланимоқда. Оила жамият, давлат тасарруфида фаолият кўрсатувчи асосий таянчдир. 1998 йилда оила манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш учун Президент томонидан Оила йили деб эълон қилинган эди.

Демак, республикамиз мустақиллиги оила равнақи учун барча шарт-шароитларни яратди. Шундай экан ҳар бир оила ҳам ўз навбатида шу жамият учун унинг ривожланиши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида иш олиб бориши лозим.


Оила жамият ижтимоий таркибининг муҳим элементи сифатида ўзига хос ижтимоий вазифаларни бажаради. Оиланинг ижтимоий вазифаси (функцияси) деганда, оила ва унинг аъзолари ҳаёт фаолияти, фаолликни намоён қилиш усулига бағишланади. Уларга қуйидагилар қиради: биологик кўпайиш, тарбиявий, хўжалик-иқтисодий, ўзаро ёрдам, коммуникатив, регулятив қабилар.

Оиланинг функциялари, асосан қуйидагилардан иборат: 1. Авлодни давом эттириш. 2. Болалар тўғрисида ғамхўрлик. 3. Иқтисодий функция ёки уй-хўжалик ишларини юритиш. 4. Қариялар тўғрисида ғамхўрлик. 5. Бурч ва мажбуриятларни ҳис қилиш. 6. Муомала талабларини қондириш. 7. Бўш вақтдан унумли фойдаланиш.

Айниқса, оилада бола тарбияси, кексаларга ёрдам, меҳнатга лаёқатини йўқотганларга ғамхўрлик қилиш, оилавий анъаналарни сақлаш ва маънавий муносабатларни тартибга солиш каби муҳим аҳамиятга эга ижтимоий муносабатлар мужассамлашгандир. Оилада “вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 17-бет.

Абдурауф Фитрат қарашларида оила ахлоқи:



Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари:

1. Фарзанд дунёга келгач, унга чиройли исм қўйиш.
2. Фарзанднинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир (“Аллоҳу акбар”) айтиш керак (чақалоқдан ҳар хил дев, парилар даф бўлади).

3. Фарзандга ақиқа (янги меҳмон дунёга келганда зиёфат бериш) қилиш. Чақалоқ учун қон чиқариш ва чақалоқ учун озор берадиган нарсаларни даф қилиш. Қурби етмаса шарт эмас. Ақиқа иложи борица 7, 14, 21 кунлигида қилиниши керак. Имкони бўлмаса, кейин ўтказса ҳам бўлади (ўғилга 2 қўй, қиз туғилса 1 қўй сўйинглар, қурби етмаса шарт эмас дейилган Ҳадис ва Қуръони Каримда).

“Ақиқа” – ҳар бир чақалоқнинг она қорнидалик вақтида чиққан сочи бўлиб, у чақалоқ туғилганига бир ҳафта бўлган куни олиб ташланади. Шу муносабат билан қурбонлик қилинадиган жонлиғ ҳам “ақиқа” деб аталади. Агар янги туғилган чақалоққа ақиқа қилинмаса, унга исм қўйилиб, танглайи хурмо билан кўтариб қўйилади. Имом ал-Бухорий.

4. Фарзандга илм ўргатиш. Диний ва дунёвий илмлар, касб-хунарни ўргатиш.

5. Фарзанд вояга етгач, ўғил бўлса, уйлантириш, қиз бўлса, кечиктирмай турмушга бериш.

Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчалари (Ота-онанинг фарзандда 10 та ҳаққи бор):

1. Муҳтож бўлганда таомлантирмоқ.

2. Хизматини қилмоқ.

3. Чақирганда лаббай, деб жавоб бермоқ.

4. Гуноҳдан бошқа ишларга буюрса итоат этмоқ.

5. Ота-она билан юмшоқ муомалада гаплашмоқ.

6. Ота-онани, қодир бўлса, либос билан таъминламоқ.

7. Ота-онанинг орқасида юрмоқ.

8. Ўзи рози бўладиган нарсани ота-онасига ҳам раво кўрмоқ.

9. Ўзига ёмон кўрган нарсани ота-онага раво кўрмаслик.

10. Доимо ўзи учун дуо қилганда, ота-онага раво мағфират сўраб дуо қилмоқ. Агар ота-онаси ҳаёт бўлса уларга узок умр тилаш, бахтига омон бўлишини тилаш. Агар ўтиб кетган бўлсалар “ўтган ота-боболаримиз, она-момларимиз Оллоҳ раҳмат қилсин, охирати обод бўлсин», деган биргина калима кифоя (Ҳошимов Ўткир. Дафтар қошиясидаги битиклар. – Т.: Шарқ, 2005. – 150-б.).

Бошни фидо айла ато қошиға!
Жисмни қил садқо ано боғига!
Тун-кунуга айлагали нурпош,
Бирисин ой англа, бирисин куёш!

Алишер Навоий

ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

1997 йил 9 декабрда Президентимизнинг оила масаласига бағишланган махсус фармойишида, “Оила йили” билан боғлиқликда Давлат дастурини ишлаб чиқиш учун Республика Комиссияси тузилди ва унинг таркибидаги ишчи гуруҳларни ташкил этиш вазифаси қўйилди. Дастурни асосий йўналишлари белгилаб берилди. 1998 йил январь ойида оила манфаатларини таъминлаш борасидаги тадбирлар, Давлат Дастури тайёрланди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 январдаги қарорига асосан тасдиқланди. Давлат Дастуринг комплекс тусда бўлиб, у 150 дан кўпроқ тадбирларни ўз ичига олди, дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун эса барча манбалар бўйича 144,8 млрд. сўм маблағ ажратилиб унинг деярли ярми давлат бюджетидан берилди.

Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган Оила Кодекси оилавий муносабатларда эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиқ принциплари мустаҳкамланди. Кодексида оиладаги мулк, бола тарбияси ва бошқа жиҳатлар янги замон талаблари асосида талқин этилган. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Республика «Оила» илмий-амалий Марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 1998 йил 2 февраль қарори оила манфаатларини такомиллаштириш йўлида қўйилган янги салмоқли кадамдир. Бу қарорга биноан Ўзбекистон республикаси Хотин-қизлар кўмитасида Республика “Оила – илмий-амалий Маркази” ташкил этилди. Марказ оила муаммоларини ўрганиш бўйича лабораторияга эга бўлди. Бундай марказнинг вужудга келиши кўп жиҳатдан аҳамиятлидир. Биринчидан, оила – жамиятнинг негизидир, демак оила муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш билан узлуксиз, ҳамиша шуғулланадиган, бу борада ўз тақлиф-мулоҳазаларини ишлаб чиқиб, вақти-вақти билан давлат ва жамият олдига қўядиган муассасага эҳтиёж катта. Иккинчидан, ҳаёт, жамият ҳамиша ривожланишда, тараққиётда экан, демак оила муаммолари ҳам ўзгариб, янгиланиб бораверади ва улар тўғрисида бутун жамият ва давлат бошқаруви ўз вақтида аниқ тасаввурга эга бўлиб боради.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Демократик жамиятда оила институтининг ўзига хослиги нимада?
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила масаласи ҳақида нималар дейилган?
3. Оила кодексининг қабул қилиниши ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб беринг?
4. Оила тотувлиги нималарда деб биласиз?
5. Оила функцияларини баён этинг?
6. “Соғлом авлод” давлат дастури хусусида фикрларингиз?
7. 1998 йил нима учун Оила йили деб эълон қилинди?
8. “Оила” илмий-амалий маркази ҳақида нима биласиз?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007, 13-15-бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2007 йил 18 май) Фармони // Туркистон, 2007 йил 19 май.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.3. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 175-181, 183-191, 202-226, 227-246-бетлар.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид: барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6, 8-12, 14-15, 16-26, 28-38, 47-48-бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: «Ўзбекистон», 2002.
7. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
8. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
9. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
10. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
11. Каримов И.А. Янгилик ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
12. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
13. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.
14. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
15. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
16. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
17. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
18. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
19. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
20. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
21. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
22. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
23. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
24. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
25. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.

Узоқ йиллар маҳалла тарихи ва социологиясини тадқиқ этган америкалик олим Д.Карлайл қуйидагиларни ёзади: "Оила ва дўст-ёронлар маҳалла турмушининг бош асоси бўлиб келган ва шундайлигича қолади. У шахсий муносабатлар тамал тоши саналади. Улар "сулола" деб аталувчи, кишиларни бирлаштирувчи ва ажратувчи ўта муҳим тармоқ тузилмасини яратди. Яқинлик муносабатларига асосланган ва насл-насаб принциплари билан метинлашган маҳалла ўзбеклар дунёга келадиган, тарбияланадиган ва одатда ўзининг бутун ҳаётини ўтказадиган жой ҳисобланади. Дўстлик барқарор тушунча бўлган маҳаллада мойиллик сингдирилган бўлади. Ҳамма маҳалла теварагида парвона бўлар, шахсий садокат бутун шаҳар бўйлаб тарқалар, баъзан эса бутун бошли минтақани қамраб олар эди. Бундай анъаналарастлик шароитида кимнингдир тажрибаси шахсий мулоқотлар доираси тасарруфидан ташқарига ҳам зудлик билан тарқалиб кетади. Шахс ҳар қандай масофадан туриб сулола аъзоларининг никоҳ тантаналари, маросимларида қатнашиши мумкин. Ранг-баранг оилавий-қариндошчилик алоқаларининг маҳалладан ташқарида ҳам кундалик турмушда тоши бор, лекин улар маҳалланики сингари тош боса олмайди.

Собиқ СССР даврида маҳалланинг мазмуни ва вазифалари бутунлай издан чиққан эди. Бу даврда маҳаллалар ўзининг ҳуқуқий мақомини йўқотдилар. Уларнинг асосий фаолияти собиқ коммунистик партиянинг маҳаллий ташкилотларини қўллаб-қувватлашдан, шунингдек, маҳаллий анъана ва урф-одатлар, одоб-ахлоқ меъёрларини ташвиқот-тарғибот қилиш, оилалардаги маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда коммунистик партиянинг "кўз ва қулоғи" бўлиб туриш кабилардан иборат бўлиб келди. Бу даврда қадимдан маънавият, таълим ва тарбия масалаларини ҳал этиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўққа чиқарилди.

Мустақиллик даврига келиб фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний мақомини мустаҳкамлашга, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда маҳаллалар миллий мустақиллик даврига келибгина, ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалла мақомини фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади. Мамлакатда шаҳарча, поселка, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини олдилар. Жумладан, мустақиллик даврида мамлакатда 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланган бўлса, улардан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Маҳалла мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборларини қайтадан тиклаб олдилар.

Конституциявий асосдан келиб чиқиб ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақидаги қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган:

1. 1993 йил 2 сентябрда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун. Бу қонунга, янги таҳрирдаги ўзгариштириш киритилди.

2. 1999 йил 14 апрельда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Унинг 1-моддасига кўра Конституция, қонунлар билан, миллий ва маънавий кадрлар, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қиладиган мустақил фаолиятдир.

2002 йил 29 августда Олий Мажлис 9-сессиясида Президент таъкидлаганидек, ҳаётимизни эркинлаштириш йўллари яна бир муҳим йўли-марказий ва юқори давлат бошқаруви идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш боришни таъминлайди».

3. 2004 йил 29 апрелда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Демократия, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги тамойили.

2. Ворислик тамойили.
3. Ижтимоий муносабатларни демократлаштириш.
4. Юксак маънавият тамойили.
5. Маҳалла хавфсизлигини таъминлаш тамойили.
6. Фуқаро йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг масъулиятини ҳис қилиш тамойили.

7. Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат, ижтимоий қафолат тамойили (жамоатчилик ва ўзаро ёрдам).

8. Кенгаш, машварат (маслаҳатлашиш) тамойили.
9. Инсонпарварлик.
10. Мустақиллик ва ҳ.к.

Бу бошқарувлар сифат ва миқдор кўрсаткичлари орқали амалга оширилади.

Собиқ Шўро давридан **маъмурий-буйруқбозлик тамойили** қуйидаги тамойилларга асосланган эди:

1. Бюрократларча марказлашув.
2. Номенклатура (юқоридан рўйхат асосида тайинлаш) бошқаруви.
3. Ўзига-ўзи хизмат қилиш, шахсий манфаатларни устун қўйиш.
4. Буйруқбозлик (мажбурлаш, даҳшатли қарорлар чиқариш).
5. Демократияни тан олмаслик.
6. Расмиятчилик (қоғозбозлик).
7. Маҳдудлик (маҳфий маълумотлар асосида бошқариш).
8. Консерватизм ва ҳ.к.

XX аср охири ва XXI аср бошларидаги 4 нафар диктатор президентлари оламдан ўтди:

1) Чили Президенти Августо Пиночет (1973–1990). У 2006 йил 10 декабрда 92 ёшда вафот этди. Пиночет диктаторлик сиёсатини қўллаб-қувватлаб деган эди: «Қаттиқ қўллик сиёсати Чилини фуқаролар урушидан сақлаб қолди, зиддият кучайиб кетмаслиги учун шундай қилдим». Уни Халқаро гага суди судлаган эди.

2) Югославия Президенти Славада Милошевич 2006 йили вафот этди (уни ҳам Халқаро Гага суди судлаган эди).

3) Ироқ Президенти Саддам Ҳусайин (Ироқ суди ўлимга маҳкум этди ва у 2006 йил декабрда ўлдирилди).

4) Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов касаллиги туфайли 2006 йили вафот этди.

11.2. Мустақиллик йилларида “Маҳалла”нинг демократия мактабига айланиши

“Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили ўз-ўзидан маълумки, у давлат органларининг ваколатларини аста секилик билан босқичма-босқич фуқаролик жамиятига ўтказишни тақозо этади. Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бу ғояни илгари сурган эди. Шу боисдан ҳам 1999 йил 14-15 апрелда Олий Мажлис 14-сесиясида **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари туғрисида” ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.** Бу қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мақоми тўлиқ белгилаб берилди. Улар фаолиятининг асосий принциплари демократик, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий ҳокимиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам ҳолатлари белгилаб берилди. Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгилаб қўйилди.

Республика микёсида оқсоқоллар Кенгашининг тузилиши жаҳон тажрибасида янгиликдир. Бу билан Ўзбекистон дунёдаги давлат бошқаруви соҳасида чинакам халқчил шаклидаги ўзига хос миллий давлат тузилмасининг асосчиси бўлиб қолишидан даракдир.

Демак, қонунга кўра фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалла давлатга, жамиятга энг яқин идорадир. Ўзини ўзи бошқариш тизимининг, маҳалланинг туб маъносига, моҳиятига Президентимиз юксак баҳо бериб келмоқда. 1999 йил 26 мартда Хоразм “ёшулли” сўзини таърифлаб берганларидек, чин маънода комил оқсоқол бўла олса, давлат-мамлакат, кўпчилик аҳоли манфаатини ҳисобга олиб, халққа таяниб, ёшидан, хизмат вазифасидан, эътиқодидан қабий назар, яқка-яқка шахсларнинг руҳий кечинмалари, хатти-ҳаракатларини, интилишларини эзгуликка йўналтиришга муяссар бўла олади. Қонунда таъкидланишича, маҳалланинг 3 та таянчи бор: 1) маҳалла йиғини вакиллари, 2) дин уломлари (имомлар), 3) маҳалла посбонлари-нозирлар. Бугунги кунда кучли жамиятни барпо этишда 260 дан ортиқ жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Демак, мазкур қонун фуқаролар йиғинида қарор қабул қилишга имкон берувчи ҳуқуқий шаклларни кўрсатиб берди. Фуқаролар йиғини ваколатлари кенгайтирилди. Улар қонуннинг 17-моддасига кўра бошқарув органлари билан келишилган ҳолда савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший-хизмат кўрсатиш корхоналарининг иш вақтини аҳолига қулай қилишнинг имкониятини яратиб бермоқда.

Демак, мустақиллик йилларида юқоридаги қонунлар билан бирга:

1) “**Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида**” қонун (1999 йил 14 апрелда қабул) ҳам қабул қилинди.

2) “**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида**” ги (2004 йил 29 апрелда) қонун қабул қилинди. Бу қонун “Оқсоқол”лар кенгашига катта имтиёзлар яратди.

Мустақиллик йилларида маҳалла тарихий ва ривожланган мамлакатлардаги тушунчада аниқ белгиланган ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатидаги мақомга эришди. У ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида анъаналар ва урф-одатлар, инсоний, хўжалик, ҳуқуқий муносабатлар бирлигини ташкил этгани ҳолда фуқароларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларини боғлаб туриш воситасига айланди.

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб Президент И.А.Каримов маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг асоси деб, билди ва уларни ҳар томонлама ривожлантириш чоратadbирларини амалга ошириб келмоқда. Президент И.А.Каримов 1995 йилдаёқ шундай фикрни билдирган эди: “Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим”.

Ўшунинг билан бирга, маҳалла тарихий ва ривожланган мамлакатлардаги тушунчада аниқ белгиланган ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатидаги мақомга эришди. У ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида анъаналар ва урф-одатлар, инсоний, хўжалик, ҳуқуқий муносабатлар бирлигини ташкил этгани ҳолда фуқароларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларини боғлаб туриш воситасига айланди.

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб Президент И.А.Каримов маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг асоси деб, билди ва уларни ҳар томонлама ривожлантириш чоратadbирларини амалга ошириб келмоқда. Президент И.А.Каримов 1995 йилдаёқ шундай фикрни билдирган эди: “Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим”.

қаадыёуөәдіе қаёоаааі оёёёаә аа деаіәәәіоёдеёәаі әаідао. Еёёёі=еси, пё,пёе ааçеòа әүёеа, у іòаçеәааіò И.А.Каримовіеіа іахаёеә еіпёеòооёіе аóаóіәе çаііі оаёәаёәдөәа іоаіоёк оаòçаа оёёёаә, шунингдек, әеёіүò, øахаò, оóіаі хіёеіёеёеәдө çөііапёәа рёеәіааі еүйі=ёёеё ааçеòа аа хóкóкәәдіе оóкәдйеәò үçеіе-үçе аіòкәдөё іòааіеәдөәа, үііе іахаёеәеәдөәа аадеә, оёәò іакйіеіе әіе-әіеёеәа күеёә, øò оадекә әәіёуөеіеç хә,òеіе ааііедаоёуёәәа үіәе аа әоаа іохеі еіііёуөеәдөәа үдеөөддан иборатдир.

Аёіекпә, маҳалла фуқаролар йиғинларига Ҷсааёеёпòіі Дапйоаёеёеәпё іòаçеәааіоига, Ҷсааёеёпòіі Дапйоаёеёеәпё Іёеё Іәәёепёга, ðәёк ааіоòòдөеәдө әеёіүò, оóіаі аа øахаò Еаіааөеәдөәа пәеёіалар үөәçóа+е о=апòеа пәеёіа еііепёуёәдө әүçіеәеәа ііçіәәәдіе іеòоа пәеёіа еііепёуёәдө тасдиқлашлари оаапёу үòеø хуқуқи берилган. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларига ðәёк ааіоòòдөеәдө оóіаі, øахаò Еаіааөе ааіоòòдөеёеәәа тўғридан-тўғри ііçіә еүдпәдөё, Ҷсааёеёпòіі Дапйоаёеёеәпё Іёеё Іәәёепё ааіоòòдөеёеәәа ташаббус гуруҳлари томондан кўрсатиладиган номзодларни таклиф этишда иштирок этиш каби ваколатлар ва хóкóкәәдіеіа аадеёеёө маҳаллаларни үçеіе үçе аіòкәдөё іòааіеәдө сифатида әәіёуөеіеç пё,пёе хә,òеәаәе ўрне үіааа іөеә аіòа,òәаіеёеіе еүдпәдөәе.

Мамлакат Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат бошқарувидаги ўрнини кўтаришнинг муҳим босқичини бошлашнинг асосий йўналиши бўлган қуйидаги фикрни билдирди: «Хаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли - марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазибаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни таъминлашдир»¹. Албатта, давлат томонидан маҳаллаларга катта бошқарув ваколатларини беришда аввало, уларнинг аҳоли фаоллигини оширишдаги ўрнини юксалтириш кўзда тутилди. Чунки, маҳалла фуқаролар йиғинларида етарлича ҳуқуқ бўлмаса, улар ўзини ўзи бошқариш функцияларини бажариш қобилиятига эга бўла олмас эдилар. Шунингдек, маҳаллаларнинг аҳоли ва давлат олдида масъулият сезишлари учун ҳам аввало кенг ҳуқуқларга эга бўлишлари лозим эди.

Ҳозирги даврда жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш мақсадларидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғинларига бошқарувнинг турли йўналишларига етакчилик қилиш ваколатлари берилди. Маҳаллалар ўз ҳудудида яшаётган фуқароларнинг турли ижтимоий муаммоларини ҳал қилиб беришда бевосита иштирок этадилар: қариялар, фахрийлар, етимлар, байналмилал-ҳарбийлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар манфаатлари ҳимоя қилинади; маҳалла фаолларининг мазкур фаолиятда иштирок этишига бошчилик қилади; инсонни маънавий юксалиши ва амалий ташаббусларини намоён бўлиши учун шарт-шароит яратади; фуқаролар моддий ва маънавий жиҳатлардан қўллаб-қувватланади.

Маҳалла фуқаролар йиғини ижтимоий таъминот органлари ва бошқа ҳомий ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий ёрдам, кам таъминланган оилалар ва ёлғиз кишиларга беғараз моддий ёрдам ажратиш ишининг барча ташкилий жиҳатларини ўзи мустақил равишда бажаради. Шу билан бирга, маҳаллалар ўз ҳудудларида экологик муаммоларни ечиш ва аҳоли моддий аҳволини яхшилаш, ҳашар йўли билан кўкаламзорлаштириш, тозалаш ишларига жалб қилиш, маҳаллий аҳоли ўртасида атроф-муҳитни асраш юзасидан тушунтириш ва тарбиявий ишлар олиб боришга ҳам масъулдир. Албатта, бу каби фаолиятлар фуқаролар фаоллигини ошириш воситасида амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, кўплаб қонунлар лойиҳалари, Конституцияга киритиладиган қўшимча ва ўзгаришларни ўзида ифодалаган умумхалқ референдумларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш аввало маҳалла аҳли ва фаоллари томонидан муҳокама қилинмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда. Бошқача айтганда, маҳаллалар сиёсий қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокини фаоллаштиришнинг муҳим воситаси эканлигини ҳаётнинг ўзи

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тарақиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.II. –Т.: Ўзбекистон, 2003. 29-б.

исботлаб берди. Мамлакат сиёсий ҳаётида фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокини таъминлаб берувчи асосий бўғин - бу маҳалла фуқаролар йиғинларидир. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш қобилятига эга бўлган бирдан-бир бошқарув тизими ҳам маҳалла фуқаролар йиғинларидир.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, унинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари билан ҳокимликлар ҳамкорлигида ҳар йили «Энг яхши маҳалла», «Энг ибратли оқсоқол», «Маҳалла жонқуяри», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» шиори остида муттасил кўрик-танловлар ўтказиб келинди. Кўрик-танловлар ғолиблари ҳар йили обрўли комиссиялар томонидан махсус нишонлар, қимматли эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Мазкур тадбирлар маҳаллаларни ободонлаштириш, озода сақлаш, айниқса ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этди.

Мустақиллик даврида маҳаллалар фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, «Маҳалла» жамғармаси ва унинг маҳаллий ташкилотлари раҳбарларининг сифат таркиби яхшиланиб борди.

Ҳуқуқий демократик давлатда сайлов қонунлари ва уни ўтказиш муҳим ўринни эгаллайди. Бунинг ёрқин исботини «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш» органларига сайлов ўтказиш ҳам истисно эмас.

2003 йил 12-27 ноябрь кунлари республика «Ижтимоий фикр» жамотчилик фикрини ўрганиш маркази мамлакатнинг турли минтақаларидаги 2044 та респондент иштирокида ўтказган сўров тадқиқоти аҳолининг аксарият қисмининг (69,4%) сайловлардан хабардорлиги маълум бўлди. Мазкур сайловлар фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онги юксалганлигини кўрсатди. Чунончи, 35 та йиғин раислиги ва оқсоқоллигига кўрсатилган номзодлар сайланмай қолдилар. 74 та йиғинда раис ва оқсоқолларнинг 2,5 йиллик фаолияти қониқарсиз, деб топилди. Барча сайловлар давомида кўрсатилган 21306 та номзодлардан 8360 таси сайланганлиги, уларнинг муқобиллик асосида ўтганлигини, фуқароларга танлаш имконияти берилганлигини ифодалади.

Янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) нинг 75,7 фойизи олий маълумотли (2001 йилда 73,2 % эди) номзодлар ичидан сайланди. Уларнинг 49,1 фойизи 50 ёшгача бўлган кишилардан иборат бўлди. Сайланган оқсоқол ёки раисларнинг 8,7 фойизини аёллар ташкил этди. Оқсоқолларнинг тўртдан бири мазкур лавозимга илк бор сайландилар. Мазкур сайловлардаги мажлислар, ундаги муҳокамалар, баҳс ва мунозаралар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш борасидаги сиёсатни фуқаролар қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, сайловлар давлат қурилиши ва жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда, фуқаролар яшаш жойларидаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда, аҳоли фаоллигини оширишда маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бораётганлигини, «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ўзининг ижобий ва самарали натижасини бераётганлигини намойиш этди.

“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчилари сайлов тўғрисида”ги қонунга кўра мамлакатимизда 2006 йил май-июнь ойларида бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди. Бу сайловда 10 мингга (9941) яқин фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайланди (8843 нафар фуқаролар йиғини раис (оқсоқол)ларини сайлаш учун 27 715 та номзод кўрсатилди) 97273 нафар раис маслаҳатчилари ҳам сайланди. Сайланганлардан 6016 киши ёки ҳамма раисларнинг 68 фойизи олий маълумотга эга, 4177 нафари (47%) 50 ёшга, 818 нафари (9%) эса 40 ёшга етмаган фуқаролардан иборат. Улар орасида аёллар сони кўпайди: 2003 йилда улар 734 нафар (9%) бўлган бўлса, 2006 йилда 981 нафар (11%)ни ташкил этди¹.

¹ Файзуллаев Т., Кенжаев Э. Демократиянинг амалдаги ифодаси // “Жамият ва бошқарув”, 2006, №4. –35–37-б.

11.3. Демократик жамият шаклланишида маҳалла институти

Маҳаллаларнинг демократик жамиятнинг асоси сифатидаги ўрни йилдан-йилга юксалиб, маҳалла аҳлининг ижтимоий фикри тобора демократлашиб бормоқда. XXI аср бошига келиб, ҳар бир оила, маҳаллада яшаётган фуқаро ўз ҳаёти ва тақдирини маҳалласиз тасаввур қила олмайди. Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2003 йил январда ўтказган социологик сўровномаларида «*Ўзбекистонда маҳалла институтининг ҳаёти қандай ўзгариб бормоқда?*» сўрови берилган эди. Унда сўралган фуқароларнинг 63,1 фоизи «*Маҳалла ҳаёти кўпроқ яхшироқ бўлди*» деганга, 84,4 фоизи эса «*Маҳалла ҳаёти кўпроқ ёмонроқ бўлди*» деганга, 11,5 фоизи «*Маҳалла ҳаёти ўзгаришсиз қолди*» деганга, 1,0 фоизи «*Маҳалла ҳаёти қандай бўлди*» деганга жавоб берди.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «**Обод маҳалла йили**» дастурини (2003 йил 7 февраль) ҳаётга тадбиқ этиш натижасида мамлакат маҳаллаларида улкан ишлар амалга оширилди. Маҳаллалардаги кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 41760,5 млн. сўм ҳажмдаги кредитлар ажратилди. Маҳаллаларда 12527 та иш ўринлари яратиш учун иш ўринлари билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан 11571, млн. сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларида 2765 та оилага 2005,5 млн. сўм ҳажмдаги маблағлар ажратилди. 5528 та маҳалла ҳудудида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш натижасида ҳаммаси бўлиб, 176.418 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, маҳаллаларда маиший хизмат марказининг 995 та янги шохобчаси барпо этилди. Мамлакат бўйича 383 та янги маҳалла гузарлари қурилиб, унга 20407,6 млн. сўм маблағ сарфланди.

2003 йил 16 августда умумхалқ ҳашари ўтказилди. Бунда ободонлаштириш, маҳаллаларда спорт турларини ривожлантириш, спорт мажмуалари қуриш ва таъмирлаш, турли кўрик-танловлар, «Обод маҳалла йили»да газ қувурлари ўтказилди. Қишлоқни табиий газ билан таъминлаш, қишлоққа ичимлик суви етказиб бериш, телефонлаштириш ишлари қилинди

Мустақиллик даврида ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти институти сифатида ислоҳ этиш ўзининг самараларини берди. Маҳаллалар мамлакатдаги аҳолини ўзини ўзи бошқариш жараёнларида иштирок этишлари, қарорлар қабул қилишда фуқаролар хоҳиш ва истакларини эътиборга олишга имкониятлар яратиши билан фуқаролик жамияти институтига айланиб бормоқда. Шунингдек, ҳозирги даврга келиб, **давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояга мухтож оилаларни** белгилаш каби ваколатлари ҳам деярли маҳаллаларга берилган.

Шу билан бирга, маҳаллалардаги тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини қўриш, етимлар ва ёлғиз қолган фуқароларга меҳр-мурувват кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир интилишларини қондириш каби серқирра жамоавий бошқарув ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этмоқда. Лекин, шу билан бирга ўзини ўзи бошқариш органларини демократлаштириш жараёнлари босқичма-босқич давом этади. Айниқса, аҳоли ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, сиёсий қарорлар қабул қилишда маҳаллаларнинг ўрнини юксалтириш, маҳаллаларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тўла мустақил бўлишини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратиш, фуқароларни маҳаллалар воситасида қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларидаги умумхалқ муҳокамаларида фаол иштирок этишларини таъминлаш яқин истиқболдаги ислохотларнинг асосий вазифасидир.

“Кучли давлатдан-кўчли жамият сари” ғоясининг моҳияти, мазмуни ва унинг фуқаролик жамиятини қуришдаги аҳамияти. Президентимиз И.А.Каримов “Кучли давлатдан-кўчли жамият сари” ғоясини 1998 йили “Тафаккур” журнали бош муҳаррири билан бўлган суҳбатда кўтарган эди. Бу ғояга кўра биз фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйганмиз, бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Бугунги ўтиш даври учун зарур

бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтишини Юртбошимиз таъкидлаб ўтган эди. Бу ғоя мазмуни 1999 йилда Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI асрга интиломда” асарида яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтилди. Юртбошимиз “фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонунларга ўз муносабатини билдира туриб, бу ғояни янада ривожлантирди. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган сиёсий қурилиш, -деган эди Ислоом Каримов, -дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўзи ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади”.

Бу ғоянинг ишлаб чиқилиши ва бу борада дастур қабул қилинишининг сабаби шундаки, ҳар қандай давлат кучли бўлиши мумкин. Масалан, собиқ СССР қудратли давлат эди, лекин у XX аср охирига келиб халқдан ажралиб қолди, халқдан, фуқаролардан узоқлашди, ҳокимият органларидан фуқароларнинг иштироки чекланди. Натижада бундай “тизимга” эга бўлган давлат қулашига олиб келди. Президентимиз таъкидлаб айтганидек, биз қўдратли кучли давлат қуришимиз мумкин, лекин у фуқаролар манфаатини ифода этмаса, фуқаролардан узоқда бўлса, миллий давлатчилигимиз ҳақидаги қарашлар амалга ошмайди. Шу боисдан ҳам президентимизнинг бу концепциясига кўра давлат ҳокимияти органларини аста-секинлик билан либераллаштириб, унинг айрим функцияларини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш лозимлигини баён этган эди. Ҳақиқатдан ҳам бу масала давлат раҳбарининг доно сиёсати туфайли амалга оширилмоқда.

2002 йил 29 августда Олий мажлиснинг 9-сессиясида Президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” га бағишланган маърузасида ҳам “Кучли давлатдан кучли жамият сари” тамойилини амалда ҳаётга жорий эти зарурлигини уқтириш билан бирган “Адолат –қонун устуворлигида” деган тамойилни изоҳлаб берди. Бунда ҳаётимизни эркинлаштириш, яъни марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш боришни таъминлаш зарур деган эди. Ҳақиқатдан ҳам икки палатали парламентимизнинг шакллантирилиши билан бирга ҳокимият органларининг айрим функциялари қуйи фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказилаётганлиги унинг яққол ифодасидир.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислохотлар тадрижий, яъни босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги стратегик вазифалар, аввало демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдан иборат. 2006 йил май ойида фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллар ва улар маслаҳатчилари сайланди.

Сайлов: 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; 2) “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (1999 йил 14 апрелдаги) қонуни; 3) “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тўғрисида”ги қонуни (2004 йил 29 апрель) ҳуқуқий пойдевор ҳисобланади. Бу қонун биринчи марта синовдан ўтади.

Сайловнинг асосий принциплари: “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш (органи тушунчаси) – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва

анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир”.

Демак, сайловнинг асосий принциплари: 1) демократизмдир. Эркинлик асосида бўлсагина деомкратик; **2) ошкоралик** (кун, вақт, жой, номзодлар аниқ, овоз бериш вокиф, ОАВ); **3) тенг сайлов** (фуқаролар жинси, ирқи, миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятларидан қатъий назар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидир)¹.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистонда демократик жамият шаклланишида маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни қандай?
2. Маҳаллий давлат ҳокимияти асосларини баён этинг?
3. Мамлакатимизда қандай маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш шакллари мавжуд?
4. Фуқаролик жамиятини қуришда маҳалланинг роли қандай?
5. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида гапириб беринг?
6. Маҳаллий давлат ҳокимияти айрим ваколатлари ўзини-ўзи бошқариш органларига қандай асосда ўтказилмоқда?
7. Маҳалла – демократия мактаби хусусидаги қарашларингизни билдиринг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007, 13-15-бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.3. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 175-181, 183-191, 202-226, 227-246-бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид: барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997, 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6, 8-12, 14-15, 16-26, 28-38, 47-48-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: «Ўзбекистон», 2002.
6. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
7. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
8. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
9. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
10. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
11. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
12. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.

¹ “Маърифат”, 2006 йил 15 апрель.

13. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
14. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
15. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Т.: Маънавият, 2000. – 112 б.
16. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафқураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
17. Пугачев В.П., Соловьёв А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
18. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
19. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
20. Абдужалилова Ш. Абдурауф Фитратнинг оила ва бола тарбиясига оид қарашлари. – Т.: Ёзувчи, 2002. – 72 б.
21. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
22. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
23. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
24. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
25. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
26. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.

12-МАВЗУ. ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШДА НОДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ЎРНИ

12.1. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тушунчаларининг мазмун ва моҳияти

Нодавлат нотижорат ташкилотлар дастлаб жамиятни ўзини ўзи бошқариши ва уни мустақил ижтимоий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида пайдо бўлди. ЎО афдиёи ўрталарига келиб эса нодавлат ва нотижорат ташкилотлар демократик жамиятнинг муҳим ва асосий институтларидан бирига айланди. Шунга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлар мазмун ва моҳиятини чуқур англаш, уларнинг демократик фуқаролик жамиятининг муҳим ва асосий институтларидан бири эканлиги тўғрисидаги тушунчаларни ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда. Шунингдек, демократик жамият тушунчаси тўғрисидаги тасаввурлар нодавлат нотижорат ташкилотларни чуқур идрок этишга имкониятлар беради.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессияси (2002 йил 29-30 август) мамлакатда фуқаролик жамияти қуришни авж олдиришда муҳим аҳамият касб этди. Сессиядаги мамлакат Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари»га доир маърузаси адолатли демократик жамият қуришнинг концептуал назарий асосларини янада бойитди. Айниқса, Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикр ва мулоҳазалари мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий йўналишлари ва мақсадларини белгилаб берди: «Бешинчи устувор йўналиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Ёки бошқача қилиб айтганда, бу - «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир. Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг родини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо этади. Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим»¹.

Мамлакатда ХХ аср бошларида “Кучли давлатдан кучли жамият сари” концептуал сиёсий дастурни амалга ошириш мақсадларидан келиб чиқиб, марказий давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларига босқичма-босқич бериб бориш асосида жамият қурилишини эркинлаштириш жараёнлари бошланди. Бу соҳада **қуйидаги йўналишларда ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда:**

-биринчидан, жамият аъзоларининг онги, иродаси, маданияти, маънавияти ва билими юксак даражада бўлишига эришиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига алоҳида эътибор бериш;

-иккинчидан, жамият аъзоларининг манфаатлари уйғунлашуви жараёнларини шакллантириш, жамият манфаатларини шахсий манфаатлар билан муштараклигига эришиш;

-учинчидан, жамиятнинг такомиллашуви ва янгилиниши учун кучли ва реал сиёсий, иқтисодий, маданий имкониятларни шакллантириш;

-тўртинчидан, жамият аъзолари ва тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик асосида жамиятнинг умумий манфаатларини уйғунлаштириш;

-бешинчидан, жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар таъсирини кучайтириш, уларга онгли равишда бўйсунуш амалиётини вужудга келтириш;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.. «Халқ сўзи», 2002, 30 август.

ривожлантиришдан мақсад жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш. Сиёсий ва ижтимоий соҳада эса давлат тизмларига муқобил куч сифатида улар адолат тарозисини ҳаётда ҳукмрон қилишга ҳисса қўшишлари лозим.

Республикада 5 сиёсий партия, «Халқ бирлиги» ҳаракати, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, қасаба уюшмалари ва хотин-қизлар ташкилотлари, 300 республика ва халқаро ноҳукумат ташкилотлари, жамғармалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмаларини ўзида мужассамлаштирган ижтимоий-сиёсий тузум вужудга келди. 2003 йил августда Ўзбекистоннинг нодавлат нотижорат ташкилоти вакиллари ўзларининг илк бор «Нодавлат нотижорат ташкилотлари -2003 форум»ини ўтказди.

Ўзбекистондаги барча нодавлат ва жамоат ташкилот ва бирлашмаларини 8 гуруҳга бўлиш мумкин: 1) **Аҳоли муайян йирик тоифаларининг ижтимоий манфаатларини кўзлаб** ишлашга ихтисослашган ҳукуматга қарашли бўлмаган умумий миллий ташкилотлар («Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ЎЗР хотин қизлар кўмитаси, Ногиронлар уюшмаси, Нуроний жамғармаси). 2) **Иқтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар** («Экосан», «Соғлом авлод учун», «Умид» жамғармаси, «Олтин меърос» жамғармаси ва ҳ. к.). 3) **Ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар** (инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи кўмита, Ҳуқуқий ҳимоя кўрсатиш жамияти ва ҳ.к.). 4) **Ижодкор зиёларнинг миллий жамоат ташкилотлари** (ёзувчилар, рассомлар, адвокатлар, ва ҳ.к.). 5) **Миллий маданият марказлари** (қозоқ миллий маданияти ва ҳ.к.). 6) **Умуммиллий хайрия жамиятлари, жамғармалари** (Болалар жамғармаси, Республика талабалар жамғармаси, ёшларни қўллаш фонди ва ҳ.к.). 7) **Ижтимоий аҳамиятга ва ижодий изланишлар билан боғлиқ маҳаллий бирлашмалар** (Сайёхлик ва бадий ҳавоскорлик клублари, Ногирон болалар ота-оналар бирлашмалари). 8) **Жамоат муассасалари** (Халқаро қизил ярим ой ташкилоти, «Эл» халқаро уюшмаси ва ҳоказо).

Булардан ташқари халқаро аҳамиятга эга бўлган 13 та ноҳукумат халқаро ташкилотлари Ўзбекистонда фаолият юритмоқда.

Умуман, мамлакатимизда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан тузилган бу кўнгилли ўзини-ўзи бошқарувчи ташкилотлар хилма-хиллиги билан фарқланади. Булар орасида мамлакатимиздаги жамоат ташкилотлари алоҳида аҳамиятга эга. «Ўзбекистон қасаба уюшмалари», Хотин қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси катта ишларни олиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситалари - жамиятни демократлаштириш ва фуқаролар эркинлигини таъминлашнинг муҳим шарт. Демократик ислохотларни ҳаётга тадбиқ этиш, янгича дунёқарашни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари (ОХВ)нинг ўрни ва аҳамияти катта. 1997 йил 26 декабрда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" қонун қабул қилинди. Бугунги кунда нашрлар сонига 490 та газета, 138 та журнал рўйхатга олинган. Президент Ислам Каримов "Ўзбекистон XXI асрга интилоқда" асарида эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари 4-ҳокимият тармоғи бўлиши керак деган эди. ОХВ ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. ОХВлари жамиятимизнинг демократик кадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим. Президентимиз 2002 йил 29 августда Олий Мажлис 9-сессиясида "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, ошкоралик, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда, қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишди деган эди. ОХВ том маънода "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилишини яна бир бор баён этди. Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безавта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, холис баҳо бериб бориши керак.

Президент Ислам Каримов 2005 йил 28 январда "Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" мавзуида қилган маърузасида эндиликда олдимизда турган бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берар экан, демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда оммавий ахборот воситалари ролига алоҳида эътибор берди. Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти - бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир. Бу борадаги асосий вазифа мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиш матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллигини ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат. Халқимиз ОХВларидан мамлакатимиз ва хориждаги бўлаётган воқеаларнинг ҳаққоний жараёнларини кўриш ва эшитишни истади. Президентимиз Оммавий ахборот воситалари олдида қуйидаги вазифаларни белгилаб берди.

Биринчидан, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш. Бу уларнинг мустақил фаолият юритиши ва ривожланиши учун асосий омил бўлиши лозим. Матбуот ва ахборот эркинлиги бозор муносабатлари ахборот майдонида соғлом рақобат тамойилининг ривожига кўрамиз! Шунинг учун ОХВларини қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоатчилик фонди тузиш лозим. Бу фонд маблағлари ОХВларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини модернизация қилиш, мустаҳкамлаш имкони юзага келади.

Иккинчидан, бугунги кунда давлат телевидениеси негизида жамоатчилик телевидениеси каналини босқичма-босқич шакллантириш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун телерадио индустрия бозорини ривожлантириш, тижорат ва ҳудудий нодавлат телерадиостудияларнинг фаолият юритиши учун шарт-шароит яратиш ва ҳ.к.

Бугунги кунда дунё бўйича (2007) интернет тармоғидан 700 млн. киши фойдаланади.

Нохукумат хотин-қизлар ташкилотлари фуқаролик жамиятининг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги фаоллигини оширишда нохукумат ташкилотлар катта роль ўйнамоқда. "Меҳр" хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари бирлашмаси 2001 йилда ташкил топган бўлиб, асосий мақсади бирлашма аъзолари ва республикамиз хотин-қизлар ташкилотлари ҳамда аёллар муаммолари билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиришда ёрдам бериш, умумий манфаатларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш, жамият ҳаётида аёллар нодавлат ташкилотларининг иштирокига кўмаклашишдир. Ҳозир бирлашмага республикадаги 40 дан зиёд хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари аъзо.

12.2. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг функциялари

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг асосий вазифаси олийлик ва қатламларни тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш¹ келишидир. Ўзбекистонда асосий вазифаси олийлик ва қатламларни тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўлиб, асосий мақсади бирлашма аъзолари ва республикамиз хотин-қизлар ташкилотлари ҳамда аёллар муаммолари билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиришда ёрдам бериш, умумий манфаатларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш, жамият ҳаётида аёллар нодавлат ташкилотларининг иштирокига кўмаклашишдир. Ҳозир бирлашмага республикадаги 40 дан зиёд хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари аъзо.

¹ Кишиларнинг алоҳида бир-бирларига ықшаш манфаатларини гуруч ёки қатлам миқёсида бирлаштирилади.

кўрсаткич Нидерландияда 12,4, Ирландияда 11,5, Бельгияда 10,5, Исроилда 9,2, Австралияда 7,2, Буюк Британияда 6,2 фоизга тенгдир¹.

Иайоааоёаа аооооёаае хоёооаоёоёаа не,неё подооооёоёоёе оаёёёаоёоёоёаа хаи ёаооа хепна кўоаае. Оёаоёоёаа не,неё иадоёёоёаа аёёаи хаиёоёоёоёе кёёёоё иадоёё е-ёааае хоқоқеё аа не,неё иаааёёоёоёе хаиаа ёоёоёоёе ооноахаёаёаёае. Аоёоёаа панаае ооёаае, иааоаа о,е ао иайоааоёаа аооооёаае аоае-ёёаае иадоёё оахааа иаааёааоёаа оауёе-аи иаакаёаоёе уаёёёаа оооаёёоёаа.

Ёаёёёаа ёи ёёёёёёоёаа е-ёаа ёадоёёёе-не,неё ха,оаа нодавлат нотижорат ташкилотлар аа **не,неё иадоёёоёаа удоапёаае оооооёааоёаа иауёоёи усаадоёоёаа оёе аадоёе.** Иадоёёаёёёёёе ёоёёёоёоёоёаа пнопаёёоёе панаааёе ёуёёаа ёеёёёаа иайоааоёаа аооооёаае оооооёаа аиёааёёоёаа. Аауёе не,неё ёоёаооа-ёёаоёоёаа оёёоё-а, иайоааоёаа аооооёааоёоёоёаа унеёе оо аадоаааа оаёёаоёёе, ао аооооёаа уйае иадоёёоёоёаа аауёе ооёоёоёоёааёе уё ёёоёоёаа ёёоёаа. Аауёе оауёе-аи иайоааоёаа аооооёаае уна уёадоёоёоёаа не,неё хадоаёо кўёоёаёаоёоёе оаёёёе уоаётганлиги кўзга ташланмоқда. Ао кўёоёаёаоёоёаа не,неё ха,оааае уоёе хаи ёо-аёёа аиоооёаа. Хёёоёе аааоаа АҚОёоёаа уёёаа оо ёаае кўёоёаёаоёоёаа пёе оўдо иёоаааи оооёа ёаоае².

Нодавлат нотижорат ташкилотларёоёаа хёёёёоёоаа ааоёааио иакпаёёоёаае, иадоёааоёоёаа аиёоёоёааа хаё кёёёёоёе ёоёё аёёааи оаоооёаае оакао иадоёёоёаа аёёаи хаиёоёоёоёоёаа аааадоёёёоёе,еёе хаё аёёёоёе ооёёёи. Уё иааааоёоёаа, не,неё иадоёёоёааоёоёаа хаи иайоааоёаа аооооёааоёоёоёе пёёёоёаа ёаиёаёёоёааёоёаа оааоооакеуоаа удоёёоёе, аёаёёоёоёе аёёёоёе кёёёи ёа-аае.

Демократик аёаёёоёоёаа ооёе ааёёёёаоёоёааи аёоёе ао - ёуи иадоёёоёёёёёе аёёаи аёо канооаа уё ауёёоёоёоёоёаа ёооё,оёёёёёе аа рёнаё не,неё иаааёёоёоёаа оауёааи иайоааоёаа аооооёааоёоёоёаа иааёооёёёе, оёаоёоёаа аёаёёоё аа ааёёоёоёоёаа аадо-а ёоноёооёоёаае аёёаи усаоё оаёа хоқоқеёёёёе аиёоёаа оаёе оооооёааооаа аёёёоёоёаа. Не,неё иадоёёоёаа уё урнида нодавлат нотижорат ташкилотларёоёаа оооёе иайоааоёааоёоёе аёдоёоёоёоёаае, уёёаа ёоёаа уоаае. Оо аёёаи аёооаа уё иайоааоёааоёе ёуёёаа ао аооооёааоёоёаа оёёааёааи аае ааиёоёоёе кёёаае.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинган дастлабки йиллардан бошлаб, мамлакат Президенти И.А.Каримов бошчилигидаги ҳукумат фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куриш мақсадларидан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотларни демократик тамойиллар асосида ислоҳ этишга муҳим эътибор бериб келмоқда. Мамлакат Иаёёёааоёе Ё.А.Ёадоёоёаа иайёёоёоё оаоақкё,оёе оўёоёёоёаа пўёоёаа уёааи, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг стратегик иакпаёёоёааиёе куйидагича ифодалайди: «Иёдоёааоёоёе иакпаёёоёеёе ёадоёёёе ёуёаёоёоёоёоёааи ааокадоёоё аёёоё ёкдоёёоёе,оёёаа, ё-ёк оаоёе не,паооаа уаа аёёааи ёо-ёё ааиёоёоёоёе хоқоқеёе ааёёоёоёе аа оокадоёёёе аёаёёоёоёе аадоёоёоёааи ёаиёоёоёе»³.

Мустақиллик давридаги демократик ислохотлар натижаси ўлароқ, 1992 йилда қабул қилинган Усааёёоёоёи Ёаиёоёёёёаёёоёоёаа Ёоноёооёоёоёоёе, ёёёе иаёёёоё ооооёоёааи қааоёе кёёёёааи аадо-а кёоёоёаа иаёоёоёоёе ооёе аа ёуёёе иайёёаёоёоёеёаа демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш орқали оокадоёёёе аёаёёоёоёе кодоёоёаа қадоёёёааиёёоё. Аёёекаа, иккинчи чақирёк ёёёе иаёёёоёоёаа VIII сессиясида қабул қилинган **“Референдум яқунлари хамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 2-моддасига** биноан демократик ислохотларни чуқурлаштириш хамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий принциплари куйидагича ифодаланди:

“қонун устуворлигини, ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасида мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

-халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

-сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

-нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустақамланиши хамда ривожлантирилиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

¹ Қаранг: Анхайер Хельмут. Гражданское общество и «третий сектор». «Deutschland» журналы, 2000, N5, 22-23-бетлар.
² Қаранг: Аааёёаа Ё.Н. Ёёёоё-аёёау иаоёа: О-ааёаа иёёоёаа. - 2-а. -И.: Иаааоёаа.Иёёоёаёё, 1995, п.147-150.
³ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йылида. -Т.: Ўзбекистон, 1995, 9-бет.

-фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустақамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш”.

Мустақиллик даврида мамлакатда демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Конституциянинг ғоялари, мақсадлари, руҳи, унинг ҳар бир қондаси БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик кадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан буён авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган *lèëëëë* ва шарқона давлат ва жамиятни адолатли идора этиш, мамлакатни бошқаришда халқнинг ҳам бевосита иштирок этиши анъаналарини ўзида мужассамлаштирди.

Миллий мустақилликнинг дастлабки давридаёқ мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш ва унинг муҳим институтлари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар яратилди. Конституциянинг алоҳида «*Жамоат бирлашмалари*» боби республикада фуқаролик жамияти ва кўп партиявийлик тизимини қарор топтириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатлардан шарт-шароитлар яратди. Унга биноан жамоат бирлашмаси, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар каби тушунчаларга ҳуқуқий аниқликлар киритилади. Энди улар демократик талқинлар асосида таърифлана бошланди. Айниқса, Конституциянинг 58-моддасидаги “*Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди*”¹, 34-моддасидаги “*Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас*”, деган фуқаролик жамият мустақиллигини таъминлашга доир ҳуқуқий принципни эътироф этилиши республикадаги жамият тараққиёти инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнида тажрибаларидан ва синовларидан муваффақиятли ўтган фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини билдиради. Ўзбекистонда сайлов тизими учун Конституциянинг “*Сайлов тизими*” бобидаги 117-моддага биноан республика «фуқаролари эркин равишда вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар»².

Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни (1991йил февралда қабул қилинган, 1997 й. апрелда эса қўшимча ва ўзгаришлар киритилган), Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (1992 й., июл), Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни (1996 й., декабр), Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни (1999 й., апрел), Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни (1999 й., апрел), Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни (1998 й., май) кабилар билан мувофиқлашади.

Олий Мажлис томонидан 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга биноан «Нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2000,16-бет.

² Ўша манба, 35-бет.

(ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир. Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади»¹.

Шунингдек, Ўзбекистондаги амалдаги қонунчиликка биноан нодавлат нотижорат ташкилотларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;
- ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;
- оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;
- уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;
- ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;
- ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш.

¹ «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳлар. –Т.: 2002, 14-бет.

ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов компаниясида ҳам хотин-қизларнинг ўрни янада Президентимиз кўрсатмаси бўйича ошди. Сайлов компанияси жараёни сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлар бўлиши шартлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартиб ижобий аҳамият касб этди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида илгари II нафар депутат бўлган бўлса, эндиликда 120 нафар депутатнинг 21 нафари хотин-қизлардан иборат ёки бу 17,5% ни ташкил қилади. 100 нафар Сенат аъзоларининг 15 нафари (15%)ни аёллар ташкил қилади.

12.4. Ўзбекистонда демократик жамиятни қуришда сиёсий партиялар ва кўппартиявийлик

Мамлакатда **обқадіеёёё æàìèüòèнинг** асоси бўлган демократик институтларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига доир ислохотлар ҳам тобора чуқурлашиб бормоқда. Ҳозирги даврда республикада 306 та республика аҳамиятига молик жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатиб, улардан 64 таси халқаро ташкилотлар мақомига эгадир. Уларнинг 48 таси жамғарма, 78 таси жамият, 5 таси сиёсий партия, 42 таси федерация, 16 таси касба уюшмалари, 2 таси ҳаракат, 20 таси марказ, 48 таси ассоциация, 20 таси уюшма, 5 таси кўмита, яна 22 таси турли номларда расмий рўйхатдан ўтганлар. Шунингдек, Қарақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 2237 та жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки даврида Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ўтган асрнинг 90-йиллари ўртасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, аср сўнггида эса «Фидокорлар» миллий демократик партияси ташкил топди. 2003 йилнинг 15 ноябрида эса мулкдорлар ва ўрта ижтимоий қатлам сиёсий қарашлари ифодаси сифатида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси ташкил топди. Ҳозир Олий Мажлисида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 49 та, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 11 та, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 11 та, «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг эса 54 та депутатдан иборат партия фракциялари мамлакатдаги қонун чиқариш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил топди. Ўтган давр ичида «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси, Халқаро Амир Темур жамғармаси, Халқаро Имом Бухорий жамғармаси, «Олтин мерос» жамғармаси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази, «Халқ бирлиги» ҳаракати, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси (ҳозирда Ўзбекистон журналистика ижодий уюшмаси), Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Миллий матбуот маркази, Байналмилал маданий марказ, республика «Устоз» жамғармаси (ҳозирда «Истеъдод») каби нодавлат ташкилотлари тузилди. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси демократик принциплар асосида бутунлай қайтадан ташкил этилди. Шу билан бирга, «Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмаси», «Аёл ва саломатлик», аёлларнинг «Меҳри» ташкилоти, «Аёллар ресурс маркази», «Аёл ва жамият» институти каби хотин-қизлар муаммоларини ечиш ва улар манфаатларини ифодаладиган нодавлат ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда БМТ Ривожланиш Дастурлари асосида ўнлаб хорижий ташкилотлар фаолият юритмоқда. Шунингдек, «Британия Кенгаши», Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ваколатхонаси, Фридрих Эберт жамғармаси

ваколатхонаси, Таълим ва тиллар ўрганишда ҳамкорлик қилиш бўйича Америка Кенгаши (АКСЕЛС), ЮНЕСКО ваколатхонаси, Германиянинг «Гёте институти» Франциянинг «Альянс Франсе» каби яна ўнлаб хорижий мамлакатлар нодавлат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиаллари Ўзбекистоннинг турли соҳаларида кенг фаолият юритмоқда.

Кўппартиявийлик – демократик жамият барпо этишнинг муҳим шарты (Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолиятлари).

Партия тизими- сиёсий институтлар тушунчаси, жамиятнинг сиёсий тузилиши ва жамият аъзоларини ва давлат ва жамият ҳаётида иштирок этишнинг қабул қилинган ҳамда эътироф этилган қоидаси. Жамиятда кўппартиявийлик тизми фуқороларга турли партиялардан номзодларни танлаб олиш ва жамиятни давлатлаштиришда у ёки бу дастурга афзаллик беришга имкон яратади. Кўп партиявийлик тизми ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигига эришгач кўппартиявийлик йўлини танлади. Дунёда бундан бошқа бир ва икки партиялик тизми ҳам мавжуд бўлиб келган. Кўппартиявийликнинг қарор топиши- жамиятни демократлаштириб боришнинг муҳим белгиси ҳисобланади ҳамда кўппартиявийлик турлича ёндашувига, муқобилликка соғлом рақобатга ва самарали танқидга олиб боровчи асосий омилдир.

“Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий ирдасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмадир” (“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси).

Ўзбекистон 1991 йилдан кейинги ўткан мустақиллик йилларида бир партиявийлик тизимидан кўппартиявийлик тизимига йўл тутди. Ҳозирги вақтда Республикамизда 5 та сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда, бу партиялар ҳақида қисқача тўхталамиз.

1) **Ўзбекистон Халқ демократик партияси (Ўз ХДП)** – 1991 йил 1 ноябрда ташкил топган. Қорақолпоғистон Республикаси, 12 та вилоят, Тошкент шаҳри, 200 та шаҳар ва туман кенгашлари, 13730 та бошланғич ташкилоти бўлиб, уларда 350 мингдан ортиқ аъзоси (2007 йил 6 ноябрь) мавжуд. Партия аъзолари салоҳиятининг 200 мингга яқин қисмини 30 ёш атрофидагилар ташкил этади. ЎзХДП ўз сафларида кенг электоратни: зиёлилар, хизматчилар, деҳқонлар, тадбиркорлар, ёшлар, фахрийлар, 80 га яқин миллат ва эллатларни бирлаштирган. Шиори: “Ўзбекистон келажаги буюк давлат!” Партия раҳбари: 1991–1994 йилларда М.Расулов, 1994–2000 йилларда А.Жалолов, 2000–2004 йилларда Аслиддин Рустамов, 2004–2009 йилларда Латиф Ғуломов (Ўз ХДП МК Раиси).

Олий Мажлисида 1995–1999 йилларда 69 депутат (27 фоиз) – биринчи ўринда, 1999–2004 йилларда 50 депутат (2– ўрин), ҳозирги вақтда (2005–2009) парламентда 28 нафар депутатларнинг 23,3 фоизини ташкил қилади (2–ўринда). 1991 йил 29 декабрда мамлакат Президентлигига Ислон Каримов номзодини кўрсатган бўлса, 2000 йил 9 январда бўлган сайловларда юрт Президентлигига номзод қилиб А.Жалилов номзоди кўрсатилди ва сайловда 4,17 фоиз овозга эга бўлди, (Ислон Каримов эса 91,9 фоиз).

ХДПнинг олий органи қурултой бўлиб, у 5 йилда 1 марта чақирилади. Партия шиори: 1993 йил декабрда ХДПнинг Миллий истиқлол мафқураси қабул қилинган. 1999 йил октябрда 3-қурултойда қабул қилинган янги таҳрирдаги дастурига “Ёшлар — Ватан келажаги” номли махсус бобни киритди. ХДПнинг мақсади: ижтимоий адолат, мамлакат тараққиёти ва маънавий янгиланишини таъминлаш, ёки бошқача айтганда, ХДП нинг дастурий мақсадлари:

- 1) Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш.
- 2) Туб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ислохотларни амалга ошириш орқали раванқ топган қудратли, демократик давлат, адолатли, инсонпарвар жамиятни бунёд этиш.
- 3) Кишиларнинг миллати, сиёсий қарашлари, диний эътиқодларидан қатъий назар, муносиб ҳаёт кечириш учун тенг имкониятларни яратиш.
- 4) Фуқароларнинг эркинлик ва ҳуқуқлари, тинч ҳаёт кечиришини кафолатлаш.

Матбуот органи: “Ўзбекистон овози”, “Голос Узбекистана” газеталари, шунингдек, ойлик “Мулоқот” журналига эга. Журналистлари аккредитация қилинган. “Халқ демократик партиясининг сайловлар арафасида аҳолини кам таъминланган ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳақида дастурий чиқишлари унинг ижобий натижаларга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлди”¹. 2007 йил 23 декабрда ўтказилган Президентлик сайловида Аслиддин Рустамов бу партиядан иштирок этиб, 468 минг 64 овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,17 фоизи миқдорида овозга эга бўлди.

2. Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси — 1995 йил 18 февралда ташкил топган. Партия аъзолари 60 минг нафар (2007 йил) дан ортиқ. Партия электорати кенг омма табақасини ўзида бириктирган бўлиб, ўртаҳол ва эҳтиёжманд аҳоли табақаларига таянади. Шиори: “Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак” ғоясини илгари сурган. Мақсади: Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, демократия тамойилларга асосланган, янги ижтимоий муносабатларни қарор топтириш, адолатли жамиятни қуриш. Олий Мажлис таркибида бу партиядан 1995-1999 йилларда 47 та депутат, 1999-2004 йилларда 11 та депутат, ҳозирги вақтда (2005-2010) эса 10 депутат аъзо бўлган. (Халқ сўзи, 2007 йил 6 ноябрь).

Ўзбекистон “Адолат” социал–демократик партияси ўз олдига қўйидаги вазифаларни қўйган:

- 1) Демократик жараёнларни жадаллаштириш.
- 2) Фуқаролар сиёсий онги ва сиёсий маданиятнинг ривожини учун курашиш.
- 3) Ватанга садоқат билан хизмат қиладиган кишиларни тарбиялаш.
- 4) Ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳолининг муҳофазасини таъминлаш.
- 5) Миллий кадриятларни тиклаш, ёш авлодни маданий меросимизни ўрганиш асосида тарбиялаш.
- 6) Миллатчилик ғоясига қарши курашиш, тинчлик, барқарорликни, миллий ҳамжиҳатликни тарғиб қилиш.
- 7) Ривожланган давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, миллий манфаатларимизга мос келадиган ташқи сиёсатни қўллаб–қувватлаш.
- 8) Жаҳон социал–демократик ҳаракати, софдил ва эзгу ниятли бошқа ижтимоий ҳаракатлар, партиялар билан алоқа боғлаш.

Партиянинг олий орган – Курултой. Курултойлар оралиғида партияларга раҳбарлик фракциясини 41 кишидан иборат Сиёсий Кенгаш олиб боради. Партия Сиёсий Кенгаши биринчи котиби – Дилором Тошмухамедова, Сиёсий Кенгаш Марказий аппарат раҳбари – Равшан Ҳайдаров. Партиядан Олий Мажлис Сенатига 2 та, Қонунчилик палатасига 10 та депутат сайланган. Д.Тошмухамедова 2008 йил январидан бошлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери.

Ўзбекистон “Адолат” СДПси 2007 йил 23 декабрдаги Президент сайловига Дилором Тошмухамедова номзодини тавсия этди. У бу сайловда 434 минг 111 ово – 2,94 фоиз миқдорида овозга эга бўлди.

3. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси — 1995 йил 3 июнда ташкил топган, аъзолари 72 минг кишидан кўп. Партия ўз электоратида кўпроқ зиёлиларга суянади. Ижтимоий қатлам сифатида ўрта табақани бириктирган. Партиянинг бош мақсади – миллий манфаатлар заминида янги ўзбек давлатининг асосларини яратиш, ҳуқуқий давлатни қуриш. Парламентда бу партиянинг 1995-1999 йилларда 7 депутат, 1999-2004 йилларда 12 депутат, (2005-2010) ҳозирда эса 11 нафар депутати мавжуд. (Халқ сўзи, 2007 йил 6 ноябрь).

2000 йил Президент сайловида Ислон Каримов номзодини қўллаб-қувватлади. Партия шиори: “Миллат, инсон ва Ватан манфаати муқаддасдир”. Партиянинг мақсади: давлатнинг умуминсоний кадриятлар асосида миллий тикланиш. Ёки бошқача айтганда, партиянинг олий мақсади:

- 1) Миллатнинг маънавий бирлиги.

¹ Абдуллаев М. ва бошқ. Муствақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2006.– 424-425- б.

- 2) Ватан (Туркистон) – ягона оила.
- 3) Кучли демократик давлат.
- 4) Миллий кадриятлар.
- 5) Илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграцияси.
- 6) Замон кишиси.
- 7) Миллий истиқбол каби масалаларни бош мақсад қилиб олган.

МТП нинг матбуот органи: “Миллий тикланиш” ҳафталик газетаси.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 2007 йил 23 декабрдаги Президент сайловига Хуршид Дўстмухаммедов номзодини кўрсатди. Лекин умумий сайловда қатнашадиган (16 млн. атрофида) сайловчиларнинг 5 фоиз аъзосини тўплай олмаганлиги туфайли Марказий сайлов комиссияси унинг номзодини рўйхатга олмади (“Халқ сўзи”, 2007 йил 25 декабрь).

4. Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси – 1998 йил 28 декабрда ташкил топган. 2004 йил 14 апрелида Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясига “Ватан тараққиёти” (1992 йил 24 майда тузилган) қўшилди. Партия аъзолари 80 минг дан зиёд. Шундан 43% ёшлар, 40,7% ни хотин-қизлар ташкил этади. Шиори: “Миллатимиз дардига дармон бўлайлик”. Партия электоратининг кўпчилигини ёшлар ташкил қилади. Мақсади: “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамият сари” бориш, эркин бозор иқтисодиётига асосланган очик, демократик ҳуқуқий давлат қуриш. Миллий, умуминсоний кадриятларга асосланган адолатли фуқаролик негизларини барпо этиш, эл-юрт турмуш даражасини тараққий топган халқлар ва давлатлар даражасига кўтариш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти орасида муносиб ўрин олишга амалий ҳисса кўшишдан иборат (“Жамият”, 20.04.2007 йил).

Партия ҳокимиятга эришиш учун Президент, Парламент, Маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини-ўзи бошқариш идораларига ўтказилган сайловларда қатнашиб келмоқда. 1999-2004 йилларда Парламентда 52 депутати сайланган бўлса, ҳозирги даврда (2004-2010) Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 18 депутати (21,6%) мавжуд.

2000 йил 9 январда Президент сайловига И.Каримов номзодини ана шу партия кўрсатган эди ҳамда ғолиб бўлди. 2007 йил 23 декабрдаги Президент сайловига А.Турсунов номзоди кўрсатилди. Лекин умумий сайловда қатнашадиган фуқароларнинг 5 фоиз имзосини тўпловмаганлиги боисдан унинг номзодини Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олмади.

ФМДПнинг асосий мақсади: фуқаролар фаоллигини ошириш ва мустақиллик мафкурасини шакллантириш. Ёки ФМДП 3 усутувор масалани ечишни мақсад қилиб қўйган:

1) Эркин бозор иқтисодиётига суянган очик, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш.

2) Эл-юрт ҳаёт даражасини тараққий топган давлатлар ва халқлар даражасига кўтариш.

3) Жаҳон ҳамжамиятида давлатимиз ва жамиятимизнинг ўзига хос муносиб ўрнини эгаллашига кўмаклашиш.

4) Шунингдек, демократик жамият тараққиётини жадаллаштириш, зиёлилар, тадбиркорлар ва деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилиш, хусусий мулкчиликни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш. Ўз фаолиятида ҳамиша амалий тажриба ва соғлом ақл-идроқка таяниб иш кўриш.

5) ФМДПнинг матбуот органи: “Fidokor” газетаси. Мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда фаол тарғибот ишларини юритиб келмоқда.

5. Ўзбекистон либерал-демократик партияси (ЎзЛДП) – 2003 йил 15 ноябрда ташкил топган. Партия аъзоларининг умумий сони 150 мингдан кўпроқ (улар 7 мингдан ошиқ бошланғич ташкилотларга уюшган). Электорати: тадбиркорлар: мулкдорлар қатлами, кичик бизнес вакиллари, фермерлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ишлаб чиқариш мутахассислари, ижодкорлар, олимлар ва барча фуқароларнинг манфаатларини ва сиёсий иродаларини ифодаловчи сиёсий ташкилот ҳисобланади. Бош мақсади: ишбилармон тадбиркорларни кенг фаолият юритиш учун имконият яратиш. Шиори: “Ишбилармон,

мardлик ва шижоат соҳиби азми катъий бир киши минг–минглаб тадбирсиз кишидан яхшидир”. 25 кишидан иборат Сиёсий Кенгашга эга. Сиёсий Кенгаш Ижроя қўмитасининг раиси: М.М. Тешабоев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партия 41 та депутатлик мандатига ҳамда ўз фракциясига эга. Фракция раҳбари – А.Х.Шодмонов. Партиянинг 36 аъзоси Сенатга сайланган. Партиянинг асосий мақсадлари:

1.Тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболлини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини таъминлаш.

2.Бошқа сиёсий партия ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик, фуқаролик жамиятига кенг йўл очиб бериш, демократик кадриятларни халқ, аввало ёшлар онги ва ҳаётига сингдириш.

3.Сиёсий ва иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишда фаол иштирок этиш ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қўмаклашиш, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишда, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашиш, барча миллатлар ва эллатлар қатламларининг камситилишига йўл қўймаслик, бундай хуружларга қарши кураш олиб бориш.

4.Либерал–демократик ғоя ва кадриятларни кенг омма онгига сингдириш, бу борада ҳар томонлама чуқур ўйланган ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, ўз сафларини кенгайтириш.

ЎзЛиДеПси 2007 йил 23 декабрда ўтказилган Президент сайловига Ислом Каримов номзодини тавсия этди ва 88,1 фоиз сайловчилар овозига эга бўлиб ғолиб чиқди. Ёки 13 миллион 8 минг 357 овозга эга бўлди.

Мухолифат, фракция – оппозиция масаласи.

Мухолифат (арабча “мухолафат” – келишмовчилик, тескарилашиш, карама-қаршилик, зиддият: оппозиция сўзига ҳамоҳанг – қарши томон) – давлат, Президент, ҳукумат ёки сиёсий ҳамда ижтимоий ташкилотларнинг расмий сиёсатига, ҳукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, эътиқот, маслак, йўли. Мухолифат 3 хил бўлиши мумкин: 1) Партия доирасида. 2) Парламентдан ташқарида. 3) Сиёсий партиялар ичида. Ички партиявий мухолифат муайян партия раҳбариятининг расмий сиёсатига қарши чиқувчи кишилар гуруҳидан иборат. Парламент мухолифати ушбу олий қонун чиқарувчи давлат органига сайланган, аммо унда озчиликни ташкил этувчи, ҳукумат таркибига кирмайдиган депутатлар ёки партиялар фракцияларидан таркиб топади. У ижтимоий-сиёсий тарақиётнинг муҳим масалалари юзасидан давлат раҳбарияти ва ҳукуматнинг йўлидан фарқ қилувчи йўлни тутиши мумкин.

Оппозиция ва парламент



Амалий муҳолифат, Конституция ва қонунларга хилоф равишда иш тутувчи муҳолифатдан фарқли ўлароқ, миллий тараққиётнинг умумхалқ манфаатларига мос йўлни куллаб-қувватлаш билан бир қаторда, унинг рўёбга чиқарилишининг муқобил дастурларини илгари суради, бу ишда йўл кўйилаётган камчилик, хато ва нуқсонларни қидиради, топади ва танқид қилади. Бунда унинг қонунчилик доирасида иш тутиши, оммавий ахборот воситалари ва парламент минбаридан (агар муҳолифат вакиллари депутат этиб сайланган бўлсалар) фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Сохта демократик шиорлар остида оммани ғайриқонуний ҳаракатларга ундовчи эҳтиросли муҳолифатлар фаолияти ёш мустақил давлатлар учун нақадар қимматга тушувчи оқибатларга олиб келиши мумкинлигини қатор собиқ шўро республикалари (Украина, Грузия, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқалар) мисолида яққол кўриш мумкин бўлади.

Мустақил Ўзбекистоннинг муҳолифат масаласида олиб бораётган сиёсати алоҳида ўрганишга лойиқ. Бу сиёсатнинг тарихий, анъанавий илдизларини, унинг халқ минталитети, яъни ақлий салоҳиятининг ўзига хослиги билан боғлиқлиги ва бошқа қирраларини тадқиқ

этиш энг долзарб ва муҳим назарий масалалардан биридир. (Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.: Шарқ, 2006.-284-285-б).

Сиёсий партия фракцияси – Олий Мажлис фракциялари сиёсий партиялар ва давлат ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўрсатилган ва уларга мансублигига қараб уюшган депутатлар бирлашмасидир. Улар тегишли вакиллик органлари ва сиёсий партиялар манфаатларини кўзлайди, масалаларни муҳокама этишда иштирок этиб, умумий фикрга эришишга ҳаракат қилади. Ҳозирги пайтда Олий Мажлис қўйи Қонунчилик палатасида ЎзЛДП фракцияси – 41 (42,9%), ЎзХДП фракцияси – 28 (33,6%), ЎзФМДП –18 (21,6%), ЎзМТДП -11 (13,2%), Ўз. “Адолат” СДП -10 (12%) депутатларидан иборат фракцияларга эга.

Сиёсий партия фракцияси Олий Мажлис кенгаши таркибига киради. Партия

аъзолари партиянинг жамиятдаги таъсири сезиларли бўлиши учун сиёсий тизимда раҳбарлик ўринларини эгаллашлари лозим. Демак, ҳокимиятга интилиш партиянинг асосий белгисидир. Бизда эса ҳали аксарият бу ҳақиқатни ё тушунмайди ёки тан олгиси келмайди ё ундан кўрқади. Характерли бир мисол, Германияда агар сиёсий партия таъсис этилганидан сўнг 6 йил давомида бундестаг ёки ландтагга бўладиган сайловлар учун ўзи ишлаб чиққан таклифларини киритмаса, ўз ҳуқуқий мақомини йўқотади.

Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари:

1) 1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 7-сессиясида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди (унгача сиёсий партиялар фаолияти 1991 йил 15 ноябрда қабул қилинган «ЎзР да жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун мавжуд эди). Янги қонун 17 моддадан иборат. Бунда Президентлик ваколатларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзо бўлмаслиги айtilган. Янги қонунда қўйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўлмайди: судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари, милиция хавфсизлиги хизмати ходимлари, ҳарбий хизматчилар, хорижий далаат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Сиёсий партия тузиш камида 8 та ҳудудий субъект (вилоят), шу жумладан Қорақалпоғистон Р ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида 5 минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади. (олдин 5 та вилоятдан 3 минг имзо тўпласа бўлди эди). Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида 50 кишидан иборат бўлиб, партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаши, таъсис сьезди ё конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмита тузишлари лозим. Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб, 7 кун ичида адлия вазирлигига қўмита ҳақида, раҳбарияти ҳақида хабардор қилиши лозим. Ташкилий қўмита 3 ой фаолият кўрсатиш мумкин. Сьезд ёки конференция чақириш лозим. Бунда партия Устави ва дастури қабул қилиниши айtilган. Устав қабул қилингач бир ой ичида. ЎзР Адлия вазирлигига хабардор қилиши керак. Адлия вазирлиги ҳужжатларни 2 ой ичида кўриб чиқади. Рўйхатдан ўтса оммавий ахборат орқали эълон қилинади. Сиёсий партия хар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилиб боради. Бу ҳақида Олий Мажлис ё ваколат берувчи органга ҳисобат тақдим этади. Ҳозирги вақтда Адлия вазирли рўйхатидан ўтиб мамлакатимизда фолият кўрсатаётган 5 та сиёсий партиялар мавжуд.

2) 2004 йил 30 апрелда ЎзР Олий Мажлиси 14-сессиясида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партияларнинг ўзаро кураши ғоя ва қарашларнинг рақобати, сайловчилар овози учун кураш бўлиши шарт. Эндиликда бу ҳаракатларни амалга оширишда давлатнинг ўзи молиявий жиҳатдан таъминлаши қонунан ҳал этилди. Бу масала сиёсий касб этади. Бу қонун ўзида партиялар моддий манбаларни аниқ кўрсатади. Партиянинг молиявий фаолияти барчанинг кўзи олдида очиклигини, маблағлари қайси йўллар орқали келаётганини кўрсатади. Шу билан молиявий ҳуқуқ бузарлик учун юридик жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда жаҳонда партияларнинг молиявий манбалари 3 гуруҳга бўлинади; партияларнинг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳайрия эҳсон ва ихтиёрлари бадаллари ҳамда давлат томонидан молиялаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сонли қарори билан тасдиқланган «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом ва бошқа шу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан сиёсий партиялар фаолияти тартибга солинади.

3) 2007 йил 11 апрелда Президент имзоси билан “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” қонун қабул қилинди (Бу қонунни Олий Мажлис қонунчилик палатаси 2007 йил 28 февралда қабул қилган, Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган. Қонун 2008 йил 1 январидан кучга киритиши айтилган). **Модернизациялаш** – янгилаш, миллий замонавийлашиш маъносини билдиради.

Президент Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари сиёсий тизимни такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг тадрижий давоми бўлиб, бу лойиҳа сиёсий партия фракцияси ва маҳаллий кенгаш партия гуруҳларининг фаоллиги, мавқеи ва таъсирини кучайтириш ҳамда муҳолифат масаласининг ҳуқуқий асосларини ўз ичига олгани боис барча депутатларда қизиқиш уйғотди. 2007 йилдан ва ундан кейинги даврда бу жараён қонунчилик палатасида ҳақиқий оппозиция пайдо бўлишига олиб келади. Бугунги кунда ҳукмронлик қилаётган кучга нисбатан оппозиция йўқ. Биз оппозиция деганда расмий сиёсатга қарши кучни тушунамиз. Қонунчилик палатасида ҳақиқий оппозиция пайдо бўлиши лозим (И.А.Каримов).

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қонун, жами 8 моддадан иборат. **Қонун мақсадининг энг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:**

1) Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш баён этилган (1-модда).

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари (2-модда) берилган. **Сиёсий партия фракцияси сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.** Парламентда бир неча сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам кўпчиликни ташкил этиши мумкин. Янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини **муҳолифат** деб эълон қилиши мумкин. Сиёсий партиялар блокка бирлашиши ҳам мумкинлиги айтилган. Парламентдаги муҳолифат фракциялари учун назарда тутилган ваколат ҳуқуқларига эга. Улар Қонун лойиҳасига муқобил таҳрирни киритиш ҳуқуқига эга.

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш тартиби (3-модда) келтирилган. Қонунчилик палатаси ўз Спикери ва унинг ўринбосарини сайлайди.

4) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби (4-модда)да Олий Мажлис тўлиқ шакллантирилгандан кейин бир ой ичида Президент томонидан қайта кўриб чиқилиши айтилган.

5) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тартиби (5-модда) Президент томонидан кўриб чиқилиши ва озод қилиниши берилган.

6) Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби (6-модда) изоҳланган.

7) Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари (7-модда) қайд этилган.

8) Бу қонун 2008 йил 1 январидан кучга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси таркибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «**Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштиришнинг ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида**»ги Қонун фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлган сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамиятини янада оширади.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари давлат ташкилотларидан нимаси билан фарқ қилади?
2. Нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий асослари ҳақида нима биласиз?
3. Нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларини сананг ва унга мисоллар келтиринг?
4. “Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинишини ва унинг моҳиятини баён этинг?
5. Кўппартиявийлик тушунчаси ва унинг демократик жамият барпо этишдаги ўрни қандай?
6. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг Конституциявий ҳуқуқий асосларини тушунтириб беринг?
7. “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонун ҳақида нималар биласиз?
8. ЎзХДП, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиялари ва уларнинг мақсад-вазифаларини гапириб беринг?
9. Ўзбекистон Миллий тикланиш “демократик партияси, ФМДПлари” ҳақида нима биласиз?
10. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мақсад ва вазифаларини баён этинг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2007. —10–12-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни, 1999 йил 14 апрел.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиш тўғрисида»ги қонуни // “Халқ сўзи”, 2007 йил 12 апрель.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 1993 йил 1 декабр.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони, 1998 йил 23 апрель.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон— бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули. Т.1. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 290-295-б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид: барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. —163-174, 182-186-б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг 1X сессиясидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

9. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва ҳавфсизлиги уз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. — Т.: «Ўзбекистон», 2004.
10. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. — Т.: Ўзбекистон, 2004. — 285–312-б.
11. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. — Т.: Ўзбекистон, 2004. — 313–337-б.
12. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. — Т.: Ўзбекистон, 2005. — 156–223-б.
13. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. — Т.14. — Т.: Ўзбекистон, 2006. — 61–97, 139–153, 248–265-б.
14. Каримов И.А. Янгилашиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш — асосий вазифамиздир. — Т.: Ўзбекистон, 2007. — 11-б.
15. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир. — Т.: “Ўзбекистон”, 2007. — 48 б.
16. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш — фаровон ҳаёт гаровидир. — Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. — 64 б.
17. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. — Т.15. — Т.: “Ўзбекистон”, 2007. — 3-11, 154-211-241-251-б.
18. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. — Т.: “Ўзбекистон”, 2007. — 48 б.
19. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафқураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
20. Пугачев В.П., Соловьёв А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
21. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
22. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
23. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. — Т.: Шарқ, 2005. — 240 б.
24. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. — Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. — 160 б.
25. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. — Т.: “Шарқ”, 2006. — 528 б.
26. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. — Т.: “Маънавият”, 2006. — 160 б.
27. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. — Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. — 280 б.
28. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. — Т.: Янги аср авлоди, 2006. — 204 б.

Ижтимоий ҳимояни амалга оширадиган манбалар: 1) давлат бюджети, 2) ижтимоий суғурта жамғармаси, 3) корхона ва жамоат ташкилотлари маблағларидан ташкил топади. 4) Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш бўйича хайрия жамғармалари иштироки ҳам мавжуд. Ўз.Ресининг 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ижтимоий ҳимоя тизимининг ягона концепцияси ишлаб чиқилди. Унда республикада мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдам тизими, пенсия таъминоти, болаларга нафақа, ёлғиз кишиларга хизмат кўрсатиш ва бошқалар амалга оширилиши белгиланган. Ижтимоий ҳимоя объектига: ногиронлар, нафақахўрлар, ёш болалар, боқувчисини йўқотган оилалар, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлар, ўқитувчилар, талабалар ва ҳ.к.ташкил этади. Шу боисдан ҳам 2007 йил “ижтимоий ҳимоя йили” деб белгиланишида катта маъно мавжуд.

2. Ижтимоий адолат масаласи. Ижтимоий адолат – жамиятнинг демократик ривожланиш даражасини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш нормаларини, миллат ҳаёт тарзининг ахлоқий тимсолини белгиловчи давлат сиёсати, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган табақалари манфаатини кўзлаб миллий бойликларни тақсимлаш тартибидир. Президентимиз иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида ички сиёсатдаги 5 тамойилнинг бири, учинчи тамойил жамият ҳаётида қонун устуворлиги ҳақида тўхталган эди. Ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли ҳуқуқий жиҳатдан таъминламасдан туриб бундай хўжаликни шакллантириш мумкин эмас. Аввало ҳуқуқий давлатнинг элементлари: 1) қонун устуворлиги; 2) қонун олдида ҳамманинг тенглиги; 3) ҳамма ўз иш фаолиятини қонун доирасида бажариши; 4) ҳокимият органларининг бўлиниши тамойилига амал қилади. Ижтимоий адолатнинг 1) вазифаси ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлигини таъминлаш; 2) гуруҳ табақаларнинг манфаатини ҳимоя қилиш. Шарқ мутафаккири Носириддин Тусий ижтимоий адолатнинг 3 та асосий талабини баён этиб: 1) аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлаш; 2) тенг таъминланган фуқаро салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиш лозим; 3) ҳар бир инсон ҳимоя қилиниб, ўз улушига эга бўлиши керак, деган эди. Президент Ислон Каримов. Адолат талаблари: 1) аҳолининг, қашшоқланишига йўл қўймаслик; 2) ҳалол меҳнат қилиши учун имконият яратиш бериш, 3) раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш керак.


3. Ижтимоий кафолат масаласи - французча таъминот маъносини билдиради, кафолат - инсоннинг, жамиятнинг демократия ва ҳуқуқий давлат томон ривожланиш жараёнида қўлга киритилган ютуқлардан бири. Бу албатта аҳолини иш билан таъмин этиш, янги янги корхоналарни ишга тушириб, мамлакатда ишсизликнинг олдини олиш, иш билан таъминланиб ижтимоий ларзаларнинг олдини олишда асосий воситадир, бунинг учун мамлакатда демографик сиёсат ўтказиш лозим бўлади.

Ўзбекистонда пенсионерлар сони 2 746 707 киши, шу жумладан, 1 973 636 киши ёшга доир, 546 706 киши ногиронлик, 226 365 киши боқувчисини йўқотганлар¹.

Ўз мустақиллигини қўлга киритган йилдан бошлаб Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган сиёсат юритилиб келинмоқда. Ану шу сиёсатдан келиб чиққан ҳолда 1997 йилдан бошлаб ҳар йил мамлакатимизда маълум бир ном билан аталиб, кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда.

13.1-чизма

¹ Халқ сўзи, 2007 йил 9 июнь.



2007 йил 23 январда Президент Ислам Каримовнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

2007 йил мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва улар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг мантикий давомидир. 2007 йилда Ўзбекистонда ижтимоий мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми барча бюджет харажатларининг 55 фоизини ташкил этади, бевосита кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун эса бюджетнинг 9 фоизига яқин қисми (460 миллиард сўм) сарфланади (Жамият. 23 март, 2007, №12.).

Òàì ìèèè èàðàè-èè, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини амалга ошириш учун øóí+àèè қулай øàððèð ìÿк эди. Шунга кўра, 1994 йил 24 августда «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида» Президент Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, 1994 йил октябрдан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими такомиллаштирилди. Негаки, илгари фақат республика бюджети йўли билангина 30 та турли соҳа ва йўналишлар бўйлаб ижтимоий ҳимоя амалга оширилди. Бундай ҳолат маблағларнинг сочилиб кетишига олиб келди. Натижада юқоридаги Президент Фармонига биноан 1994 йилда ижтимоий ҳимоянинг асосиз тенглаштириш тизимидан аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларнинг камраб оладиган тизимга ўтилди. Бу тизим бугунги кунга қадар ўзини оқламоқда. Ана шу Фармонга мувофиқ ёшларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари мунтазам равишда ошириб борилмоқда. Зеро, Ўзбекистон

Бозор муносабатлари шароитида ижтимоий ҳимоя моделлари

Νεαίαείααεύ+à ιίααέ (Οείεγίαεύ, Οάαοεύ, Ιίδαααεύ)	Αειπιαδὲ ιίααέε (Αάδιαίεύ, Οδαίοεύ Εοαεύ, Ααεύαεύ)	Αάααδὲαε ιίααέε (Εδὲαίαεύ, Αίαεεύ)
Αἰἰηέε κἰεάαηε:	Αἰἰηέε κἰεάαηε:	Αἰἰηέε κἰεάαηε:
Ιαίεααοεαδᾶα γοἰά+ε ααδ+α οόκαδἰεαδ εαοεἰίεε οαύιεἰεαίεο χόκοκᾶα γᾶα	Æαίεγὸ αύεἰεαδᾶα εαοεἰίεε οαύιεἰὸ ο+οί ςαδᾶδ αἰηεοαεαδἰε εοεαά οἰἰεαᾶ εἰἰεἰεγὸ αᾶδᾶε	Χαδ ἀεδ οόκαδἰ οαακόεἰαᾶα χἰεαοεαδᾶα (εαηαεεεε, ἰαἰηἰἰ ,οε, γἰεἰ, οογεο ᾶα χ.ε.) εαοεἰίεε ἡογοδᾶαε ἰαδᾶκα ᾶα ἰοε ,δᾶαἰε ἀεεαἰ καἰδᾶα ἰεἰεἰεοε ςαδᾶδ
Αἰο ηε, ηεε ἰακἡᾶᾶ - οὔεα- οὔεηἰ ἀαἰαεεεεᾶ ὑδὲοεο (αᾶαεαὸ ἰαἡοᾶεἰε)	Αἰο ηε, ηεε ἰακἡᾶᾶ – αᾶδἰααεαδἰε χεἰἰγ-εαο (οἰαεἰ ἰαἡοᾶεἰε)	Αἰο ηε, ηεε ἰακἡᾶᾶ - ἰεἰεἰᾶᾶ αᾶδᾶααᾶαε αᾶδἰααεαδἰε χεἰἰγᾶαο

ἰαςαδἰεςδα, οοαὸ ιίααεεαδἰεἰηἰγ χαδ ἀεδᾶ ὕς ροοκ ᾶα εαἰ+εεεεεαδᾶα γᾶα. Οεαδἰε οοί+αεε οατάεκ κᾶεεᾶ ἀγἰεἰηεεεε χαἰ αἰεκ. Ὑςᾶαεεἰοἰἰ εαοεἰίεε οαύιεἰὸ ἡἰχαἡεᾶᾶ ὕς ιίααεεᾶᾶ εγα ва у ижтимоий кафолат тизимининг ўзгарувчан хусусиятига мос тарзда такомиллашиб боради.

Ὑοεο αᾶαδᾶα ἡἰοεᾶε ἰοαἡἰεαδἰεἰᾶ ρεε ἰδᾶαε. Εὔεαᾶ οοοαἰ εαδᾶἰ εαᾶε ἡἰοεᾶε ἡἰχαἰεἰᾶ ἰοαἡἰεαδᾶε хам аἰδᾶἰ ἡᾶδᾶ ἰδᾶεᾶ аἰδᾶае. Οο ἰαἡἰᾶᾶ ἡἰοεᾶε ἡἰχαᾶᾶ ρςᾶᾶ εᾶεοᾶ+ε ἰοαἡἰεαδἰεἰᾶ ᾶ+εἰεἰε ἡἰαᾶεεαοεδᾶε εᾶοᾶᾶ ἀχαἰεγὸ εᾶἡᾶ ὕοᾶае. Βοἰᾶᾶ ὕἰᾶ ἰοχαἰ ἰοαἡἰεαδᾶε αᾶἰαεαἰεοε οᾶἰαἰοεὔεαδᾶε ὕς вақтида аниқланиши катта аҳамиятга эга. Хусусан, Ὑςᾶαεεἰοἰἰ ἡἰοεᾶε ха,οεᾶᾶ ρς αᾶδᾶ,οᾶἰ εεδᾶε ὕςᾶαδᾶε ᾶα ἰοαἡἰεαδᾶε хамда уларни ҳал этиш буйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим. Мисол тариқасида у куйидаги кўринишда бўлиши мумкин

Ижтимоий муаммолар ва уларни ҳал этиш тадбирлари

№	Ижтимоий муаммолар	Уларни ҳал этиш тадбирлари
1	ἡἰοεᾶε οᾶαακαεᾶοᾶᾶ ᾶα κᾶοᾶεἰεο	Οόκαδἰεαδ οἰἰἰεαἰ ὕςεαδᾶ ᾶα ἰεεᾶ αύεἰεαδᾶεἰε ἡἰοεᾶε οεςἰαδᾶεᾶ ἀεεᾶἰ οαύιεἰεαο ἰακἡᾶᾶεᾶᾶ εοεαᾶ οἰἰεο εἰἰεἰεγὸεαδᾶεἰᾶ ἰδᾶεοε.
2.	Εαἰᾶᾶᾶεεεε	Οοἡοἡεε οᾶαᾶεδᾶἰδᾶεεἰε δᾶᾶᾶεαἰοεδᾶε ἰδκαεε ὕἰᾶε εἰἰεἰεγὸεαδἰε ᾶοαοᾶᾶᾶ εᾶεοδᾶε.
3.	Εοἡεςεεε	Εοεᾶᾶ +εκαδᾶεοᾶᾶ ἡἰοεᾶε ὕχαδᾶεαδἰε κἰἰεδᾶεᾶᾶ ἰγᾶεεεᾶἰᾶἰ οεςἰαδ ᾶα ἰακἡοεἰοεαδᾶε οεοοεἰεἰᾶ ἰδᾶεοε.
4.	Χᾶοᾶεᾶᾶδἰεἰᾶ οᾶαακαεᾶοᾶε	Αᾶδἰααεαδᾶε οᾶἰᾶἡεςεεε ᾶα οᾶδἡεε ἰαἰοᾶᾶδᾶἰδᾶεεἰᾶἰᾶ ἰδᾶεοε.
5.	Οαύεἰ οεςἰεἰεдаги муаммолар	Οαύεἰἰεἰᾶ аἰοка οᾶεεεαδᾶεἰεἡεἡ ᾶἰᾶᾶεεοε, οαύεἰ οεςἰεἰεἰε изчил ислоҳ қилиш.

Ὑςᾶαεεἰοἰᾶᾶ χἰςεδᾶε εοἰᾶᾶ εαοεἰίεε οαύιεἰὸ οεςἰεἰεᾶᾶ аἰοкаδᾶᾶ εᾶἰδᾶεᾶδᾶε хεἡἰᾶεἰᾶἰᾶ 1 οᾶ ᾶᾶςδᾶεε, 12 οᾶ ᾶεἰγὸ, Κοραқалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри хамда 153 οᾶ οοἰᾶἰ ᾶα 36 οᾶ οᾶхаδᾶ εαοεἰίεε οαύιεἰὸ οεςἰεἰεᾶδᾶε мавжуд. Шунингдек, ,εγες ἡᾶεδἰἰεαδᾶᾶ ᾶα каδᾶεὔεαδᾶᾶ ἰγᾶεεεᾶἰᾶἰ ὕἡлаб еἰοᾶδἰᾶδ оеεаδᾶ, ἡἰᾶεδἰἰεεε ἡᾶᾶᾶε ᾶа аοδᾶοεἰε ᾶᾶεᾶεἰᾶ+ε οεᾶᾶεε ὕεἡἰᾶδᾶεςᾶ εἰἰεἰἡἰεὔεαδᾶε, хусусан, ἡᾶεδἰἰεεεἰε ὕεἡἰᾶδᾶεςᾶ κᾶεεο ᾶа ἡᾶεδἰἰεαδἰεἰᾶ ἰαхаἰο κἰᾶεεἰεὔοεἰε οεεεᾶᾶ ἀγἰεε+ᾶ 1 οᾶ εεἰεε-οᾶεοεδᾶε εἰἡοεδᾶοδᾶε φαοἰἡἰᾶт юритмоқда. ἰᾶἡἰᾶᾶεαδἰεἰᾶ ᾶᾶἰεᾶἰεοε ᾶа ᾶᾶἰ ἰεεοεᾶᾶ ἰγᾶεεεᾶἰᾶἰ бир қанча ἰᾶδἡἡἡ ἡᾶἰᾶδᾶεὔлар ишлаб турибди.

▪ Жамоатчилик фикрида адолат туйғуси, ижтимоий ҳимоя тушунчасининг турли қатлам, гуруҳ манфаатларида акс этиш ҳолатлари бўйича маълумот бериш.	▪ жамоатчилик фикрида адолат туйғуси, ижтимоий ҳимоя тушунчасининг турли қатлам, гуруҳ манфаатларида акс этиш ҳолатлари бўйича маълумотга эга бўладилар.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «Т-схемаси» техникаси, бахс-мунозара, ФСМУ технологияси.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, компьютер технологияси, фандан слайдлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари ни куллаш мумкин булган укув хона.
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки назорат, ёзма назорат, савол-жавобли сўров, ўкув топширик.

Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	фаолиятнинг мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	<p>1.1. Маърузанинг мавзусини эълон қилади, ўкув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради.</p> <p>1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (1-илова).</p> <p>1.3. Талабага мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади (2-илова).</p> <p>1.4. Мавзу бўйича маъруза машғулотининг таянч иборалари ва маъруза режасига изох беради.</p> <p>Мавзу юзасидан блиц-сўров усулида маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради, саволлар беради (3-илова). Жавобларни тўғрилайди ва хулосалайди.</p>	<p>Тинглайди, мавзу номини ёзиб оладилар</p> <p>Тарқатмалар дан фойдаланади</p> <p>Саволларга жавоб беради</p>
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	<p>2.1. “Ижтимоий ҳимоя ва адолат тушунчалари. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя ҳақидаги ғоялари” саволи юзасидан қисқа маъруза ўқийди. Экрanga “Т-схемаси” жадвали чиқарилади ва унинг асосида талабалар билан савол-жавоб уюштирилади (4-илова). Жавобларни тинглайди ва хулосалайди</p> <p>2.3. Кучли томонларини тушунтиради. ФСМУ технологиясидан фойдаланиб “Ижтимоий адолатнинг макро (оила, маҳалла, жамоалар) ва микро даражалари” саволини ўртага ташлайди. (5-илова) Берилган жавоб фикрларини умумлаштиради қўшимча қилади.</p>	<p>Тинглайди, органайзерни тўлдирди.</p> <p>Жуфтли гуруҳларга бўлиниб ФСМУ жадвалини тўлдирди</p>

3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади. 3.2. Талабаларнинг билим ва кўникмалари баҳоланади. 3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун топширик беради: “Ўзбекистонда ижтимоий адолат мезонлари ва ижтимоий ҳимоянинг барқарор тараққиётини таъминлашдаги аҳамияти” бошқармаси функциясини ёритиб келинг.	Тинглайди Топширикни ёзиб олишади ва бажаради
--	---	--

1-илова (13.1)

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари


Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммага ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзолари нинг фаоллигини 0-5 балл	Жами балл

15 – 11 балл – «аъло».
12 – 10 балл – «яхши».
9 – 6 балл – «қониқарли».


2-илова (13.2)

Ўқув визуал материал

1-слайд



**Ижтимоий адолат тамойилининг жамият
хаётидаги ўрни**



Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя муамолари қандай ҳал этилмоқда

1. Бунинг учун даставвал қонунлар тизими яратилди.

2. Кескин табақаланишдан ҳоли бўлган мулкдорлар синфи шакллантирила бошланди.

3. Иқтисодий тараққиёт инсон манфаатлари томон йўналтириляпти.

Ижтимоий ҳимоянинг давлат сиёсатидаги ўрнини белгиловчи сабаблар

1. Ўзбекистон аграр мамлакат бўлиб, унинг кўпгина ҳудудларида ишлаб чиқаришнинг технологилашуви эндиgina оёққа турмоқда.

2. Мамлакат аҳолисининг 65% қишлоқда яшайди. Аграр соҳанинг яхши ривожланмаганлиги аҳолининг бу қисми орасида ҳимояга муҳтож оилаларнинг кўплигига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида уларни ижтимоий ҳимоялаш вазифасини қўяди.

3. Мамлакат аҳолиси орасида ёшлар катта салмоққа эга, бу эса ёшларни ижтимоий ҳимоя тизими орқали муҳофаза қилишни талаб этади

Бозор муносабатлари шароитида ижтимоий ҳимоя моделлари

Скандинавияча модел (Финляндия, Швеция, Норвегия)	Бисмарк модели (Германия, Франция, Италия, Бельгия)	Бекериж модели (Англия)
Асосий қоидаси	Асосий қоидаси	Асосий қоидаси
Мамлакатларда яшовчи барча фуқаролар ижтимоий таъминланиш ҳуқуқига эга	Жамият аъзоларига ижтимоий таъминот учун зарур воситаларни ишлаб топишга имконият бериш	Ҳар бир фуқаро фавқулудда ҳолатларда (касаллик, пенсия ёши, ўлим, туғиш ва ҳ.к.) ижтимоий суғуртали нафақа ва пул ёрдам билан қамраб олинishi зарур
Бош сиёсий мақсад – тўла- тўқис бандликка эришиш (давлат маъсулияти)	Бош сиёсий мақсад – даромадларни ҳимоялаш (ходим маъсулияти)	Бош сиёсий мақсад – минимал даражадаги даромадларни ҳимоялаш

Ижтимоий муаммолар ва уларни ҳал этиш тадбирлари

№	Ижтимоий муаммолар	Уларни ҳал этиш тадбирлари
1.	Социал табақалашув ва қутбланиш	Фуқаролар томонидан ўзлари ва оила аъзо ларини социал хизматлар билан таъминлаш мақсадида ишлаб топиш имкониятларининг орт иши
2.	Камбағаллик	Хусусий тадбиркорларни ривожлантириш орқали янги имкониятларни вужудга келтира ди
3.	Ишсизлик	Ишлаб чиқаришда социал эҳтиёжларни қон диришга мўлжалланган хизмат ва маҳсулотлар улушининг ортиши
4	Ҳудудларнинг табақалашуви	Даромадлар тенгсизлиги ва шахсий манфаат дорликнинг ортиши
5.	Таълим тизимидаги муаммолар	Таълимнинг бошқа шакллариининг кенгайиши, таълим тизимини изчил ислоҳ қилиш.

“Блиц-сўров” саволлари

1. Ўзбекистонда демократик жамият қурилишида “Адолат”, “тенглик” тушунчалари.
2. Демократик жамиятда адолат ва ижтимоий ҳимоянинг муштараклиги.
3. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг мазмун ва моҳияти. Президент И.А.Каримов асарларида, маъруза ва нутқларида ижтимоий адолат, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қафолат масалалари қандай ифода қилиб берилган?
4. Ижтимоий адолат принциплари.
5. Ижтимоий қафолат нима?
6. Ижтимоий ҳимоя тушунчасига бўлган қандай турдаги муносабатлар мавжуд.

Т – СХЕМА

Ижтимоий ҳимоя ва адолат тушунчалари. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя ҳақидаги ғоялари

Ижтимоий ҳимоя	Ижтимоий ҳимоя тўғрисидаги ғоялар

Ўқув топшириқ

ФСМУ технологияси қоидаси.

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг.

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг.

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг.

У – фикрингизни умумлаштиринг.

ФСМУ технологияси ёрдамида “Ижтимоий адолатнинг макро (оила, маҳалла, жамоалар) ва микро даражалари” саволини йўналтирувчи услубий тавсиялар асосида ечиш:

Савол	Ижтимоий адолатнинг макро (оила, маҳалла, жамоалар) ва микро даражалари”
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумлаштиринг	

9.2. Амалий машғулоти олиб бориш технологияси

<i>Машғулоти шакли</i>		Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий машғулоти.	
<i>Амалиёт режаси</i>		<p>1. Ўзбекистонда демократик жамият қурилишида кучли ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат ва ижтимоий қафолат тушунчаси ва тамойиллари.</p> <p>2. Ўзбекистонда ижтимоий адолат принциплари ва уларнинг амал қилиш хусусиятлари.</p> <p>3. Жамоатчилик фикрида адолат туйғуси, ижтимоий ҳимоя тушунчасининг турли қатлам, гуруҳ манфаатларида акс этиш ҳолатлари</p>	
Ўқув машғулотининг мақсади: демократик жамият қурилишида кучли ижтимоий ҳимоя, ва адолат тамойиллари бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш			
<i>Педагогик вазифалар</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари</i>	
<ul style="list-style-type: none"> ▪ Ўзбекистонда демократик жамият қурилишида кучли ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат ва ижтимоий қафолат тушунчаси ва тамойиллари бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш; ▪ Ўзбекистонда ижтимоий адолат принциплари ва уларнинг амал қилиш хусусиятлари бўйича билимларни мустаҳкамлаш; ▪ жамоатчилик фикрида адолат туйғуси, ижтимоий ҳимоя тушунчасининг турли қатлам, гуруҳ манфаатларида акс этиш ҳолатлари бўйича атрофлича маълумот бериш. 		<ul style="list-style-type: none"> ▪ Ўзбекистонда демократик жамият қурилишида кучли ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат ва ижтимоий қафолат тушунчаси ва тамойиллари бўйича билимларни мустаҳкамлайдилар; ▪ Ўзбекистонда ижтимоий адолат принциплари ва уларнинг амал қилиш хусусиятларини очиб берадилар; ▪ жамоатчилик фикрида адолат туйғуси, ижтимоий ҳимоя тушунчасининг турли қатлам, гуруҳ манфаатларида акс этиш ҳолатлари атрофлича ва кенгайтирилган маълумотларга эга бўладилар. 	
<i>Ўқитиш усуллари-техникаси</i>		маъруза, тушунтириш, инструкция бериш, намойиш, блиц-сўров, парадокслар усули	
<i>Ўқитиш воситалари</i>		маъруза матни, компьютер слайдлари, доска	
<i>Ўқитиш шакллари</i>		фронтал, коллектив иш	
<i>Ўқитиш шароити</i>		компьютер, мультимедиа проектор (ёки проектор ва LCD панель)	
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>		Кузатиш, оғзаки назорат, ёзма назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топширик.	

Амалий машғулотнинг технологик картаси

<i>Иш жараёни лари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 дақиқа)	1.1. Амалий машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Таълим жараёни «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади (<i>1-илова</i>).	Тинглайдилар. ЎУМ га қарайдилар.


	1.2. «Нима учун» техникасидан фойдаланилган ҳолда талабаларга, «Ижтимоий ҳимоя тушунчасига бўлган қандай турдаги муносабатлар мавжуд? деган савол билан мувожаат қилади. Бажарилган ишларни кўздан кечириб хулосалайди (2-илова).	Ўз фикрларини эркин билдирадилар. Органайзерни тўлдирадилар.
	1.3. Талабаларнинг фикрини умумлаштириб, уларни 3 та кичик гуруҳларга бўлади.	Гуруҳларга бўлинади.
	1.4. Талабаларнинг машғулотидаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (3-илова).	ЎУМ га қарайдилар.
II-босқич. Асосий (60 дақиқа)	2.1. Гуруҳларга топшириқ беради ва уларни бажариши учун ёрдам беради. Уларни баҳолаш мезонлари билан таништиради. Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини қўйиладиган натижага жалб қилади. (4-илова).	Фаол қатнашадилар
	2.2. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини ватман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди.	Ишнинг тақдиротини ўтказадилар, баҳс-мунозара юритадилар, хулоса чиқарадилар. Баҳолайдилар.
	2.3. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишда ёрдам беради. Ягона хулоса чиқаришга кўмак беради ва ниҳоясида умумлаштиради.	Тақдимот ўтказадилар. Ҳолиб гуруҳларни аниқлаб, баҳолайди.
III-босқич. Якуний (10 дақиқа)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Эшитадилар. Аниқлайди.
	3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: Мавзунини Инсерт техникаси ёрдамида таҳлил қилиш.	ЎУМ га қарайдилар.

6-илова (13.2)

Кичик гуруҳларда ишлаш қондаси

1. Талабалар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдига қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйикқа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.

«Нима учун?» техникаси



Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллигини 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло».

12 – 10 балл – «яхши».

9 – 6 балл – «қониқарли».

Эксперт қоғозлари - топшириқлар

1-гуруҳ

1. Ижтимоий адолатнинг макро (оила, маҳалла, жамоалар) ва микро даражалари.

2-гуруҳ

2. Ўзбекистонда ижтимоий адолат принциплари ва уларнинг амал қилиш хусусиятлари.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистонда демократик жамият қурилишида “Адолат”, “тенглик” тушунчаларини янгилаш идрок этиш нима учун зарур?
2. Демократик жамиятда адолат ва ижтимоий ҳимоянинг муштараклиги мавжудми?
3. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг мазмун ва моҳиятини гапириб беринг?
4. Президент Ислам Каримов асарларида, маъруза ва нутқларида ижтимоий адолат, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қафолат масалалари қандай ифода қилиб берилган?
5. Ижтимоий адолат принципларини баён этинг?
6. Ижтимоий қафолат нима?
7. Ижтимоий ҳимоя тушунчасига бўлган қандай турлича муносабатлар мавжуд?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2007. —10–12, 28–29-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни, 1999 йил 14 апрел.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 1993 йил 1 декабр.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони, 1998 йил 23 апрель.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон— бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули. Т.1. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 290-295-б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид: барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. —163-174, 182-186-б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1X сессиясидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.
8. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги уз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боглиқ. — Т.: «Ўзбекистон», 2004.
9. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг мукаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
10. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
11. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
12. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
13. Каримов И.А. Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
14. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
15. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.
16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
18. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
19. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.

20. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
21. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
22. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
23. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
24. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
25. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
26. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
27. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.

III БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ

14-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНИШИ

14.1. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли субъектига айланиши

Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга қўшилишининг демократик тамойиллари ҳақида. Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда Ўзбекистонни 170 дан ортиқ давлат тан олган, дунёдаги 130 га яқин мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот, 13 та ноҳукумат ташкилотлари ишлаб турибди. Дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда Ўзбекистон элчихоналари ва молия ташкилотлари тенг ҳуқуқли асосда ишлаб турибди. Жаҳоннинг 140 мамлакати билан савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилган. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очган.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга қабул қилинди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан ва БМТ раҳномалигида 1995 йили Тошкентда Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. "Ўзбекистон,-деган эди Ислом Каримов,- миллий манфаатларига мос келадиган, кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш - давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир". Ўзбекистон Президентининг асосли мулоҳазалари билан 1993 йил февраль ойида Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди.

БМТ Уставида ва Халқаро ҳуқуқ принциплари бўйича декларацияда 7 та асосий принцип қайд этилган.

- 1) Куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик.
- 2) Зиддиятларни тинч йўл билан бартараф этиш.
- 3) Аралашмаслик.
- 4) Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаши.
- 5) Ҳамкорлик.
- 6) Давлатларнинг суверен тенглиги.
- 7) Халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш.

Булар ЕХХКнинг 1975 йилдаги Яқуний актида рўйхатга олинб, 3 та принцип билан тўлдирилди:

- 1) Чегараларнинг дахлсизлиги.
- 2) Ҳудудий яхлитлик.
- 3) Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принциплари.

Президент Ислом Каримов "Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" маърузасида (2005 йил 28 январда) ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб:

1) дан, давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта -у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

2) Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш. Албатта бунда минтақада стратегик мавҳумлик сақланиб қолаётганлигини ҳам тан олиш керак.

3) "Қўшнинг тинч - сен тинч" ҳаётий нақлига риоя этиш.

4) БМТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш. Шунингдек, ЕХХТ, Европа Иттифоқи, НАТО, АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва бошқа давлатлар билан демократик тамойиллар асосида алоқаларни ривожлантириш.

5) Халқаро терроризм ва радикализмга қарши курашда бирдамликни таъминлаш ва ҳ.к.

Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати: ЎзР Конституцияси 4-боб, 17-моддасида ЎзРсининг халқаро муносабатлардаги ташқи сиёсатининг **ҳуқуқий (5 та) принциплари** ишлаб чиқилди ва асослаб берилди:

- 1) Давлатларнинг суверенитети, тенглиги.
- 2) Куч ишлатмаслик ёки таҳдид қилмаслик.
- 3) Чегараларнинг дахлсизлиги.
- 4) Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш.
- 5) Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

Бу принциплар Ўзбекистоннинг манфаатдорлик тамойиллари билан уйғунлаштирилди. Президент Ислом Каримов "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида Ўзбекистон ташқи сиёсатини амалга ошириш 6 та амалий принципларини ишлаб чиқди, улар:

- 1) Миллий давлат манфаатлари устун бўлган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш.
- 2) Умумбашарий кадриятлар устуворлиги, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш можароларни тинчи йўл билан ҳал этиш.
- 3) Тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлиқ, бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик, тенглар орасида тенг бўлиш.
- 4) Мавқуравий қарашлардан қатъий назар очиқ-ойдинлик, барча давлатлар билан кенг алоқани ўрнатиш.
- 5) Ички миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиш.
- 6) Ҳам икки томонлама ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш.

1995 йил 30 августда "Ўзбекистон Республика харбий доктринаси тўғрисида" Олий Мажлис юқори қабул қилинди.

1996 йил 26 декабрда "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ қўйидаги асосий тамойилларни ишлаб чиқди ва унга амал қилиб келмоқда:

- 1) Ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устуворлиги.
- 2) Тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.
- 3) Мафқуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний кадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик.
- 4) Халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги.
- 5) Ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг ўз ташқи сиёсатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли субъекти сифатида амалга ошириш учун реал имкониятларга эга бўлди. Эндиликда ташқи сиёсат мустақил тарзда амалга оширилмоқда.

Жамият ва давлатлар тарихи шуни кўрсатадики, бирон-бир мамлакат бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан тараққиётга эришган эмас. Шарқ ва ғарб мамлакатларини бир-бирига боғлаган «Буюк Ипак» тарихий йўлнинг марказида жойлашган Ўзбекистон бир неча асрлардан буён динлар, миллатлар ва маданиятларнинг туташув нуқтаси бўлиб келмоқда.

Айниқса, Амир Темур ва Темурийлар даврида дунёдаги йирик давлатлар Самарқанд билан ўз алоқаларини ўрнатганлар. Амир Темурнинг Франция, Англия, Испания қироллари, ўнлаб қўшни давлатларнинг ҳукмдорлари билан ёзишмалари ўша даврдаги жўшқин сиёсий, маданий ва тижорий алоқалардан гувоҳлик беради.

Чор Россияси босқинидан сўнг 130 йилдан ортиқ давом этган мустамлака даври мамлакатимизнинг ташқи алоқаларини узиб қўйди. Хориж билан барча муносабатлар

истилочиларнинг назорати ва рухсати билан амалга оширилди эди. Бир пайтлар дунёга донг таратган ўлкамиз чекка бир вилоят даражасига тушириб қўйилди. Советлар даврида эса четга чиқарилган бир-икки дипломат ҳамда вазифаси олий рутбали хорижликларни меҳмон қилишдан иборат бўлган Ташқи ишлар вазирлигидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётининг конституциявий замини яратилди. Шунга мос равишда инсон ҳуқуқлари ҳам тикланмоқда. Халқимизнинг маънавий салоҳияти, унга хизмат қиладиган табиий ва техникавий заҳиралар, мустаҳкамланаётган халқаро муносабатлар демократик ривожланиш ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун барча шароитларнинг босқичма-босқич яратилишига кафолат беради.

Ўзбекистон Конституцияси «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда белгиланган конституциявий анъаналарни давом эттиради. Мазкур анъаналарга кўра халқаро ҳуқуқ давлатимиз қурилишининг муҳим манбаи бўлиб, Ўзбекистон ўзининг халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигини конституциявий даражада мустаҳкамлаб, намоиш этмоқда.

Бу эса ёш мустақил давлатимизнинг энг нуфузли халқаро ташкилотларга қабул қилинишига имкон берди. Республикаимизнинг мустақил давлат сифатида бошқа давлатлар томонидан дипломатик тан олинishiга, халқаро иқтисодий муносабатларга киришишига йўл очди.

БМТ устави, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги бошқа халқаро пактлар, Хельсинки битимлари, Париж ва Мадрид хартиялари қоидалари Конституциямиздаги халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига асос бўлди. Бундай конституциявий ёндашув, айниқса Конституциянинг муқаддимасида, 4-бобида, иккинчи бўлимда 22,23 ва 26-бобда яққол кўзга ташланади. Бу бобларнинг тегишли равишда, «Ташқи сиёсат», «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари», «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти», «Сайлов тизими», «Мудофаа ва хавфсизлик» деб номланиши ҳам фикримизнинг далилидир.

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги ижтимоий дунёқараш ва жаҳон ҳамжамиятининг жўғрофий-сиёсий тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб тарихга кирди. Жаҳон ҳамжамияти янги даврга қадам қўйди. Бу давр ўзининг икки жиҳати билан ажралиб туради. **Биринчидан**, бу давлатлар, халқлар ўртасидаги яқинлашув жараёнлари ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит бўлган сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маконларнинг вужудга келиши, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ нормаларининг яратилишидир. **Иккинчидан**, «социалистик лагер»нинг емирилиши, тоталитар тузумдаги давлатларнинг тугатилиши, улар ўрнида мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир. Эндиликда «совуқ уруш»га барҳам берилди, «капиталистик» ва «социалистик» деган тушунчалар ўртасидаги фарқ амалда йўқ бўлиб борапти. Мафкуравий ақидалардан холи бўлган янги, эркин тафаккурни шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли» китобида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг концепцияси тўғрисида, ташқи сиёсий йўл, бу йўлнинг ҳуқуқий негизи ва уни амалга ошириш воситалари ҳақида тўхталиб ўтган. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик йўли, асосий қоидалари ва мақсадлари, унинг устувор ва минтақавий йўналишлари, хусусиятлари негизида республиканинг миллий манфаатлари жой олган. Ҳар қандай сиёсат ақл-идрок билан иш тутишни тақозо этади. Ривожланаётган, тез тараққий этиш учун кучли илмий, саноат куч-қувватига эга бўлган мамлакатнинг ташқи сиёсати эҳтирослардан холи бўлиши лозим. Республикамиз ана шундай давлатлар сирасига киради. Янги халқаро иқтисодий тартиб учун ҳаракат қилиш қоидалари Ўзбекистон учун ҳам диққатга молик масаладир. Бу хом ашё ва саноат маҳсулотлари нарх-наволарининг адолатли бўлган нисбати, ривожланаётган давлатларнинг фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконияти ва ҳоказолардир.

Ташқи сиёсат фаолият учун ҳуқуқий негиз яратиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидагилар амалга оширилди:

– янги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди;

– собиқ Иттифоқ иштирокчи бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуаси республика манфаати нуқтаи назаридан ўрганилди;

– Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос тушадиган ҳужжатлар ратификация қилинди;

– мамлакат халқаро фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, «Қабул қилинган халқаро шартномалар тўғрисида»ги қонун, «Консуллик устави» шулар жумласидандир. Улардан ташқари божхона хизматининг ҳуқуқий асосларини яратувчи қонунлар, Ҳаво кодекси ҳам қабул қилинди.

Манфаат, бу зарурий эҳтиёждир. Эҳтиёжлар эса биринчи галда Ўзбекистон учун тараққиётнинг муайян жуғрофий ва табиий, иқлимий, демографик ҳолатимиз, халқимизнинг кўп миллатли таркиби, унинг тарихий ва маданий мероси, маънавият омили, ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг даражаси, хом ашё ва замонавий технология билан таъминланганлик, давлатнинг халқаро муносабатлардаги ўрни ва ҳоказолардир. Бу омиллар Ўзбекистоннинг эҳтиёжларини белгилайди. Эҳтиёжлар эса манфаатларда ўз ифодасини топади. Давлат манфаатлари унинг ташқи сиёсий фаолиятини белгилайди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий манфаатлари халқаро алоқаларни ривожлантираётган, унинг тузилмалари ва фаолиятини белгилаб бераётган кучдир.

Барча давлат ва халқаро ташкилотлар билан алоқа қилишда давлатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқилади. Табиийки, бунда шерикларимиз манфаатлари, улар ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобга олиниши зарур. Зеро, ўзаро узвий боғлиқликсиз ташқи сиёсатни тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва давлатлараро уюшмалар фаолиятидаги иштироки республика ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу ташкилотлар жаҳон ҳамжамиятига кириш, хўжалик алоқаларини ўрганиш, экология, табиий муаммоларни ҳал этиш, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришда катта ёрдам бермоқдалар.

Республика Президенти давлатимиз ўз қиёфасини йўқотмасдан халқаро талабларга риоя этишга тайёрлигини қатъий тасдиқлади. Бу талабларга риоя этмасдан, халқаро жаҳон ҳамжамиятига кириб бўлмайди. Бу ерда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосидаги қафолатлар, БМТ Низоми ва Хельсинки келишуви қоидалари, ҳужум қилмаслик, халқаро муносабатларда куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш, халқаро ҳуқуқ қонунларининг миллий қонунлардан устуворлиги ва ҳоказолар тўғрисида гап бормоқда. Жаҳондаги барча тараққийпарвар мамлакатлар худди шундай ёндашув тарафдоридир.

Ўзбекистон бутун дунё кўз ўнгида ташқи сиёсий ва маданий алоқаларининг бой тарихига эга бўлган, мустақил равишда замонавий дипломатик алоқаларни амалга ошираётган тинчликсевар ҳуқуқий давлат сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро ҳуқуқ жиҳатидан Ўзбекистон учун асрлар оша буюк бўлиб келган давлатлар ҳам, давлатчилик тарихи бизниқига ўхшаш ёш мамлакатлар ҳам баб-баравардир.

Ўзбекистон тараққиётнинг конституциявий асоси сифатида инсон ҳуқуқлари тикланмоқда. Халқимизнинг маънавий имконияти, унинг катта табиий ва техник заҳиралари, мустақамланиб бораётган халқаро алоқалари демократик тараққиёт ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжудлигига ишонч туғдиради. Натижада мамлакатимиз амалда ялписига дипломатик тан олинишига ва халқаро иқтисодий алоқаларга тортилишига йўл очиб берилди.

XX асрнинг охирида дунёнинг сиёсий макони сифат жиҳатидан ўзгарди. Совет Иттифоқи халқлари ҳамда собиқ «социалистик ҳамдўстлик»даги бошқа давлатлар бир партиявийлик тизими ва марказдан туриб режалаштириш иқтисодиётидан воз кечишди. Бу ҳолат дунёда антогонистик ижтимоий-сиёсий тузумларнинг глобал қарама-қаршилиги барҳам топди ва дунё сиёсатида демократик жамиятлар салоҳияти анча ошди. Евроосиё худудида, жумладан, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари, шунингдек, собиқ совет иттифоқи давлатларининг розилиги орқали ижтимоий-сиёсий тузумнинг демократик шаклига ўтилди. Агар бундай давлатларда, энг аввало, Россияда амалга оширилаётган

ислохотлар жараёни муваффақиятли яқунланса, Шимолий ярим шарининг катгароқ қисми - Европа, Шимолий Америка, Евроосиёда бир-бирига яқин ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тамойиллар асосида яшовчи, бир-бирига ўхшаш қадриятларга эътиқод қилувчи, шу жумладан, глобал дунё сиёсати жараёнларига бир хилда ёндашувчи халқлар ҳамжамияти шаклланади.

«Биринчи» ва «иккинчи» дунёлар ўртасидаги қарама-қаршиликка барҳам берилгандан сўнг авторитар тузумлар Африка, Лотин Америка, Осиёдаги ўз тарафдорини қўллаб-қувватлашдан тўхтадилар. Негаки, бу давлатлар мафкуравий иттифоқдош сифатида ўз қийматларини йўқотишди ва натижада моддий ҳамда сиёсий ёрдамдан махрум бўлишди. Оқибатда Сомали, Либерия, Афғонистонда бўлиниш вужудга келди ва фуқаролар уруши бошланиб кетди. Бошқа давлатларнинг кўпчилиги эса, масалан, Эфиопия, Никарагуа, Жазоир авторитаризмдан воз кеча бошлашди.

«Совуқ уруш» билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган барча қитъаларда кечган кенг миқёсли демократиялаштириш жараёни XX аср 80-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бразилия, Аргентина, Чили бошқарувнинг ҳарбий-авторитар шаклидан фуқаролик-парламентар шаклларига ўтишди. Бундай тенденция Марказий Америкада сал кечроқ тарқалди. Ушбу жараённинг эътиборли натижаларидан бири шуки, 1994 йил 14 декабрда Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари бошлиқларининг учрашувида қатнашган 34 та давлат раҳбари ўз давлатларининг демократик йўл билан сайланган лидерлари эдилар. Шунга ўхшаш демократиклаштириш жараёнлари Осиё Тинч океани ҳудуди - Филиппин, Тайвань, Жанубий Корея, Таиландда кузатилди. 1998 йилда Покистонда ҳарбий тузум ўрнига сайланган ҳукумат келди. Жанубий Африка республикасининг апартеид сиёсатидан воз кечиши демократияга қараб йўл олинганлигини кўрсатди. Африканинг бошқа жойларида авторитаризм жараёни анчагина секин кечди. Бироқ инқирозга учраши, Гана, Бенин, Кения, Зимбабведа демократик ислохотларнинг маълум даражада олдинга силжиши демократиялашув тўлиқини бу қитъага ҳам таъсир қилмасдан ўтмаганини кўрсатади.

Айтиб ўтиш лозимки, демократия етукликнинг бир неча даражасига эга. Бу француз ҳамда америка инқилоби даврларидан бошлаб, бугунги кунгача демократик жамиятларнинг ривожланишида яққол намоён бўлди. Қатор Африка мамлакатларида ёки собиқ иттифоқ ўрнида пайдо бўлган янги мустақил давлатларнинг айримларида мунтазам кўппартиявийлик сайловлари кўринишига эга бўлган демократиянинг илк шакллари, айтилик, Ғарбий Европа типидagi етук демократия шакллари анчагина фарқ қилади. Агар Линкольннинг демократияга берган «халқ танлаган сайлаган ва халқ манфаатларига мувофиқ амалга ошириладиган халқ бошқаруви» таърифидан келиб чиқадиган бўлсак, энг илғор демократиялар ҳам мукамал эмасдир.

XX аср 80-йиллар охири - 90-йиллар бошларида ижтимоий-сиёсий моделларнинг глобал алмашинуви жараёни турли давлатларда турлича кечган бўлса-да, унинг ер юзининг ярмидан кўпини қамраб олганлиги боис, жаҳон ҳамжамияти ижтимоий-сиёсий майдонининг сифат ўзгариши тўғрисида хулоса қилиш мумкин бўлади. Жамиятларни ташкил этишнинг демократик шаклли тафовутлар, баъзан эса муайян давлатлар ўртасида кескин зиддиятли вазиятлардан ҳам холи эмас. Масалан, бугунги кунда Ҳиндистон ва Покистон, Греция ва Туркияда парламентар бошқарув жорий этилган бўлса-да, улар ўртасидаги муносабатларда хавфли кескинлик мавжуд. Россия коммунизмдан демократияга қараб анча йўл босиб ўтган бўлса-да, барибир, айтилик, НАТОни кенгайтириш ёки Саддам Ҳусайн, Слободан Милошович тузумларига қарши ҳарбий кучни ишлатиш масалалари бўйича Европа давлатлари ва АҚШ билан ораларида келишмовчилик юзага келган эди. Лекин муҳими шуки, тарихда демократик давлатлар бир-бирлари билан уруш қилишмаган.

Жаҳон тарихининг тадқиқ этилиши шуни кўрсатмоқдаки, демократиялар авторитар тузумлар билан уруш олиб борадилар ва жуда кўп бошқа демократик давлатлар билан зиддиятларга борсалар ҳам, ҳеч қачон бу нарса урушгача етиб бормаган. Вестфаль тизими мавжуд давр мобайнида демократик давлатлар ўртасидаги муносабатлар тор доира бўлганлиги ва уларнинг ҳамжихат бўлишларига авторитар давлатлар таъсир этганлигини

кўрсатувчи танкидчиларда бунга маълум бир асос бор эканлигини тан олиш зарур. Авторитар давлатлар томонидан тахдиднинг йўқолиши ёки камайиши билан демократик давлатлар бир-бирлари билан муносабатда ўзларини қандай тутишлари ҳам номаълум.

Агар XXI асрда ҳам демократик давлатларнинг ўзаро тинч муносабатларидаги қонуният бузилмаса, унда ҳозир дунёда рўй бераётган демократияни кенгайтириш дунё глобал зонасининг ҳам кенгайтириши аниқлади. Эҳтимол, янги шаклланаётган халқаро муносабатлар тизмининг Вестфаль тизимидан биринчи ва асосий фарқи айнан мана шундадир.

Глобал миқёсда демократия ва авторитаризм ўтрасидаги нисбатнинг ўзгариши америкалик тадқиқотчи Ф.Фукуяманинг демократия ғалабасини овоза қилишига ҳамда шу маънода тарихий формациялар ўртасидаги кураш сифатида «тарихнинг яқунланганлиги» туғрисида эълон қилишга асос бўлиб хизмат қилди. Бироқ, демократиянинг кенг миқёсда ёйилиб бораётгани унинг тўлиқ ғалабаси дегани эмас. Коммунизм бироз ўзгартирилган кўринишда бўлса-да, Хитой, Вьетнам, Шимолий Корея, Лаос, Кубада сақланиб қолинди унинг изларини Собик Иттифоқнинг айрим давлатларида, Сербияда сезиш мумкин.

Шимолий Корейдан ташқари бошқа барча социалистик мамлакатларда бозор иқтисодиёти элементлари пайдо бўлмоқда, улар у ёки маънода жаҳон иқтисодий тизимига жалб этилмоқда. Сақланиб қолган айрим коммунистик давлатларнинг бошқа мамлакатлар билан муносабатлари «синфий кураш» тамойилидан кўра, «Бирга тинч яшаш» тамойилига асосланади. Қисман амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва халқаро иқтисодий алоқалар учун очик бўлишлик сиёсий эркинликларни кенгайтиришни талаб этувчи ижтимоий кучларни юзага чиқаради. Бироқ, бир партиявийлик тизими тескари томонга қараб иш олиб бормоқда. Натижада либерализмдан авторитаризмга, авторитаризмдан тиберализмга қараб ҳаракат қилувчи «арғимчок» эффектлари кузатиш мумкин.

XX аср тажрибаси кўрсатмоқдаки, коммунистик тизим муқаррар равишда шундай ташқи сиёсатни ишлаб чиқардики, у демократик жамиятлар сиёсатига зид бўлади.

Бундай зиддиятнинг мавжудлиги улар ўртасидаги ҳарбий можарони келтириб чиқариши мумкинлиги ва улар ўртасидаги муносабатлар бўла олмаслиги хусусидаги фикрлар асослагандир.

Ҳозирги кунда дунёда авторитар тузумдаги бир қанча давлатлар мавжуд. Авторитар тузумда бўлган давлатлар орасида алоҳида ўринни экстремистик мазмундаги «исломий» мамлакатлар - Эрон, Судан, Афғонистон эгаллайди. «Ислом фундаментализми» номи билан аталувчи ислом экстремизми халқаро сиёсий ҳаракати дунё сиёсатига бу давлатлар ўз таъсирини ўтказиш учун имкон бермоқда.

Ғарб демократиясини инкор этувчи ҳамда зўравонликка йўл қўювчи ушбу мафкуравий оқим сўнгги йилларда Яқин Шарқнинг кўпгина мамлакатлари аҳолиси ва мусулмон аҳолиси юқори бўлган бошқа давлатларда кенг тарқалган.

Демократик давлатлар билан ҳамкорлик қилишга интилаётган коммунистик тузумдаги давлатлардан фарқли ўлароқ, ислом сиёсий экстремизми динамик ва Саудия Арабистони, Форс кўрфаси мамлакатлари, Покистон, Туркия, Марказий Осиё давлатлари барқарорлигига катта хавф туғдирмоқда.

Авторитар давлатларнинг сақлаб қолиниши ёки улар сонининг ортиши, эҳтимол, улар ўртасидаги, шунингдек, демократик дунё билан ўрталарида ҳарбий тўқнашувларга олиб келиши мумкин. Албатта, халқаро муносабатларнинг келгусидаги ривожини тадқиқ этишда демократия ўртасидаги муносабатлар қонуниятларини, демократиянинг авторитар тузумларга таъсирини яхшилаб таҳлил этиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси, унинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатлари. 1995 йил 30 августда "Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси туғрисида" Олий Мажлис қарори қабул қилинди. Парламент мамлакатнинг давлат ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишни таъминловчи мазкур Олий Мажлис қарори катта сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Ҳарбий доктрина давлатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини яна бир бор намоён этди. У

Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ва жаҳон майдонидаги мавқеини оширди. ЎзРсининг ҳарбий доктринаси 3 қисмдан иборат.

I. Умумий қондалар. Ҳарбий доктрина ЎзР мудофаа сиёсатининг негизини ташкил этади ва миллий хавфсизлик концепциясининг таркибий қисми бўлиб, ташқи сиёсат, давлатлараро муносабат масалаларига, уруш ва тинчлик муаммоларига янгича ёндашувларга асосланади. ЎзР мустақил давлат ва халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида ўз мудофаа сиёсатини барча мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг мустақиллигини, чегаралар бузилмаслиги ва ўзгармаслигини ҳурмат қилиш принципларига асосланади.

II. Доктринанинг сиёсий жиҳатлари.

Ўзбекистон Республикасининг урушга муносабати. Бунда ташқи сиёсатнинг асосий вазифаси: халқаро ва давлатлараро муаммоларни уруш йўли билан ҳал этишга қарши, ҳарбий мажораларни дипломатия воситасида бартараф қилиш, зиддиятли ҳолатларга барҳам бериш, енгишга куч-ғайрат сарфлаш.

Урушнинг ва уруш хавфининг олдини олиш - бош стратегик йўналиш. Урушлар ва ҳарбий мажораларнинг олдини олиш, ҳарбий блоklarга кирмаслик. ЎзР Қуролли Кучларини бошқа давлатга қарши ишга солмайди, ҳеч кимга таҳдид қилмайди. "Ядро қуролисиз яшайди". Умумий хавфсизликни сақлашда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ролини оширади. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлайди, тизимни яратади. Фақат тинчлик учун кураш олиб боради. Одам руҳиятига ҳалокатли таъсир этувчи воситаларни ишлаб чиқишни тақиқлайди. Ҳарбий соҳадаги алоқаларни кенгайтиради. Миллий ва диний муросасизликка йўл қўймайди. Фундаментализм, экстремизм, террорчиликнинг кучайиш тенденциясига йўл қўймайди. Тинчликни сақлашдаги мажбуриятларга амал қилади. ва ҳ.к.

III. Доктринанинг ҳарбий-ташкилий жиҳатлари.

Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятлари. Бунда шу минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъий ва изчил ҳаракат қилади. Хавфсизликни таъминлаб боради. Урушларнинг олдини олади.

Ҳарбий хавфнинг потенциал манбалари. Жаҳон турли минтақаларида қуролли гуруҳлар юзқори даражада жамланган ва ҳ.к.

Ҳозирги замон урушларининг хусусияти ва оқибатлари. Ядро уруши инсоният учун ҳалокат манбаи. Инсониятни вайрон қилувчи қуролларнинг ишлаб чиқарилишига қарши, тажовузкорлик сиёсатини қоралайди ва ҳ.к.

Бош ҳарбий-стратегик вазифалар. Тинчлик даврида давлат мудофаа қобилиятини ривожлантиради. Уруш чиққан тақдирда ўз кучлари билан тегишли шартномалар орқали ҳаракат қилади.

Қуролли Кучлар қурилиши ва уларни стратегик қўллаш принциплари.

Қуролли кучлардан фойдаланиш шартлари.

Республика иқтисодиётини, ҳудудини ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш ҳарбий доктринанинг ҳуқуқий асослари.

Халқаро муносабатларни ривожлантиришда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик кадриятлар, халқаро ҳуқуқ асосида ўз ташқи сиёсатини юритиш, муносабатларда куч ишлатмасдан музокаралар ёрдамида муаммоларни ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва давлатларнинг суверенитети ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон ўз дипломатиясини юқоридаги кадриятлар асосида олиб бормоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Ўзбекистон халқ хўжалигидаги аниқ лойиҳаларга сарфланаётган хорижий сармоялар миқдори йилдан-йилга ортиб борапти. Кейинги йилларда қад кўтараётган замонавий иншоотлар ва йирик корхоналар бунга мисол бўла олади.

14.2. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик алоқаларида демократик тамойиллар

Истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ бевосита мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари ва асосий тамойиллари белгиланди ҳамда оғишмай амалга оширила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи дипломатик алоқаларда амалга оширилаётган демократик сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- 1) мафкуравий қарашлардан қатъий назар, ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний кадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- 2) давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;
- 3) низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- 4) куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- 5) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш;
- 6) ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги;
- 7) тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;
- 8) давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик устунлиги;
- 9) ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик ва бошқалар.


Бу тамойилларга давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари асос қилиб олинади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг истиқболлари. Ўзбекистон ўз тараққиётида, ташқи сиёсат борасида Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорликка катта эътибор қаратмоқда. Мустақиллик йилларида икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари ўзининг ривожланиш босқичига чиқди. 1992 йилда Тошкент ва Вашингтонда элчихоналар очилди, 1995 йил апрелида АҚШ ҳамкорлигида НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида ҳарбий ўқув машғулотлари ўтказилди. 1996 йилгача Ўзбекистонда 200 та ўзбек-америка кўшма корхоналари ташкил топди. ЎЗР Президенти И.Каримов 1996 йил 23-28 июнь кунлари АҚШга расмий ташриф билан борди. 25 июнда АҚШ президенти Билл Клинтон билан учрашди. Бу учрашув жаҳон интеграциялашувида минтақавий тараққиётда улкан аҳамиятга эга бўлди. 1997 йил 5 февралда Президент И.Каримов АҚШ давлат котибини қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш муҳокама этилиди. Ўзбекистон АҚШнинг Афғонистон ва Ироқдаги террористик ақидапарастларга қарши курашини қўллаб-қувватлади. Президентимиз БМТ БАСининг 48,50 йиллик йиғилишлари ва минг йиллик самитларида минтақавий муаммоларни долзарб мавзу сифатида кўтариб келди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатда Европадаги ривожланган мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш жиддий эътибор берди. Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги (1993 йил 28 апрелида) муносабатлар кенг йўлга қўйилди. Тошкентда икки томонлама савдо-иқтисодий палатаси ташкил топди, ГФР элчихонаси очилди.

1994 йил 9-12 июнда Ўзбекистон давлат делегацияси Нидерландия (Голландия)да бўлди. Дехқончилик ва чорвадорлар хўжалигида бўлиб улар билан суҳбатлашди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақида протокол имзоланди. Голландия агрохўжалигининг технологияси Ўзбекистонда фойдаланишга келишилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Голландия картошка уруғлари экилиб ҳосил етиштирилмоқда.

14.1-чизма



Ўзбекистон билан Франция ўртасида муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Франция билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома, маданият, илмий-технавий ва маориф соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида сармояларни ўзаро рағбатлантириш, химоялаш тўғрисида битимлар имзоланди. Бугунги кунда Ўзбекистон-Франция ўртасида иқтисодий, илмий, маданий алоқалар кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат, газ саноати, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда.

1993 йил 22-25 ноябрларда Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошлик делегациясининг расмий амалий ташриф билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигида бўлиши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тарихида буюк воқеа бўлди. "Тошкент-Лондон" ҳаво йўли қатнаш йўлга қўйилди.

Умуман, Ўзбекистон Европадаги Финляндия, Австрия, Бельгия, Швейцария, Италия, Испания, Греция, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Хорватия, Болгария каби Европа мамлакатлари билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиб келмоқда ва бу алоқалар бугунги кунда янада кенгайиб бораёпти.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида яқин, Ўрта Шарқ ва Араб мамлакатлари, шунингдек, Шарқ ва Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари билан ҳам икки ва кўп томонлама алоқаларни ўрнатиб, иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-техника соҳасида истиқболли натижаларга эришмоқда.

Ўзбекистонда инвестицион муҳитни шакллантириш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни вужудга келтириш бўйича алоқалар ривожланиб бормоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёни изчиллик билан давом эттирилмоқда. Айни пайтда мамлакатни жаҳон билан боғловчи коммуникацион тизимларни ривожлантиришга катта аҳамият берилаяпти. Чет эллардаги таниқли иқтисодчилар, хорижий компаниялар ваколатхоналари раҳбарлари ва мутахассислари, ёзувчилар ва журналистлар бу тадбирлар туфайли Ўзбекистон яқин келажакда минтақадаги энг илғор давлатлардан бирига айланишини башорат қилмоқдалар.

Мамлакатимизнинг бой ер ости ва усти ресурслари, малакали мутахассислари, Марказий Осиёдаги етакчи мавқеи ҳам жаҳон давлатларини ҳамкорликка ундамоқда. Ўзбекистон ҳозирги пайтда 130дан ортиқ хорижий мамлакатлар билан савдо-сотик қилади. Юртимиздаги 15 мингга яқин корхона маҳсулотлар экспорт-импорти билан шуғулланмоқда. Халқаро муносабатлар равнақи мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликнинг, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришнинг ўзига хос қафолати эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон бир қатор халқаро ташкилотлар - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Иқтисодий ҳамкорлик ташкилдоти (ЭКО) билан тенг ҳуқуқли аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан эса махсус битимлар асосида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги алоқаларимиз минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. АҚШ ва бошқа етакчи давлатлар аскарлари билан биргаликда ҳар йили ўтказилаётган ҳарбий машқлар қуроли кучларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлаяпти.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари ва ҳуқумат бошлиқларининг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви давримизнинг энг муҳим анжуманларидан бир бўлди. Республикамиз Президентининг мазкур анжумандаги нутқи, аниқ таклифлари ва мулоҳазалари билан йиғилганлар эътиборини қозонди. Айниқса, терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш борасидаги таклиф қўллаб қувватланди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ана шундай марказнинг таъсис этилишига ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг таклифи сабаб бўлди.

Ўзбекистон ўзининг ташқи алоқаларини ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда ташкил этиш тарафдоридир. Бугунги кунда ер юзининг турли чеккаларида ишончли ва манфаатдор шерикларимиз бор. Уларнинг доираси мунтазам кенгайиб бормоқда. Бу муносабатлар иккала давлатлар учун ҳам муҳим бўлган йўналишларда изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон расмий ҳайъатининг 2002 йилда АҚШга ташрифи, стратегик ҳамкорликнинг вужудга келиши ва имзоланган ҳужжатлар, бир қатор халқаро анжуманларда икки давлат раҳбарининг ўзаро мулоқотлари, самимий ёзишмалар ўзаро алоқалар даражасидан далолат беради. Дунёнинг етакчи давлати, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Европа Иттифоқи билан 1996 йилда имзоланган шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома 1999 йилнинг 1 июлида кучга кирди. Мамлакатимизнинг Европа давлатлари билан кенг миқёсли алоқалари учун қулай имконият вужудга келди. Табиийки, Германия, Франция, Буюк Британия каби илғор давлатларнинг демократик жамият қуриш борасидаги тажрибалари, ишлаб чиқаришдаги илғор технологиялари биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари- Япония, Корея Республикаси, Хитой ва бошқа давлатлар билан алоқаларимиз кенгайди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз самараларини бирга қурилаётган корхоналарда, қад кўтараётган иншоотларда, бозорларимиздаги хилма-хил маҳсулотларда кўриш мумкин.

Албатта, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар, шу жумладан, Марказий Осиё республикалари билан ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунга сабаб, Ҳамдўстлик мамлакатларимизнинг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жиҳатдан боғланганлигигина эмас, балки чуқур тарихий илдизлар, маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимизнинг муштарак тақдирга эга бўлганлигидир.

Россия Федерацияси билан мустақиллик йилларида шаклланган ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик яхши самара бераётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган 1992 йилдан буён сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда жами 150 дан ортиқ ҳужжат имзоланган. 1998 йил май ойида И.Каримовнинг Россияга ва ўша йил октябрида Б.Ельциннинг мамлакатимизга расмий ташрифлари, сафар давомида қабул қилинган ҳужжатлар, айниқса, 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. В.Путин президент сифатида илк сафарни Ўзбекистондан бошлаганлиги ҳам Россия раҳбарияти мамлакатимизни ўзининг стратегик шерикларидан бири, Марказий Осиёдаги етакчи давлат деб билишидан далолат беради.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақида имзоланган шартнома Марказий Осиё интеграцияси йўлидаги илк қадам бўлган эди. 1998 йили бу шартномага Тожикистон ҳам қўшилди. Ҳозиргача ўзаро ҳамкорлик ҳақида 150 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Эндиликда Давлатлараро кенгаш ишлаб турибди, Ҳамдўстлик дастурларини рўёбга чиқариш бўйича ижроия кўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган. Мазкур интеграция халқимизнинг манфаатларига тўла мос келади, минтақамизда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. 2000 йил 20-21 апрель кунлари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви чоғида имзоланган терроризмга, сиёсий ва диний экстремизмга, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш юзасидан биргаликдаги ҳаракатлар тўғрисидаги шартнома бунга мисол бўла олади.

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасида ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради, деб таъкидлаган эди. Ўзбекистоннинг кенг миқёсли халқаро алоқалари ана шу фикрнинг амалий ифодасидир.

Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 14 январда "Независимая газетаси" (Москва) муҳбири саволларига берган жавоблари ("Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди" суҳбати асосида). 2005 йил 14 январда Президент Ислом Каримов "Независимая газета" (Москва) муҳбирининг саволларига берган жавоблари "Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди" деб номланди, 2004 йил МДХ мамлакатлари учун Украинадаги "зарғалдоқ инқилоби" билан яқунланди. Кўпчиликнинг фикрича, Грузия ва Украинада сўнгги пайтларда содир бўлган воқеаларда Ғарбнинг таъсири бор-йўқлиги хусусида бир неча мавжуд омиллар ҳақида гапирди. **Бу 1) дан қатор йиллар мазкур мамлакатда ички норозилик тўпланиб борган; 2) иккинчи омил эса давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан боғлиқ.** Ташқи омил, таъсир мамлакатнинг ички ҳаётида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ўз ечимини топмаган.

Жамиятнинг ўзи кескин ўзгаришларга тайёр бўлмаса ҳеч қандай Америка ёки Европа воқеаларни ўзича ўзгартира олмайди. Шу боис Ўзбекистонда Украина ёки Грузия сценарийси бўлмайди. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашган. Бизга бундай фикрда бўлганлар бошқача тарбия кўрган, одамларимиз менталитети бошқача. Бу XX аср 90-йилда танлаган йўлимиз, демократик янгиланиш, фуқаролик жамияти куриш йўлидан қайтади деган гап эмас. Фақат ҳар ким бу йўлни ўзига хос йўсинда босиб ўтади. Шу сабаб ўзимиз замин яратиб қўймасак ташқаридан туриб аралашув ҳеч қандай самара бермайди.

Украинада "бахмал инқилоб" узоқ тайёргарлик кўрилганига боғлиқ. Мамлакатда қанча ноҳукумат ташкилотлари мавжуд, улар қандай манбалардан молиявий мадад олаётганликларига эътибор берсак, ҳаммаси ойдинлашади. Ўзбекистонда бу жараён кузатилиб борилмоқда. Мақсадимиз, ҳақиқатан ҳам шу лойиҳалар инсонпарварлик мақсадини кўзлайдими, шунга боғлиқ. Экстремистлар бизга қарши, чунки биз уларни таъкиб қилиб, фаолиятини авж олдиришга йўл бермадик. **Қирғистонда бундай вазиятнинг** юзага келганлиги эса "демократия тақчиллигини" қоплашга йўналтирилган маблағлар Ғарбдан келаётганлигини Акаевнинг ўзи айтган эди.

Ўзбекистонда профессионал парламентнинг шаклланиши шундан далолат берадики, давлатни ислоҳ қилишда биз етилиб келаётган, давр илгари сурган ўзгаришлар қонунчилик асосида бораяпти. Халқ ҳокимиятини, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашимиз зарур. Биз демократик давлатни барпо этишимиз керак. Бу давлат XXI аср талабларига жавоб берадиган диктатурасиз давлат бўлади. Диктатура бир одамнинг, битта тузилманинг зўрованлигидир. Демократик давлат кутишнинг бошланғич даврини бошимиздан кечираяпмиз. Тунда шошилиб бўлмайди. Америка ҳам 200 йилдан буён ўз Конституцияси моҳиятини тўлтириб келмоқда.

Энг муҳими ислоҳотлар одамлар ҳаётига қандай таъсир қилаётганлигида. Биз фақат сиёсий соҳанигина эмас, балки иқтисодий, ижтимоий ҳаётни, маънавий-ахлоқий соҳани ислоҳ қилишимиз зарур.

Қонунларимиз қанчалик мукамал бўлмасин мустақил суд тизимига эга бўлмасдан туриб бу қонунларни тўла қўллаш қийин. Прокуратурага, унинг ролига жиддий тузатишлар киритиш керак. Россия НАТО билан ҳарбий-мудофа маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик қилишга тайёр.

Россия Қирғистон ва Тожикистондаги каби Ўзбекистонда ҳам ўз ҳарбий базасини жойлаштирмайди. Ўзбекистондан Америка ҳарбий ҳаво кучларини чиқариб юбориш масаласини келишиб олган. Президент сайлови, Халқаро террорчиликка қарши курашиш масалалари бўйича ҳам ўз қарашларини баён этди. "Халқаро терроризм" тушунчаси 2001 йил II сентябрдан кейин юзага келди. МДХнинг келажаги хусусида ҳам Ислом Каримов тўла жавоб қайтариб, давлатлар раҳбарларига боғлиқлигини баён этди.

Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги. Президентимиз асарларида таъкидланганидек, "Биз жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув ҳақида гапирганимизда энг аввало БМТ фаолиятида иштирок этишимизни назарда тутамиз". 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлди. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ва БМТ раҳномалигида 1995 йили Тошкентда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро семинар ўтказилди. Унда 20 та халқаро ташкилот ва жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакати, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Россия, Япония, Хитой, Покистон, Эрон ва бошқа давлатларнинг дипломатия ҳамда ҳукумат вакиллари иштирок этди. Шарқдан Япония, Ғарбдан Германияни БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига аъзо қилиб сайлаш ҳақида Президентимиз **И.Каримов БМТнинг 1993, 1995 йиллари 48, 50-сессияларида 2000 йили "Минг йиллик саммити"**да таклиф қилган эди.

Ўзбекистон БМТнинг **ихтисослашган** ташкилотлари бўлган ЮНЕСКО, ЖССТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНКТАД, ЮНИСЕФ ва бошқа ташкилотлар билан кенг ҳамкорлик ишлари юргизилмоқда.

Иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, интеграциялашувни таъминлашда халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар: Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда.

Минтақавий халқаро ташкилотларда: Ўзбекистон ана шу минтақавий халқаро ташкилотлар билан Европа Иттифоқи, ЕХХТ, НАТО, ЭКО, ОИК, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳамкорлик қилмоқда. Булар орасида Европа Иттифоқи алоҳида ўрин тутди. 1996 йилда ЕИ билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда бир қанча ишлар қилинди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европа йўналиши анча кенгайди. Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузасида ана шу халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларга кўпроқ диққат қаратди. Президентимиз Европа қитъасидаги Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустақамлашдан манфаатдоримиз, "Ўзбекистон жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутган давлатлар – АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлашга алоҳида эътибор беради", деган эди.

“Бугунги кунда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда”.

Бошқа халқаро ташкилотлар Осиё минтақасида Туркий тилли давлатлар ўртасида муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириб борилмоқда.

Умуман Ўзбекистон бугунги кунда Президентимизнинг адолатли ва тинчлик сиёсати туфайли дунёга юз тутмоқда. Ўзбекистон очиқ мамлакат экан унга барча халқаро ва минтақавий ташкилотлар катта қизиқиш билан қараб Ўзбекистон билан дипломатик алоқаларини кенг икки ва кўп томонлама олиб бормоқдалар. Бу ишларда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг хизматлари катта.

«6+2» гуруҳи. (1998-2001 йиллар). БМТ котибияти биносида 1998 йил 21 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил топганди. Бу гуруҳ Афғонистондаги ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал этишга қаратилган эди. Мазкур гуруҳга: Эрон ИР, Хитой ХР, Покистон ИР, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон + АҚШ ва Россия давлатлари кирган эди.

1997 йил 19-20 июл кунлари «6+2» гуруҳининг Тошкентда дастлабки учрашуви бўлиб ўтди. Унда биринчи бор муҳолиф томонларнинг юзма-юз музокара олиб боришлари учун имкон яратилганлигини анжуман якунида «Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари» ҳақида Декларациянинг қабул қилинишини халқаро жамоатчилик афғон заминида тинчлик ўрнатиш борасида ташланган жиддий қадам сифатида баҳолади.

Мазкур анжуман Ўзбекистон раҳбариятининг кўп йиллик саъйи-ҳаракатлари натижаси бўлди. Афғонистондаги урушнинг ўз вақтида тинч йўл билан ҳал этилмаслиги минтақавий ва глобал хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигини олдиндан кўра билган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 ва 1995 йиллардаги сессияларида, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти саммити ва бошқа қатор муҳим анжуманларда халқаро ҳамжамият диққат эътиборини афғон ҳалқини уруш даҳшатларидан халос этиш, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш масалаларига жалб этган эди.

1999 йил 19-20 июлда Тошкент анжуманида «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент Декларацияси имзоланди. Бу ҳужжатда Афғонистонда янги ҳукумат тузиш, можарони тинч йўл билан ҳал этиш, қачоқларни қайтариш, миналардан тозалаш, умумий битим имзолаш, молиявий ёрдам

каби минтақабий долзарб ғоялар кўтарилган эди. Лекин 2001 йил 11 сентябрда Умаршайх бошчилигидаги толибон кўшинлари, ислом экстремистлари АҚШга террористик хуружидан сўнг НАТО блокига аъзо давлатларнинг ҳарбий кучлари Афғонистонга киритилиб, исломий толибон кўшинлари тор-мор бўлгач «6+2» гуруҳи ўз-ўзидан барҳам топди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги давлатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқалари. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар: Қозоғистон, Қирғистон, Тожикистон, Туркманистон билан ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу 5 давлат тарихи, маданияти, тили ва дилининг бирлигидан, томирларининг тутшиб кетганлигидан келиб чиқувчи жиддий сиёсат, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлидир. 1991 йил 13 декабрда Ашхабодда Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлат бошлиқларининг учрашувида Тажан-Серахо темир йўл қурилиши бўйича битим имзоланди. 1993 йил январда Тошкентдаги учрашувда Марказий Осиё Хамдўстлигига асос солинди. Шу тариқа "Марказий Осиё" деган янги атама пайло бўлди.

1993 йил мартда Қизил Ўрдада Марказий Осиё давлатларининг Россия давлат вакиллари иштирокида "Орол муаммоси бўйича" биргаликдаги ҳаракатлар битими имзоланди. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсис этилди. 2 йилга унинг раиси қилиб Н.Назарбоев сайланди.

1994 йил 10 январда Қозоғистон Республикаси билан ягона иқтисодий маконни ташкил этиш ҳақида шартнома имзоланди. 1994 йил 16 январда Қирғистон билан ягона иқтисодий макон тўғрисида битим имзоланди. 1995 йил 14 апрелда Чимкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғистон Президентларининг учрашувида Тожикистон ва Афғонистон чегарасидаги вазият ҳақида келишилди. 1994 йил 8 июлда Алматида мазкур 3 давлат раҳбарлари учрашувда мурожаатнома қабул қилдилар.

1994 йили Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси Кунлари ўтказилди ва унда Ўзбекистон-Қозоғистон Марказини тузиш келишиб олинди. Ўзбекистонда 605 та қозоқ мактаби бўлиб, унда 15 минг бола ўқийди. Ўзбекистон Қозоғистон билан икки томонлама алоқаларни кенг йўлга қўйиб бормоқда. Марказий Осиё давлат раҳбарлари 1993 йил 26 мартда Қозоғистон Раисининг Қизил Ўрда шаҳрида, 1994 йил 11 январда Нукус шаҳрида, 1995 йил 3 мартда Тошовуз шаҳрида, 1995 йил 20 сентябрда яна Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммосига бағишлаб амалий учрашувлар ўтказилди. Шунингдек 1997 йил 28 февралда Алматида, 1999 йилда Тошовушда Орол масаласига бағишлаб учрашувлар ўтказилди.

1994 йил 23 майда Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишида Президентимиз И.Каримов "Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак" мавзусида нутқ сўзлади. Худди, шунингек Президентимиз Ислом Каримов 1995 йил 20 майда Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг тантанали йиғилишида "Дўстлигимиз куёши минг йилликлар қаъридан нур сачади" мавзусида нутқ сўзлаб, "Туркистон -умумий уйимиз" ғоясини илгари сурган эди. 1995 йил 5 майда 2-сессияда ҳам шу ғоя, шиор илгари сурилди, булар минтақавий барқарорликни таъминлашга хизмат қилди. Президентимиз таъкидлаганидек, "Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик миллий хавфсизликнинг асосий шартларидан биридир.

Демак, кўп томонлама алоқаларни ўрнатиш 1) дан Марказий Осиё республикалари-нинг иқтисодий интеграцияси билан чамбарчас боғлиқ. Бу учрашувларда минтақавий муаммолар ечими юзасидан ўтказилиб келинди. 2000 йил 14-15 июн кунлари Душанбеда, 2001 йил 9 январда Олмати саммитлари Ўрта Осиёнинг иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий вазиятига тегишли қатор таклифларни илгари сурди. 2) дан, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Ўрта Осиёдаги яқин мустақил давлатлар билан ўзаро маданият кунларини ўтказиш, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга, бу давлатлар ўртасида Орол муаммоларини соғломлаштириш, норкобизнес, қирғин қуроолларини олиб келиш, тайёрлаш ва ҳарбий қуроолларни жойлаштириш масалаларига қарши фақат минтақамизда эмас, балки жаҳон халқаро ташкилотлари ҳам унга эътибор бераётганлигидир.

Ядросиз ҳудудлар мақоми. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Марказий Осиёни ядросиз зона, деб эълон қилиш ташаббусини илгари сурди. «Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас» – деди юртбошимиз ўз нутқида, минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажратган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, ядро қуролини таркатмаслик тўғрисидаги шартноманинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади.... Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ядросиз зона, деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир».

Мазкур ташаббус Президентимизнинг 1996 йил декабрда бўлиб ўтган ЕХХТ Лиссабон учрашувида сўзлаган нутқида яна бир бор йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Анжуман қатнашчилари Марказий Осиёни ядросиз зона, деб эълон қилиш ҳақидаги фикрини катта қониқиш билан кутиб олдилар.

1997 йил апрель ойида Женева шаҳрида Марказий Осиёдаги беш давлат экспертлари минтақавий гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ўша йили июнь ойида Ўзбекистон хайъати биринчи бор атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) бошқарувчилари кенгашининг Вена шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида иштирок этди. Ўзбекистон хайъати раҳбарининг расмий баёнотида Ўзбекистон Республикаси ва минтақадаги бошқа давлатларнинг ядросиз зона ташкил этиш борасидаги қарашлари баён этилди.

1997 йил 14-16 сентябр кунлари Тошкентда «Марказий Осиё - ядро қуролидан холи зона» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 56 мамлакатдан ва 16 халқаро ташкилотдан 200 дан ортиқ киши иштирок этди. Ислон Каримовнинг мазкур анжумандаги нутқида баён этилган ядровий хавфсизликни таъминлаш чоралари ҳақидаги фикрлари анжуман қатнашчилари томонидан тўла қўллаб-қувватланди

Хўш, «Ядросиз зона»нинг қандай мезонлари бор? Халқаро амалиётда бундай ҳудудларни белгилашнинг ягона мезони йўқ. Чунки ҳар бир минтақа ўз хусусияти ва аҳамиятига эга. Аммо, тадқиқотчилар ядросиз зона тушунчасини шундай изоҳлайдилар: «Ядросиз зона қурол-яроғларни чеклаш, ядровий низо чиқиши хавфини камайтириш, мазкур зонага қирадиган мамлакатлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва 1968 йилда имзоланган ядро қуролини таркатмаслик ҳақидаги шартноманинг ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашиш воситасидир. Халқаро шартнома асосида ядро қуролини синаш, ишлаб чиқариш ва жойлаштириш тақиқланган, шунингдек, унинг ҳудудида ва унга қарши ядро қуролини қўллаш тақиқланган зона – ядросиз зона ҳисобланади».

1999 йил 1 февралда Тошкентда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги битим лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг 3 кунлик сессияси бўлиб ўтди («Тошкент окшоми», 1999 йил 3 февраль).

Бугунги кунда ядросиз зоналар бутун ер шарининг 70 фоизини ташкил этади. Дунёнинг кўпгина давлатлари ядросиз зоналар ҳақидаги 6 та шартномани қўллаб-қувватламоқдалар.

1) Антарктида шартномаси 1959 йил 1 декабрда қабул қилинди ва 1961 йил 3 июнда кучга кирган.

2) Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида ядро қуролини тақиқлаш ҳақидаги Тлателолко шартномаси 1967 йил 14 февралда қабул қилинди ва у 1969 йил 25 апрелда кучга кирган.

3) Тинч океанининг жанубий қисмини ядросиз ҳудудга айлантириш ҳақидаги Раротон шартномаси 1985 йил 6 августда қабул қилинди ва 1986 йил 11 декабрда кучга кирган.

4) Жанубий-Шарқий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Банкок шартномаси 1995 йил 15 декабрда қабул қилинди.

5) Африкани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Пелиндаб шартномаси 1999 йил 11 апрелда қабул қилинди.

Мажбуриятлари 7 та. Ядро қуролига эга давлатлар (5 та). Мажбуриятлари 3 та («Ҳаёт ва қонун», 2005, №2, 38-39 б.) .

б) Марказий Осиёда ядросиз зона ташкил этиш туғрисидаги Семипалатинск (Қозоғистон) шартномаси 2006 йил 8 сентябрда қабул қилинди ва Марказий Осиёдаги 5 та давлат раҳбарлари томонидан имзоланди.

Демак, дунёнинг 110 мамлақати, яъни жаҳон ҳамжамиятининг ярмидан кўпи ядро қуролидан бутунлай воз кечиш тарафдоридирлар (1. Собирова Ш. Ядро қуролидан холи зона. Маърифат, 2006, 12 июль).

Бундан мақсад, ядро қуроли мавжуд бўлган ҳудудларни чеклаш, ядро уруши хавфини камайтиришдир.

Марказий Осиёда ядросиз зона барпо этиш ҳақидаги Ўзбекистон ташаббуси БМТ ва жаҳон жамоатчилиги томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. Бу таклиф БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида муҳокама қилинди ва махсус резолюция қабул қилинди.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш фақат минтақадагина эмас, балки жаҳонда ҳам тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий, ҳарбий қудрат билан биргаликда мамлақатдаги демократик жараёнларнинг характери билан давлатларнинг обрў-эътибори белгиланмоқда. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик жараёнлар жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгаллашга ва миллий манфаатларимиз асосида ташқи сиёсат юритишга имконият яратмоқда.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий, ҳарбий қудрат билан биргаликда мамлақатдаги демократик жараёнларнинг характери билан давлатларнинг обрў-эътибори белгиланмоқда. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик жараёнлар жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгаллашга ва миллий манфаатларимиз асосида ташқи сиёсат юритишга имконият яратмоқда.

Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ва Марказий Осиё давлатлари ҳудудларида тузилган куйидаги халқаро ва минтақавий ташкилотларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ). 1991 йил 21 декабрда Алматида 11 давлат: Россия, Украина, Беларус, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Азарбайжон, Арманистон, Молдавия давлатлари бошлиқларининг кенгашида МДХ тузилди. МДХга 1993 йил 24 декабрда Ашхабадда Грузия ҳам қўшилди. Ўзбекистон мазкур МДХ ташкилотининг иқтисодий интеграция доирасида қатнашиб келмоқда.

МДХ бир бутун давлат, федерация ёки мамлакат эмас, ҳарбий блок ҳам эмас, балки давлатлар ҳамдўстлигининг янгича шакли. Унга кирувчи ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли субъектидир.

МДХ 1991 йил 8 декабрда Минск шаҳрида СССРнинг барҳам топиши муносабати билан шаклланди. Унинг вужудга келиши ҳақидаги ҳужжат - битимга дастлаб уч мустақил давлат – Россия Федерацияси, Украина ва Беларуссия раҳбарлари имзо чекдилар. Битимни имзолаган давлатларнинг ҳудудий бутунлигини тан олиш, ҳурмат қилиш ҳамда амалдаги чегаралар, уларнинг очиклиги ва фуқароларнинг ҳаракат эркинлиги эътироф этилди.

МДХ аъзолари халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий харажат ва қуролиларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. Ҳозиргача икки юздан ортиқ норматив ва тавсифий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга, томонлар бир-бирларининг ядросиз зона ва бетараф давлат статусига эришиш учун олиб бориладиган ҳаракатларини ҳурматлайдилар.

МДХ аъзоларининг биргаликдаги фаолияти соҳасига куйидаги тадбирлар киритилди:

– ташқи сиёсий фаолиятларни мувофиқлаштириш, муҳофаа сиёсати ва ташқи чегарани муҳофаза қилиш;

– умумий иқтисодий муҳитни шакллантириш ва ривожлантириш, Умумевропа ва Евроосиё бозорини шакллантириш;

– иқтисодий ислохот ўтказиш;

– божхона сиёсатини бирга олиб бориш;

– транспорт ва алоқа, шунингдек, энергетика тизимларини ривожлантириш;

– саломатлик, атроф-муҳит ва экологик хавфсизлигини сақлаш;

– уюшган жиноятчиликка қарши курашиш.

1991 йил 21 декабрда собиқ СССРнинг уч славян, Марказий Осиёдаги беш, Закавказьедаги уч республика раҳбарлари Олмаотада учрашиб, Ҳамдўстлик ҳужжатларига жами 11 республика имзо чекди. Кейинчалик Грузия қўшилди.

МДХнинг юқори Олий органи – «Давлат бошлиқлари Кенгаши», шунингдек, «Ҳукумат бошлиқлари Кенгаши», «Иқтисодий Кенгаш», «Мудофаа вазирлари Кенгаши», «Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши» ҳисобланади. Ижроия органи «Мувофиқлаштирувчи қўмита» дейилади. Унинг қошида доимий котибият ишлайди. Давлат бошлиқлари Кенгаши бир йилда камида икки марта ўтказилади. Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлиси МДХ аъзоси бўлган - ҳар қандай давлат ташаббуси билан чақирилади. МДХ органларининг фаолияти МДХ Низоми билан тартибга солинади.

- МДХ органлари фаолиятини маблағ билан таъминлаш (харажатлари) аъзо давлатларнинг хизмат юзасидан бўлган иштироки тартиби бўйича тақсимланади ва МДХ органлари бюджети тўғрисидаги махсус битим асосида ўрнатилади.

МДХнинг асосий мақсадларини амалга ошириш учун ҳамдўстлик давлатлари ўзаро муносабатларида қуйидаги қоидаларга риоя қиладилар:

- 1) давлат суверенитетини ўзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш;
- 2) тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик;
- 3) иқтисодий куч ёки бошқа тазйиқ услубларини қўллашдан воз кечиш;
- 4) баҳсли муаммоларни келиштирувчи воситалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳамма эътироф қилган тамойил ва нормалари асосида ҳал қилиш.

Шу билан бир қаторда, МДХ аъзолари ҳамкорликнинг бошқа йўллари топиб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ва ЕврАзЭС каби халқаро уюшмаларда қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон МДХнинг Коллектив Ҳавфсизлик шартномасида 1992-1999 йилларда қатнашди. 2005 йилдан бошлаб яна КХШда қатнашмоқда.

МДХ фаолиятининг дастлабки йилларида (1991-1994 йилларда) Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларда миллий манфаатлар устувор ўринга эга бўлди. Бунинг натижасида ўзаро ташқи савдо алоқалари сезиларли даражада заифлашди. МДХ мамлакатларининг аксарияти узок хориж мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга устуворлик бердилар. Экспертлар фикрича, Собиқ Иттифоқ республикалари ўртасидаги хўжалик алоқаларининг бузилиши натижасида пировард маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 35-40 фоизга камайди.

МДХ доирасида қабул қилинган дастлабки энг муҳим ҳужжат **Иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги Шартнома ҳисобланади (1993 йил сентябрь). Мазкур ҳужжатда иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг қуйидаги асосий босқичлари белгилаб берилди:**

- 1) давлатлараро (кўп томонлама) эркин савдо уюшмаси;
- 2) божхона иттифоқи;
- 3) товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучи бозори;
- 4) валюта (пул) иттифоқи.

1994 йилнинг апрелида **эркин савдо зонаси, 1994 йилнинг октябрида тўлов иттифоқи** ва Иқтисодий иттифоқнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи сифатида **Давлатлараро иқтисодий қўмита (ДИҚ)** ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Узок тарихий ривожланиш мобайнида юзага келган чуқур интеграцион алоқалар, ишлаб чиқаришнинг мамлакатлар бўйича ихтисослашуви, корхона ва тармоқлар даражасидаги кенг тармоқли кооперация, **умумий инфратузилманинг мажудлиги** МДХ ташкил топишининг объектив асоси ҳисобланади.

МДХ доирасида қабул қилинган битимлар ва шартномаларни муваффақиятли амалга ошириш учун қуйидаги **тамойилларга** амал қилинмоқда:

- 1) интеграцион алоқаларни ривожлантириш ихтиёрийлик асосида ҳам икки ёқлама, ҳам кўп томонлама шартномалардан фойдаланиш ёрдамида босқичма-босқич **амалга**

оширилмоқда;

2) ҳуқуқий интеграция ўзаро манфаатдорликка асосланмоқда ва ҳамкор давлатларга зиён етказмасликка алоҳида эътибор қаратилмоқда;

3) зарурият туғилганда, МДХ аъзоларига уларнинг масъулияти остида ва аниқ иқтисодий натижаларни кўзда тутиб жамоавий ёрдам кўрсатилмоқда;

4) ҳамкор мамлакатлардаги иқтисодий ислохотлар рағбатлантирилмоқда ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда;

5) мамлакатлараро муносабатларда бозор субъектлари орасидаги горизонтал алоқаларга устуворлик берилмоқда, микродаражадаги интеграцион алоқаларни, иқтисодий ҳамкорликнинг янги-янги шакллари кенг кўламда ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

МДХ доирасида иқтисодий интеграцияга тўсқинлик қилаётган асосий муаммо ташкилий-ҳуқуқий асос ва ҳамкорликка аъзо мамлакатлар ўзаро ҳаракат механизмининг такомиллашмаганлиги ҳисобланади. Шунингдек, МДХга аъзо мамлакатлар иқтисодий салоҳиятининг турли даражада эканлиги, алоҳида мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўртасидаги тафовут, миллий қонунчилик ҳужжатларининг мувофиқлаштирилмаганлиги каби омиллар ҳам интеграцион имкониятларнинг чекланишига олиб келмоқда.

Эркин савдо зоналарини ташкил этиш, тўлов иттифоқини шакллантириш, ягона коммуникация ва ахборот маконини барпо этиш, илмий-техника ва технологик ҳамкорликни такомиллаштириш асосида умумий иқтисодий маконни шакллантириш орқали МДХга аъзо мамлакатлар ўртасидаги интеграцион алоқаларни янада ривожлантириш мумкин. Аъзо мамлакатларнинг инвестиция салоҳиятлари интеграцияси ва ҳамдўстлик доирасида капитал оқимини самарали йўлга қўйиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

2. «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти (2002). 1994 йил 10 январда Тошкентда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида Шартнома имзоланди. 1994 йил 16 январда Қирғизистон ҳам бу шартномага қўшилди. 1994 йил 30 апрелда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида шартномага Тожикистон республикасининг қўшилиши тўғрисида протокол, минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисида 4 давлат раҳбарларининг баёноти қабул қилинди. 1997 йил 10 январда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Давлатлараро кенгашида имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома эса ўзро интеграцияни янада жадаллаштирди. 1998 йил 26-28 мартда Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасидаги имзоланган Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Тожикистон ҳам қўшилди. 2002 йилда «Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти» негизида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОХ) ташкилоти тузилди. Бу ташкилотнинг мақсад ва вазифаси барча аъзо давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, транспорт тизимининг умумминтақавий тузилмасини барпо этиш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш, экологик муаммоларни биргаликда ҳал қилиш ва барқарорликни мустаҳкамлаш каби муҳим йўналишлар белгилаб олинган эди. Лекин бу ташкилотни ривожлантиришда айрим миллий манфаатларнинг умумминтақавий манфаатлардан устун қўйилиши биргаликда қарорлар қабул қилишда тўсқинлик бўлиб келди. 2005 йил 6-7 октябрда Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги учрашувида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш концепцияси лойиҳасини кўриб чикди.

2002 йил 28 февралда Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида ташкил этилган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ўзининг қисқа тарихида талай ишларни амалга оширди. Унинг мақсад ва вазифалари сифатида барча аъзо давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, транспорт тизимининг умумминтақавий инфратузилмасини барпо этиш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий муносабатларни ҳар томонлама

ривожлантириш, экологик муаммоларни биргаликда ҳал этиш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш каби муҳим йўналишлар белгилаб олинган эди. 2005 йил 6-7 октябрда Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги учрашуви - саммити Евроосиёда интеграциялашув жараёнидаги бурилиш нуқтаси бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан Евроосиё маконида иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ва тараққиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕОИХ) негизида **янги ЕОИХни шакллантириш тўғрисида қарор** қабул қилинди. «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига Беларусь, ЕОИХга Ўзбекистон қўшилмаган эди. Эндиликда эса бу иккала республика ҳам аъзо бўлдилар. («Туркистон», 2005 йил 8 октябрь).

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига Беларусь, ЕОИХга Ўзбекистон қўшилмаган эди. Қўшилиш ҳақидаги бу ғоя Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси билан бир овоздан қўллаб-қувватланди («Туркистон», 2005 йил 8 октябрь).

2005 йил 14-15 ноябрда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлиб, Россия Президенти В.Путин билан учрашди. Учрашувда савдо-иқтисодий, «сийсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

3. Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (1995). Европа – Осиё Иқтисодий ҳамжамияти, 2000 йил октябрь ойида Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон мустақил давлатлари раҳбарлари имзо чеккан Шартнома асосида тузилган халқаро ташкилот. 2005 йил 6-7 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Санкт-Петербург шаҳрида Ўзбекистоннинг ЕврАзЭС ташкилотига кириши ҳақида келишди. Шу масала бўйича 2005 йил 14-15 ноябрда Москва учрашувига борди. И.Каримовнинг таклифи билан ЕврАзЭС ва бунгача бўлган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти айни бир хил мақсад ҳамда вазифаларни ўз олдларига қўйганини кўзда тутиб, бу икки ташкилот бирлаштирилди, фаолияти осонлаштирилди, харажатлар камайтирилди. ЕврАзЭС – иқтисодий ҳамкорликнинг янги шароитларда янги шакл ва янги йўллари топишнинг ижобий мисолларидан бири эканлиги маълум бўлмоқда. Масалан, 2006 йил давомидаёқ бож тарифларини унификациялаш, учинчи мамлакатлардан киритилаётган маҳсулотларга бош олиш масалалари ҳозирнинг ўзидаёқ 60 фоизга бажарилган. Ундан ташқари, фуқароларнинг давлатлараро визасиз юриши, олий ўқув юртларига қабул, олий маълумот ва илмий даража ҳамда илмий унвон тўғрисидаги дипломларни тенглаштириш каби муҳим масалалар ҳал қилинди ва бу қадамлар интеграция муносабатларининг чуқурлашишига ва тезлашишига олиб келади. Дастлаб Евроосиёга аъзо давлатларнинг манфаати, потенциали бир хил эмасди: Россия 48, Қозоғистон, Беларус 20 фоиздан, Тожикистон, Қирғизистон 10 фоиздан иборат овозга эга бўлган.

ЕврАзЭСнинг шаклланиши, Шанхай Хамкорлик Ташкилотининг фаоллиги, бу Ташкилотга Ҳиндистон, Эрон, Покистон ва Монголиянинг киришига интилиши ва бошқа ўзгаришлар Евроосиё қтғасида интеграцион жараёнлар кучаётганидан дарак беради. Бу эса ҳозирги замоннинг иқтисодий, сийсий ва маданий-маънавий муаммоларини ечишнинг самарали йўллари билан бирдир.

ЕврАзЭС давлатлари раҳбарларининг 2006 йил 25 январда навбатдаги саммитида Ўзбекистон Республикаси ЕврАзЭС аъзолигига расмий равишда қабул қилинди.

2006 йил октябрида Евросиё иқтисодий ҳамжамияти 17-йиғилиши:

1) Ягона божхона иттифоқини яратиш.

2) Евросиё иқтисодий ҳамжамиятининг умумий энергетика бозорини шакллантириш масалаларини кўриб чиқди.

2007 йил 19 ноябрда Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Сиёсий тадқиқотлар маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда “Марказий Осиё тарансконтинентал транспорт кўприги: салоҳият ва тараққиёт истиқболи” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Бу анжуманда

Марказий, Жанубий-Шарқий Осиё, МДХ, Яқин, Ўрта ва Узоқ Шарқ, Европа мамлакатлари экспертлари ҳамда БМТ, ШХТ, ЕврАзЭС, ЭСКАТО (БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси) каби халқаро ташкилотлардан вакиллар қатнашди. Россия, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Франция, туркия, Латвия, Эрон, АҚШ ва Қозоғистондан келган экспертлар ўз фикрларини билдирди.

Марказий Осиёнинг жаҳон журофиясидаги ўрни, унинг транспорт-транзит салоҳияти юксак. Шу сабаб мазкур конференцияда қуйидаги мулоҳазалар эътиборга қаратилди. Марказий Осиё давлатлари учун транспорт коммуникацияларини ривожлантириш иқтисодий, жуғрофий ва стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, **Буюк Ипак йўли**: Евроосиёда Шарқ-Ғарб (Осиё ва Европа) ёки Жануб-Шимол (Ҳинд океани, Форс кўрфази, Россия ва Болтиқбўйи мамлакатлари) йўналиши бўйича давом этади. Япония ҳукумати «Тошгузар-Бойсун-Қумкўрғон **темир йўлини** барпо этиш учун 150 миллион АҚШ доллари миқдорда имтиёзли кредит берди. Қурилажак «Андижон-Ўш-Қашқар» **автомобиль йўли** Марказий Осиёдан Хитойга чиқиш имконини беради. «Сарахс-Тежан-Машҳад» **темир йўли** Эроннинг Форс кўрфазидаги бандаргоҳларига йўл очади. 2003 йили Техронда Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон Президентлари «Трансафғон» йўлини барпо этишга қаратилган халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимни имзолаган эди. Бу лойиҳа «Тошкент-Термиз-Мозори шариф-Ҳирот» йўналиши бўйлаб Эрондаги Бандар Аббос ва Чохбахор **портларига** чиқиш имконини беради. Бунинг учун наркотрафик каби трансмиллий иллатларга биргаликда курашиш лозимлиги айtilди.

Денгиз транспортига ортилган юк Жануий-Шарқий Осиёдан Европага ўртача 30-35 кунга етиб боради. Жанубий-Шарқий Осиёдан Европага куруқлик орқали бориш – бир манзилдан иккинчисига **вагон** ёки **автомобилга** ортилган юкни етказиш учун 10-12 кун кетади (Бунда ташилаётган юк ишлаб чиқарувчидан тўғридан-тўғри истеъмолчига бориб тушади). Темир йўлнинг қулайлиги вақт ва маблағ талаб қилсада, қисқа муддатда ўзини оқлайди, ёқилғи кам сарфланади. Ҳозир Ўзбекистон ҳудуди орқали 20 та халқаро транспорт йўли ўтган. Марказий Осиё мамлакатларида автомобиль йўлининг узунлиги 320 минг, темир йўллариники 20 минг, нефть-газ қувурлариники 40 минг километрдан ошади. Минтакамиз давлатларида юздан зиёд аэропорт бўлиб, уларнинг 20 таси Халқаро ҳаво дарвозаси саналади. Йиллик юк ташиш кўрсаткичи 4 миллиард тоннага яқин (Бобоев А. Марказий Осиёнинг транспорт-транзит салоҳияти. «Халқ сўзи», 2007 йил 21 ноябрь).

4. «Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти» (ШХТ) – тичлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган халқаро ҳукуматлараро ташкилот. ШХТ олти давлатни – Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни ўз ичига олади. ШХТнинг шаклланиши 1992 йилдан Хитой билан чегарадош беш постсовет республикаларининг ўзаро чегараларни аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилишдан бошланган. «Шанхай бешлиги» деб ном олган бу ташкилот 1996 йилда Шанхайда, 1998 йилда Алматида, 1999 йилда Бишкекда беш давлат раҳбарларининг саммити чегараларни мустаҳкамлаш, чегара ҳудудларида қуролли кучларни қисқартириш каби масалаларни келишиб, ҳал этишга қаратилди. 2000 йил июлида Душанба саммитида ташкилотга олтинчи бўлиб Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов қузатувчи сфатида қатнашди. 2001 йил 15 июнда Шанхай саммитида ташкилотга олтинчи бўлиб Ўзбекистон қўшилди, ШХТ тузиш тўғрисидаги Декларация эълон қилинди, «Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида Шанхай конвенцияси» имзоланди. 2002 йил июлида Санкт-Петербургда олти давлат раҳбари «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти хартияси»ни қабул қилдилар. 2003 йил май ойида Москвада ШХТнинг ташкилий органлари, рамзлари тасдиқланиб, Ўзбекистон ташкилотнинг янги раиси этиб белгиланди. 2003 йил сентябрида Пекинда «ШХТга аъзо давлатларнинг 20 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури» қабул қилиниб, маҳсулот, капитал, хизмат ва технологиялар эркин айланиши шартлари белгилаб олинди, ШХТнинг молиявий бюджети кўрилди. 2004 йил июнидан Ташкилот тўла равишда ишга киришди. 2005 йилда

Остона саммитида ва 2007 йил 15-16 августда Бишкек учрашувларида Эрон, Покистон ва Ҳиндистон, Монголия кузатувчи сифатида иштирок этди.

Ҳозирги кунда ШХТдоирасида 130 га яқин ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда.

ШХТ бирор бир давлат ёки ташкилотга қарши қаратилмаганлиги ва очиқ фаолият олиб борилиши билан халқаро муносабатларнинг янги шаклини юзага келтирди, “Шанхай руҳи” тушунчасига йўл очилди. Ташкилотнинг асосий мақсадлари:

- аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш;

- минтақада тинчлик, хавфсизлик, барқарорликни биргаликда таъминлаш ва сақлаб туриш сиёсий, савдо, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳалардаги самарали ҳамкорликка кенг йўл очиб бериш;

- энергетика, транспорт, туризм, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кучайтириш.

ШХТ раҳбар органи – Давлатлар Раҳбарлари Кенгаши. Барча давлатларнинг соҳа вазирлари, Бош прокурорлар, Чегара қўмиталари раҳбарлари мунтазам учрашиб, иш олиб борадилар. ШХТнинг доимий фаолият юритувчи органлари иккита: 2004 йил 17 январда Пекинда ШХТ Котибияти ва Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси ишга тушди.

ШХТнинг энг муҳим 3 та вазифаси 2001 йил 15 июнда «Терроризмга, сепаратизмга ҳамда экстремизмга қарши кураш ҳақидаги Шанхай Конвенцияси» қабул қилиниб, белгилаб берилди:

- 1) терроризмга қарши биргаликда курашиш;
- 2) сепаратизм (айирмачилик) га қарши кураш;
- 3) экстремизмга қарши кураш.

2000 йилнинг сентябрь ойида ҳам БМТ Бош Ассамблеяси «Минг йиллик саммити»да, 2003 йил 29 майда ШХТнинг Москва саммитида, 2004 йил 17 июнда Тошкент саммитида, 2005 йил 5 июлда Остона ШХТнинг саммитларида Президентимиз минтақамиз хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши фаол курашиш, Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ва жаҳон хавфсизлик тизимини такомиллаштириш муаммоларига эътибор қаратди. Минтақа халқлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган бу жараёни тўғри англаб етган Марказий Осиё мамлакатларининг раҳбарлари фақат 2000 йилнинг ўзида бир неча бор учрашувлар ўтказди. Хусусан, 2000 йил октябрь ойида Тошкентда, бўлиб ўтган учрашувда «Марказий Осиёда наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорликнинг устувор йўналишлари» тўғрисидаги ўта муҳим ҳужжат имзоланди.

ШХТ фаолиятида:

1. 2004 йили Аксилтеррор гуруҳига биргаликда кураш маркази тузилди.
2. 2005 йили ШХТнинг Ишбилармонлар кенгаши ўз фаолиятини бошлади.
3. 2006 йили Банклараро ассоциацияси фаолияти йўлга қўйилди.

ШХТнинг Хартияси (Низом) 2002 йил 7 июнда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинди. 2004 йил 17 июнда Тошкентда ШХТнинг саммити бўлиб, ШХТ фаолиятининг иккн асосий йўналиши: хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик муаммоларини муҳокама қилдилар. Қатнашчилар Мўғилистон Президенти Нацагийн Багабандининг мурожаатини кўриб чиқиб, ушбу мамлакатни ташкилотга кузатувчи мақомида қабул қилишга қарор қилдилар. Тошкент учрашувида Афғонистондаги вазият ҳам анжуман кун тартибидан ўрин олди. Илгари Афғонистон муаммоларини ечишда Афғонистоннинг ўзи қатнашмас ва бунга муҳим аҳамият берилмасди. Бунга сабаб илгари Афғонистонда марказий ҳокимият йўқ эди, мамлакат бўлинган эди. Тошкент учрашувига Афғонистон Муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай меҳмон сифатида таклиф этилди. Шу боисдан ҳам Тошкент саммитида Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай ва Мўғилистон

Президентининг вакили, мамлакат ташқи ишлар вазири Лувсангийн Эрдэнэчулуун катнашди.

Дунёда ядровий, кимёвий, биологик, электрон террорчилик хавфи пайдо бўлди. Шуларни ҳисобга олганда ШХТ эгаллаган минтақада таҳдидларнинг олдини олиш учун бир тизим, умумий механизм ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Тошкентда очилган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона кўмиталарининг, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юкланган. Президент Ислон Каримов томонидан террор ва норкобизнес учун «транзит давлат» тушунчасининг ўзи йўқлиги қайд этилди.

ШХТ саммитида кўрилган 2-масала савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ. Иқтисодий ҳамкорликда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хомашё захираларини ўзлаштириш, сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, экологияга оид масалалар, хусусан, ичимлик суви муаммоларини ҳал қилиш каби долзарб масалалар ўрин олди.

Ислон Каримовнинг Марказий Осиёда умумий бозор яратиш тўғрисидаги таклифини ШХТ саммити яна бир бор эълон қилди. «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти тузилган минтақамиз мамлакатларининг бу мақсадга эришишида Россия ва Хитойдек қудратли давлатлар билан ШХТ доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир Хитой йўналиши, Афғонистон орқали Форс кўрфази бандаргоҳларига чиқадиган йўналиш бўйича лойиҳалар ўрганилмоқда. Хитой томони иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун 900 миллион АҚШ доллари кредит ажратишини баён этди.

Тошкент саммитида (17.06.2004): 1) ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича Тошкент декларацияси, 2) ШХТ ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, 3) Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида битим, 4) ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир қатор ҳужжатлар имзоланди («Маърифат» 2004 йил 19 июнь).

Хуллас, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш минтақадаги барча мамлакатларнинг истиқболини ҳам бир қадар белгилаб беради. Шунинг билан бирга бу – минтақада яшаётган халқларнинг азалий қон-қариндошлиги, ҳамкорлиги ва маънавий-руҳий яқинлигини мустаҳкамлашда ҳам ўта муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолаверади. Ҳудди шунингдек, минтақага қарши қаратилган мафкуравий таъсирларга қарши курашни кучайтиришда умумминтақавий бирликни мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳам ошиб бораверади.

Ўзбекистоннинг Россия билан ҳамкорлигининг янги босқичи (Президент Ислон Каримовнинг 2005 йил 29-30 июндаги Россияга қилган сафарининг аҳамияти). Мустақиллик йилларида МДХ давлатлари орасида энг қудратли, катта салоҳият ва улкан ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлмиш Россия билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг диққат марказида бўлди. Шу боисдан ҳам Президент И.Каримов "Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш Ўзбекистон учун жуда муҳим ва биз бу мақсадимизга эришиш учун бор кучимиз ва имкониятларимизни аямаймиз", деган эди.

Ўзбекистон Россия ўртасидаги алоқалар қуйидаги кўринишда бўлган:

1) 1995 йил 27-28 июнда Россия ҳуқуқати раиси З.Черномирдин Ўзбекистонга келган эди.

2) 1997 йил 28 мйртда Россия Президентининг Кремлда МДХ давлат бошлиқлари билан учрашуи бўлиб ўтган эди.

3) 1998 йил 11-12 октябрда Россия собиқ президенти Б.Елцин билан Ислон Каримов Тошкентда учрашдилар.

4) 1999 йил 2 апрелда МДХ давлат раҳбарлари Москва учрашуви ўтказилди. Сўнги йилларда Ўзбекистон-Россия муносабатларига шерикчиликнинг мустаҳкамланиши, ўсиб бораётган динамиклик хос эканлиги қониқиш билан қайд этилди.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 июнда Москвада Россия Президенти Владимир Путин билан учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқат чоғида Ўзбекистон-Россия муносабатлари стратегик шерикчилик тамойиллари асосида ривожланиб бораётгани, мамлакатимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳалардаги ҳамкорлик кенг кўламда тараккий этаётгани таъкидланди. Президентлар ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Ҳамкорликни кенгайтириш борасида томонларнинг ҳамфикрлиги, қарашларнинг муштарақлиги муҳим аҳамиятга эга эканиги қайд этилди.

Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари Ислом Каримов ва В.Путиннинг диққат марказида бўлди. Ўзбекистон раҳбари Россия Президентига 2005 йил 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган фожиали воқеалар ҳамда ушбу жиноят юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ҳақида сўзлаб берди. Россия раҳбарияти ушбу муаммога ҳолис ёндашганини, вазиятни тўғри баҳолаганини таъкидлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Россия Ўзбекистоннинг муҳим стратегик ҳамкорликларидан биридир. Икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 2004 йили Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро товар айланмаси I миллиард 641,9 миллион, 2005 йилнинг биринчи чорагида эса 428,7 миллион АҚШ долларларига тенг бўлди. Мамлакатимизда Россия билан ҳамкорликда ташкил этилган 360 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. 2004 йил Тошкентда икки давлат президентлари имзолаган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шерикчилик тўғрисидаги шартнома бу соҳадаги ҳамкорликнинг янада ривожланишида янги босқич бўлди. Ҳар иккала мамлакат Президентлари ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи ҳақидаги, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро террорчиликка қарши курашда биргаликдаги ҳаракатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Россия билан Ўзбекистон Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг аъзолари бўлиб, бу давлатлар биргаликда халқаро терроризмга, диний экстремизмга, сепаратизм каби "Хизбут-таҳрир" оқимларига биргаликда кураш олиб бормоқдалар.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

Шундай қилиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади ва Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида эътироф этилмоқда. Бундай обрў-эътибор тарихий давлатчилигимиз, маънавиятимиз ва олдимизга қўйган мақсадларимизга ҳамоҳангдир. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, барқарорликка асосланган ташқи сиёсатини давом эттиради. Бунинг учун етарли сиёсий, иқтисодий, маънавий имкониятлари мавжуд.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистон давлатининг жаҳон ҳамжамияти билан алоқалари қандай ҳуқуқий ва амалий принципларга таянади?
2. Президент Ислом Каримовнинг мустақил Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти билан танитишда, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда қандай роли бор деб биласиз?
3. Демократик тартиботлар ва унинг асосий йўналишларини гапириб беринг?
4. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти муносабатларининг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-асосларини баён этинг?
5. Мустақил Ўзбекистон дастлаб ва кейинчалик қандай халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кирди?
6. Ўзбекистон – АҚШ стратегик ҳамкорлигининг ўзига хос томонлари нималарда?
7. Халқаро ташкилотлар билан алоқаларда демократик институтларнинг қандай роли ва ўрни мавжуд?

8. Ўзбекистон – Россия муносабатларини гапириб беринг?
9. Ўзбекистоннинг яқин ва ўрта Шарқ, араб мамлакатлари билан қандай ўзаро алоқаларни йўлга қўйган?
10. Халқаро терроризмга биргаликда курашда Ўзбекистоннинг роли қандай?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2007, 6, 33-34-бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. –Т.: «Ўзбекистон», 2001.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Президент И.А.Каримовнинг БМТнинг 1993 йил 28 сентябрда бўлиб ўтган 48-сессиясида сўзланган нутқи. Асарлар, Т.1 – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 47-бет.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4 – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 56-59-бетлар
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 279-297, 326-бетлар.
6. Каримов И.А. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 29-30, 39-45, 110-115, 497-506, 543-бетлар.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10-«Ўзбекистон», 2002, 247-280, 387-393-бетлар.
8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11 – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 64-69, 248-265, 274-280-бетлар.
9. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. – Т.: «Ўзбекистон», 2004.
10. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
11. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
12. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
13. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
14. Каримов И.А. Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
15. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
16. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 62 б.
17. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
18. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
19. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.
20. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003, 260-363-бетлар.

21. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
22. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
23. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
24. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
25. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
26. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
27. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
28. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
29. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.

15-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ШАРТИ

15.1. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик тушунчасининг моҳияти, белгилари ва унинг зарурлиги

Жамиятда, хусусан, ҳар қандай давлатнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий барқарор ривожланиши икки муҳим жиҳат билан боғлиқ бўлади: **биринчиси**, ижтимоий-сиёсий **беқарорлик** (албатта унинг олдини олиш керак), яъни нотинчлик бўлса, **иккинчиси**, ижтимоий-сиёсий **барқарорликдир**. Президентимиз Ислом Каримов мустақиллик йилларида халқимизни доим ижтимоий-сиёсий барқарорликка даъват этиб келмоқда.

1. Ижтимоий-сиёсий беқарорлик, нотинчлик белгиларига куйидагилар киради: тажовузкорлик, ақидапарастлик, диний экстремизм, ислом фундаментализми, давлат шовинизми, миллатчилик, агрессив миллатчилик, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, шунингдек, ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар, терроризм ва ҳоказо. Масалан, ана шундай ёвуз кучларнинг баъзи аъзолари томонидан сунъий равишда 1989 йил май-июнь ойларида Фарғона, 1990 йил февраль-март ойларида Бўка ва Паркентда, 1990 йил июнь ойида Ўш ва Ўзганда даҳшатли воқеалар содир этилди. 1991 йил 8 декабрида Намангандаги собиқ вилоят ижроқўми биносини эгаллаб олган диний экстремистларнинг конституцион тузумга қарши тажовузлари. 1992 йил 16 январида Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида уюштирилган тартибсизликлар. 1999 йил 16 февраль куни соат 14 га яқин мамлакатимиз пойтахти Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида кучли портлаш содир этилди. Шундай портлашлар шаҳардаги «Нодирабегим» кинотеатри, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ички ишлар вазирлиги бинолари ёнида ҳам юз берди. Портлашлар оқибатида 13 киши ҳалок бўлиб, бир неча машина ёниб кетди. Жабрланганларнинг деярли барчаси тинч аҳоли вакилларидир. 128 нафар одам турли даражада тан жароҳати олди.

Худди шундай ташқи ва ички душман томонидан сунъий равишда ташкил қилинган ҳарбий ҳаракат 2000 йил августда Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё ва Узун туманлари, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудларида ҳам содир этилди. Бу қўпоровчилик ҳаракатида иштирок этган 12 нафар жиноятчини узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг чиқарган ҳукмини барча

юртдошларимиз маъқуладилар. Портлашларни содир этган ижрочилар ва бу кучларнинг оркасида турган ёвуз, жоҳил кимсалар ҳалок бўлганларнинг тирноғига ҳам арзимайди.

2004 йил 28 март - 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри, Бухоро ва Тошкент вилоятларида такроран террорчилик ҳаракатлари содир этилди.¹ Бир неча бегуноҳ одамлар, милиция ходимлари қурбон бўлдилар. Ёвуз кучлар ҳаракати бостирилди. Жиноятчиларнинг ўзлари томонидан ясалган мосламаларнинг портлаши туфайли ҳамда махсус операциялар давомида 33 нафар террорчи йўқ қилинди, уларнинг 7 нафари аёллардир. Қўлга тушурилган 54 нафар гумондор шахслардан 45 нафарига нисбатан айблов эълон қилинган, уларнинг 15 нафари аёллардир. 2004 йил 30 июль куни Тошкент шаҳрида Исроил ва АҚШ элчихоналари олдида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биносида террорчилик ҳаракатлари уюштирилди. Бунинг натижасида 4 та бегуноҳ фуқароларимиз ҳалок бўлди. Жиноятчилар қилмишига яраша жазоландилар.

2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида ана шундай қўпоровчилик, террорчилик ҳаракатлари уюштирилди. Натижада 200 га яқин Ўзбекистон фуқаролари қурбон бўлди. Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига тажовуз қилишга уринаётган кучлар ҳеч қачон ўзининг қора ниятига етолмайдилар.

2005 йил 13 майда содир бўлган Андижон воқеалари давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 май куни Оқсарой қароргоҳида, 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўтказилган матбуот анжуманларидаги баёнотлари, мухбирларнинг саволларига жавобларида айтиб ўтилди. Андижон воқеалари тўғрисида уйдирма ва ҳақиқат ойдинлаштирилди. Ислоом Каримовнинг 2005 йил 19 август куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи Ўзбекистон ёвузлик ва террор йўлидаги мустаҳкам тўсиқ бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Шу боисдан ҳам доимо огоҳ бўлиш зарурияти яна бир бор баён этилди. Мавзунинг ёритишда огоҳлик мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустақилликнинг муҳим шарти эканлиги Ислоом Каримовнинг «Огоҳ бўлинг, одамлар» деган даъвати билан боғламоқ керак. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ жараён¹. Мамлакатимиздаги кўплаб маҳаллаларда «Ўз уйингни ўзинг асра!», «Тинчлик учун курашмоқ керак!», «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деган шиорлар остидаги ҳаракатлар, уларнинг тинчликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти кенг баён этилди.

Умуман, бу тажовузкор ақидапарастлар мустақил давлатлардаги ўтиш даври қийинчиликларидан фойдаланиб қолишга уринмоқда. Президент Ислоом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Ўтиш даврининг кескин ижтимоий муаммоси кўп кишилар учун қарор топган турмуш тарзининг бузилишидан, ҳаётини мўлжалнинг, фикрлаш тарзи, ижтимоий феъл-атвор, боқимандалик кайфиятларининг ўзгаришидан иборат. Ўтиш даврида одамларнинг тафаккур юритиш психологияси ўзгаради, бу эса, аёнки, ҳамма вақт ҳам осон кечавермайди»². Юртбошимизнинг бу фалсафий, мантикий фикрларини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Шу боисдан ҳам жамиятимизда ҳозирда мавжуд бўлган, кўзга яққол ташланаётган, баъзи содир бўлаётган коррупция, таъмагирлик, порахўрлик, лоқайдсизлик, боқимандалик каби иллатларнинг илдизига болта уриш лозим. Табиий ва сунъий юзага келадиган ижтимоий-сиёсий беқарорлик хавф-харатларининг олдини олиш зарур. Булар юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш учун муҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнамоғи даркор.

Мана шу юқорида баён этилган иллатларнинг олдини олмаслик ва уларни таг-томири билан йўқотмаслик жамият аъзолари билан давлат ўртасидаги муносабатларда жарликни юзага келтиради. Яъни, улар ўртасидаги ўзаро мутаносиблик йўқолади. Охир-оқибатда

¹ Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. - Т.: «Ўқитувчи», 2004. 8-б.

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -160 бет.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т.: «Ўзбекистон», 1998. 181-бет.

жамият ижтимоий-сиёсий тизимидан норозилик иллатлари шакллана бошлайди. Хилма-хил иш ташлашлар, норозилик намоёишлари ва ҳаракатларга олиб келиши мумкинки, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳозирги пайтда Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг шу нарсага йўналтирилаётганлигини катта хурсандчилик билан қайд этиб, уни тагин такомиллаштириш, кучайтириш лозим. Бу тараққиёт охир-оқибатда мамлакатнинг тўла ижтимоий-сиёсий мустақиллигини таъминлаб, шу орқали республикамиз ижтимоий ривожланишини тезлаштиришга, озод ва обод Ватанни, халқимиз фаровон ҳаётини таъминлашга олиб келади.

2. Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг асосий тамойиллари. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик демократик, адолатли жамият қуришнинг энг муҳим асосларидан бири ҳисобланади. **Барқарорлик** - тинчлик, осойишталик ва ижодий меҳнат муҳити қатъий, узил-кесил ҳамда мустаҳкам ўрнатилган муҳим шарт. Барқарорлик, тинчлик, тотувлик - булар давлатчилигимизнинг янги биноси барпо қилинадиган пойдеворидир. Бу бизнинг эртанги порлоқ кунимизга олиб борадиган йўлдир.¹ Барқарорлик, аввало, ҳар қандай тараққиёт, бунёдкорлик фаолиятининг зарурий шarti ва замини ҳисобланади.

Ижтимоий барқарорлик²: 1) жамият ҳаётининг осойишталиги; 2) ижтимоий тузум элементларининг уйғунлиги; 3) жамиятдаги ижтимоий бирликлар (миллатлар, турли ижтимоий қатламлар ва бошқа) вакилларининг ҳамкорлиги ва ҳамжихатлиги.


Барқарорлик инсоният тарихида яратувчилик, бунёдкорлик фаолияти учун асос бўлган. Қадимги машхур файласуф Конфуций: «**Фаровонлик** - мақсад, **ислохотлар** - унга эришиш йўли, **барқарорлик** эса **шарт-шароитдир**» деб бежиз айтмаган. Ана шу сабабдан ҳам жамият ҳаётида барқарорликка интилиб келинган, барқарорлик, бошбошдоқлик бўлмаслиги учун ҳаракат қилинган.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 296-бет.

² Назаров К., Очилдиев А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. -Т.: «Янги аср авлоди», 2002, 13-14- бетлар.

«Биз мавжуд реал хавф-хатарларга жиддий қараймиз. Айни вақтда имкониятларимизни, жозибали жиҳатларимиз ва афзал томонларимизни ҳам биламиз. Бизнинг минерал хомашё, инсоний ва ишлаб чиқариш заҳираларимиз ички барқарорлигимизнинг ва халқаро нуфузимизнинг мустаҳкам кафолати бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз XXI асрда жаҳон иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида муносиб ўрин олиш учун тарихий имкониятларга эга».

Ислом Каримов



Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг тамойиллари қуйидагилардир:

1) **Ижтимоий адолатни таъминлашдир.** Ижтимоий адолат таъмин бўлиши учун мамлакатда қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва ўз иш фаолиятларини қонун доирасида амалга оширишни билдиради. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Қонуннинг устуворлиги - ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир». Амир Темурнинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, ўша ерда эркинлик бўлади» деган ўғитлари шарқона ҳуқуқий давлат қуришда асос бўлиб хизмат қилади. «Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор.

Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт», – деган эди Юртбошимиз Ислом Каримов. – Мамлакатда адолат тамойиллари амал қилиши, барқарорлик ҳукм суришида **уч субъектнинг**, яъни **давлат, жамият ва фуқароларнинг** ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда, ана шу уч субъект - давлат, жамият ва инсон муносабатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболармиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади¹.

2) **Ўзбекистон полиэтник давлат** бўлганлиги боис, миллатлараро ва ҳамкорликни таъминлаш билан боғлиқ. Ўзбекистонда 130 га яқин миллат ва элатлар яшамоқда. Бугунги

¹ Назаров Й., Рўзиназаров Ш. Мустақиллик ҳуқуқ демақдир. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 14-б.

кунда республикамизда 100 дан ортиқ миллий-маданий марказ ишлаб турибди. Бу марказларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдаги роли бекиёс.

3) Республикада 18 та диний конфессияга мансуб 1900 дан зиёд диний ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Мирараб мадрасаси, Тошкент Ислом университети, 14 та мадраса, 400 га яқин диний мусулмон ўқув муассасалари, бошқа динларга тегишли 19 ўқув юрти ишлаб турибди. Диний таълимот муассасаларида 4200 дан ортиқ ёшлар динлар асосларини ҳамда дунёвий билимларни ўрганмоқда¹. Ана шу диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни доимий равишда яхшилаб бориш ва бир-бирларини ҳурматлаш, эъозлаш муҳим тамойиллардан бири саналади.

4) Жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш. Асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Конституциясида кўрсатилганидек, тўла-тўқис амалга ошириш учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини таъминлаб бериш лозим. Халқимизда мустақиллик - бу ҳуқуқ деган ақида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари учун асос сифатида хизмат қилади. Президентимиз Ислом Каримов «Мустақиллик сўзининг нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам демакдир»², деган эди.

5) Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида 2004-2005 йилларгача мамлакатимизни ривожлантириш стратегиясининг олтинчи устувор йўналиши - жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат бўлган муҳим вазифаларни белгилаб берди»³.

6) Жамият аъзолари барча тоифаларининг турмуш даражасини юксалтириш сари йўлидан бориш ва унинг фаровонлигини ошириш энг муҳим тамойиллардан бири ҳисобланади. Бу борада давлат нарх-навоми тўла назорат қилиб, жамиятнинг турли хил тоифа, мутахассис ишчи-ҳодимлари маошларини мутаносибликда олиб бориш ҳам муҳим сиёсий ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган тамойиллардан биридир.

7) Мамлакатда тинчликни, осойишталикни таъминлаш учун Қуролли Кучларни, Мудофаа қудратини ҳарбий-техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ва янгилаш, миллий армиямиз салоҳиятини ошира бориш - ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг тамойилларидан бири.

8) Шу муносабат билан мамлакатимиз чегараларини кўриқлаш, мустаҳкамлаш мақсадида қудратли ривожланган давлатлар билан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва айниқса **ҳарбий соҳалардаги алоқаларни** мустаҳкамлаш йўли бирдан бир тўғри йўл ва ниҳоятда катта аҳамият касб этган тамойиллардан биридир. Бу борада Президент Ислом Каримов 2001 йил 3-5 май кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлди. Шунингдек, 2005 йил 25 майда мамлакатимиз раҳбари Хитой Халқ Республикасида бўлди. Ташрифлар давомида савдо-иқтисодий муносабатлар, Марказий Осиёдаги хавфсизлик масаласига, минтақада халқаро террорчиликка қарши биргаликда кураш масалаларига катта эътибор қаратилди. Мазкур давлатлар ўртасида имзо чекилган ҳужжатларнинг қиммати ва аҳамияти бениҳоя каттадир.

9) Иқтисодий ва сиёсий барқарорлик узвий боғлиқ жараёнлардан бири. Шу боисдан ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш иқтисодий ислохотлар барқарорлигининг ривожланишини таъмин этади, аҳоли турмуш даражасининг сифат жиҳатдан яхшиланишига олиб келади. Мамлакатимизда ижтимоий ҳамкорликни таъминлашда фаровон, барқарор ҳаётни барпо этишнинг 4 шартига эътибор қаратилмоқда. Булар:

- а) тинч-тотувлик ва барқарорликни кўз қорачиғидай асраш;
- б) мулкка янги муносабатда бўлиш;
- в) фуқаролар, аввало, фаоллар тафаккурининг ўзгариши зарурлиги;
- г) ижтимоий онгимизда Ватан озодлиги ғоясининг устунлиги.

¹ «Марказий Осиё маданияти» газетаси. 2000 йил 22-28 сентябрь.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 25-бет.

³ Каримов И.А. Биз келажгимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 382-бет.

Демак, хулоса ўрнида шуларни билдириш мумкин:

1. Диний ақидапарастлик ва бошқа ёт мафкуралар, энг аввало, айрим ёшларнинг ғоявий-сиёсий тажрибасизлигига таянади.

2. Қарши тарғибот самарадорлигининг зарурий тамойилларидан бири - унинг тезкорлигида бўлиб, унда муайян минтақавий шароитларни, кишиларнинг ёш хусусиятларини, олий ўқув юртининг у ёки бу муддатда ҳал қила олиши мумкин бўлган мафкуравий имкониятларини ҳисобга олиш кўзда тутилади.

3. Шахснинг мамлакат ичкарисид ва ташқарисид содир бўлаётган воқеаларни мустақил таҳлил қила олиши, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлайди.

Чунки мафкуравий таҳдид ўзининг мазмуни, тамойиллари, услублари ва шаклларида кўра мураккаб ҳодисадир. «Биз учун ёт бўлган бир мақсадни, - деган эди Президент Ислон Каримов, - диний давлат, мусулмон халифалигини ўрнатишни тарғиб қилмоқда. Уларни бирлаштириб турган - дунёвий тараққиёт йўлига бўлган нафрат, ғарблик журналистлар учун яна бир бор айтмоқчиман, конституциявий, дунёвий тараққиёт йўлини қабул қила олмаслик, уни кўролмасликдир»¹.

15.2. Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг ички ва ташқи омиллари ҳамда терроризм хавфи ва унга қарши курашиш

Президент Ислон Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида....» асарида хавфсизлик миллий моделини ишлаб чиқиши талаб этилаётганлигини баён этган эди. Хавфсизлик: а) Умумий хавфсизлик, б) Минтақавий хавфсизлик, в) миллий таҳдид тушунчаларидан иборат. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўтган йиллар мантиқи бизни ҳозирги кунда 3 та асосий саволга мурожаат қилишга ундамоқда. Ўзбекистоннинг келажаги ана шу саволларга қандай жавоб беришимизга боғлиқ. Булар:

1) Хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим?

2) Барқарорликни қандай таъминлаш даркор?

3) Тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин?

Ўзбекистонда миллий-диний бағрикенглик ва дунёвийлик. Динларнинг умуминсоний моҳияти, мақсади бир бўлиб, улар бир-бирларига зид эмас. Аслида диний бағрикенгликнинг моҳияти шундан келиб чиқади. Жамият тарихидан турли динга мансуб кишиларнинг ёнма-ён яшаб келганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бизнинг мамлакатимиз ҳудудида ҳам ислон, ҳам насронийлик, иудаизм каби динлар ёнма-ён яшаб келган, диний амаллар эркин ижро этилган. Ўша даврларда ҳам зиёлилар, олимлар ҳаёт сабоқларини бир-бирдан ўрганганлар, устоз-шогирд бўлишган. Уларнинг турли динларга мансублиги бундай муносабатларга ҳалал бермаган.

1. Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг ички омиллари:

1) Халқнинг кундалик моддий ва маънавий эҳтиёжларининг тўла қондирилиши.

2) Миллатлараро тинч-тотувлик, тенг ҳуқуқлилик, ҳамжиҳатлилик, ҳамкорлик.

3) Диний бағрикенглик (толерантлик).

4) Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги;

5) Жамият ҳаётининг барча соҳасини демократлаштириш.

6) Адолатли, қонун устуворлигини таъминлаш.

7) Ижтимоий муҳофаза, ижтимоий кафолат, ижтимоий адолат тамойилларини йўлга қўйиш.

8) Давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ва ҳ.к.

2. Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг ташқи омиллари:

1) Мамлакат манфаати устуворлигини таъминлаш.

2) Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш.

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: Ўзбекистон, 2005. 53-бет.

3) БМТ, ЕХХТ, Европа Иттифоқи, НАТО, ШХТ, Евроосиё каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш.

4) АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш.

5) Халқаро, минтақавий терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши биргаликда кураш ва ҳ.к.

Ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъмин этувчи айрим жараёнларни қуйидаги чизмалар асосида тасвирлаш ҳам мумкин.

15.2-ЧИЗМА



Толерантлик (лотинча *tolerantiya* – сабр-тоқат) – жамиятдаги турфа маданиятлик, плюрализм, турли-туманлик ва хилма-хилликларнинг мавжудлигини тан олиш, қабул қилиш, тўғри тушуниш ва ҳурмат қилишга қаратилган ижобий муносабат.

Диний экстремизм (“Extreme” – охири, ниҳояси, сўнги, кескин учи деган маъноларни англатади) – жамият, миллат ва давлат ҳаётини фақат диний ақидалардан келиб чиқиб кескин ўзгартириш ва бошқариш зарурлигини илгари сурувчи ноқонуний ёки жиноий ташкилотлар, оқимлар фаолияти.



Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги турли конфессияга мансуб диний ташкилотлар ўз фаолиятини ўзаро тенг ҳуқуқлик, ҳамдўстлик ва ҳамкорлик асосида амалга оширмоқда. Диний бағрикенглик турли динларнинг, турли динларга мансуб кишиларнинг ҳамдўстлик муносабатларинигина назарда тутмайди, балки эътиқодидан қатъий назар барча кишиларнинг тенглиги, умумий эзгу мақсад йўлида ҳамкорликни ҳам қамраб олади. Диний қарашга кўра ҳам, маданий, жумладан, илмий қарашга кўра ҳам инсон энг олий мавжудотдир.

Динийлик дунёвийликка хизмат қилиши мумкин деганда, дунёқарашнинг эзгулик, яхшилик, ҳалоллик, тинчлик, дўстлик каби юксак инсоний фазилатларни тарбиялашни назарда тутамиз. Ҳақиқатан ҳам диний таълимотлар, у дунё ҳаётини тасвирлаш воситасида бу дунёда юксак фазилатларга эга бўлишга ундайди.

Диний бағрикенгликнинг қарор топиши, мустаҳкамланиши, ривожланиши барча кишиларни эътиқодидан қатъий назар миллий ғоя ва мафқурани амалга ошириш йўлида бирлаштиради. У мафқурани миллий ғоя ва кишилар онги ҳамда қалбига жойлашишига ёрдам беради.

Аксинча, диний бағрикенгликни тор маънода тушуниш, бир томонлама талқин қилиш умумий мақсадлардан чалғитиб, кишиларни ўзаро гуруҳларга бўлиб юбориши мумкин. Шунингдек, айрим гуруҳларнинг ғаразли манфаатларига хизмат қилувчи диний ниқобни юзага келтиради.

Бу ҳақида мамлакат Президенти И.А.Каримов шундай ёзади: «Афсуски, инсоният тараҳида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто **фанатизм** (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари, авваламбор, ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатдир. Айнан фанатизмга йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар»¹.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998, 54-бет.



Ўзбекистонда янги демократик, фуқаролик жамияти асосларини яратишга киришилган ҳозирги ўтиш даврида диний бағрикенглик қанчалик муҳим бўлса, диний бағрикенглик учун миллий мафкура ҳам шунчалик муҳимдир. Миллий мафкуранинг юксак ғоялари, ўз навбатида, диннинг ҳақиқий моҳиятини жамият тараққиётидаги ўрнини англаб олишга ёрдам беради. Диний бағрикенглик ғоясини тўғри тушунишга ёрдам бериб, барча кишиларни эътиқодидан қатъий назар бирлаштиради. Миллий истиқлол мафкураси кишилар онги ва қалбига сингганда диний мутаассибликка, айирмачиликка ҳеч қандай ўрин қолмайди.

Республикаимиз аҳолисининг миллий қиёфаси фақат Шарқ эмас, балки, Ғарб цивилизациясига мос умуминсоний тамойиллар, ислом, христианлик ва бошқа динларга эътиқод, анъана ва урф-одатлар, ранг-баранг турмуш тарзидан иборат маънавий мезонларни ўзида акс эттиради.

Ҳозирги кунга келиб республикаимиз бўйича жами 2104 та диний ташкилот, шу жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси, Евангелъ христиан баптистлар черковлари Иттифоқи, Рим католик черкови, Тўлиқ инжил христианлар маркази, Ўзбекистон библия жамияти, 1906 та масжид, 163 та христиан черкови, 7 та яҳудийлар жамоаси, 7 та баҳойлар жамоаси, 2 та Кришнанани англаш жамияти ва 13 та диний ўқув юрти (1 та Ислом масжиди, 10 мадраса ва 1 та православ ва 1 та тўлиқ инжил христианлари семинарияси) давлат рўйхатидан ўтган.

Ўзбекистонда дунёвийлик билан динийлик ўртасида андоза сифатида қўллаш мумкин бўлган янги нисбатнинг шаклланиши натижасида динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг таъминлангани, қолаверса, табаррук заминимизнинг азалдан умумжаҳон тамаддуни марказларидан бири бўлгани барчага аён.

Дунёдаги мусулмон мамлакатларини 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) Ислом мамлакатлари.
- 2) Ислом давлат дини мамлакатлари.

3) Ҳукукий демократик мусулмон давлатлари (Дин давлатдан ажратилган) Ўзбекистон ана шу 3-турдаги ҳукукий демократик мусулмон давлатлари қаторидан жой олган. Давлатимиз диний ташкилотлар билан қуйидаги тамойиллар асосида иш олиб бормокда:

1. Диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш.

2. Диний эътиқодларини фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш.

3. Диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни тақиб қилишга йўл қўймаслик.

4. Маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати.

5. Диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш кабилардир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, миллий бағрикенглик - турли миллатга мансуб кишиларнинг бир-бирларининг тилини, динини, турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарини, миллий-маданий меросини ҳурмат қилишни, уларнинг шаъни, кадр-қимматини, ор-номусини кадрлаш орқали амалга ошадиган ўзига хос маънавий кенгликни (бағрикенгликни) англатади. Миллий бағрикенглик бунга зид бўлган, миллий манфаатга зиён етказиш ҳисобига таъминланмайди. У турли миллат манфаатларини уйғун кўриш ва таъминлаш асосида мустаҳкамланиб боради.

Диний бағрикенглик ҳам динлараро ҳамда ҳар бир диннинг ичидаги турли хил йўналишлар ва мазҳабларнинг эзгу ғояларини кадрлаш, бир-бирларини ҳурмат қилиш асосида амалга ошади.

Бу миллий ғоя амал қиладиган устувор ғоялар сифатида миллий бағрикенглик ва динлараро бағрикенгликка асосланиш турли халқлар ва миллатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувликни таъминлаш орқали эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида, инсонларнинг туб ҳаётий мақсадлари билан муштаракдир.

Демак, миллатлараро тотувлик - умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг, бир мамлакат доирасида миллий манфаатларни тенг кондириш, улар ривожини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Терроризм – демократик жамиятга қарши таҳдид (2001 йил 11 сентябрда АҚШда ва бошқа мамлакатларда содир бўлган кўпуровчилик ҳаракатларининг зарарли оқибатлари). Терроризм (лотинча қўрқув, даҳшат маъноларини ифода этади) – маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга ососланган зўравонлик усули. Қўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир. У иқтисодий, сиёсий, ғоявий, миллий, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам терроризм демократик жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, мамлакатни боши берк кўчага олиб келиши мумкин. Таъкиб, зўравонлик, кўпуровчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай «байроқ» остида амалга оширилмасин, моҳиятан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир. Иқтисодий манфаатларни кўзловчи ва моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган террорчилик кенг тарқалган. Унда рақибларни ёки уларнинг яқинларини жисмоний йўқ қилиш, ўғирлаб кетиш, зўравонлик, тажоввуз билан қўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказишга уриниш, бойликларини ўзлаштириб олиш йўлларида фойдаланилади.

Ҳозирги кунда жаҳонда 500 дан ортиқ турли хил халқаро террористик ташкилотлар, марказлар ва гуруҳлар мавжуд. «Ал-қоида» халқаро террористик ташкилотини бунга мисол қилиб олиш мумкин. Бу ташкилотнинг туб мақсади ва мафқураси дунёвий тараққиёт

йўлидан бораётган мамлакатлар, биринчи навбатда АҚШ, Европа мамлакатлари халқлари ҳаётига даҳшат уруғини сочиб, мазкур халқларнинг ўз ҳукуматлари сиёсатини Яқин Шарқ муаммоси (Фаластин, Афғонистон, Ироқ)ни хал этишга, ўзгартиришга эришишдан иборат. Террористик ҳаракатлар мамлакатимизда 1991 йил декабрида Наманганда, 1999 йил 16 февралда Тошкентда содир бўлди. Террорчи кучлар, сиёсий, диний экстремистлар томонидан Тошкентда уюштирилган террорчилик ҳаракати оқибатида 16 нафар бегуноҳ инсонлар шохид кетди. 120 нафар киши тан жароҳати олди. Ўзбекистон марказида диний экстремиз махсус машиналарга, ҳуди Афғонистону Чечинистонда террорчилар ишлатаётган қўлбола бомбаларни жойлаб, энг муҳим маҳкамалар қошида портлатдилар. Бу даҳшатли фалокат аламзада душманнинг мустақил давлат асосчиси Ислон Каримовни маҳв этишга уриндилар, террорчилар ўз қилмишларига яраша жазо оладилар. Афғонистон ҳудудида ўрнашиб олган террорчи кучларнинг бир гуруҳи 1999 йилда Янгиобод, 2000 йилда Сариосиё ва Узун туманларида, Бурчмуллага бостириб кириб, мамлакатимиз тинчлигини буздилар. 2004 йил 28 март – 1 апрел кунлари Тошкент шаҳри, Бухоронинг Ромитан туманида, Тошкент вилоятларида такроран террорчилик ҳаракатлари содир бўлди. 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида ана шундай кўпуровчилик ҳаракатлари натижасида 200 га яқин Ўзбекистон фуқаролари ҳалок бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2001 йил 11 сентябрида АҚШда юз берган кўпуровчилик, террорчилик оқибатлари мамлакатга катта маънавий ва моддий зарар келтирди. Кўплаб инсонлар ҳалок бўлишига олиб келган бундай даҳшатли террорчилик ҳаракатларига биргаликда кураш масаласини Президентимиз доимо халқаро ташкилотлар анжуманларида бир неча бор таъкидлаб келмоқда. Шу боисдан ҳам 1996 йилда тузилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига Ўзбекистон 2001 йилда аъзо бўлиб кирди. Бу ташкилот халқаро терроризмга, экстремизмга, ҳар қандай кўпуровчилик ҳаракатларига, сепаратизмга биргаликда курашиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонуни ва унинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари. 2000 йил 15 декабрда бўлиб ўтган ЎзР Олий Мажлисининг 4-сессиясида "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда терроризм сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа объектларнинг йўқ қилиниши хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуроли моjarоларни чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, ЎзРсининг жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жинойи қилмишлар деб таърифланади. Мазкур қонунда давлат органларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари, террорчиликка қарши операциянинг ўтказилиши, террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси каби масалалар ҳукукий асослаб берилган. ЎзР ЖКга кўра террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш, содир этиш, бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай ёрдам бериш ҳаракатлари 8 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши айтилган. Террорчилик ҳаракатлари одам ўлдириш билан боғлиқ бўлган жараёнларда эса 15-20 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазолари баён этилган.

Шу боисдан ҳам ана шу "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонун Президентимиз Ислон Каримов томонидан ҳар томонлама ва чуқур асослаб берилди. ҳақиқатан ҳам XX асрда ва ҳозирги даврда "экстремизм", "терроризм" тушунчалари энг кенг тарқалган сиёсий сўзлар қаторидан жой олди. Терроризм – инсоният душмани, тараққиёт ва юксалишнинг кушандаси ҳисобланади.

Демак, терроризм даврнинг фожиали кушандаси экан, унга қарши кураш олиб бориш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлиши керак. Биз манбалардан шуни биламизки, терроризм:

халқаро, минтақавий, миллий терроризмга бўлинади. Ана шу сиёсий ва бошқа терроризмга биргалигида кураш борасида, Президент Ислом Каримов доимо халқаро ва минтақавий ташкилотларда қилган ўз маърузаларида бунга биргаликда кураш масаласини илгари суриб келмоқда. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига Ўзбекистоннинг аъзо бўлишида ҳам чуқур маъно бўлиб, бунда терроризм, диний экстремиз, сепаратизмга биргаликда кураш масаласига алоҳида эътибор берилган. Тошкент шаҳрида ШХТнинг Аксилтеррор марказининг ташкил этилиши ҳам шундан далолат беради. Ҳар бир фуқаро бунга нисбатан сиёсий онглилиги билан қарши курашмоқ керак.

2000 йил 6 сентябрида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида"ги Фармони ҳозирги кунда ҳам амалда қўлланилмоқда. Мазкур фармонда Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатлар ҳудудидаги террорчи гуруҳлар таркибига кириб қолган, оғир жиноятлар содир этмаган, Ватанга, ота-онаси бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиришни ният қилган шахсларга яна бир имконият бериш, уларни беҳуда жабр тортишига йўл қўймаслик сингари инсонпарварлик туйғуси ифодаланди.

2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган матбуот анжуманидаги баёнот ва мухбирларнинг саволларига Президент Ислом Каримов "Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтаролмайди" мавзуида суҳбат ўтказиб, берилган саволларга жавоб берди. Суҳбат 2005 йил 14 майда Тошкент, Оқсарой биносиде бўлиб ўтди. Андижон шаҳрида одамлар қурбон бўлишига олиб келган бир қатор террорчилик ҳаракатлари ваҳшийларча босқинчилик содир этилди. Оқибатда 169 киши ҳалок бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан ЎзР Жиноят кодексининг терроризм, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, икки ва ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, уюшган жиноий гуруҳлар тузиш, оммавий тартибсизликлар уюштириш, гаровга олиш, қонунга ҳилоф равишда ўқотар қуролларини, ўқдори, портловчи қурулмаларини қўлга киритишга оид моддалар бўйича жиноий иш қўзғотилди. 81 жиноятчи қўлга олинган. Қўлга олинган ва ҳалок бўлганларининг 50 таси Ўзбекистон фуқароси эмаслиги аниқланди, 5 нафари Қирғистон фуқароси бўлиб чиқди. Жиноятчилар хорижда ишлаб чиқарилган ва рақамлари ўчирилган автоматлар, тўппончалар ва снайперлик милтиқлари билан қуролланган бўлган. Террорчилар жами 305 дона қурол-аслаҳани, шу жумладан 205 та автомат ва 100 та тўппанча, 261 та граната ва бошқа қуролларни қўлга киритган.

Иккинчидан, бу қора гуруҳлар Қирғистонда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ва марказий ҳокимиятнинг заифлигини кўрсатади. Қирғистондаги воқеаларнинг келиб чиқишига бўлган иккинчи сабаб, бу ҳокимиятнинг заифлиги. Бу ерда сабаб ва оқибатнинг мантиқий боғлиқлиги мавжуд. Грузия ва Украинага нисбатан гапини такрорлайдиган бўлсам вазиятга ташқаридан аралашиб деб аталадиган омиллар дастлабки иккита сабаб иш бергандагина самарали бўлиши мумкин. 1) аҳолининг норозилиги, 2) ҳукумат томонидан халқнинг аҳволини англаш, коррупция ботқоғига ботиб қолиши сабаб бўлган.

Учинчидан, Андижондаги жангариларнинг орасида қўшни давлатлардан келганлар ҳам бор, четдан ёрдам бўлмаса, ҳомийлари моддий ёрдам кўрсатмаса улар ҳеч қачон бундай чуқур тайёргарлик кўрмаган бўларди.


Тўртинчидан, жангарилар Андижон халқи аҳолиси бизларни қўллаб-қувватлайди деб ўйлашган. Улар маъмуриятни эгаллаш, одамлани, халқни қўзғотишга чақириш бўлган.

Бешинчидан, жангариларнинг асосий нияти шундай вазиятлардан фойдаланиб, вилоятда халқ сайлаган конституцион ҳокимиятни ағдариш, халифалик деган ҳокимиятни ўрнатиш эди. Шундан сўнг Президент Россия, Юрий Черногаев, "Франс-пресслиги" ва бошқа журналистлар саволарига жавоб берди.

15.3. Иқтисодий ва сиёсий барқарорликнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда миллатлараро тотувликнинг муҳим шартлари.

Президент Ислом Каримов мустақилликнинг ўтган йилларидан ҳамиша иқтисодий, яъни макроиқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш масаласини кун тарихига долзарб вазифа сифатида қўйиб келмоқда. Жумладан, 2007 йилнинг энг муҳим 7 та устувор йўналишларидан **биринчиси**, иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш масаласини илгари сурди. Макроиқтисодий барқарорлик сиёсий барқарорлик билан чамбарчас боғлиқ. Сиёсий барқарорликнинг ўзи эса, аввало мамлакатда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ғоялари билан ҳам узвий боғлиқ (15.5-чизмага қаранг).

15.5-ЧИЗМА



Миллий-маданий марказлар – халқларнинг маънавий яқинлиги манбаидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб аниқ белгилаб қўйилган. «Ўзбекистон халқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қиладиган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари Конституциямизда «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди,


уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб таъкидланган. Бу борада ҳаётимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республика Байналминал Маданият Маркази (РБММ) ва миллий маданият марказлари (МММ)нинг фаолияти бу ерда яшовчи халқларнинг миллий анъаналари, урф одатлари ва маросимларини қайта тиклаш, маънавият ва маданиятни ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга қаратилган. Турли миллатларга мансуб фуқароларимизнинг катта умумхалқ байрамларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, мамлакат маданий турмушидаги шонли воқеаларни нишонлашда фаол иштирок этаётганликлари самимий саховат ва меҳр оқибат муҳитини яратмоқда. Бу муҳит бизга ягона оила туйғусини қайта-қайта ҳис этиш «Ўзбекистон умумий уйимиз» деган сўзлар замиридаги чуқур маънони англаб олиш имконини беради.

Ҳукумат қарорига биноан Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида Республика миллатлараро маданият маркази ташкил этилди. Аммо бу марказларнинг чинакам ривожланиши ва равнақ топиши 1991 йилдан мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бошланди. 1992 йилнинг январида Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси билан Республика миллатлараро Байналмилал маркази қошидаги Маданият ишлари вазирлиги Республика «байналмилал маданият» марказига айлантирилди.

1992 йилда 12 та миллий-маданий марказ фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти - «Байналминал маданият» 2005 йилга келиб 120 га яқин марказлар ишини мувофиқлаштириб келмоқда. Бугунги кунда ана шундай марказларни тузиш бўйича 15 та ташаббускор гуруҳ иш олиб бормоқда.

15.6-ЧИЗМА



ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

1. Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик асослари.

Ўзбекистонда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқли муносабат давлат қонуни билан мустаҳкамланган. Бунинг ижобати мактабларимизда 9 та миллий тилда ўқитиш ишлари, 20 тилда оммавий ахборот нашрлари фаолият кўрсатаётганлигида кўринмоқда.

Мазкур миллий-маданий марказларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашдаги роли беқиёсдир. Миллий маданий марказларнинг асосий вазифалари 3 йўналишга эга:

1) Ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва расм-русумларини тиклаш, тарихий Ватан билан алоқа ва муносабатларни жонлантириш, миллий ҳис-туйғуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очиш.

2) Мустақил Ўзбекистонни ўзининг ҳақиқий ватани деб билиш ва унга беминнат ҳамда садоқат билан хизмат қилиш.

3) Ватан билан муштарак ҳаёт кечириш, унинг маданияти, турмуш тарзи ва тилини ўрганиш, мустақил давлатга номи берилган миллат билан дўстликда, ҳамкорликда ва тотувликда яшаш.

Ана шу 3 йўналишда олиб борилаётган ишлар йил сайин янгидан-янги шаклларда, турларда, йўналишларда ранг-баранг бўлиб бормоқда. Шу жумладан:

- ўз миллий тарихини, маданиятини, тилини, урф-одатларини ўрганиш тўғараклари ишланмоқда;

- Ўзбекистон тарихини, маданиятини ва тилини ўрганиш тўғараклари фаолият кўрсатмоқда;

- миллий мусиқа, рақс ва ҳунар тўғараклари ўз ишини кенгайтирмоқда;

- миллий байрам кунларига бағишлаб тадбирлар ўтказмоқда, фестиваллар ташкил қилмоқда;

- тарихий Ватаннинг рассомлари, ёзувчилари, шиорлари, оқиллари ва бахшилари, маданият ва сиёсат арбобларига бағишланган кўرғазмалар ташкил қилинмоқда;

- тарихий Ватандан келган сиёсий арбоблар ва маданият намоёндалари билан учрашувлар ўтказилмоқда ва ҳ.к.

Умуман, миллий маданият марказлари Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларининг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўқув юртлари ва мактабларда бунга амал қилинаётгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани ва бошқа ишлар ҳам бу борада самарали фаолиятнинг яққол далилидир.

Ҳар қандай полиэтник давлатда турли миллатлар ўртасидаги муносабатлар давлат ва жамият тараққиётига замин яратувчи омиллардан ҳисобланади.

2. Бағрикенглик ғоясини қуйидаги схема асосида тасвирлаш мумкин (5.-6-чизма).

3. Миллий-диний бағрикенглик ғояси ҳамда унинг тарихий ва ҳуқуқий асослари.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик нима?
2. Зарарли ғоялар таъсири қандай намоён бўлади?
3. Ижтимоий-сиёсий бағрикенглик белгилари ва унинг зарурлиги нималарда акс этади?
4. Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг қандай ички омиллари бор?
5. Хавфсизлик ва барқарорлик тушунчаларини баён этинг?
6. Терроризм нима?
7. Макроиктисодий барқарорлик нима учун керак?
8. Миллатлараро тотувлик нималар билан боғлиқ?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. –3–15-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка, таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6.-Т.: «Ўзбекистон», 1997. 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.7. -Т.: «Ўзбекистон», 1998, 132-154-бетлар.
4. Каримов И.А. Жамят мафкуриси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. Т.7.-Т.: «Ўзбекистон», 1999. 84-102-бетлар.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 5-33 бетлар.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. 489-508-бетлар.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. 462-467-бетлар.
8. Каримов И.А. Хушёрликка даъват. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. 18-31-бетлар.
9. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига сўз боши. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. 220-224-бетлар.
10. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч - қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ. -Т.: «Ўзбекистон», 2004.
11. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч - қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. -Т.12. -Т.: «Ўзбекистон», 2004. - 400 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: «Ўзбекистон», 2005. -96 б.
13. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш - ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 285–312-б.
14. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –313–337-б.
15. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –156–223-б.
16. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 61–97, 139–153, 248–265-б.
17. Каримов И.А. Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 11-б.
18. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
19. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамяти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.
20. Каримов И.А. Жамятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
21. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
22. Раҳимов И., Зоҳидов А., Азизов Ш., Аюпов А. ва бошқ. Мустақиллик мафкуриси ва Ўзбекистонда демократик жамят қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: «Университет», 2001. 232-бет.

23. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.
24. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 3-44-бетлар.
25. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: Тошкент Молия институти, 2004, 3-180-бетлар.
26. Саифназаров И., Каримов Т.: Мухтаров А. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги терроризмга қарши қафолатдир. -Т.: «Янги аср авлоди», 2004. - 56 б.
27. Саидолимов С.Т. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашнинг айрим жиҳатлари. «Халқаро муносабатлар» журнали, 2004, №1, 20-22-бет.
28. Бекмуродов А.Ш., Маънавий-маърифий фаолият: устувор масалалар ва инновациялар. - Т.: ТДИУ, 2005. - 44 б.
29. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 240 б.
30. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт нашриёти», 2005. – 160 б.
31. Абдуллаев М. ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 528 б.
32. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 160 б.
33. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2006. – 280 б.
34. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 204 б.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) 1999 йил 14 апрель Қонуни.
4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида”ги 2002 йил 12 декабрь Қонуни.
5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги 2002 йил 12 декабрь Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши. «Маърифат», 2001 йил 20 январь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи”, 2006 йил 26 август.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи”, 2007 йил 12 апрель.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи”, 2007 йил 12 апрель.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364-б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т. 2.- Т.: Ўзбекистон. 1996. – 380-б.
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.- Т.: Ўзбекистон. 1996. – 366-б.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4.- Т.: Ўзбекистон. 1996. – 349-б.
5. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишаш – давр талаби . Т. 5.- Т.: Ўзбекистон. 1997. – 384-б.
6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6.- Т.: Ўзбекистон. 1998. – 429-б.
7. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 3.- Т.: Ўзбекистон. 1999. – 410-б.
8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8.- Т.: Ўзбекистон. 2000. – 528-б.
9. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз . Т. 9.- Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432-б.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак . Т. 10.- Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432-б.
11. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11.- Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320-б.

12. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихат-лигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т. 12.- Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400-б.
13. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13.- Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448-б.
14. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. - . Т. 14.- Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280-б.
15. Каримов И.А. Жамятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 400-б.
16. Каримов И. А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазирамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 48-б.
17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48-б.
18. Каримов И. А. Демократия ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамяти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, НМИУ 2007. – 64-б.
19. Каримов И.А. Жамятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 3-11, 154-211-241-251-б.
20. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
21. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир // “Халқ сўзи”, 2008 йил 9 февраль.

III. Дарсликлар

Ўзбекистон Республикасида чоп этилган.

1. Эргашев И. ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамят қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: “Наврўз”, 2005.
2. Алиев Б., Ҳошимов Т. ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамят қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007. – 240 б.

IV. Ўқув қўлланмалар

Ўзбекистон Республикасида чоп этилган.

1. Мирзаев А. Ўзбекистонда демократик жамят қуриш назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДТУ, 2000. – 328 б.
2. Раҳимов И., Зоҳидов А. ва бошқалар. Мустақиллик мафқураси ва Ўзбекистонда демократик жамят қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари асосида). – Т.: “Универсиет”, 2001. – 232 б.
3. Азизхонов А.Т. ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамят қуриш назарияси ва амалиёти. Маърузалар матни. – Т.: ЎАЖБНТ маркази, 2001. – 336 б.
4. Жўраев С. Фуқаролик жамяти: назария ва амалиёт. – Т.: ТДШИ, 2003. – 364 б.
5. Жалилов Ш.И. Фуқаролик жамятининг пойдевори. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. 208 б.
6. Султонов Т., Ҳайитов А. Демократик жамят сари: парламент сайловлари ва сиёсий партиялар. – Т.: ТДИУ, 2004. – 64 б.
7. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Ўқув қўлланма. – Т.: ТМИ, 2004. – 188 б.
8. Азизхонов А.Т., Ефимова Л.П. Теория и практика строительства демократического общества в Узбекистане. – Т.: Национальный университет Узбекистана им. М.Улугбека, 2005. – 372 с.

9. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси” нашриёти., 2005. – 160 б.
10. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006.
11. Алиев Б., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув-услубий қўлланма (илғор педагогик ва ахборот технологиялари асосида). – Т.: ТДИУ, 2006. – 160 б.
12. Дўстжонов Т., Мирхамидов М., Ҳасанов С. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2007. – 540 б.
13. Алиев Б., Ҳошимов Т. ва бошқалар. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан ўқув-услубий қўлланма (янги педагогик технологиялар асосида). – Т.: ТДИУ, 2007. – 167 б.
14. Ҳошимов Т., Султонов Т. ва бошқалар. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан тестлар тўплами. – Т.: ТДИУ, 2007. – 67 б.

V. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

1. Сабитов Ш.А. Внешняя политика Китая в годы реформ (1978-1998 гг.) и перспективы сотрудничества с Республикой Узбекистан. Диссертация на соискание ученой степени кандидата политических наук. Тошкент – 2004.
2. Муллажанова М.М. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда ижтимоий ва сиёсий институтларнинг роли. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси., ТДИУ, 2006. – 160 б.
3. Идилов У.Ю. Ҳозирги замон демократлашув жараёнларининг концептуал асослари ва мустақил Ўзбекистон тажрибаси. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси., ТДШИ, 2006. – 260 б.
4. Масимов А.А. Мустақиллик шароитида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари геосиёсатидаги ўзига хос туган ўрни. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. – Т.: ЎЗРТИВ МИДУ, ТДАИ, 2007. – 27 б.
5. Камаров А.Н. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида халқаро терроризмга қарши курашни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари. Юридик фанлар илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. – Т.: ЎЗРТИВ, МИДУ, 2007. – 25 б.

VI. Илмий монографиялар, мақолалар ва бошқа асарлар

1. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. – Т.: Адолат, - 1997 – 256-б.
2. Темур тузуклари. -Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт- матбаа бирлашмаси, 1991. – 144-б.
3. Аъзамхўжаев А. А. ва бошқ. Политология асослари. – Т.: “Университет” 1992. – 224-б.
4. Шарипов Ф. Ш. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. – Т.: “Ўзбекистон” 1992. -431-б.
5. Рамозонов И., Мўминов Э. Политология. Дарслик. – Т.: Адолат, 1997 – 320-б.
6. Отамуротов С. Эргашов И., Ақромов Ш. , Қодиров А. Политология. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 254-б.
7. Эргашов И. ва бошқ. Политология. Маърузалар матни. – Т.: “ЎАЖБНТ” маркази, 2000. – 216-б.
8. Эргашов И. Политология. Ўқув қўлланма. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти “ЎАЖБНТ” маркази, 202. – 283-б.
9. Пугачев В. П. , Соловьев А. И. Сиёсатшуносликка кириш. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. – 256-б.

10. Султонов Т. ва бош. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДМИ, 2005.-120-б.
11. Ходиев Б. Ю. ва бош. Политология фанидан ўқув услубий қўлланма.- Т.: ТДИУ, 2005. – 94-б.
12. Ўзбекистонда Политология: (2001 йил 18 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика илмий – амалий конференцияси материаллари). Т.: “Шарқ”, 2002. – 192-б.
13. Алиев Б. , Султонов Т. Ва бош. Политология фанидан ўқув – услубий модуль. – Т.: ТДИУ, 2006.-172-б.
14. Бобоева А. ва бошқ. Политология фанидан ўқув – услубий мажмуа. – Т.: ТДИУ, 2006.- 168-б.
15. Алиев Б. Султонов Т. ва бошқ. Политология. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИОИ, 2006. – 306-б.
16. Мельвиль А. Ю. ва бошқалар . Политология . Учебник. – М.: Проспект, 2005. – 624-б.
17. Латышева В. В. Основы социологии и политологии. Учебник. – М.: Гардарики, 2005. – 336 с.
18. Олейник И. Политология. М.: Форум, 2005.-160 с.
19. Кравченко А. И. Политология: Учебник. – М.: Т.К. Велби, Изд-во Проспект, 2005. 448 с.
20. Демидов А. И Долгов В. М., Малько А. В. Политология: Учебник. – М.: Гардарики, 2005.-397 с.
21. Перевалов В. Д. Политология: Учебник для Вузов.-М.: норма, 2005. – 384 с.
22. Политология: Учебник. – М.: Юрайт – здат, 2006.- 692 с.
23. Васильенко И. А. Политологи: Учебник. М.: Гардарики, 2006. – 286 с.
24. Смолинг О. Н. Политические процесс в современной России: Учеб. Пособие. – М.: Т.К. Велби – Изд-во. Проспект, 2006. 336 с.
25. Гаджиева К. С. Политология: Пособие для сдачи экзамена.- М.: Высшая образование, 2006.-207 с.
26. Гидденс Эмтони. Социология Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Т.: (Шарқ) , 2002. – 848-б.
27. Жўраев Н. Юксалиш. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
28. Жўраев Н. Агар огоҳ сен Т.: “Ёзувчи”, 1998. – 272 б.
29. Жўраев Н. Тарих фалсафаси: тушунча, моҳият ва сиёсат. – Т.: “Маънавият”, 1999. – 192 б.
30. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. Маъруза матни. – Т.: “Маънавият”, 2000. – 16 б.
31. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. Маъруза матни. – Т.: “Маънавият”, 2001. – 24 б.
32. Жўраев Н. Ғоявий иммунитет ёки маънавий холоскорлик туйғуси. – Т.: “Ўзбекистон”. 2001.
33. Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш. – Т.: “Шарқ”, 2001.
34. Янгиланишлар концепцияси яратилиши, эволюцияси ва амалиёти. – Т.: 2002.
35. Жўраева Н., Азизов Ш. Ижтимоий асослари. –Т.: “Маърифат-Мадаккор“, 2003.-384 б.
36. Назаров Қ. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – “Янги аср авлоди”, 2001.-184 б.
37. Назаров Қ. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар ва атамалар (Қиска изоҳли тажрибавий луғат). – Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.-192 б.
38. Назаров Қ. ва бошқ. Фалсафа: қомусий луғат. -Т.: “Шарқ”, 2004.- 496 б.
39. Назаров Қ. ва бошқ. Фалсафа асослари.-Т.: “Ўзбекистон”, Нашриёт - Матабаа ижодий уйи, 2005.- 382 б.
40. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: Назария ва амалиёт. – Т.: ТДШИ, 2003. – 364 б.
41. Усмонов Қ. Ўзбекистонда Парламент тараққиётининг янги босқичи.-Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2004.- 48 б.
42. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи илм (дин, фалсафа, ҳаёт, маънавият ва маърифат сабоқлари) . – Т.: “Моварауннахр” 2002. – 720 б.
43. Эргашов И. Сиёсат фалсафаси. – Т.: Академия, 2004. – 132 б.
44. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили.-Т.: “Шарқ”, 1999. – 224 б.

45. Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш. Ғ. Сиёсий маданият. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2004. – 304 б.
46. Қуронов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя. – Т.: “Манавият”, 2005. – 96 б.
47. Шарифхужаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати.-Т.: - “Шарқ” 2005.- 40 б.
48. Одилқориев Х.Т. Икки палатали парламент шароитида қонунчилик жараёни.- Т.: - “Ўзбекистон”- 2005. 40 б.
49. Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ. – “Фан” 2005. – 156 б.
50. Қирғизбоев Б. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба.-Т.: “Янги авлоди”, - 2006. – 204 б.
51. Усмонов А., Воҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.-Т.: “Шарқ” 2006. – 480 б.
52. Тўхлиев Н. ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. - Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 280 б.
53. Абдуллаев М. ва бошқ. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 258 б.
54. Назаров Қ., Холбеков А. ва бошқалар. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: “Академия”, 2007. – 352 б.

VII. Интернет сайтлари

1. www.ref.uz.
2. www.zuyo.edu.uz.
3. www.gov.uz.
4. www.gogle.uz.
5. www.yandex.ru.
6. www.referat.ru.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА РИВОЖЛАНИШИ	4
1-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	4
1.1. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанининг предмети, объекти, услуги ҳамда унинг манбалари.....	4
1.2. Ушбу фаннинг асосий тушунчалари, қонуниятлари ва унинг бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар орасида тутган ўрни.....	10
1.3. Мазкур фанни ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти.....	13
2-МАВЗУ. ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ДАСТЛАБКИ ҚАРАШЛАР ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ	17
2.1. Ўзбекистон замида адолатли жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар.....	17
2.2. IX-XV асрларда давлатни бошқариш ва адолатли жамият қуриш ҳақидаги ғоялар.....	18
2.3 XV-XX асрларда Ўрта Осиёда давлат ва жамият қурилишининг ижтимоий-сиёсий ҳолати ҳамда истилочилар сиёсатиға қарши маърифатпарварлик ғоялари.....	25
2.4. XX аср иккинчи ярмида давлат ва жамият қуришнинг «советча» кўриниши ҳамда миллий мустақиллик ва Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришлар сари йўл тутиши.....	29
3-МАВЗУ. МУСТАҚИЛЛИК ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»	35
3.1. Демократик жамият қуришнинг турли хил миллий моделлари ва Ўзбекистонда унинг ўзига хос хусусиятлари.....	35
3.2. Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» асари ҳамда унинг тарихий аҳамияти.....	41
3.3. «Дунёвий давлат» қуришда «Ўзбек модели»нинг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт соҳаларида намоён бўлиши.....	43
4-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА «ЎТИШ ДАВРИ»НИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	47
4.1. Ўтиш даври тушунчаси, унинг моҳияти ва умумий қонуниятлари.....	47
4.2. Ўтиш даврининг «классик», «инқилобий», «эволюцион», «Шок терапияси» ва ислохот йўллари.....	54
4.3. Ўзбекистонда Ислом Каримов томонидан демократик жамиятга ўтишнинг назарий, концептуал методологиясининг ишлаб чиқилиши.....	59
5-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МИЛЛИЙ, УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ	63
5.1. Демократик жамиятнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва қадриятлар тушунчаси.....	63
5.2. Миллий тамойиллар ва қадриятларнинг демократик жамият қуришда ақс этиши.....	70
5.3. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлашуви ва унинг тарихий аҳамияти.....	77
II БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ.....	83

6-МАВЗУ. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ АСОСИ.....	83
6.1. Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилишида қонун устуворлиги тамойилининг моҳияти, мазмуни ҳамда унинг мустақамланиши.....	83
6.2. Давлат ҳокимияти тизимининг бўлиниш принципи ва Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи.....	89
6.3. Президентлик институти ва унинг шаклланиши.....	97
7-МАВЗУ. МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ НЕГИЗЛАРГА ТАЯНИШ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ.....	101
7.1. Миллий-маънавий негизлар тушунчаси, мазмуни ва моҳияти ҳамда мустақиллик, демократик жамият қурилишида унинг янги мазмун касб этиши.....	101
7.2. Демократик жамият қурилишида миллий ғоя ва маънавий негизларга таяниш зарурати ҳамда унга зид жараёнларга қарши курашиш.....	108
7.3. Миллий ва маънавий ўзгаришларнинг давлат ва жамият қурилишида ақс этиши.....	120
8-МАВЗУ. ФУҚАРО ЭРКИНЛИГИ ВА ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ОМИЛИ.....	126
8.1. Фуқаро эркинлиги ва фаоллигининг турлича талқинлари. Форобий комил инсон ва фозил жамоа тўғрисида.....	126
8.2. Инсон фаоллигининг асосий мезонлари: ҳозирги даврда инсон, жамият ва давлатлар ўзаро муносабатлари.....	131
8.3. Фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишнинг зарурий шарти.....	132
9-МАВЗУ. ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ.....	142
9.1. Демократик жамиятда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш тушунчаси ва унинг мазмуни.....	142
9.2. Ўзбекистонда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш босқичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	148
9.3. Тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш – демократик жамият ривожининг зарур шарти.....	156
10-МАВЗУ. ОИЛА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ	161
10.1. Демократик жамиятда оила институтининг ўзига хослиги ҳамда унинг ҳуқуқий асослари.....	161
10.2. Оилага давлат ва жамият эътибори ҳамда Ўзбекистондаги оилаларнинг таркибий жиҳатлари.....	165
10.3. Ўзбекистонда оилавий муносабатлар ва фарзанд тарбияси ҳамда демократик жамият қуришда оила ролининг ошиб бориши.....	168
11-МАВЗУ. ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ШАКЛЛАНИШИДА МАҲАЛЛА ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ	172
11.1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари.....	172
11.2. Мустақиллик йилларида «Маҳалла»нинг демократия мактабига айланиши....	176
11.3. Демократик жамият шаклланишида маҳалла институти.....	179
12-МАВЗУ. ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШДА НОДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ЎРНИ	183
12.1. Нодавлат ноижорат ташкилотлари тушунчаларининг мазмун ва моҳияти	183
12.2. Нодавлат ноижорат ташкилотларнинг функциялари	187
12.3. Нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишдаги аҳамияти	192

12.4. Ўзбекистонда демократик жамиятни қуришда сиёсий партиялар ва кўппартиявийлик	194
13-МАВЗУ. ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	204
13.1. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя сиёсати. Шарқ мутафаккирлари ижтимоий адолат тўғрисида	204
13.2. Мустақиллик даврида адолат тушунчасининг янги мазмуни	206
13.3. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг хусусиятлари	207
13.4. Ижтимоий ҳимоя тизимининг жаҳон тажрибаси	212
III БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ.....	227
14-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНИШИ	227
14.1. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли субъектига айланиши....	227
14.2. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик алоқаларида демократик тамойиллар	234
15-МАВЗУ: ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ШАРТИ.....	251
15.1. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик тушунчасининг моҳияти, белгилари ва унинг зарурлиги.....	251
15.2. Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг ички ва ташқи омиллари ҳамда терроризм хавфи ва унга қарши курашиш.....	256
15.3. Иқтисодий ва сиёсий барқарорликнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда миллатлараро тотувликнинг муҳим шартлари.....	263
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	268

